

# ИКТИСОДЧИЛАР МАСКАНИ

44.58

U 99

ЎЗБЕКИСТОН ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

# ИҚТИСОДЧИЛАР МАСКАНИ

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА  
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ  
БОШ ТАҲРИРИЯТИ  
ТОШКЕНТ — 2001



М а съул мұхаррір:  
Ўзбекистон Фанлар Академиясининг  
академиги С. С. Гуломов.

Тақризчилаr:  
Ўзбекистонда хизмат күрсатған фан арбоби,  
иктисод фанлари доктори, проф. Э. А. Акрамов,  
Ўзбекистонда хизмат күрсатған халқ таълими ходими,  
проф. Т. Ш. Шодиев.

Ушбу монография Республикамиз иқтисодчиларининг маскани, иқтисодиёт илмининг буюк чашмагоҳларидан бири Тошкент Давлат иқтисодиёт университетининг шаклланиши ва ривожланиши фаолиетига бағишланган.

Үнда шу кунгача бўлган университетнинг мураккаб ва шонли босиб ўтган йўли амалиёт маълумотлари асосида ўзининг илмий таҳлилини топган. Китобда университетнинг ўқув-услубий, илмий-тадқиқот, маънавий-маърифий ва маданий соҳаларда эришган ютуқлари, мавжуд қийинчиликлар ва тадбиркорлик соҳасидаги тажрибаси умумлаштирилган. Университетнинг хорижий мамлакатлар билан кенг ва ҳар томонлама алоқалари ўз ифодасини топган. Унинг кела-жаги ҳақида фикр юритилган.

Муаллифлар: и.ф.д., проф. Р. Х. Алимов, и. ф. д., проф. Қ. А. Алимов, проф. Г. Н. Ахунова, и. ф. д., проф. Ж. Жалолов, и. ф. д., проф. Н. М. Махмудов, и. ф. д., проф. Х. Р. Раимов, и. ф. д. Б. Ю. Ходиев, ф. ф. д., проф. И. С. Саифназаров.

**Иқтисодчилар маскани / Муаллифлар: Р. Х. Алимов, Қ. А. Алимов, Г. Н. Ахунова ва бошқ./: Масъул мұхаррір: С. С. Гуломов. — Т.: «Шарқ», 2001 — 192 б.**

Сарлавҳада: Ўзбекистон Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Тошкент Давлат иқтисодиёт университети.

ББК 74.58(5У) + 65(5У)

## МУНДАРИЖА

<b>Куч — билимда (Муқаддима ўрнида)</b>	4
<b>I б о б. Иқтисодиёт бўйича кадрларни тайёрлашда</b>	
<b>ТДИУнинг ўрни</b>	
1. Университетнинг шаклланиши ва ривожланишининг асосий босқичлари	15
2. Таълим тизими ва иқтисодий билимлар	42
3. Илмий юксалиш йўлида	58
4. Университетда маънавият, маърифат ва маданият	75
<b>II б о б. Замон билан ҳамнафас таълим</b>	
1. Магистратура — янги таълим тури	89
2. Махсус таълим	92
3. Сиртқи таълим: кеча, бугун ва истиқболда	98
4. Ўқув-маслаҳат пунктлари тажрибасидан	104
<b>III б о б. Хорижий мамлакатлар билан алоқалар ва</b>	
<b>мутахассислар малакасини ошириш</b>	
1. Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва малакасини ошириш	111
2. Хорижий шериклар билан ҳамкорликда илмий тадқиқотлар ўtkазиш	133
3. Маҳорат ва юксалиш мактаби	140
<b>IV б о б. Истиқбол сари</b>	
1. Иқтисодиёт гимназияси — иқтисодий таълимнинг бошланғич маскани	148
2. Академик иқтисодий лицей — мустақиллик меваси	152
3. Бизнес мактаблари — янти типдаги таълим маскани	159
<b>V б о б. Халқ ғамида</b>	
1. Касаба уюшмаси жамоамиз хизматида	167
2. Тадбиркорликни ривожлантириш — долзарб масала	172
3. Фидоий раҳбарлар	177
<b>Хулоса</b>	187

## КУЧ — БИЛИМДА (Муқаддима ўрнида)

Мамлакатимиз Президенти И. А. Каримов ўз асарлари ҳамда маърузаларида билимнинг аҳамияти ва қудрати ҳақида алоҳида таъкидлаб ўтдилар. Президентимиз «Ҳалқимизнинг келажаги, энг аввало, унинг ўзига, маънавий қудратига ва миллий онгининг ижодий кучига боғлиқдир»<sup>1</sup> деб, ўз холосавий фикрларини «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарларида баён этганлар. Ҳақиқатдан ҳам ҳалқнинг билим доирасининг кенглиги, ижодкорлиги ва маънавиятининг юксак шаклланганлиги унинг келажагини таъминлашга асос бўлиб хизмат қилиши мустақилликка эришганимиздан кейинги йилларда амалда аниқ намоён бўлиб бормоқда.

Маънавият ва маърифат ҳалқимизнинг кўп асрлик тарихи давомида доимо унинг энг кучли хусусияти бўлиб келган. Шунинг учун ҳам Президентимиз айтганларидек, «Моддий фаровонликка табиий интилиш миллатнинг маънавий ва акълий ўсиш эҳтиёжига фов бўлмаслигига алоҳида эътиборни қаратиш зарур. Шундагина мамлакат ривожланиш йўлидан боради»<sup>2</sup>. Шундай экан, мамлакатни жадал ривожлантириш борасидаги дастурий вазифаларни амалга оширишда фанни ва илмий инфраструктурани ривожлантириш фойят муҳим аҳамиятга эга бўлиб қолади. Бу борада Республикаизда фаннинг қудратли интеллектуал салоҳияти яратилган. У ҳаётимизнинг барча соҳаларида амалда кўлланмоқда ҳамда ватанимизнинг миллий давлатчилиги ва иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлаш учун асос бўлиб хизмат қилмоқда.

<sup>1</sup> И. Каримов. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т., «Ўзбекистон», 1998 й., 535—536-бетлар.

<sup>2</sup> Ўша жойда. 536-бет.

Табиий заҳиралар чегараланганлиги туфайли корхоналар ҳамда давлат фаолиятининг муваффақияти ҳозир кўп жиҳатдан фан-техника тараққиёти ютуқлари, чуқур илм талаб қиласидан технологиялар қанчалик кенг жорий этилаётганлиги, кадрларнинг касбий тайёргарлиги даражаси билан белгиланади.

Ҳаммамизга маълумки, тарих миллатнинг ҳақиқий тарбиячисига айланниб бормоқда. Буюк аждодларимизнинг ишлари ва жасоратлари тарихий хотирамизни жонлантириб, янги фуқаролик онгини шакллантирмоқда. Гарихан Ўзбекистон Республикасида шаклланган интеллектуал салоҳият ўзининг ривожланиш даражаси жиҳатидан, инновацион кашфиётлар, имкониятлари билан ҳозирги вақтда жаҳондаги кўпгина ривожланаётган мамлакатлардан илгарилаб кетган. Шуни таъкидлаш жоизки, фанимиз, ақл-заковат салоҳиятимизнинг поёб биносига бундан кўп асрлар муқаддам пойдевор солинган эди.

Мамлакатимиз фани жуда қадим замонлардан юксала бошланганини, унинг чуқур ва қудратли илдизлари борлигини фахрланиб айта оламиз. У асрлар давомида ўзбек миллатига, қолаверса, бутун инсониятга табиат сирларини ўрганишда, тиббиёт, фалсафа, ҳуқуқшунослик, илоҳиёт, адабиётшунослик, тилшунослик ва кўпгина буюк соҳаларда ишончли хизмат қилиб келмоқда. Узоқ ўтмишдаёқ ўзбек ҳалқининг илфор мутафаккирлари олиб борган тадқиқотлар, уларнинг амалга оширган кашфиётлари жаҳон, умуминсоният фани ва маданиятининг олтин хазинасини ташкил этади.

Билимлар хазинасини очган буюк аждодларимизнинг номлари бутун дунёда машҳур. Булар буюк математик ва астрономлар ал-Хоразмий, ал-Фарғоний, Жавҳарий, Марвазий, Улуғбек; файласуф ва илоҳиётчи ҳуқуқшунослар Фаробий, Имом ал-Бухорий, Имом ат-Гермизий, Марғиноний, Насафий; қомусий олимлар Беруний, Ибн Сино; тилшунос-шоирлар Қошғарий, Юсуф Ҳос Хожиб, аз-Замахшарий, Алишер Навоий; тарихчи Абу Бакр Наршахий, буюк мусаввир Камолиддин Беҳзод ва бошқа кўпгина улуғ зотлардир.

Олимларимиз тарихий меросимизни чуқур ўрганиб, ёнг яхши анъаналарни ўзлаштириб, буюк аждодларимизнинг ишларини муносиб давом эттироқдалар. Зиёлиларимизнинг муҳим фазилати ҳамма вақт билимга, илфор илмий тафаккурнинг олдинги мэрраларида

бўлишга интилишдан иборат. Улар янги, кам ўрганилган, долзарб муаммоларни тадқиқ қилишга дадил киришиб, ўз меҳнатлари билан Республикализни ижтимоий-иқтисодий ривожлантирилишига, инновацион салоҳиятини мустаҳкамлашга сезиларли ҳисса қўшмоқдалар.

Ҳозир Ўзбекистон Марказий Осиёдаги йирик илмий марказдир. Бу марказ тадқиқот учун зарур бўлган моддий асосга, кенг илм-фанга, малакали илмий кадрларга эга.

Ўзбекистоннинг ҳақиқий бойлиги ва мулки унинг меҳнатсевар, сахий ва меҳмондуст халқидир. Ҳозирги пайтда Республикализ қудратли меҳнат салоҳиятига эга. Унинг муҳим хусусияти эса таълим даражасининг юқорилигидир. Республикада аҳолининг ялпи саводхонлиги муаммоси тўла ҳал қилинган. Саводхонлик даражаси 99,06 фоизни ташкил этади. Бу Республикализни юқори даражада ривожланган иқтисодий тараққий этган мамлакатлар билан бир қаторга олиб чиқади. Бунга эришишимизда мамлакатимиз раҳбарияти ва шахсан Президентимиз И. А. Каримовнинг гамхўрлиги ва хизматларини таъкидлаб ўтмоқ лозим.

Кейинги йилларда бизнинг Республикаизда таълим соҳасига бошқа мамлакатларга нисбатан кўп маблағ сарфланмоқда. Жаҳон банки маълумотларига кўра 1999 йилда ялпи ички маҳсулотга нисбатан таълим соҳасига ажратмалар агар Россияда 3,4 фоизни, АҚШ, Франция, Буюк Британияда 5,3—5,5, Данияда 8,4, Швецияда 7,8 фоизни ташкил этган бўлса, Ўзбекистонда бу кўрсаткич 8,1 фоизга teng бўлди.

Меҳнат заҳираларининг умумий ва профессионал таълим даражаси ҳам юқоридир. Республикада мажбурий умумий ўрта таълим қонун йўли билан мустаҳкамлаб қўйилган. Бундай таълимни умумий таълим мактаблари, лицейлар, гимназиялар, коллежлар, ўрта касбхунар ўқув юртлари ва тижорат мактабларининг кенг тармоғи орқали олиш мумкин.

Бу борада қизиқарли ва намунали статистика мавжуд. Ўн беш ва ундан катта ёшдаги ҳар минг кишига ҳисобланганда, 2000 йилда олий ва тўлиқсиз олий маълумотлилар сони 1991 йилга нисбатан бир неча марта ортди ва у 143 кишини ташкил этди. Шу билан бирга таълим олиш 11,4 йилга етди ва ҳар минг кишининг 200 нафари ўрта маҳсус маълумотли мутахассислардир.

Моддий ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасида банд бўлган тўрт кишининг биттаси олий ёки ўрта маҳсус маълумотга эга. Ҳозир билим даражаси жиҳатидан Республикамиз ҳақли равишда ўқимишли мамлакатлар қаторига киради.

Бунга Олий ва ўрта маҳсус ўқув юртлари тармоғини кенгайтириш, таълим тизимини ислоҳ қилиш ҳисобига эришилди. Ҳозирги вақтда Республикада ўқув юртларининг кенг тармоғи вужудга келтирилган. 60 та Олий ўқув юрти, 258 та ўрта маҳсус ўқув юрти ишлаб турибди, шулардан 75 таси коллежлардир.

Республикадан ташқарида ҳам кенг танилган энг йирик Академия, Университет ва институтлар, Президент ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиш Академияси, ИИВ Академияси, Ўзбекистон Миллий университети, Бухоро ва Самарқанд Давлат университетлари, Тошкент Давлат иқтисодиёт университети, Жаҳон тиллар университети, Тошкент Молия институти, Тошкент Давлат тиббиёт институти, Тошкент Давлат ислом университети, Жаҳон иқтисоди ва Дипломатия университети, Аграр университети, Техника университети, Консерватория, Санъат институти, шунингдек, РеспубликаНИНГ барча минтақаларида жойлашган тиббиёт, гуманитар, Техника олий ўқув юртларининг кенг тармоғи ва бошқалар таълим тизимининг ўзагидир.

Республикада янги жамият барпо этишда бозор иқтисодиётини шакллантириш ва иқтисодий билимларни ривожлантиришда, юксалтиришда ва оммага сингдиришда 1931 йилда ташкил этилган ҳозирги Тошкент Давлат иқтисодиёт университетимиз ҳам алоҳида ўрин эгаллади.

Иқтисодий билимлар иқтисодиётимизни ривожлантиришнинг кучли омилига айланмоқда. Президентимиз И. А. Каримов бу ҳақда куйидаги вазифани илгари суради: «Бозор муносабатларига ўтиш даврида талабаларга иқтисодий билимларни, маркетинг, менежмент, бизнес соҳасида бизнинг иқтисодий ривожланишимизга бу тушунчаларнинг моҳияти ва роли борасида кўпроқ билим беришимиз мақсадга мувофиқдир»<sup>1</sup>.

Демак, янги иқтисодий тизимга ўтишни, иқтисодий мустақил давлат қуришни одамлардан, ҳар бири-

<sup>1</sup> К. Йўлдошев, Қ. Муфтайдинов. Иқтисодий билим асослари. Т., «Ўқитувчи», 1997, 8-бет.



Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов.

миздан, биринчи навбатда, Ўзбекистон тақдири ва келажаги учун масъул бўлған ёшлардан, уларда замонавий иқтисодий тафаккур, иқтисодий идрок ҳосил қилишдан бошламоқ лозим. Бундай иқтисодий тафаккур заминида одамларда ўзи ва ўз халқи, Ватани тақдири учун масъулият ҳиссини уйғотиш ётади. Бунга Эришиш воситаси иқтисодиёт илмини эгаллаш, иқти-

содий қонунлар ва тушунчалар мазмунини чуқур идрок этиш, билиб олишдир.

Дарҳақиқат, бу ўринда бизнинг Тошкент Давлат иқтисодий университетимизнинг сабиқ талабаларини фарх билан тилга олиш мумкин. Булар жумласига Республикашимиз Президенти И. А. Каримов, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси В. А. Голышев, вилоят ҳокимлари И. К. Бобоҷонов, Э. И. Рузиев, вазирлардан академик С. С. Гуломов, М. Нормуродов, З. О. Файзиев ва бошқаларни кўрсатиб ўтиш кифоя.

Бозор иқтисодиёти бутун бир иқтисодий тизим — мураккаб муносабатлар мажмуасидир. Бунинг маъноси шуки, бозор муносабатларини доимо ўрганиб бориш асосидагина муваффакиятли хўжалик юритиш, юксак натижаларга эришиш, ўз мулки ва маблағларидан энг юқори самара олишг, оқибат натижада фаровон ва тўқ ҳаёт кечириш мумкин. Одамларда яхши яшаш кўнималарини ҳосил қилиш эса иқтисодиёт илмини эгаллаш орқалигина таъмин этилади. Буни бозор муносабатлари асосида ривожланиб бораётган ўнлаб мамлакатлар ва халқлар ҳаётида кўриш мумкин.

Президентимиз И. А. Каримов айтганларидек, «Биз шундай масъулияти ўтиш даврини ўтмоқдамизки, жуда қисқа муддатларда ривожланган мамлакатлар сафига қўшилиб олишимиз керак»<sup>1</sup>. Бу тарихий заруратдир. Ижтимоий-иктисодий тараққиёт эса кўп жиҳатдан одамларнинг иқтисодиёт илми билан куролланишига, иқтисодий идрок кучига эга бўлишларига боғлиқ бўлиб қолади.

Маълумки, халқ таълим мининг асосий бўғинини уз-луксиз таълим тизими ташкил этади. Шу сабабли бу масалага алоҳида диққат-эътибор қаратиш даркор. Уз-луксиз таълимни Давлат таълим стандартлари ва тегишли таълим дастурлари билан таъминлашда, аввали, уларнинг жаҳон талаблари даражасида бўлишига, юксак маънавият заминида қурилганига асосий ғыгибор бериш керак. Умумтаълим дастурлари мактабгача таълим, бошлангич ва умумий ўрта таълим ва мактабдан ташқари тарзида тузилган. Мактабдан ташқари таълим ўз ичига ўрта маҳсус билим ва касб-хунар таълими ва олий мутахассислик таълимини

<sup>1</sup> К. Йулдошев, К. Муфтайдинов. Иқтисодий билим асослари. Т., «Ўқитувчи», 1997, 10-бет.

олади. Олий мутахассислик таълими бакалаврлик ҳамда магистратурани ўз ичига олади. Шу билан бирга, ўз эҳтиёжларимиздан келиб чиқиб, узлуксиз таълимнинг расмий тизимида якунловчи бир босқич ҳам жорий этилган. Бу босқич икки даражага бўлинади: аспирантура ва доктарантура. Булардан ташқари, янги тизимда қўшимча касбий таълим — қайта тайёрлаш ва малака ошириш масаласига ҳам катта эътибор қаратилган.

Президентимиз энг муҳим масалалардан бири — замонавий талабларга жавоб берадиган кадрлар тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор бериш кераклигини қайта-қайта таъкидлайдилар. Таълим тизимини тубдан қайта кўриб чиқиш вакти етганилиги, профессионал билимларни эгаллаш имкониятларини кенгайтириш, маъмурий-менеджерларни тайёрлашни йўлга қўйиш, янги шароитларда замонавий технологияларда ишлай оладиган ишчи ва мутахассисларни тайёрлашни йўлга қўйиш лозимлиги туфайли «Таълим тўғрисидаги қонун» эълон қилинди, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» тузилди. «Таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизими»ни тубдан ислоҳ қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш тўғрисида»ги Президент Фармони эълон қилинди. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ҳаётга тадбиқ этилса қандай натижа беради? деган табиий савол туғилади. Миллий дастурдан кўзланган мақсаднинг тўла амалга ошиши мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий муҳитнинг янада яхшиланишига олиб келади. Жамиятда янги шахс — комил инсонлар шаклланади ва фаолият кўрсатади.

Бундан ташқари, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг тадбиғи кишининг жамиятда ўз ўрнини топиш жараёнини тезлаштиради. Зоро, ҳар бир инсон ўсмирлик, яъни вояга етиш арафасиданоқ, жамиятда ўз ўрнини топа олиши ва белгилай билиши лозим. Акс ҳолда бу унинг ҳаёт йўлларида мақсадсиз, сарсон бўлиб қолишига олиб келади. Бу эса ёшларнинг ўзига ишончининг сўндириши, айрим ҳолларда жамиятда ўз ўрнини топа олмаслика, ўз фойдаси ва жамият фойдасини таъминлай олмаслигига сабаб бўлади. Демак, унинг шахс бўлиб шаклланиши гумон бўлиб қолади.

Кадрлар тайёрлаш миллий моделини ҳаётга тадбиқ этиш билан ана шундай салбий оқибатларнинг олди олинади.

Кадрлар тайёрлаш миллий модели жамиятимизнинг кенг потенциал саоҳиятидан фойдаланишда катта ҳамиятга эга. Шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, бу дастурни амалга ошириш жамиятда мустақил фикрлайдиган шахснинг шаклланишига олиб келади. Бундай шахсларнинг қўпайиши жамиятда онгли ҳаёт кечириш тизимини вужудга келтиради. Бундай одамларни ўз танланган йўллари, мақсадларидан ҳеч қандай куч тойдира олмайди. Айнан шу хусусиятлар миллий хавфсизликнинг мустаҳкамланишига олиб келади.

Маълумки, Ўзбекистон ўз олдига ҳуқуқий демократик жамият қуришни мақсад қилиб қўйган. Бу йўлда биринчи, лекин жуда муҳим қадамлар қўйилган. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг ҳаётга тадбиқ этилиши Халқаро ҳамжамиятда ўз ўрнимизни мустаҳкамлашга олиб келади. Дунёнинг бугунги ривожи шундай бир мавқедаги ҳал қилувчи омил ҳарбий қудратда эмас, балки интеллектуал салоҳиятда, фикрда, ақлда, илғор технологияядадир. Президентимиз И. А. Каримовнинг «Куч — билим ва тафаккурда» деган ҳикматли сўзи бугун ва эртанги кун учун айтилгандир.

Мамлакатимиз ёшларини жаҳон фани ва билимлари хазинасидан баҳраманд қилишга катта эътибор берилмоқда. Олий ўқув юртларининг чет эллардаги ўқув марказлари билан алоқалари анча мустаҳкамланди. Чет оллик профессор-ўқитувчилар ва мутахассисларни хорижий тилда машғулот олиб бориш учун таклиф қилиш, шунингдек, чет эл ўқув ва илмий марказларида ходимларнинг малака ошириши ва талабаларнинг ўқиши кенгайиб бормоқда. Айни вақтда жаҳоннинг 40 дан ортиқ мамлакатидан келган 1250 дан зиёд хорижий фуқаролар Ўзбекистонда таълим олмоқда.

Таълим соҳасида Ўзбекистон АКСЕЛС, АЙРЕКС, Америка Корпуси (АҚШ), ДААД, Конрад Аденауэр Фонди (Германия), Британия Кенгаши (Буюк Британия), Сауд Ал-Балтин Фонди (Миср) каби Халқаро ташкилотлар ва бошқа ноҳукумат ташкилотлари билан ҳамкорликни фаол ривожлантирум олади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуси билан иқтидорли ёшларнинг чет элда ўқишини қўллаб қувватловчи «Умид» жамғармаси ташкил этилди. Бу жамғарма ёшларимизга ажратилган грант ҳисобига АҚШ, Буюк Британия, Франция, Германия ва Япониянинг энг нуфузли университетларида қўплаб мутахассисликлар бўйи-

ча бакалавр ва магистр даражаларини олиш имконини беради. Буларнинг барчаси Республикаизда амалга оширилаётган демократик ва иқтисодий ислоҳотларни кадрлар билан таъминлашга, меҳнат ва ақл-заковат салоҳиятини мустаҳкамлаш ва оширишга қаратилгандир.

Учинчи мингийиллик бўсағасида Ўзбекистоннинг асосий стратегик ривожланиш йўлини белгилаб олишида, мустақил Республикаиз демократия фоялари ва умуминсоний қадриятларга содиқ қолаётганига яна бир бор ишонч ҳосил қилдик. Бугунги кунда давлатимизнинг ўзи ҳокимият тизимлари бўлинишининг конституциявий тамойилига амал қилинишини таъминлаш, қонун чиқарувчи ҳокимият — Олий Мажлис ва жойлардаги вакиличик органлари бўлган вилоят, шаҳар ва туман кенгашларининг Конституция ҳамда қонунларда уларга берилган ваколат ва назорат вазифаларининг сўзсиз амалга оширилишига эришмоқда.

Бу борада Президентимизнинг давлатнинг куч-қудрати, аввало, демократик институтларнинг мустақил фаолият курсатиши, фуқаролар ва жамиятнинг барча сиёсий, ижтимоий салоҳиятини рӯёбга чиқариш, тадбиркорлик ва иқтисодий ташаббуслар эркинлиги учун шарт-шароит яратиб бериш билан ўлчанади, деган сўзлари катта аҳамият касб этади.

Мамлакатимиз ўз мустақиллигини қўлга киритгандан кейин Республикаизда халқимиз манфаатларига мувофиқ келадиган мустақил ижтимоий-иқтисодий сиёсатни ўtkазиш имконияти туғилди. Республикаизнинг ташқи дунёдан бир асрдан ортиқ вақт мобайнида ажralиб қолганлигига барҳам берилди. Шу билан бирга ўтиш даврида чинакам иқтисодий мустақилликка эришиш йўлида бир қанча объектив қийинчиликлар вужудга келди. Буларни енгид ўтишда иқтисодиётнинг тармоқ ва худудий тузилмасини тубдан қайта куриш зарурати туғилган эди. Шунинг учун мазкур ишларни амалга ошириш, кўплаб хорижий сармояларини жалб қилиш, замонавий техника ва технологиялардан фойдалана оладиган тегишли кадрлар тайёрлаш масаласини ҳал қилиш зарурати туғилди. Айниқса, бозор иқтисодиёти талабларига мос келадиган кадрларни тайёрлаш таълим соҳасида ҳам катта ўзгаришларни амалга оширишга сабаб бўлди. Масалан, ўрта таълим соҳасида вилоятларда, жойларда бизнес мактаблар, касб-хунар коллежларининг очилиши, янги мутахассислик (фер-

мөр, солик ва божхона ходими, аудит ва ҳоказо)ларни киритилиши эътиборга лойиқдир. Тошкент, Симарқанд, Урганч, Тўрткўл ва Андижонда банк коллежлари ҳамда Тошкент аёллар колледжи ташкил қилинши ана шулар жумласидандир.

Хозирги кунда Ўзбекистон жаҳонга ўз номини ташитди. Иқтисодий жиҳатдан ривожланди, маҳсулот ишлаб чиқариш ошиди, ҳамкорликдаги корхоналар кўпайди. Уларда машиналар, электрон асбоблар ва бошқа дуисиे стандартларига мос қеладиган маҳсулотлар ишлаб чиқарила бошланди. Ўзбекистон жаҳон бозорига шаҳдам одим ташлади. Шу билан бирга Ўзбекистоннинг ривожланган мамлакатлар қаторидан ўрин олишида бугун ва келажак учун зарур бўлган замонавий кадрларга ҳам эҳтиёж сезила борди.

Юқори савияли ва замон талабига мос келувчи кадрларни тайёрлашда таълим муассасалари, биринчи навбатда, олий таълим муассасалари профессор-педагогик ходимлар сафидан етук ўқитувчи-кадрлар тайёрлаш, уларнинг ривожланган хорижий мамлакатлар таълимидаги ижобий тажрибаларини ўрганиши, ўқитишининг янги педагогик технологиялари билан танишиши ва чет элларда тажриба орттиришини таъминлаш керак эди. Ана шу мақсадда 1997 йилда «Устоз» Республика жамғармаси ташкил этилди.

Кадрлар тайёрлашда ўқитувчи кадрларнинг савиаси, билими катта аҳамиятга эга. Ўқитувчи кадрларнинг ўз устида тўхтовсиз ишлаши, дунёдаги энг сўнги илмий-педагогик янгиликлардан боҳбар бўлиши, кадрларга тўғри ва тўла билим бера олиш имкониятларининг ўзида мужассам бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Мамлакатимиз ўз тараққиётни йўлида янги уфқлар, янги мақсадларга интилаётган бир пайтда, жамиятимизнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотларни янги босқичга кўтариш, ҳаётимизни эркинлаштириш ва ислоҳотларни чукурлаштириш даврида халқимиз ишончига сазовор бўлган барча кишилардан эришилган ютуқларга муносиб баҳо бериш, одамлар ташвиши билан яшаш, юртнинг ҳақиқий ватанпарвари бўлиш талаб этилди. Уларнинг барчаси Президентимизнинг одамлар ҳар қандай раҳбарни биринчи галда унинг фаолияти, ишининг амалий натижасига қараб баҳолайди, деб айтган сўзларининг маъносини чукур англай олишлари зарур. Фақат куруқ савлат ва баланд-

парвоз гаплари билан раҳбар обрў тополмайди, ҳурмат қозонолмайди. Ўз навбатида ҳозирги замонавий талабларга жавоб берадиган, янгиликка интиладиган, амалий ишлари билан ўзини кўрсатган ёш кадрларни раҳбарлик лавозимларига тайинланиши мақсада мувофиқдир.

Жамиятимиз ҳётида, жамоатчилик онгидаги олдинги бепарволик, лоқайдлик ўрнига, раҳбар шахс қандай мезонларга жавоб бериши зарурлиги ҳақида аниқ ва қатъий фикр шаклланиб бормоқда. Одамларимиз олис қишлоқда ёки катта шаҳарда яшашдан, ишчи ёки зиёли эканидан қатъий назар, ҳозирги вақтда раҳбарларга алоҳида талаб кўзи билан қарамоқда. Буни халқимиз ишончига сазовор бўлган барча кишилар унумасликлари лозим.

Бир сўз билан айтганда, «Таълим тўғрисида»ги қонун, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да белгиланган вазифаларнинг амалга оширилиши баркамол шахсни — комил инсонни ва шу тарика онгли жамиятнинг шаклланишига, яъни янгича онгга, тафаккурга эга бўлган шахсларнинг кўпайишига олиб келади.

## **I б о б. Иқтисодиёт бўйича кадрлар тайёрлашда ТДИУнинг ўрни**

### **1. УНИВЕРСИТЕТНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИННИНГ АСОСИЙ БОСҚИЧЛАРИ**

Олимларнинг таъкидлашича, Ўзбекистонда иқтисодчиларни маҳсус тайёрлаш XX аср бошларида ташкилан йўлга кўйилган бўлиб, бу даврда Марказий Осиё ҳудудида учта тижорат билим юрти савдо-саноат фирмалари ва банклар учун мутахассислар тайёрлаб берган<sup>1</sup>. Расман олий мақомли иқтисодчиларни тайёрлаш 1918 йил 12 май Туркистон Давлат Университетининг ташкил этилишидан бошланди. Бу университетнинг таркибидаги жамиятшунослик ва иқтисодиёт факултети Марказий Осиё ва Қозогистон Республикалари учун олий маълумотли иқтисодчиларни мунтазам равишда тайёрлай бошлади.

Худуддаги нотинчлик, инқилюб ва тинимсиз урушлар натижасида издан чиққан халқ хўжалигини тиклаш, саноат, транспорт, қишлоқ хўжалиги, маданият, ижтимоий ва бошқа соҳаларни ривожлантириш зарурати ўлкада маҳсус иқтисодиёт бўйича кадрларга бўлган эҳтиёжнинг кескин ўсишига олиб келди. Бу эса ўз навбатида олий тоифали иқтисодчиларни тайёрловчи ихтинослашган билим масканини бунёд этишни тақозо этди. 1931 йил 13 августда Ўрта Осиё Молия-Иқтисод институти (кейинчалик Тошкент Молия институти) ташкил этилди. Унинг олдига Марказий Осиё ва Қозогистон Республикаларида молия-кредит ва ҳисоблаш тизимлари учун олий тоифали мутахассисларни тайёрлаш вазифаси кўйилган эди.

Бу ҳозирги Тошкент Давлат иқтисодиёт университетининг куртаги, асоси ва дастлабки кўриниши эди. У ўзининг шаклланиш ва ривожланиш босқичларида ташвишли, зиддиятли, мураккаб ва шон-шарафларга тўла йўлни босиб ўтди. Унинг фаолияти замон талабларига

<sup>1</sup> Ташкентский институт народного хозяйства. Т., «Фан», 1981. С. 6.

тұлиқ жавоб берә оладиган, келажакни олдиндан күра биладиган олий малакали иқтисодчи-мутахассислар тай-ёрлашига ва иқтисодиёт илмини янада юқори чүкциларга күтаришта қаратилған эди. 1931—1941 йилларгача бұлған даврда институт ўзининг ўқув-услубий, илмий-тадқиқот ва тарбиявий ишларини такомиллаштириб, тинимсиз мұкаммалаштириб борди. 1939 йилда институт қошида дастлабки аспирантура ташкил этилиб, унда беш киши ўқый бошлади. Улар Тошкент Давлат иқтисодиёт университетининг навқирон келажаги эди.

Институтнинг ривожланишида Тошкентта келған А. И. Газулов, А. К. Шмидт, В. В. Новожилов ва бошқа шу каби иқтисодчи-олимлар маълум роль ўйнадилар. Тошкент Молия-иқтисод институти ташкил этилаётган 1931 йилда 10 та кафедра барпо этилған бұлиб, уларнинг бирортасида ҳам илмий даражага эга бўлған фан номзоди йўқ эди. 1941 йилда эса 58 ўқитувчидан 10 нафари фан номзоди, доцент ва бир нафаригина фан доктори эди. Бу даврда институтта А. С. Халиков (1931—1934), С. С. Сайдузов (1934—1938), К. А. Цирихов (1938—1940) раҳбарлик қилғандар.

Мамлакатимиз халқ хўжалигининг узлуксиз ривожланиб бориши ва иқтисодчиларга бўлған талабнинг ўсишига кўра институтга талабалар қабул қилиш ҳам кўпая борди. 1932 йилда институтга 47 та талаба қабул қилинган бўлса, 1940 йилда эса бу кўрсаткич 240, 1942 йилда — 205, 1943 йилда — 296 нафарга етди. Бироқ уларнинг аксарият қисми иккинчи жаҳон уруши бошланиши билан фронтта сафарбар қилинганлиги туфайли, битибувчилар сони 1942 йилда — 137, 1943 йилда — 27, 1944 й. — 68 ва 1945 йилда — 42 кишини ташкил этди. Уруш даврида институт катта қийинчиликларга дуч келди. Бир қатор профессор-ўқитувчиларнинг фронтта жўнатилганлиги сабабли, ўкув машғулотлари олиб бориш учун профессор-ўқитувчилар етишмаслиги сезилар эди. Бу йилларда институтни М. М. Попов (1940—1942), Власенко (1942—1945) бошқарғанлар.

Урушдан кейинги йилларда институт халқ хўжалигини тиклаш, ҳарбийлашган хўжаликни, тинч аҳоли эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ ишлаб чиқарышни ташкил этиш ва ривожи учун кадрлар тайёрлашга киришди.

1946 йилда институт анча мустаҳкамланиб олган бир шароитда, иккита янги — кредит-иқтисод ва ҳисоб-

иқтисод факультетлари ташкил этилди. Шундай қилиб, шар институт дастлабки йилларда фақат молия ихтиеслиги бўйича кадрлар тайёрлаган бўлса, шу йилдан оғтиборан халқ хўжалиги тармоқлари, молия-банк органиларига ҳисоб-иқтисодчи кадрларни ҳам тайёрлаб берга бошлади.

Молия-иқтисод институтининг ўсиши ва ривожшаниши шароитида турли хил йўналишлар бўйича кадрлар тайёрлаш имконияти пайдо бўлди. 1947 йилда институтда режа-иқтисод факультети ташкил этилди. Бу факултет, асосан, саноат ва қишлоқ хўжалиги, молия ва бошқа халқ хўжалиги тармоқлари учун иқтисодчи кадрлар тайёрлар эди. 1948 йилда кечки факултет очилди. Унда ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда, институтнинг барча мутахассисликлари бўйича иқтисодчи кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди. 1949 йилда институтни ҳаммаси бўлиб 205 киши битириб чиқди.

1946—1950 йилларда Тошкент Молия-иқтисод институти сезиларли равишда кенгайди. У халқ хўжалигининг турли тармоқларига етук билимли кадрлар тайёрлаш, ўкув-услубий ишларининг самарадорлигини ошириш, илмий изланиш ва тарбиявий фаолиятлар бўйича янгидан янги вазифаларни еча бошлади.

Бу йилларда институтда ўкув жараёнини мукаммаллаштириш ва мутахассисликларни, иқтисодчи мутахассис-кадрларни тайёрлаш йўналишлари бўйича кенгайтириш жараёнлари кечар эди.

1955 йилда молия-иқтисод ва кредит-иқтисод факультетлари бирлаштирилиб, молия-иқтисод факултетига айлантирилди. Бу факултет молия ва кредит бўйича кадрлар тайёрлай бошлади. Шу йилларда халқ хўжалиги тармоқларининг кўлами кенгайиши билан бир қаторда, унинг кадрларга бўлган талаби ҳам ортиб борди. Айниқса, ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда билим олишга қизиқиш кучайди. Ана шунинг асосида 1955 йилда сиртқи факултет ҳам ташкил этилди.

50-йил ўрталарида институтда 5 та факултет ва 15 та кафедра мавжуд бўлиб, уларда 6 та мутахассислик бўйича иқтисодчи кадрлар тайёрланар эди.

Шундай қилиб, Тошкент Молия-иқтисод институти Марказий Осиё ва Қозоғистон Республикалари учун иқтисодчи кадрларни тайёрлаш масканига айланади. Бу даврларда институтни З. А. Каракозов (1945—

1947), М. Турсуновдек (1947—1952) забардаст олимлар бошқардилар.

Иқтисодиёт бўйича мутахассисликларни тайёрлаш билан бир қаторда институтда педагог ва илмий-тадқиқот билан шуғулдана оладиган кадрларни тайёрлаш муаммолари ҳам ҳал этила бошланди. Бу эса ўз навбатида институтнинг ўқув-услубий, илмий ва тарбиявий фаолиятининг барча йўналишлари бўйича ўсиши ва мукаммаллашиб боришига кўмаклашар эди.

50-йиллар бошида институтда 95 та профессор-ўқитувчилар бўлиб, улардан бир нафари фан доктори ва 29 таси фан номзоди эдилар. Бу илмий салоҳият асосида институтда ўқув-услубий ва илмий изланиш ишлари бўйича сезиларли тарзда бурилиш ясалди. Бунда ўша даврдаги энг илгор олимлардан И. Н. Тоғаев, А. И. Газулов, Д. Д. Эрлих, А. М. Айрумов, Н. Н. Шабанова, Ю. Е. Шенгер, А. М. Аминов ва бошқаларнинг улкан хизматларини ҳурмат билан тилга олиш мумкин. Шу йилга келиб, беш йиллик илмий-текшириш режаси амалга оширилди. Бир қанча ишлар муҳокамага топширилди. Уларда олға суррилган ғоя ва мақсадлар халқ ҳўжалигини тиклаш ва ривожлантиришга қаратилган эди.

1950 йилда институт олимлари гуруҳи Тошкент вилояти Хавос тумани жамоа ҳўжаликларида ишлаб чиқариш режаларини тузишда фаол иштирок этдилар. Бу режалар мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш ва қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини сезиларли қўпайтириш имконини берар эди.

Мана шу даврда математика ва статистика кафедраси профессор-ўқитувчилари гуруҳи қишлоқ ҳўжалиги ва агробиологияда математик статистика қўлланишининг самарали усулларини ишлаб чиқиши. Чуқур изланишлар натижалари қишлоқ ҳўжалигининг илмий ташкилотларида ва қишлоқ шароитидаги ишлаб чиқариш корхоналарида тадбиқ қилинди ва матбуотда чоп этилди.

Республика халқ ҳўжалигининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, факултет ва кафедралар илмий ишларида асосий эътиборни иқтисодиётнинг етакчи тармоғи бўлган қишлоқ ҳўжалиги, пахтачилик саноати ва қишлоқ ҳўжалиги машинасозлигига қаратдилар. Бу даврда, айниқса, пахта экиладиган ҳўжаликларда такрор ишлаб чиқаришни ва улар иқтисодиётини келгуси ривожланиш йўлларини ишлаб чиқиш; кол-

хоз ва совхозлар мажмуасини механизациялаштириши ривожлантириш истиқболлари ва меҳнат унумдорлигини ошириш, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги корхоналарининг ишлаб чиқариш ресурсларини кенгайтириш каби масалалар бўйича чуқур изланишлар олиб борилган эди. Булар ичидаги 1950 йилда чоп этилган проф. Н. Н. Шабанованинг «Безналичные расчёты в СССР», проф. В. И. Крыловнинг «Выборочный метод статистики», проф. Д. Д. Эрлихнинг «Экономическая система машин в хлопководстве», А. М. Аминовнинг «Очерки экономической политики Царской России в Средней Азии» (Колониальный период), монографиялари алоҳида аҳамият касб этади.

1957 йилда проф. М. М. Қориев ва проф. Ю. Е. Шенгер ташаббуси билан Ўзбекистон шароитида муҳим янги муаммо—сугориладиган ерларни ирригация ва мелиорация қилиш учун сарфланадиган капитал куймаларининг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш бўйича илмий изланишлар бошлаб юборилди.

Мазкур муаммони ҳал қилиш мақсадида профессорлар Э. А. Акромов ва Н. М. Сагатов бошчилигидаги илмий лаборатория ташкил этилиб, у ўз навбатида Ўзбекистонда ирригацион-мелиоратив қурилишнинг тез ривожланиши учун катта ва сезиларли имкониятлар яратди.

60-йилларда институт олимлари Республиkanинг саноат, қурилиш, транспорт ва бошқа тармоқлари иқтисодиётини ўрганиш ва унинг асосий фондлари самарадорлигини ошириш муаммоларини ҳал қилиш бўйича ҳам илмий изланишлар олиб бордилар. Бу борада доцент Г. Ф. Габзалилов раҳбарлигига олиб борилган илмий тадқиқотлар диққатга сазовордир. Ушбу гуруҳ олимлари Республиkanинг машинасозлик заводлари фаолиятини таҳлил қилиши асосида меҳнат унумдорлигини ошириш қонуниятларининг ўзига хос томонларини очишга муваффақ бўлдилар. Бунда асосий ишлаб чиқаришдаги ва ёрдамчи тоифадаги ишчилар бўйича изланишлар олиб борилди ва тавсияномалар ишлаб чиқилди. Улар Ўзбекистонда төғ-кон саноатининг ривожланиши ва истиқболлари мавзусида ҳам илмий-тадқиқотлар олиб бордилар ва унинг натижалари бўйича юқори ташкилотларга ўзларининг хуласа ва таклифларини юбордилар.

Иқтисодчи кадрларни тайёрлаш ҳамда Молия-икти-

сад институти ўзининг ривожланиш муаммоларини ҳал этишда профессор-ўқитувчилар жамоаси жуда катта масъулиятли вазифани бажардилар. Институтда илмий даража ва унвонга эга профессор-ўқитувчилар сафи кенгая борди. 1954 йилдан 1963 йилгача институтда 45 та номзодлик диссертациялар ҳимоя қилинди. Бу ўтган ўн йилликка нисбатан 2,5 баробар кўп эди.

Шу билан бир қаторда, институтнинг муваффақиятли фаолияти натижасида, унинг кўплаб битирувчилари ҳисобига халқ ҳўжалигининг турли тармоқларида бошқарувчи кадрлар шаклланиб борди. Масалан, Молия-иқтисод институтини битирган собиқ талабалар қўйидаги раҳбарлик лавозимларини эгаллаган эдилар: Жаҳон банкининг иқтисодий ўзаро ёрдам кенгаши раиси К. И. Назаркин; Республика молия вазири В. М. Муротхўжаев ва унинг ўринбосарлари; Республика Давлат банки идораси бошқарувчиси Х. М.Faфуров ва унинг уч ўринбосари, Ўзбекистон озиқ-овқат саноати вазири В. С. Содиков, Қирғизистон молия вазири А. Токтоналиев ва бошқалар.

Институтнинг ўзида ҳам собиқ битирувчиларнинг 200 га яқин нафари самарали меҳнат қилишар эди. Улардан: институт ректори, проф. М. М. Қориев, профессорлар Х. М. Муратов ва О. Ф. Модина, деканлар Т. Қ. Қосимов, С. Қ. Қосимов, М. Ҳ. Зайнутдинов, А. С. Данилов, иқтисодий таълимотлар тарихи кафедраси мудири, проф. С. Ф. Гуломов, таҳлил кафедраси мудири, проф. А. М. Айрумов, молия кафедраси мудири, проф. Х. Р. Собиров ва бошқаларнинг хизматларини алоҳида таъкидламоқ лозим.

1950—1960 йилларда Молия-иқтисод институти олдиди янги масъулиятли вазифалар кўндаланг қўйилди. Бу вазифалар Ўзбекистон кўптармоқли иқтисодиётидаги янги иқтисодчи-мутахассислар, илмий тадқиқот ва педагогик кадрларга бўлган эҳтиёжни қондириш ва ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш эди. Бу муаммолар институт жамоаси томонидан муваффақиятли ҳал қилина борди.

60-йиллар бошида Ўзбекистон иқтисодиёти ривожланишида янги йўналишларнинг пайдо бўлиши Тошкент Молия-иқтисод институтини тармоқ институти доирасидан чиқиб кетишига сабаб бўлди. Ана шу даврага келиб институт 30 дан ортиқ мутахассислик бўйича иқтисодчи кадрларни тайёрлай бошлади. Шундай қилиб,

шаридан йилга институт йўналиши билан унинг номи бир-бирига мос келмай қола бошлади.

1963 йилда Ўзбекистон ҳукумати Тошкент Молия-иқтисод институти заминида Тошкент Халқ хўжалиги институтини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилди. 1963 йил 1 сентябрдан бошлаб институтимиз Халқ хўжалиги институти дастури бўйича ўқув жараёнини бошлади. Кейинги йилларда ўқув-услубий, илмий тадқиқот ва тарбиявий ишларни мукаммалаштириш бўйича кўплаб вазифалар амалга оширилди.

Ўқув-услубий ишлар олий мактабнинг асосий ишларидан бири сифатида институт раҳбариятининг диккат марказида турар эди.

Маълумки, ёшларни ўқитиш ва тарбиялашда асосий омил — бу профессор-ўқитувчилар малакаси ва таркиби ҳисобланади. Институтда кўпроқ эътибор ана шу муаммога қаратилган бўлиб, илмий кадрларни аспирантура ва докторантура, малака ошириш институти ва факультетлари, тадқиқотчилик ва стажерлик орқали тайёрлаш тизимидан кенг фойдаланилар эди.

Халқ хўжалиги институти шароитида 1963 йилдан 1972 йилгача илмий даража ва унвонга эга бўлган илмий кадрлар сони бир неча марта ортди ва улар 433 та профессор-ўқитувчиларни ташкил этди. Булардан 13 киши фан доктори ва профессор бўлиб, улар қаторида К. П. Отамирзаев, А. А. Азатъян, С. Ф. Фуломов, О. П. Загороднюқ, М. К. Мамаджанов, Т. С. Садгулаев, Х. Р. Собиров, К. Д. Тюрин, Н. Д. Жабборов, С. П. Турсунмуҳаммедов, С. К. Қодирхонов, И. А. Шилов, М. И. Эйдельнант каби забардаст олимлар етишиб чиқкан эди. Олимлардан 153 киши фан номзоди ва доцентлардан иборат эди. Улар 30 кафедрада фаолият кўрсатар эдилар.

Илмий кадрларнинг катта салоҳияти янги илмий йўналишдаги иқтисодчи кадрларни тайёрлаш имконини берди. Тошкент Халқ хўжалиги институтида 5 та ижтимоий, 3 та гуманитар, 8 та иқтисодий фанлар, 8 та ҳисоб ва математика кафедралари, қолган 6 таси умумназарий йўналишлар бўйича кафедралар мавжуд эди. Улар қуйидаги ихтисосликлар бўйича мутахассислар тайёрлаш имконини берарди: «Иқтисодий ахборотни механизациялаштирилган қайта ишлашни ташкил этиш», «Иқтисодий кибернетика», «Моддий-техника таъминот иқтисодиёти ва режалаштириш», «Халқ

хўжалигини режалаштириш», «Меҳнат иқтисоди», «Савдо иқтисоди», «Баҳо ва таннархни режалаштириш», «Капитал қурилишни кредитлаш ва молиялаштириш» ва бошқалар.

Мамлакатда илмий-техник тараққиётнинг ўсиб бориши мутахассис кадрлар малакасини ва қасбий маҳорат даражасини ошириш кераклигини тақозо эта бошлади. Бу эса ўз навбатида ўқув жараёнини янги техника ва технология билан таъминлаш, иқтисодиётга математик усулларни жалб этишни талаб этди. Буларни амалга ошириш учун ҳисоблаш техника воситалари билан таъминлаш керак эди. Шу мақсадда 60 йиллар охирида институтда ҳисоблаш маркази ташкил этилди. Бу марказ 17 математик ва муҳандис-техник ходим хизмат кўрсатувчи «Минск-22» электрон ҳисоблаш машинаси билан жиҳозланган эди.

Шу билан бир қаторда дастурлаштирилган ўқув хонаси ташкил этилди. Бу хона 13 та «Ласточка» ва 16 та «ОЭМ-2» каби машиналар ва барча ўқув-ёрдамчи воситалар билан жиҳозланган эди. Олинган билимлар илмий-техник тараққиёт ва уни саноат, қишлоқ хўжалигидаги ишлаб чиқаришга тадбиқ этишни институтда электрон-импульсли, физика ва кимё лабораторияларини ташкил этиш орқали чукурлаштириш амалга оширилар эди.

Ўқув жараёнини замонавий талабларга мос ҳолда мукаммаллаштиришда институт кутубхонасини кенгайтириш борасидаги ғамхўрлик айни муддао бўлди. Кутубхона янги ахборот манбалари, уни ташкил этиш ва амалга оширишнинг янги усуллари, техника ва технологияси билан бойиб борди.

60-йиллар бошида кутубхонада 350 мингга яқин китоб мавжуд эди. Замонавий талабларга мос равишда ўқув жараёнини кенгайтириш ва бойитиш институтда меҳнатни илмий ташкил этиш билан мустаҳкамлаб борилди.

1962 йилда «Қишлоқ хўжалик иқтисоди», 1968 йилда «Иқтисодий кибернетика», 1970 йилда эса «Савдо иқтисоди» факультетлари ташкил этилди. Ана шу даврда институтда 6 та факультет мавжуд эди.

1971 йилдан 1975 йилгача институтга қабул қилинучилар сони 2300 дан 2600 нафаргача кўпайди. Талабаларнинг сони эса 10847 кишига етди. Аспирантлар сафи ҳам кенгайиб, 125 кишини ташкил этди.

1976 йили институтнинг Андижон шаҳридаги филиали иш бошлади.

Ўқув-услубий ишларнинг ривожланиши, илмий кадрларнинг кўпайиши ва Халқ хўжалиги институтида иқтисодий муаммоларнинг ҳал қилиниши илмий-тадқиқот ишларни ва илмий кадрлар тайёрлашнинг ривожланишига олиб келди. Бу институт илмий салоҳиятнинг ўсишига асос бўлди. Ҳар томонлама илмий-тадқиқот ишларни ривожлантираётган илмий кадрларга қулай шарт-шароитлар яратилди. Илмий салоҳиятнинг кучайиши институтда 1962 йилда иқтисодий фанлар бўйича номзодлик диссертациялари ҳимоясини қабул қила оладиган Илмий Кенгашнинг ташкил тошишига хизмат қилди. Кенгаш номзодлик диссертацияларини ҳимоя қилиш миқдорининг кўпайишига ҳамда илмий-педагогик кадрлар таркибининг яхшиланишига имкон берди. Ана шу шароитда профессор-ўқитувчилар илмий-изланиш ишларига оммавий жалб этила бошланди.

1980 йилда уларнинг аксарият қисми илмий ишлар билан фаол шуғулланар эдилар. 1962 йилдан то 1980 йилгача 500 дан ортиқ номзодлик ва докторлик диссертациялари ҳимоя қилинди.

Айниқса, 80 йилларда Марказий Осиё Республикалари ва хусусан, Республикамиз учун илмий кадрлар тайёрлашда муваффақиятга эришилди. 1985—1990 йилларда 31 та докторлик ва 146 та номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинди.

Тошкент Халқ хўжалиги институтида бу йилларда нашриётчилик базаси кенгайди. Институт олимлари-нинг илмий ишлари собиқ иттифоқ марказий шаҳарларида ва Республика нашриётларида чоп этила бошлади.

1961—1970 йилларда умумий ҳажми 705 б. т. бўлган 143 номда монография, дарслик, ўқув кўлланма ва бошқа илмий ишлар чоп этилди.

1971—1980 йилларда умумий ҳажми 825 б. т. бўлган 266 га яқин номда илмий ишлар, дарслик ва ўқув кўлланмалар чоп этилди. Институтнинг нашриётчилик фаолияти тез ривожланиб борди. Агар 1981—1985 йилларда 250 номланишдаги умумий ҳажми 497,5 б. т. бўлган илмий ва ўқув-методик ишлар нашр эттирилган бўлса, 1986—1990 йилларда эса 364 номланишда ва умумий ҳажми 554,5 б. т. бўлган илмий ва ўқув-методик ишлар нашр қилинди.

Бу даврда проф. М. Ш. Шарифхўжаевнинг «Капитальное строительство в Узбекистане», А. М. Аминовнинг «Проблемы экономической истории Средней Азии и ее зарубежные критики», С. Ф. Гуломовнинг «Экономическая роль государства в создании предпосылок социализма в сельском хозяйстве Узбекистана», Э. А. Акромовнинг «Проблемы методологии определения эффективности капитальных вложений», Н. Д. Джабборовнинг «Закономерность развития орошения и вопросы эффективности капитальных вложений», М. К. Мамажановнинг «Социально-экономические преобразования и развитие экономики XНСР» каби таниқли олимларимизнинг илмий ишлари билан биргалиқда энди фанга кириб келаётган Ё. А. Абдуллаев, А. А. Абдуғаниев, С. С. Гуломов, А. Э. Эшмуҳамедов ва бошқаларнинг илмий асарлари ва ўқув кўлланмалари ҳам чоп этила бошланди. Дарҳақиқат, улар 80-йилларга келиб иқтисодиёт фанининг ривожланишига катта ҳисса қўшиш шарафига муяссар бўлган фан докторлари ва профессорлари бўлиб этишиб чиқдилар.

1970—1980 йилларда Тошкент Халқ хўжалиги институти профессорлари: Э. А. Акромов ва Н. М. Сагатовлар бошчилигидаги юқорида номи тилга олинган илмий-тадқиқот лаборатория ирригация ва мелиорация иқтисодиётини ўрганиш ва бу соҳанинг самарадорлигини юксалтириш масалаларини ҳал қилувчи Республиканинг асосий илмий марказига айланган эди.

Маълумки, илмий-тадқиқот ишлари бир томондан, илмий-амалий анжуманлар уюштирилишига, бошқа томондан эса илмий ютуқларни амалиётта тадбиқ этишга асос яратиб беради.

Бу даврда институтда 6 маротаба илмий-назарий ва илмий-амалий анжуманлар ўтказилди. Булар иригация, сув хўжалиги, капитал қўйилмалар ва уларнинг самарадорлигини ошириш, режали хўжалик ва саноатда илмий техник тараққиёт каби муаммоларга бағишланган эди.

Бу йиллар ичida институт Республиканинг турли юқори ташкилот ва бошқармаларига, жумладан, Ўзбекистон Республикаси вазирлар кенгаши, Давлат режа қўмитаси, Фанлар Академияси, Сув хўжалиги, Озиқовқат саноати каби вазирликларга тадқиқотлар нати-

биси бўйича тавсия ва тадбир матнларини тақдим этди. Буларда илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқилган булиб, улар ишчи кучларини жойлаштириш, ижтимои ишлаб чиқариш бошқарувининг самарадорлигини олиниш, халқ хўжалигини режалаштириш ва бошқарма тааллукли эди.

Бу даврда илмий-тадқиқот ишларнинг натижаси, ҳўжалик шартномалари бўйича амалга оширилган ишлар алоҳида аҳамият касб этди.

Бу турдаги ишлар бўйича кафедралар юқори илмий пажжаларга эришдилар ва буюртмачилар томонидан ижобий баҳоландилар. Хўжалик шартномалари бўйича олинган иқтисодий самарадорлик суммаси 1972 йилда 800 минг сўмни, 1979 йилда 1 млн. 737 минг сўмни ташкил этди. Мана шу даврга келиб хўжалик шартномаларида иштирок этувчи профессор-ўқитувчилар сони 44 тадан 120 тага, талабалар сони 2 тадан 192 тагача ортган.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, 70—80-йилларда институтда етишиб чиқсан олимлар ичидан таниқли Давлат арбоблари ва етук олимлар шаклланди.

1973 йилда институт Йлмий Кенгашида собиқ битиравчи, 1991 йилдан бошлаб мустақил Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Абдуганиевич Каримов ўзининг номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди.

1953—1974 йилларда институт ректори, иқтисод фанлар доктори, проф. М. М. Қориев бўлган. 1975—1976 йилларда Халқ хўжалиги институтида ректорлик лавозимида академик И. И. Исқандаров, 1976—1986 йилларда академик М. Ш. Шарифхўжаев ва 1986—1988 йилларда М. А. Заидовлар ишлаганлар. Шу йилларда институтда таниқли олимлардан, академиклар: С. С. Фуломов, М. Ш. Шарифхўжаев, В. В. Ким; профессорлар: Э. А. Акромов, К. А. Абиркулов, М. Х. Зайнутдинов, О. П. Загороднюк, Қодирхонов С. К., С. К. Қосимов, М. К. Мамаджанов, В. С. Нехай, Н. М. Сагатов, А. С. Сотиболдиев, К. С. Сафаева, Х. С. Салимов, А. У. Ўлмасов ва бошқалар етишиб чиқсанлар.

Халқ хўжалиги институтида ёшлиарни ҳар томонлама тарбиялаш, ўқув-услубий ва илмий тадқиқот ишларни биргаликда олиб бориш орқали йўлга қўйилган эди.

Институтнинг Республикамиз халқ хўжалиигига юқо-

ри малакали иқтисодчи кадрларни тайёрлаб беришда-  
ги улкан муваффақиятлари ва хизматлари, ёшларни  
ватанпарварлик руҳида тарбиялашдаги, илмий тадқи-  
қот соҳасидаги эриштган катта ютуқлари ҳамда инсти-  
тутнинг 50 йиллик юбилейи муносабати билан 1981  
йилнинг 23 сентябрин Ташкент Ҳалқ ҳўжалиги инсти-  
тути орден билан тақдирланди.

Институт 1960—1980 йиллар ичидаги талабаларни ком-  
плекс тарзда тарбиялаш бўйича катта тажриба тўплади.  
Бу ерда тарбиявий иш режалари асосида олиб борил-  
ган барча тадбирлар ўқув-услубий, амалий, ижтимоий  
ишлар билан жуда мос келар эди. Ана шу мослих тала-  
баларнинг касбга оид билимларини шаклланишига  
ёрдам берди десак, муболага бўлмайди. Бу борада энг  
аҳамиятли давр сифатида ўқув-тарбиявий, илмий-тар-  
биявий хусусиятга эга тадбирларни амалга оширувчи  
координацион-муаммоли кенгашлар ташкил топиши  
даври бўлди.

1970 йилларда институтда 4 та муаммоли-мувофиқ-  
лаштириш кенгаш муваффақиятли фаолият курсатди:

1. Ижтимоий ишлаб чиқариш муносабатларини му-  
каммалаштириш муаммолари. Кенгаш асосан, сиёсий  
иқтисод ва ҳалқ ҳўжалиги кафедралари йўналишини  
мувофиқлаштирап эди.

2. Ишчилар ва ёшларни комплекс тарзда тарбиялаш  
муаммолари. Кенгаш асосан, ижтимоий ва гуманитар  
фналар кафедралари йўналишларини мувофиқлашти-  
тирап эди.

3. Ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини оши-  
риш муаммолари. Кенгаш иқтисодий соҳага тегишли  
кафедралар йўналишларини мувофиқлаштириб турар-  
ди.

4. Ҳалқ ҳўжалигига техник воситалар мажмуга ва  
иқтисодий-математик усуллардан фойдаланиш муам-  
молари. Кенгаш математика ва кибернетика кафедра-  
лари илмий тадқиқотлар йўналишларини мувофиқлаш-  
тириб турарди.

Бу кенгашлар институтнинг кафедра, деканат ва  
бошқа бўлимлари ишларидағи ҳамкорлик, ўзаро боғ-  
лиқлик, ўқув-услубий, илмий ва тарбиявий ишлар да-  
ражасининг сезиларли кўтарилишига олиб келди.

Институтнинг тарбиявий-маданий ишлар соҳасида  
«КВН», «Олимпиада», «Викторина» ва бошқа шу каби  
тадбирларнинг ўтказилиши амалий ишлар намунаси

Шифагида ёшларнинг маданий даражасини оширишга хизмат қиласр эди. Бу тадбирларнинг ўтказилишида талаба ёшларнинг ҳар томонлама ривожланган, ахлоқ-одобли бўлиб шакланиши асосий мақсад қилиб олинганди. Бундан ташқари талабаларнинг меҳнат қилиш фаоллиги ҳам ортиб борарди.

70-йилларда институт талабаларининг маданий ҳаёти янги бир ансамблни ташкил қилиш билан ёрқин из қолдирган. Бу ансамблнинг номи «Навбаҳор» бўлиб, нафақат институтда балки Республика шаҳарларида, туманларида ҳам ўз обрў-эътиборига эга бўлди. Институт жамоаси Республикамиз шаҳар ва туманларига маданий ҳамда тарбиявий ишларни олиб боришларида яқиндан ёрдам берди.

1963 йилда Тошкент вилоятининг Оққургон туманида «Қишлоқ хўжалиги илмлари Университети», Чилонзор туманида эса «Хўжалик активи» мактаби ташкил этилди. Институт профессор-ўқитувчилари ушбу ўқув масканларида иқтисодий ҳамда ва бошқа замонавий фанлар бўйича маърузалар ўқир эдилар.

1980—1990 йилларда Халқ хўжалиги институти иқтисодиёт соҳаси бўйича кадрларни тайёрлаб беришда Марказий Осиё ҳудудида етакчи ўринни эгаллаган эди.

1990 йилга келиб, институтнинг 40 кафедрасида 56 фан доктори ва профессорлар, 411 та фан номзодлари ва доцентлар самарали меҳнат қилдилар.

Профессор-ўқитувчилар таркибининг 55% дан ортироқ қисмини илмий даража ва унвонга эга бўлган профессор-ўқитувчилар ташкил этарди. Институт жамоаси бой илмий анъаналарга эга бўлиб, кўплаб илмий ва илмий-амалий анжуманлар ўтказарди. Бу анжуманлар иқтисодий фанларни ҳамда иқтисодий таълим ва тарбияни мукаммаллаштиришга йўналтирилган эди.

Бу даврга келиб Республикада иқтисодий салоҳиятнинг асоси бўлган унинг моддий-техник базаси ҳам барқарор ўсиб борди. Республикамизда кўптармоқли саноат ривожланиб борди. Айниқса, энергетика, машинасозлик, кимё ва маҳаллий саноат кабилар эътиборга молик эди. Улар янги техника ва технологиялар билан жиҳозланган эдилар. Қишлоқ хўжалигида, айниқса, сув хўжалиги ривожланди.

Мана шу даврда олий ўқув юртларида мутахассис кадрлар тайёрлаш бўйича талаблар кучайтирилди. Халқ

хўжалиги институтида янги йўналиш ва соҳа кадрларини тайёрлаш учун унинг мавқеи ва кўлами етарли эмас эди. Шунинг учун 1991 йил 13 майда Ўзбекистон Президенти Фармонига кўра, Тошкент Халқ хўжалиги институтининг молия-иктисод ҳамда ҳисоб-иктисод факультетлари заминида янгидан Тошкент Давлат молия институти ташкил этилди. Унга иктисод фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон ФА академиги, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби М. Ш. Шарифхўжаев ректор этиб тайинланди.

1988 йилдан то 1998 йилгача Университетда академик С. С. Гуломов ректорлик лавозимида ишлади. Тошкент Халқ хўжалиги институтига 1991 йилнинг 6 июнидан бошлаб Тошкент Давлат иктисодиёт университети мақоми берилди. 1998 йил июнь ойидан то ҳозирги кунга қадар иктисод фанлар доктори, проф. Р. Х. Алимов ректорлик лавозимида меҳнат қилиб келмоқда.

Республикамизнинг мустақилликка эришуви ва бозор иктисодиётига босқичма-босқич ўтиб бориши ўз навбатида кадрлар тайёрлашнинг барча йўналишлари бўйича янгича ёндошиш вазифаларини қўйди. Ҳаётнинг ўзи замонавий мутахассисларга бир қатор вазифаларни, яъни зарурий ахборотга эга бўлиш, мустақиллик шароитида мамлакатимиз мақсад ва вазифаларни аниқ кўра билиш, мукаммал билимли бўлиш ва ана шу билимларини ҳаётимизнинг барча жабҳаларига; ишлаб чиқариш, маданият, маърифат ва маънавият соҳаларига ижодий ёндошган ҳолда қўллай билиш каби вазифаларни қўйди.

Мутахассис ўз соҳасининг билимдени, жисмонан соғлом, тарбияли, ҳамда ҳар томонлама юксак ривожланган бўлиши керак. Бу вазифаларни тўғри ва ижобий ҳал қилиш, университетнинг шаклланиши ва ривожланишида ўқув-услубий ва тарбиявий ишлар маҳсус ўрин тутганигини таъкидлаб ўтмоқ лозим. Шунинг учун ҳам бу даврга келиб университет раҳбарияти бу масалаларга алоҳида талаб қўя бошлади. Ўқув-услубий ишларни илмий равишда ташкил этишга алоҳида эътибор қаратди. Ўқув-услубий ишларини илмий ташкил этиш ва бу йўналиш бошқарув тузилишини, юқори даражага кўтарилиши эса ўз навбатида малакали мутахассисларни, сифатли тайёрлашни мукаммалашиб бораётганидан далолат берарди.

Университетнинг асосий бўлимларидан бири бўлган ўқув бўлими ўқув-услубий ишларда ўқув режаларини мукаммалаштириш ва янада юқори савияга кўтаришинг амалга оширилишига эътиборни кучайтирди. Ўқув жараёнларида улкан ягона тизим (ЕС), ўқув жараёни-ла техник воситаларидан фойдаланиш (ТСО) оиласига мансуб ЭҲМлар ҳамда шахсий компьютерлар кенг қўлланила бошланди. Ўқув жараёни таркибида амалиёт ва лаборатория ишларининг ҳиссаси ортди.

Бу соҳани мукаммалаштиришда ректорлар билан бир қаторда ўқув ишлар бўйича ректор муовинларининг хизматлари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бу лавозимларда кўп йиллар давомида хизмат қилган профессорлар Ю. Е. Шенгер, Х. М. Муродов, З. Ю. Юлдашев, Р. С. Скляднев, Х. С. Лутфуллаевларнинг номларини алоҳида ҳурмат билан тилга олмоқ лозим. Ҳозирги кунда ўқув ишлар бўйича ректор муовини лавозимини иқтисод фанлари доктори, проф. Б. Ю. Ходиев муваффақият билан бажармоқда.

Ўқув ишларини узлуксиз ташкил этиш, мукаммалаштириш ва бошқаришда узоқ йиллар давомида ўқув бўлимини ўз хизмат бурчларини сидқидиллик билан амалга оширган Ф. С. Сатаев, Т. Ш. Шодиев, Н. Х. Ҳакимов, Б. Б. Усмоновларнинг фаолиятлари алоҳида таҳсинга лойик.

Кейинги йилларда Республикаиз таълим-тарбия соҳасида ўқув юртларида амалга оширилаётган ислоҳотлар ва шу жумладан таълим жараёни, олий таълим ислоҳи ва унинг сифатини янада юқори савияга кўтариш мақсадида барча олий ўқув юртлари қошида ўқув жараёнининг сифатини назорат қилиш инспекциялари ташкил этилди. Бизнинг университетимизда бу масъулиятли вазифа профессор С. В. Вонходиев томонидан муваффақият билан амалга оширилмоқда.

Замон талаби билан шу йилларда «Савдони ташкил этиш ва бошқариш» (савдо маркетинги), «Ижтимоий-маданий соҳада иқтисод ва бошқарув», «Баҳонинг шаклланиши», «Халқаро иқтисодий муносабатлар» ва бошқа шу каби мутахассисликлар ташкил этилди.

Ўқув-услубий ишларнинг мукаммаллашиб боришида ўқув қўлланмалари ва дарсликлар таъминоти муҳим аҳамиятга эга. Ана шуни назарда тутган ҳолда, униве-

ситет профессор-ұқытывчилари анчагина дарслік ва ўкув күлланмалар тайёрладилар. Худди шу даврда, Республика Олий таълим вазирлиги тавсияси билан Ұзбекистондаги барча Олий ўкув юртларининг иқтисодиёт мутахассисликлари учун проф. А. А. Ортиқов, проф. К. Х. Абдураҳмонов, проф. Р. Х. Алимов, проф. Ж. Жалолов, проф. Х. Г. Набиев, проф. А. Р. Раззоков, проф. Т. Шодиев, проф. Ш. Шодмонов, проф. А. Т. Шермуҳамедов, проф. К. Ҳамдамов, проф. А. Э. Эшмуҳамедов ва бошқаларнинг дарслік ва ўкув күлланмалари чоп этилди.

90-йилларда бир қатор етук олимлар — фан докторлари етишиб чиқдилар. К. Х. Абдураҳмонов, Р. Х. Алимов, К. А. Алимов, Д. К. Аҳмедов, Н. Жўраев, О. Жуманов, Н. К. Юлдашев, С. Юлдашев, М. С. Қосимова, А. Бекмурадов, Ҳ. Раимов, З. Тошматов, Ф. Комилова, Н. Маҳмудов Э. Г. Набиев, Г. Г. Назарова, А. Пардаев, Б. Салимов, М. Тўлахожаева, Ш. Р. Холмўминов ва бошқаларнинг илмий изланишлари университетимизга катта шуҳрат келтирди.

Университетнинг ўкув-услубий соҳасидаги кўп қирорали ишлар нафақат мамлакатимизда, балки унинг ташқарисида ҳам диққат эътиборга сазовар бўла бошлади.

Университет Г. В. Плеханов номидаги Москва Ҳалқ хўжалиги институти, Давлат молия академияси, М. А. Ломоносов номидаги Москва Давлат университети, Менежмент маркази (АҚШ), Стамбул университети, КХРнинг иқтисодий тадқиқотлар институти, Чехия иқтисодиёт институти ва бошқалар билан ҳамкорлик шартномаларини тузди ва улар билан иш бошлади.

Талабаларни юксак маданият ва маърифат эгалари ҳамда ватан фидоийлари этиб тарбиялашда ҳам катта муваффақиятларга эришилди. Бунда деканларимиз К. К. Жуманиёзов, М. С. Қосимова, Б. З. Калонов, И. А. Нурматов, М. М. Эрматов, А. А. Фаттахов, А. Т. Шермуҳамедов, Ш. Р. Холмўминов, Ҳ. М. Ҳакимов, А. М. Юсуповларнинг хизматларини ҳам таъкидламоқ лозим.

Бу даврга келиб университетимизнинг шаклланиш ва ривожланишига ҳам маълум якун ясалди. Унинг бир гуруҳ профессор-ұқытывчилари ҳукуматимиз томонидан тақдирланди. 1992 йил 8 январда кўп йиллик ҳалол меҳнати, илм-фанни ривожлантиришга, ҳалқ хўжалигининг юқори малакали мутахассисларини тайёрлашга кўшган ва ижтимоий турмушдаги фаол иштироки учун

Кишига: Ё. А. Абдуллаев, С. С. Гуломов, К. С. Сафаева ва К. А. Абиркуловларга Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони билан «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби», 15 кишига «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими», 4 кишига «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлилар мураббийси», 11 киши «Ўзбекистон Республикасида хизмат курсатган иқтисодчи» ва 31 киши эса Ўзбекистон Республикасининг «Фахрий сриклидари» билан мукофотландилар.

Ҳаммамизга маълумки, цивилизациянинг ҳар бир босқичида инсоннинг жамиятга, тараққиётга қўшаётган энг қимматбаҳо ҳиссаси ҳар доим инсоннинг саводхонлилиги, маълумотлилиги, дунёқарашининг кенглиги, ижодий қобилияти, қизиқувчанлиги асосида шаклланади. Албатта, бу инсон салоҳияти қирраларини бойиб бориши, тарқалиши ва ундан фойдаланиш таълим мавқеининг ортиши билан чамбарчас боғлиқдир.

Университетда янги талаб ва янги вазифалар асосида ўқув-услубий ҳарактерга эга тадбирлар белгиланиб, амалга оширила бошланди. Янги факультет ва кафедраларнинг ташкил топиши, мамлакатимизни мустақилликка эришганлиги туфайли халқ хўжалигининг ташки иқтисодий фаолият бўйича охирги йилларда мутахассисларга катта эҳтиёж сезилганлиги билан боғлиқдир. Бунга олий даргоҳимизда шарт-шароит ҳам яратилган эди. 1979 йилнинг ўзидаёқ олий даргоҳда чет эллик талабалар билан ишлаш деканати ташкил этилган эди. Ўшадаврда 33 та чет эллик талаба таълим олган бўлса, 1990 йилда эса улар сони 132 тага етди.

Замон талаби, иқтисодиётнинг муҳим ва алоҳида аҳамиятли ривожланаётган янги йўналишларига мувофиқ равишда янги кафедралар ҳам ташкил топди. 1989 йил апрелда «Маркетинг ва ташки иқтисодий фаолият», 1990 йил март ойида «Жаҳон иқтисодиёти ва Халқаро иқтисодий муносабатлар» каби кафедралар ташкил этилди. 1996 йилда «Ташки иқтисодий фаолиятда бухгалтерия ҳисоби ва аудит» ва «Аудит» кафедралари ташкил этилди. 1997 йилда «Қимматбаҳо қофозлар, суғурта иши ва фонд биржалари» кафедраси, шу 1989 йилнинг май ойида эса «Менежмент» кафедраси ташкил топди. 1990 йилда «Савдо менежменти» ва «Халқаро туризм иқтисодиёти» кафедралари, «Ижтимоий психология» кафедра-

си 1998 йил август ойида ташкил этилди. 1997 йил август ойида «Педагогика» ва «Халқаро бизнес» кафедралари ташкил этилди. Худди шу йили «Ташқи иқтисодий фаолиятни муқобиллаштириш ва божхона иши» кафедраси, 1999 йилнинг январ ойида «Халқаро молия ва банк иши», октябр ойида эса «Туризм маркетинги», «Туризм сервиси» ва «Туризм менежменти» кафедралари ташкил этилди.

Шу каби кафедралар негизида 1990 йил август ойида 7 та кафедрани ўз ичига оловчи «Халқаро иқтисодий муносабатлар» факультети ташкил этилди. 1995 йил деқабр ойида 5 кафедрани ўз ичига олган «Халқаро бизнес» факультети; 1999 йил июль ойида эса 5 та кафедрани ўз ичига оловчи «Халқаро туризм» факультети ташкил этилди.

Шундай қилиб 1991 йилда 5 та факультет ва 35 та кафедра мавжуд бўлган бўлса 2000 йилга келиб факультетлар 8 та ва кафедралар сони 45 тага етди. Уларда 529 нафар профессор-ўқитувчилар шу жумладан 59 профессор ва 179 доцент фаолият кўрсатмоқдалар. Профессор-ўқитувчиларнинг 50%га яқини фан доктори ва номзодларидир. Уларнинг таркиби кейинги ўн йил ичida анчагина яхшиланган; унда илмий даражали профессор-ўқитувчиларнинг улуши ўсган. Бу ҳол кейинги 5 йил ичida, айниқса, сезиларлидир. Университетда 7 та докторант ва 205 та аспирант муваффақиятли равишда таҳсил олмоқдалар.

Бу давр ичida университет профессор-ўқитувчилар таркибida ёшлар сонининг ўсганлигини фаҳр билан таъкидламоқ лозим. Шуниси қувонарлеки бу ижобий ўзгариш охирги йилларда айниқса кўзга яққол ташланмоқда. Масалан: агар 40 ёшгача бўлган профессор-ўқитувчиларнинг улуши 1991 йилда умумий профессор-ўқитувчиларнинг 16,8 фоиз ташкил этган бўлса, 2001 йилнинг бошига келиб уларнинг улуши 25,9 фоизни ташкил этиди. Бу университетнинг келажаги порлоқ ва кадрлар салоҳиятининг янада кучайиш имконияти мавжудлигидан далолат беради.

Бундай ижобий ўзгаришларга, аввало, Республикализмининг мустақилликка эришуви, бозор иқтисодиётига ўтишининг тезлашуви, давр талабидан келиб чиқиб янги замонавий мутахассисликлар тайёрлашни ташкил этилиши, магистратурани очилиши ва ҳоказолар сабаб бўлган.

Ўзбекистон Президенти И. Каримов Университетга мукофот топширмокда.



Университетда халқаро симпозиум.



Билимлар күніга бағишиләнгән тантаналар.





Университет олимлари хориж сафарида



Бремен университетеги билан шартнома имзолаш чоғида.



Университет қошилдаги гимназиянынг тантаналы очилиши.



Университет қошидаги лицейда Наврұз тантаналари.



Университет ректори Р.Алимов  
В.Садовничий



Москва Давлат университети ректори  
биздан муроқотда.



Хотира ва қадрлаш кунига бағышланган талбирларда.



ҮКУВ ЖАРАЁНИ.



Хорижий талабалар сабок пайтида.



Баркамол авлод келажагимиз.



Талабалар спорт машгулуги пайтида.



Талабалар Университеттинг «Юсуфхона» оромгохида.



Республикамизда гимназий, лицей ва колледжларнинг кўплаб ташкил этилиши уларни бошқаришни тўғри ташкил этиш масаласини қўйди. Ўзбекистон ОУМТВ олий ўқув юртларида гимназия, лицей ва колледжлар фаолиятига маҳсус жавобгар этиб проректорлар лавозими таъсис этди. Университетимизда бу лавозимга зукко, шижаатли, юксак иқтидор эгаси, иқтисад фанлари доктори, профессор Гулчехра Назаровани тайинланди.

Университетнинг кадрларни тайёрлаш ҳамда ўқув жараёнларида Иқтисодий гимназия, Академик-иқтисодий лицей, Халқаро бизнес мактаби, Ихтисослашган Олий бизнес мактаби қатнашади. Булардан ташқари, Қимматбаҳо қофозлар бозорига мутахассисларни тайёрлаш маркази, Вена бирлашган институтининг ҳудудий маркази, Жаҳон банкининг бирлашган молиявий мактаби ҳам фаолият кўрсатмоқда.

90-йилларнинг ўрталарига келиб Республикаизда бизнинг университет, иқтисодий мутахассисликлар бўйича асос бўла оладиган таянч олий ўқув юртига айланди. Университет Жиззах, Самарқанд, Қарши, Термиз, Урганч, Қўқон, Тўрткўлда ўқув-маслаҳат масканларига эга.

Уларга, асосан, талабалар иккинчи мутахассислика қабул қилинадилар ва иккинчи ва учинчи курсларни шу жойларнинг ўзида таълим оладилар; кейинги курсларни эса Тошкент шаҳрида давом эттирадилар ва битириув-малакавий Давлат имтиҳонлари топширганларидан кейин уларга ТДИУни тугатганликлари ҳақида диплом берилади. Бундай ўқишининг ташкил этилиши иқтисодий жиҳатдан нисбатан кам харажат қилган ҳолда вилоятлардаги мутахассисларни ўз иш жойларидан ажralмаган ҳолда иккинчи — иқтисодий билим олиш имкониятини беради.

Университет «Улугбек», «Устоз», «Умид» ва бошқа кўплаб Республикаиз ҳамда хорижий мамлакатлар ижтимоий жамғармалари ва фондлари билан алоқа ўрнатди.

1991 йилдан 2000 йилгача бўлган даврда университет кўплаб етакчи хорижий университетлар билан, жумладан, АҚШ, Англия, Германия, Франция, Шотландия, Жанубий Корея, Малайзия, Туркия ва бошқа мамлакат университетлари билан шартномалар имзолади. Ана шу давр мобайнида хорижда 500

дан ортиқ талаба ҳамда 1100 га яқин киши турли йұналишларда үқидилар, малака оширдилар ва мулоқотда бұлдилар. Европа, Америка ва Осиёнинг машхур ва маълум етакчи университетлари билан ҳамкорлик қылдилар.

Университетда хориждан келган 300 дан ортиқ талаба таҳсил олди. Бу давр ичидә 200 га яқин чет әл мамлакатларидан келган профессор-үқитувчилар университеттә үқув машғулотларини олиб бордилар.

Университетда илмий ишлар якуни ва профессор-үқитувчиларнинг малакасини ошириш бүйича ишларни келгусида мукаммалаштириб бориш учун бир қатор халқаро анжуманлар ва семинарлар үтказилди. Бу анжуманлар ва семинарлар Жаҳон банкининг иқтисодий ривожланиш институти, Халқаро молия корпорацияси, АҚШ қишлоқ хұжалиги департаменти, АҚШнинг Халқаро ривожланиш агентлиги, АҚШ шимолий-ғарбий Университетининг Келлог менежмент мактаби, Германия элчинонаси, Сорос фонди ва бошқа Халқаро университет ва ташкилотлар билан биргаликда үтказилди.

Республикамиз Президентининг мамлакатимиз халқыга, шунингдек ёш авлод тұғрисидаги доимий фамхұрлығы университетимизнинг ҳар томонлама ривожланишида күч-қувват бағищамоқда.

Университет кундан-кунга кенгайиб бормоқда. Янгидан-янги факультет, кафедра, лаборатория үқув марказлари, ихтисослашған тармоқ кенгашлари замонавий талабларға мувофиқ тарзда ташкил топмоқда. Маълумки, Республикализ университетлари бакалаврлар тайёрлайдилар. 1997—1998 үқув йилидан бошлаб эса университетимизда жаҳоннинг етакчи университетларининг тажрибалари асосида магистратура ташкил этилди.

Университетда 2000—2001 үқув йилида бакалавр даражаси 18 йұналишда, магистратура даражаси бүйича эса 71 мутахассисликтар бүйича мутахассис кадрлар Давлат андозалари асосида тайёрланмоқда. Улар 302 илмий йұналиш бүйича үқитилмоқда.

Университетда, айниқса, янги ихтисосликлар (маркетинг, менежмент банк иши, ташқи иқтисодий фармацият ва бошқалар) бүйича талабалар қабул қилиш ортиб бормоқда. Айни вақтда университетимизда 6626 та талаба ва магистрлар таҳсил олмоқда. Бу 1995 йилдаги га нисбатан 1,35 марта күп демакдир (1-жадвал).

**ТДИУнинг 1995—2000 йиллардаги талабалари  
хақида статистик**

**МАЪЛУМОТ**

	1995	1996	1997	1998	1999	2000	2000— 1995га нисбатан (%)
Жами талабалар ва магистрлар	4914	4585	5653	5634	6118	6626	134,8
улардан: талабалар, жами:	4914	4585	5174	5291	5667	6141	125,9
Шу жумладан кундузги бўлим	2330	2316	2720	2921	3208	3521	151,1
Махсус бўлим	208	246	213	202	184	126	60,5
Сиртқи бўлим	2376	2023	2241	2168	2275	2494	105,0
Магистратура тингловчилари			479	343	451	485	

Республикамиз мустақилликка эришгач «Таълим тўғрисидаги» қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»га мувофиқ олий таълим соҳасида туб ижобий ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Республикализнинг барча вилоят марказларида университетлар ташкил этилди, илм-фан, билим олиш аҳолининг барча қатламларига яқинлаштирилди. Уларнинг кам таъминланган қисмига ҳам олий таълим олишдек буюк неъматига эга бўлиш имконияти яратилди. Бу стратегик мақсад ҳозирги кунда тўлиқ амалга оширилмоқда ва унинг нақадар тўғри эканлигини вақтнинг ўзи исботлаб бермоқда.

Республикамизда талабаларнинг умумий сони 2000 йилда 1991 йилга нисбатан 1,3 баробар ўди. Пойтахтилиз Тошкентда эса талабаларнинг умумий сони 2000 йилда 1995 йилга нисбатан, вилоятларда ўз олий ўқув юргарининг ташкил этилиши муносабати билан бир мунча қисқарган бўлишига қарамай, уларнинг таркиби ижобий томонга ўзгарган. Бу ҳол бизнинг универ-

ситетимизда ҳам ўз аксини топди. Агар 1995 йилда кундузги бўлим талабалари 2330 кишини, яъни умумий талабаларнинг 47,4% ташкил этган бўлса, 2000 йилда улар 3521 (56,1%) ташкил қилди.

Талабаларнинг кўпминглик жамоасини университетнинг барча жамоа аъзолари ва биринчи навбатда профессор-ўқитувчилари илм бериб, тарбия қилмоқдалар. Университетда ташқаридан жалб қилинган профессор-ўқитувчилар ҳам бўлиб, улар бир қатор янги мутахассисликлар бўйича касбий маҳоратга эгадирлар. Шу йиллар ичida четдан жалб қилинган профессор-ўқитувчилардан 162 нафари хорижий мамлакатлардан ташриф буюрган.

1990 йили университет профессор-ўқитувчилари томонидан 25 та монография, дарслик ва ўкув қўлланмалар чоп этилган бўлса, 2000 йилда 122 та монография, дарслик ва ўкув қўлланмалари чоп этилди.

Университет олимлари охирги ўн йилликда иқтисодий фанлар ривожланишига ўзларининг улкан ҳиссаларини қўшдилар. Улар иқтисодиёт фанини ўз илмий тадқиқотлари ва олий ўкув юртларини дарслик ҳамда ўкув қўлланмалари билан бойитдилар. Булар ичida университет илмий ишларининг шаклланиши ва ривожланишида, унинг айнан шу соҳасини бошқарган ректор муовинлари-жонкуярларини кўрсатиш жойиздир; Бу фидойилар проф. Д. Д. Эрлих, Ю. Е. Шенгер, Э. А. Акрамов, В. В. Ким, Д. Қ. Аҳмедов, Н. Маҳмудов ва бошқалардир.

Профессор-ўқитувчиларимиз кейинги йилларда ўз илмий тадқиқотлари билан халқаро майдонга чиқдилар. Бир қатор ўкув қўлланмалар хориждаги Халқаро кўргазмалардан жой олди.

Академик С. Ф. Гуломовнинг «Ўзбекистоннинг 20-йиллардаги иқтисодий ривожланиши ва иқтисодий ислоҳотлар истиқболлари» монографияси 1994 йилда Тоқиода чоп этилди, «Ўзбекистон иқтисодиётинин ривожлантиришнинг асосий тамойиллари» монографияси эса Тошкентда 1995 йилда нашрдан чиқди. Профессор Д. Қ. Аҳмедовнинг «Шимоли-шарқий Осиё мамлакатлардаги иқтисодий ислоҳотлар тажрибаси ва улардан Ўзбекистонда фойдаланиш имкониятлари» монографияси 1998 йилда Тошкентда чоп этилди. Университет олимлари 1998 йилда жамоа бўлиб «Ўзбекистон иқтисодиётининг ўтиш даври долзарб муаммолари»га

БАГИШЛАНГАН ҚИММАТЛИ ТАДҚИҚОТЛАРИ 12 БОСМА ТАБОҚ  
ХАЖМИДА ЧОП ЭТИЛДИ.

1990—2000 йилларда хорижда университет олимпиадасында 20 дан ортиқ монографиялари чоп этилди. Бу монографиялар асосан АҚШ, Япония, Бельгия, Германия ва бошқа мамлакатларда нашрдан чиқди.

Шу йиллар ичиде университет олимпидалари томонидан хорижий шериклар билан ҳамкорликда 30 га яқин илмий-тадқиқот лойиҳалари амалга оширилди. Улар қумласига, Жаҳон банкининг иқтисодий ривожланиши институти, «НИППОН», «САСАКАВА», «СОРОС», «Евросиё», «АКСЕЛС» ва бошқа фонdlар билан ҳамкорликда бажарилган ишлар киради.

Илмий тадқиқот натижалари бўйича ушбу давр ичидага юқори ташкилотларга 269 та таклиф ва тадбир матнлари тақдим этилди. Худди шу даврда университет олимпидалари томонидан тайёрланган 157 илмий ишлар амалиётга тадбиқ этилди. 2000 йилда университет томонидан бажарилган илмий тадқиқот ишлари 6 та мавзу бўйича 25611 минг сўмни ташкил этди.

Университет шу йилларда чет эл инвестицияларини грантлар кўринишида жалб қилишга эришилди. Бу грантлар 15,4 млн. АҚШ доллари ва 128 минг ЕвроХажмида қайд этилган. Ушбу грантлар профессор-үқитувчиларни ўқитишга, илмий-тадқиқот дастурларини бажаришга, давлат муассасаси ходимлари ва мутахассисларни бозор иқтисодиёти асослари, маркетинг, менежмент, банк иши ва бошқалар бўйича ўқитишга ўйналтирилган эди. Шунингдек, қобилиятли талабаёшларни хорижий университетларда ўқитишга ҳам ана шу маблағлардан жалб этилди.

Республикамизнинг бозор иқтисодиётига ўтиш, ҳамда иқтисодий муносабатларни мукаммаллаштириш шароитида бир томондан илмий кадрларни кўпайтириш вазифаси турган бўлса, бошқа томондан янги мутахассисликлар бўйича илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш вазифаси кўндаланг қўйилганди.

Университетда илмий кадрларни тайёрлаш муаммолари аспирантура ва докторантураси орқали ҳал қилинади. Бу илмий ишларни ниҳоясига етказиш ва объектив баҳолашда ихтисослашган Илмий Кенгаш фаолиятини тўғри ташкил этиши алоҳида аҳамият касб этади. Бу ўринда эски кенгашлар қайта шакланиб, янги мутахассисликлар бўйича янги кенгашлар ташкил топа-

ётганлигини таъкидлаб ўтмоқ лозим. 1992 йилда университетда академик С. С. Гуломов раҳбарлиги остида номзодлик ва докторлик диссертацияларини ҳимоя қилиш бўйича янги Бирлашган Илмий Кенгаш ташкил топди. Бу кенгаш қуйидаги мутахассисликлар: Эконометрика ва статистика; Хорижий мамлакатлар иқтисадиёти; Маркетинг бўйича диссертацияларни ҳимояга қабул қиласди. 1990 йилдан 2000 йилгача 15 та докторлик ва 56 та номзодлик дессертациялари ҳимоя қилинди. Уларнинг аксарият қисми университетимиз ўқитувчилариридир.

Илмий кадрларнинг интеллектуал жиҳатдан ривожланишида ва илмий изланишларни чуқурлаштиришда илмий анжуманлар, симпозиумлар, семинарлар ҳамда алоҳида илмий муаммоларни ҳал этиш бўйича маслаҳатлашувларнинг ўтказилиши ва уларда ўқитувчи ва талабаларнинг фаол қатнашиши муҳим аҳамият касб этади.

Шу давр ичидаги университетта 216 анжуман ва маслаҳат кенгашлари ўтказилган бўлиб, уларда қатнашган профессор-ўқитувчилар сони 3 марта ортди. Йирик маҳсус Халқаро ва Республика илмий анжумани ва олимпиадаларида қатнашувчи ёш олимлар ва талабалар миқдори эса 2 марта ўди. Университет профессор-ўқитувчилар жамоаси турли хил анжуман ва симпозиумларда фаол иштирок этмоқдалар. Улар нафақат мамлакатимиз худудида, балки хорижда ўтказилган анжуманларда ҳам иштирок этмоқдалар.

1990—2000 йиллар мобайнида улар хорижий мамлакатларда 151 марта анжуманларда қатнашдилар ва илмий маъруза қилдилар. АҚШ, Япония, Германия, Франция, Италия, Туркия, Миср, Малайзия ва бошқа мамлакатлар шулар жумласидандир. Ана шуларнинг барчаси университет илмий салоҳияти даражасининг ўғсанлигидан далолат беради.

Университетда маънавият, маърифат ва маданий ҳаёт кенгдан ривож топмоқда. Республикамиз мустақилликка эришгач ҳар биримизни эркин фикрлаш, милллий ўзлигимизни англаш, ватанпарварлик, миллат фами билан яшаш руҳида ёш авлодни тарбиялаш каби олийжаноб масалаларга эътибор қаратилди. Бу улуф гояларни шакллантириш ва амалга ошириш мақсадида барча ўкув юртларида маҳсус бўлимлар, олий ўкув юртларида биринчи проректорлар лавозими таш-

шил этилди. Шу жумладан, бизнинг университети-мида маънавий ва маърифий ишлар бўйича проректор лавозимида 1995—1996 йилларда проф. Н. Х. Ҳакимов фаолият курсатди. 1996—2001 йил май ойига қадар проф. И. Саифназаров бу ишларга бош-қош бўлди. Ҳозирги кунда эса проф. Ш. Ш. Шодмонов мувваффақият билан бу вазифани бажариб келмоқда.

1995 йили университетда «Маънавият ва маърифат» маркази ташкил этилди. Бу марказ бир қатор бўлимлар: «Соғлом авлод учун» Республика жамгармаси, Республика ёшлар ва талабалар «Камолот» жамгармаси, «Хотин-қизлар кенгаши», «Талабалар кенгаши», Халқаро «Экосан» жамгармаси ва бошқа бўлимлар фаолиятини бирлаштиради. Марказ ушбу бўлимларга таянган ҳолда ҳамда касаба уюшмаси ёрдамида университетнинг «Иқтисодчи» (Ҳозирда муҳаррир — доц. С. Ризаев) кўп нусхали газетаси таҳририяти билан ҳамкорликда, уруш ва меҳнат фахрийлари жамияти билан ва ёшлар ташкилотлари билан биргаликда талаба-ёшлар онгида маънавий қадриятларни шакллантириш борасида маданий-маърифий ва тарбиявий ишларни амалга оширмоқда.

Ёшларнинг ижодий групчлари ўз фаолиятларига бир қатор янгиликлар олиб кирдилар. Улар, яъни миллий ва вокал чолғу ансамбллар, диск-клублар ва бошқа ижодий груп ҳастурлари мазмунли ҳамда янгича кўринишни ола бошлиди. Талабларимизнинг машхур фан, маданият ва санъат намояндалари билан учрашувлари мунтазам тус олди ва янгича маъно касб эта бошлиди.

Тарбиявий-маданий ишларни янги шаклларидан бири — «Профессор минбари» бўлиб, биринчи боролий ўқув юрти ҳаётига 1996 йилда проф. М. М. Мусаев ташаббуси билан татбиқ этилган эди. Бу тадбир иштирокчилари долзарб мавзулар бўйича маъruzalар ўтказиш жадвалини ишлаб чиқдилар ва университетнинг барча факультетларида улар бўйича маъruzalар қилдилар. Бу давр ичida улар: «Амир Темур ва унинг жаҳон тарихидаги улкан аҳамияти», «Ўзбекистон — қадимий маданият ва цивилизация ўчофи», «Экстремизм ва терроризм — инсоният душмани» ва бошқа мавзуларда ўнлаб маъruzalар қилдилар.

Университетнинг касабалар уюшмаси қўмитаси охирги йилларда талабалар, профессор-ўқитувчилар-

ни ҳамда ходимларни ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасида сезиларли ишларни амалга ошириди. 1995 йилдан 2000 йилгача жамоага 3.188.750 сўм миқдорида моддий ёрдам кўрсатилди. Жамоа аъзоларининг дам олиши ва даволанишлари учун ҳам катта эътибор берилди. Чорвоқ сув омбори яқинида университет ўз жамоаси учун дам олиш маскани қуриб, фойдаланишга топшириди. Бу ерда доимий равишда «Маънавият ва маърифат» Маркази, касаба уюшмаси ва «Камолот» ёшлар ташкилоти турли хил маданий-маърифий ишларни ўтказмоқда. Университет касаба уюшмасига турли даврларда Б. У. Қосимов, С. Х. Абдулатифов, Ф. А. Михайлов, О. Б. Бобоҷонов, О. Б. Баҳодиров, К. Алимовлар раҳбарлик қилдилар. Ҳозирги кунда эса уюшма профессор А. Н. Назаров томонидан бошқарилмоқда.

Ўзбекистон мустақил ривожланиш йилларида ёш авлодни жисмоний тарбиялаш ҳамда спортнинг барча турларини ривожлантиришда сезиларли ютуқларни қўлга киритди. Ҳусусан университетда турли спорт шўйбалар муваффақиятли ишлаб турибди: булар футбол, волейбол, бокс, самбо, кураш, эркин кураш, шахмат ва бошқалардир. Университет шаҳар ва Республика миқёсида ўтказиладиган тадбирларга ва спорт мусобақаларида фаол иштирок этиб, кўпгина спорт турлари бўйича совринли ўринларни эгаллаб келмоқда. Университет деярли барча спорт иншоотлари билан таъминланган. Охирги ўн йилликнинг ўзида 200 та биринчи разрядли спортчи ва 22 та спорт усталари тайёрланди. Улар орасида самбо бўйича жаҳон биринчилиги кумуш соврини соҳиби, талабамиз М. Бекташевнинг ёш спортчиларга ўrnak булиши ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Баҳодир Курбоновнинг 1999 йил Туркияда ўтказилган грек-рим кураши бўйича жаҳон чемпионатида З-ўринни эгаллаши ҳам диққатга сазовордир. 1998 йили университетнинг 2 та спортчиси Миржалол Қосимов ва Шуҳрат Мақсадовлар Таиландда ўтказилган Осиё ўйинларида футбол бўйича чемпион бўлдилар.

Университет жисмоний тарбия кафедраси мудири, хизмат кўрсатган спорт устаси А. А. Истомин жисмоний тарбия ва спортнинг ривожланишига катта ҳисса қўшиб келмоқда. У 1997 йилда Швейцарияда фахрийлар ўртасида эркин кураш бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатида «Жаҳон чемпиони» деган унвонга сазо-

оғо буди. 1999 йили Руминияда, 2000 йилда эса Голландияда ўтказилган жаҳон чемпионатида ўзининг булоғий ушонини тасдиқлаган ҳолда, уч карра жаҳон чемпионига айланди.

Кейинги йилларда университетнинг янги ўкув адабиётлар билан деярли тұла янгиланған кутубхонаси маъданий, маърифий ва маданий марказига айланди. Кутубхона Республика бүйіча иқтисодиёт ўкув адабиёт фендері ичида етакчи үринга эга. Кутубхонанинг янги биносида 4 та ўкув хоналари, 3 та китоб бера оладиган бүлшім, 10 та китоб сақлаш хоналари мавжуд. Улардан барчаси 3 қаватли кутубхона мажмуасида жойланған.

Кутубхонада жаҳоннинг турли мамлакатларидан келтирилген инглиз, француз, немис, араб, түрк ва бошта хорижий тиллардаги адабиётлар түпланғанлығы олдамиятта молиқдир. Бу талабаларимизга жаҳон иқтисодиётида бұлаёттан барча янгилик ва ўзгаришлардан тоқыф булиш имкониятими яратади. Кутубхонани болашында PERDCA, «Евросиё», СОРОС, АКСЕЛС ва турли Халқаро ташкилоттар ўз ҳиссаларини құшганлар. Кутубхона захирасида юз мингга яқын китоб мавжуд бўлиб, биргина 2000 йилда 2157 номда 20620 нусхада янги китоблар, 151 номли рўзнома ва ойномалар олинди.

Кутубхонада автоматлаштириш ва компьютерлар бўлими ташкил этилган. Унинг асосий мақсади кутубхонанинг иш жараёнинин босқичма-босқич компьютерга ўтказиш. ИРБИС дастурида ишлаш маҳсус дастур ёрдамида китобларнинг шифри, муаллифи, сарлавҳаси тез ва аниқ топиб беришга эришиш ҳамда принтер ёрдамида кўчириб бериш. Шунингдек, мунтазам равишда нашр этилаётган «Жамлама каталог», «Бозор иқтисодиёти» адабиётлар рўйхатини чиқариб Республикамизнинг бошқа кутубхоналарига тарқатишида Илмий-иктисодий ахборот маркази бошлиғи И. Ившатов, кутубхона директори Ш. Х. Фаниева, ходимлардан Н. К. Негматова, М. Х. Исмоилова ва бошқалар жонбозлик кўрсатмоқдалар.

Тошкент Давлат иқтисодиёт университети миллий иқтисодиётимизнинг барча тармоқ ва соҳаларини ўсиб бораётган иқтисодчи-мутахассисларга бўлган эҳтиёжи ни кондириб беришда ва иқтисодиёт илмини Ватанимизда юксалтиришида муҳим ўрин эгаллаб келмоқда.

## **2. ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ВА ИҚТИСОДИЙ БИЛИМЛАР**

Тошкент Давлат иқтисодиёт университетининг ўқув жараёни ва олиб борилаётган барча фаолияти «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури», «Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ҳолда ташкил этилган бўлиб, миллий тажрибанинг таҳдили ва таълим тизимидағи жаҳон миқёсидаги ютуқларни тадбиқ этиш асосида олиб борилмоқда.

Ўқув жараёнини ташкил этиш, кадрлар тайёрлаш миллий моделини рӯёбга чиқаришни, ҳар томонлама камол топган, жамиятда турмушга мослашган, таълим ва касб-хунар дастурларини онгли равишда танлаш ва кейинчалик пухта ўзлаштириш учун ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, психологик-педагогик ва бошқа тарздаги шароитлар яратишни, жамият, давлат ва оила олдида ўз жавобгарлигини ҳис этадиган иқтисодчи кадрлар тарбиялашни назарда тутади. Ушбу борада университет жамоасининг ўзига хос тажрибаси ва тарихи мавжуд. Мустақиллик қўлга киритилган йиллардан бошлаб университет жамоаси бозор иқтисодиёти шароитида янги иқтисодчи кадрларни тайёрлашни такомиллаштириш бўйича қуйидаги ишларни амалга ошириди:

### **1. Замон талабига жавоб берга оладиган кадрларни тайёрлаш.**

1992 йилда Университетнинг кадрлар сиёсати концепцияси ишлаб чиқилди ва ушбу концепция асосида илмий равишда университет илмий педагогик салоҳиятини шакллантириш ва мустаҳкамлаш ишлари олиб борилмоқда. Ушбу ишларнинг биринчи босқицида жаҳон таълим тизимининг тажрибасини ўрганиш вазифаси қўйилди. Вазирлик ёрдамида университетнинг етук профессор-ўқитувчилари жаҳон таълим тизимини ўрганиш мақсадида чет эл мамлакатларига малака ошириш ва қайта тайёрлашга юборилдилар. 1992—1995 йилларда 10 дан ортиқ олимпийиз Германия олий ўқув юртларида ўқув жараёни ташкил этилишини ўрганиб келиб, ушбу мамлакатда қўлланилаётган илгор педагогик технологияларни жорий этиш бўйича амалий ишлар олиб бордилар. Профессор-ўқитувчиларнинг малакасини оширишда Жаҳон банки билан биргаликда маҳсус семинарлар

ташкил этилди. Ушбу семинарларнинг биринчи босқичи Тошкентда, кейинги босқичлари эса Москва, Венада ўтказилди.

Чет эл мамлакатларида олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар, ривожланиш моделларини ўрганиш мақсадида малакали чет эл профессор-ўқитувчилари тақлиф этилди. Мармара университети ректори проф. Доктор Орхан Оғўзнинг «Туркия бозор иқтисоди модели» ҳақидаги маъruzаси 1992 йил 21 майда Илмий Конгашда тингланди.

Чет тилини мукаммал ўрганиш ва бозор иқтисодистини чукур билиш мақсадида ўқув жараёнидан ажраилган ҳолда 10 ойлик малака оширишга профессор-ўқитувчилар Туркия, АҚШ ва бошқа мамлакатларга жўнатилди. 1991 йилда университетнинг 17 нафар профессорлари Туркиянинг етакчи университетларига ўз мутахассисликлари бўйича малака оширишга юборилдилар. Улар Туркиянинг бозор иқтисодиётига ўтиш тажрибаси билан танишдилар. Сафар натижаларини ўз монографияларида ёритиб бердилар. Шу сафар натижаси бўйича профессорлар В. Ким ва К. Ҳамдамовлар Туркия аграр тизими тажрибасини акс эттирувчи ўқув қўлланмаси тайёрладилар. Профессор Ж. Жалолов ўзининг «Бозор иқтисодиёти: Туркия моделининг сири» китобини кенг ўқувчилар оммасига тухфа этди.

Проф. З. Йўлдошев раҳбарлигига 20 дан зиёд университет профессор-ўқитувчиларининг АҚШда қишлоқ хўжалик иқтисоди дастури асосида малака оширидилар ва ушбу семинар натижаси бўйича илмий тўплам чоп этилди.

Чет эл мамлакатларидан бозор иқтисодиёти билан боғлиқ бўлган фанларни ўқитиш учун профессор-ўқитувчилар тақлиф этилди. 1990 йилдан 100 дан зиёд чет эллик профессор-ўқитувчилар университетда дарс олиб бордилар.

Жаҳон банки дастури асосида банк ходимларини малакасини оширишни ташкил этилди ва ушбу дастурда ўқиб келган профессор-ўқитувчилар Республика банк тизими ходимларини малакасини ошириш дастурларини руёбга чиқардилар. 1000 дан зиёд банк ходимлари малака ошириш семинарлари ва маҳсус ташкил этилган анжуманларда иштирок этдилар.

Буюк Британияда «Бухгалтерия ҳисоби» дастури бўйича профессор-ўқитувчиларни қайта тайёрлаш таш-

кил этилди. Бу ерда 20 дан зиёд профессор-ұқитувчиларимиз бухгалтерия тизимиңнинг чет эл стандартлари билан танишиб келдилар.

— Европа ҳамжамиятининг «ТАСИС» дастурида 30 дан зиёд профессор-ұқитувчилар магистратура дастури бүйича ұқиб чет эл университетлари магистр даражасини олдилар ва ушбу дастурда олган билим ва тажрибеларни ұқув жараёнида изчил құлламоқдалар.

— Университет профессор-ұқитувчилари Буюк Британиянинг Нотингем Трент университети билан ҳамкорликда «Бозор шароитида менежмент» мавзусида Англияда Халқаро семинар ташкил этдилар.

Университет замон талабига жавоб берә оладиган ва миллий дастурни ҳаётга тадбиқ эта оладиган педагог кадрларни тайёрлаш учун иқтидорли, чет тилини мукаммал биладиган 300 дан зиёд талабаларни 1990 йилдан бошлаб чет элларға бакалавр ва магистр даражасини олиш учун ұқишига юборди. Улар АҚШ, Англия, Франция, Германия, Малайзия, Жанубий Корея университетларни битириб келдилар ва айримлари ҳозирги кунда университетта чет тилемде иқтисодий билимларни бермоқдалар. Масалан, М. Саттаров, (Вашингтон университети), Д. Хидиров (Нью-Йорк университети), У. Мұхитдинов. (Оачита университети), О. Муминов (Эмори университети), Б. Ашрафханов. (Бельмонт университети) ва бошқалар чет элда олган билимларини Халқаро бизнес, ХИМ факультети талабаларига бермоқдалар. Бундан ташқари университеттинг тажрибали чет тилларни мукаммал биладиган 400 дан зиёд профессор-ұқитувчилари ҳар хил дастурлар бүйича чет элда малакаларини ошириб ва қайта янги касбларга үрганиб келдилар. Шу жумладан 50 нафар ұқитувчи магистр илмий даражасини олиб Республикамиз ва чет эл университетларыда фаолият олиб бориш учун сертификат ва дипломлар олдилар.

Барча чет элларда ұқиған ва малакасини оширган профессор-ұқитувчилар чет эл ұқитиши технологиялари, компьютер техникаларини ұқув жараёнида құлламоқдалар. Хориж университетларида ишлаб, тажриба орттирган профессор-ұқитувчилар чет эл фирмаларыда ҳам фаолият құрсаатмоқдалар. Бу эса үз навбатида уларни қайта тайёрлаш ва янги касбларга үрганиш бүйича ҳар хил дастурларда иштирок этиш имконият-

ларини яратмоқда. Масалан, Жаҳон банки ва Вена мактаби, ТАСИС дастури, Япония, Германия, Франция, Англия, АҚШ ва бошқа мамлакатларда қайта тайёрловдан ўтган профессор-ўқитувчилар Ўзбекистонда ҳар хил чет эл ташкилотлари билан дастурларда қатнашиш учун жалб қилинмоқда ва ўз навбатида чет элларда фаолият олиб бориш ва қайта малакасини ошириш учун узлуксиз тизим буйича жалб этилмоқда.

Фарбий Европа, АҚШ, Япония, Жанубий Корея университетлари билан ўзаро ҳамкорликда кадрлар тайёрлаш ишлари йўлга кўйилди. Хусусан, Япониянинг Тохоку Университети, Нью-Йорк, Нью-Пальц Давлат Университети, Колумбия Университети, Ноттингем Трент Университети, Ньюремберг Университети, Жанубий Кореяниң Хосео, Хавон Университетлари шулар жумласидандир.

Чет эллардаги университетларни муваффақиятли битириб келаётган ТДИУ кадрлари ҳозирда иқтисодистимизнинг турли соҳаларида хизмат кўрсатмоқдалар. Faқатгина 1999 йили 20 та талаба муваффақиятли бакалавр ва магистрлик увонлари билан Ўзбекистонга қайтиб келдилар ва улардан 18 киши Тошкент университетларида машгулотлар олиб бормоқда.

Ҳозирги даврда 60 дан ортиқ талабалар АҚШ Университетларида, шу жумладан магистратурада, Англияниң Ноттингем Трент Университетида — 2 та, Напиер Университетида — 1та, Шотландияда — 1та, Венгрия Будапешт Университетида — 1 та, Малайзияниң Мара Университетида — 1та, Чехияниң Карлово Университетида — 1та, Сингапурда — 1та ва Японияда 1 та ўқимоқдалар.

Ҳозирги кунда ВВА дипломли 24 та, МВА дипломли 13 та талабалар Университетда дарс бериш ва илмий ишлар олиб бориш билан банд.

«Умид» жамғармаси йўлланмаси билан Университетларни муваффақиятли битириб келган талабаларни сиртқи аспирантурага танлов ва имтиҳонларисиз қабул қилиш йўлга кўйилган.

Халқаро ҳамкорликда кадрларни тайёрлашни та-комиллаштириш мақсадида Япония, АҚШ, Германия, Англия, Франция, Венгрия, Россия каби мамлакатларнинг элчиноналари билан узвий алоқалар ўрнатилган, улар томонидан талабалар танлови ташкил этилиб грантлар ажратилмоқда. Ҳозирги кунда

Университет Евроазия, Айрекс, АКСЕЛС, Фулбрайт, Сорос жамғармаси (АҚШ), Британия Кенгашы, Ноу Хау жамғармаси (Буюк Британия), ДААД, ГТЦ, Конрад Аденауэр (Германия), FFCA, FEF, Сасакава жамғармаси (Япония), KOFCA (Жанубий Корея), Машав (Исройл), Халқаро Валюта Фонди, Жаҳон Банки Халқаро Молия Корпорацияси, Осиё Ривожланиш Банки, ТАСИС каби жамғарма ва Халқаро ташкилотлари билан биргалиқда кадрлар тайёрлаш соҳасида ва илмий анжуманлар ўтказиш борасида ҳамкорлик ўрнатилган ва 200 дан зиёд талаба чет элга ўқишига юборилган.

Юқори малакали кадрларни тайёрлаш ва ўқув жараёнига хорижий инвестицияларни жалб қилиш мақсадида Жаҳон Банкининг Халқаро Молия Корпорацияси ва Мак Гилл Университети билан биргалиқда Халқаро Менежмент ва Консалтинг Маркази тузиш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Марказни тузишдан асосий мақсад чет эл тажрибасини ўргангандан ҳолда менежмент соҳасида малакали кадрлар тайёрлаш, қолаверса, Ўзбекистонда бизнес консалтинг бозорини ривожлантиришидир.

Проф. С. Қосимова ташкил этган «Ўзбек-Германия» бизнес мактаби ёрдамида талabalар ва профессор-ўқитувчилар Германия олий ўқув юртларида малакаларини ошироқдалар, ўз навбатида германиялик профессорлар университет ўқув жараёнига жалб этилмоқда.

Университет ўзаро ҳамкорликда кадрлар тайёрлаш мақсадида Япония, АҚШ ва Фарбий Европа Университетлари билан шартномалар тузган. Россия Плеханов Академиясининг Тошкент шуъбаси, Ихтисослашган Олий Бизнес мактаби, «Келажак илми» Халқаро бизнес мактаблари шундай шартномалар маҳсулидир.

ТДИУ ҳам ўз навбатида хорижий мамлакатлар талabalari ва аспирантларини ўқитишида ҳамкорлик қилимоқда. Жумладан, АҚШдан Алекс Ал-Насур Халқаро Бизнес факультетида, Жанубий Кореядан Ким Ок Юнг ва Иорданиядан Хайсам Аль-Мубайдин аспирантура ни ўқиб муваффақиятли тамомладилар.

Ким Ок Юнг ўз вақтида илмий ишини тугатиб ҳимоя қилди. Ўзбекистонда унинг туризм ҳақида монографияси нашр этилди. Бундай ҳамкорлик АҚШ, Япо-

ния, Европа Университетлари билан янада ривожланмоқда.

Университет кадрлар тайёрлаш соҳасида Фарбий Европа, Шимолий Америка, Япония, Жанубий Корея, Малайзия, АҚШ каби мамлакатларининг етакчи Университетлари билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган. Алоқалар Университет ва Университет қошида ташкил этилган экспериментал «Келажак илми» бизнес мактаби доирасида амалга оширилмоқда. Кадрлар тайёрлашни «Устоз», «Умид» фонди, чет эл фондлари грантлар (Сорос ва бошқалар), ҳомийлар маблағлари ва таклиф қилаётган Университет маблағлари ҳисобидан амалга оширилмоқда.

«Умид» фондидан 1996 йилда 30 талаба ўтган ва 22 талаба чет элга юборилган, 1997 йили 21 та, 1998 йили 30, 1999 йилда 28 талаба ривожланган мамлакатларнинг Университетларига жўнатилган.

Кадрларни Халқаро стандартлар талаби асосида тайёрлаш мақсадида ўкув дастурлари Фарбий Европа ва АҚШ Университетлари билан мувофиқлаштирилмоқда. Масалан, университетнинг Халқаро бизнес, Халқаро иқтисодий муносабатлар факултетлари ўкув режалари Рейн бизнес мактаби мажмуасига кирган университетлар ўкув режалари асосида ишлаб чиқилган.

## *2. Замонавий ўқув стандартлари ва янги ўқув дастурларини яратиш.*

Ўқув жараёнини такомиллаштириш борасида эски ўқув режалар таҳлил этилиб уларга замонавий бозор иқтисодиётини ёритадиган фанлар киритилди.

Барча йұналишларда Макроиктисодиёт, Микроиктисодиёт, Иқтисодиёт назарияси, Ташкилий хулқ, Персонални бошқариш, Менежмент, Маркетинг, Логистика, Ташқи иқтисодий фаолият асослари ва бошқа фанлар киритилди.

Ривожланган мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқиб янги йұналишлар ва мутахассисликлар киритилди, шулар жумласидан, Халқаро иқтисодий муносабатлар, Ташқи иқтисодий фаолият, Банк иши, Божхона иши, Менежмент, Маркетинг, Халқаро бизнес, Бизнес бошқаруви, Касб хунар таълим (соҳалар бўйича) ва бошқалар.

Университет Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 1996 йил 22 февралда

45-сонли «Таянч олий ўқув юртларини фаолияти ҳақыда» буйруғига ассоан иқтисод йұналишлари бүйінча таянч олий ўқув юрті деб ҳисобланади. Ҳозирғи кунда университеттегі қуидаги таълим йұналишлари бүйінча Давлат таълим стандартлари ишлаб чиқылды (2-жадвал).

Бизнес бошқаруви, Касб-хунар таълим, Божхона иши, Халқаро туризм, Халқаро бизнес, Туризм менежменти, Туризм сервиси, Туризм маркетинги йұна-

#### 2-жадвал.

#### **Йұналишлар бүйінча Давлат таълим стандартлари ишлаб чиқылиши**

№	Таълим йұналиши	Стандарт ишлаб чиқыш учун мастьул ходим
1.	Менежмент	проф. Ш. Н. Зайнутдинов
2.	Иқтисодиёт	проф. А. Э. Ишмухамедов
3.	Маркетинг	проф. А. А. Фаттахов
4.	АгроЭкономика	проф. Б. Т. Салимов
5.	Статистика	проф. М. М. Сагатов
6.	Иқтисодиётта ахборот тизимлари	проф. Т. Ш. Шодиев доц. Ш. Хошимходжаев
7.	Халқаро иқтисодий мұносабатлар	проф. Г. Г. Назарова проф. С. О. Бержанов
8.	Ташқи иқтисодий фаолият	проф. Ж. Ж. Жалолов
9.	Халқаро туризм	проф. Т. Тошмурадов
10.	Бизнесни бошқарыш	проф. Э. Х. Махмудов, М. С. Қосимова
11.	Халқаро бизнес	проф. Р. Турсунов
12.	Божхона иши	проф. Н. Махмудов
13.	Касб хунар таълим	проф. Н. Хужаев
14.	Туризм маркетинги	проф. Г. Назарова
15.	Туризм менежменти	проф. Г. Назарова
16.	Туризм сервиси	проф. Б. Рахимов
17.	Ташқи савдо	проф. М. С. Қосимова

лишлари янги очилган таълим йўналишлари ҳисобланади. Ҳозирги кунда барча таълим йўналишлари бўйича ўзбек ва рус тилларида Давлат таълим стандартлари, намунавий ўқув режалари ва фанлар бўйича намунавий ўқув дастурлари ишлаб чиқилган ва Олий ва ўрта маҳсус мактаб муаммолар институтига топширилган. Янги Давлат таълим стандартларини яратишда университет олимлари чет эл мамлакатларида ортириган билим ва тажрибаларини кўлладилар. Шу боис яратилган стандартлар замон талабига мосдир. Биринчи навбатда ҳар бир блок бўйича талабалар танлаб ўқыйдиган фанлар салмоғи ва сони кўпайтирилди, бу эса ўз навбатида янги фанларни ўқув жараёнига тезкор киритиш имкониятини берди. Ўқув режалари замонавий тизимларда дарс олиб боришга мослаштирилган, фанларига ажратилган соатларда талабаларни ўз устларидан ишлашлари учун вақт ажратилди (мустақил таълим). Стандарт асосида ишлаб чиқилган режа қуйидаги блоклардан ташкил топган:

1) умумгуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар. Бу блокка киритиладиган фанлар ва уларнинг соатлари Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан белгиланган;

2) умумматематик ва табиий фанлар. Ушбу блок математика, информатика, информацион технологиялар, иқтисодий математик моделлар, экология ва иқтисодий география, табиий билимлар асослари фанларидан зарурый билим беришга мўлжалланган;

3) умумтаълим ва умумкасб фанлари. Бу блокга иқтисодчини шакллантирувчи таянч умумтаълим ва иқтисодий фанлар киритилган;

4) йўналишнинг маҳсус фанлари. Ушбу блокда йўналишни хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда мутахассисни шакллантирувчи фанлар ўқитилади;

5) қўшимча таълим турлари. Ушбу блокда ҳарбий таълим, фуқаро, мудофааси, тиббиёт асосларидан қўшимча билимлар берилади.

Университет жамоаси ҳар бир блокда талабалар танлаб оладиган фанлар доирасини кенгайтириб, замон талабига асосан янги билимларни берувчи фанларни киритиш борасида ишлар олиб бормоқда.

Узлуксиз таълим тизимини университетда жорий этиш мақсадида университет қошида қуйидаги таълим муассасалари очилган.

Тошкент шаҳридаги 90-мактабнинг бошлангич синфларида иқтисодий йўналиш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда машғулотлар ўтилади.

Гимназия — 6 синфдан бошлаб машғулотлар ўтилади, тингловчилар сони 405 та, профессор-ўқитувчилар сони 35 та, шу жумладан, университетда ҳам ишлайдиганлар 20 та.

Академик лицей — 10 синфдан бошлаб машғулотлар ўтилади.

Профессионал коллеж — 1998 йилда ташкил топиб, ҳозирги кунда 200 дан зиёд талабани ўқитмоқда. Коллежда университетнинг 20 дан зиёд профессор-ўқитувчилари машғулотлар олиб бормоқдалар.

Ихтисослашган олий бизнес мактаби — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 29 июлдаги «Қишлоқ ёшлари касбий таълимими бозор ислоҳотлари талабларини эътиборга олган ҳолда қайта кўриб чиқиш тадбирлари ҳақида»ги қарорни бажариш, кичик, ўрта хусусий бизнесни ташкил этиш ва бошқариш, шунингдек, турли хил даражадаги юқори малакали халқаро стандартлар талабига жавоб берувчи бошқарув аппарати ходимларини тайёрлаш мақсадида олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг маҳсус буйруғига асосан университет таркибида ташкил этилган.

Республикада биринчи МБА (Бизнесни бошқариш магистри) дастури бўйича юқори даражадаги менежерларни тайёрловчи ушбу бизнес мактабнинг ўкув дастури бозор иқтисодиёти ривожланган чет эл мамлакатларидағи бизнес мактабларининг ўкув дастурлариға тўлиқ мос келади, ўқитиладиган дарслари рус ва инглиз тилларида олиб борилмоқда. Талabalар сони 300 дан зиёд, университетнинг 40 дан зиёд профессор-ўқитувчилари машғулотлар олиб борадилар. Аудиториялар ва ўқиш жараёни замон талабига жавоб берадиган ҳолда жиҳозланган ва ташкил этилган, энг замонавий компьютер техникаси билан таъминланган. «Ихтисослаштирилган олий бизнес мактаби» Республикада бизнес таълимими жорий қилиш ва ривожлантириш бўйича методологик марказ мақомига эга бўлган олий даргоҳ бўлиб у Европа ҳамжамияти ТАСИС дастури кўмагида ташкил этилган. Олий бизнес мактаби ҳозирда Ўзбекистонда фаолият қилаётган барча мулкчилик шаклидаги корхоналарни раҳбарларини қайта магистрлик даражаси билан тайёрлаш мақсадида таш-

кин этилган. Унда Фарбий Европа, АҚШ университетлари магистрлик дипломига эга бўлган профессор ва лицензилар инглиз тилида дарс ўтмоқдалар. Магистратура дастури Франциянинг Ренн олий бизнес мактаби ва Белгиянинг Льбвен католик университети дастурлари билан мослаштирилган.

Олий бизнес мактаби магистратурадан ташқари 1998 йилдан бошлаб бизнесни бошқарувчи бакалаврларни ҳам тайёрлашга кириши. Бакалавриат — талабалар сони 3500 та профессор-ўқитувчилар сони 450 дан зиёд, 20 зиёд таълим йўналиш бўйича мутахассислар тайёрланади.

Кундузги магистратура — тингловчилар сони 480 дан зиёд, замон талаби асосида ўқув жараёни ташкил этилган. Тингловчиларга ксерокс ёрдамида ўқув-услубий материаллар етказиб берилади, интернет тизими доимо ишлайди, Жанубий Корея очган Тошкентдаги марказда профессор-ўқитувчилар ва тингловчилар бепул интернет тизимида ишлаш бўйича тулиқ курсдан ўтдилар.

Малака ошириш олийгоҳи профессор-ўқитувчилар сони 50 дан зиёд. Университетда ва барча вилоят марказларида замонавий дастурлар асосида семинар, анжуманлар ўтказилади, машгулотлар ташкил этилади.

Узлуксиз таълим тизимининг муҳим босқичи аспирантура ва докторантурада 200 дан зиёд аспирант ва 110 дан зиёд докторант илмий изланишлар олиб бормоқдалар.

Ҳар бир бўлинма ўз фаолиятини университет фаолияти билан чамбарчас боғлаган. Барча бўлинмаларда университет ва чет эл университетларидан таклиф қилинган профессор-ўқитувчилари машгулотлар олиб борадилар. Бундан ташқари ушбу бўлинмалар Республикада иқтисодий йўналишлар бўйича таянч ҳисобланади. Гимназия, лицей ўқув режалари университетнинг иқтисодий йўналишларига мос этиб ишлаб чиқилган. Университетнинг барча бўлинма раҳбарлари Илмий Кенгаш аъзосидирлар ва барча бўлинмалар университетдаги ўқув-услубий ва таълимтарбия ишларида биргаликда қатнашадилар. Ҳамма бўлинмалар университет моддий техника базасида ташкил этилган ва университетнинг биноларида жойлаштирилган.

Ҳозирги кунда АҚШ ва Англия университетлари

били Твининг дастурини (2+2) ташкил этиш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Ушбу дастур асосида талабалар 1,2 курсларни Ўзбекистонда ва 3,4 курсларни чет эл университетларида ўқиб битиришлари лозим. Улар битиргандан кейин чет эл дипломини оладилар.

Хозирги кунда университетда 8 кундузги, 2 сиртқи, махсус факултет, Ихтисослашган Олий Бизнес мактаби, Республика Иқтисодиёт лицейи, Гимназия, Иқтисодиёт, Бизнес илмий педагогик кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институти, қимматли қофозлар бозори учун кадрлар тайёрлаш Миллий маркази, Жаҳон Банкининг Бирлашган Молия Банк мактаби, Халқаро Ўзбек-Немис бизнес мактаби, Британия Кенгашининг ресурс мактаби, «Техномаркет» Бизнес инкубатори ва бошқа бўлинмаларда фаолият олиб борилмоқда.

Университет олимлари «Ахборот тизимини ривожлантириш», «Узлуксиз иқтисодий таълим», «Иқтисодий Олий таълимни компьютерлаштириш», «Тошкент Давлат иқтисодиёт университетини кадрлар сиёсати», «Тошкент Давлат иқтисодиёт университетидаги талабаларни ўқитиш методикасини ривожлантириш», «Иқтисодчи магистрлар тайёрлаш», «1996—2000 йилларга мўлжалланган чет тилларини ўқитишни такомиллаштириш» концепцияларини ишлаб чиқдилар ва ҳаётга тадбиқ этмоқдалар.

Бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берадиган юқори малакали, Халқаро стандартлардаги кадрларни тайёрлаш ТДИУ қошида янги структуралар, амалиёт марказларини тузишни талаб этмоқда. Шу мақсадда ТДИУ қошида «Қимматли қофозлар бозори» бўйича мутахассислар тайёрловчи миллий марказ», «Иқтисодий мутахассислар Магистратураси», «Ихтисослаштирилган Олий бизнес мактаби», ТДИУ коллежи, лицей, гимназия, экспериментал «Келажак илми» бизнес мактаби, Бирлашган Вена Институтининг Тошкент шуъбаси, Бирлашган Банклар иши ва молия семинари, «Иzlaniш МБФ» илмий-тадқиқот ва консалтинг компанияси, Россия Плеханов академиясининг Тошкент шуъбаси, «Техномаркет бизнес инкубатори» ва шу кабилар ташкил этилди.

Қимматли қофозлар бозори бўйича мутахассислар тайёрловчи миллий марказ қимматли қофозлар бўйича операциялар, давлат корхоналарини ҳиссадорлик жа-

миятларига айлантириш, Товар биржаларида брокерлик, күчмас мулклар операцияси каби иқтисодиётимизни ислоҳ қилишга қаратилган соҳаларда мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш фаолияти билан шуғулланади.

Иқтисодий мутахассисликлар магистратураси «Касб магистри» дастури асосида «Банк иши», «Молия ва кредит», «Солиқ ва солиққа тортиш» «Халқаро бизнес», «Маркетинг» каби мутахассисликлари бўйича магистратурада кадрлар тайёрламоқда.

«Бирлашган банклар иши ва молия» мустақил банк ва ўқув маркази бўлиб, у 1994 йили ташкил этилган. 1994—2000 йилларда ўқув маркази Республикаизда янгидан ташкил этилган тижорат банкларининг кадрларини қайта тайёрлаш ишига катта ҳисса қўшди. Фақатгина 2000 йили Республика миқёсида 13 та турли мавзуларда семинарлар ташкил этди.

«Техномаркет Бизнес инкубатори» 1996 йилда ташкил этилган бўлиб у кичик ва ўрта тадбиркорларни малакасини ошириш ва уларни ҳар томонлама қўллаб кувватлаш билан шуғулланмоқда. 2000 йили «Техномаркет БИ» 12 та семинар ва доимий равишда консалтинг хизмат кўрсатади.

### *3. «Умид», «Устоз» жамғармалари ва бошқа ташкотлар орқали хорижда ўқиши ва малака ошириши.*

Президентимиз Ислом Каримов, «Мен ёшларга ишонаман, мен улар билан келажагимизни кўраман...», деб ёшларга эътиборни кучайтириш, хусусан иқтидорли ёшлар билан янада яхшироқ ишлаш кераклигини доимо таъкидламоқдалар. «Умид» жамғармаси худди шу мақсадда ташкил этилган.

«Умид» жамғармаси йўлланмаси билан 1997—2000 йиллари 113 киши дунёнинг ривожланган мамлакатларида ўқишига юборилди. Университет ректорати иқтидорли ёшлар билан ишлашни янада пухтароқ тайёрлаш мақсадида 1997—2000 йилларда «Умид» жамғармасига талабаларнинг танловини танқидий таҳдил қилиб чиқиб, аниқ чора-тадбирлар белгилади.

Биринчидан, талабаларнинг танлови янгича ташкил этилди. Бунинг учун гуруҳларда ижтимоий психологияк сўровномалар ўтказилиб, иқтидорли, фидокор талабалар излаб топилди. Бу танлов объективлиги билан аҳамиятли бўлди. Шунингдек, сўровнома иқтидор-

ли талабаларнинг фидоийлигини ҳам ўз ичига олди. Талабларни тест синовидан ўтказишни Республикада ягона ТДИУнинг ижтимоий психология кафедрасининг ташаббускор профессор-ўқитувчилари ташкил этдилар.

Университет Илмий Қенгаши қошида «Фидокор ва иқтидорли ёш иқтисодчилар клуби» 1998 йил октябр ойида ташкил этилди. У клубга ҳам иқтидорли ҳам фидокор талабалар аъзо бўлиб кирмоқдалар. Бу эса «Умид» жамғармасига объектив, пухта, иқтидорли ва фидокор талабаларни танлаш имконини беради.

1998 йилда магистратурага собиқ талабаларнинг қабул қилинаётганлигини ҳисобга олиб аспирантлар, докторантлар ва иқтисодиётимизнинг турли соҳаларида ишлаётган собиқ талабалар билан учрашувлар ўтказилди ва уларга магистратуранинг моҳияти ва уни чет элларда қандай ташкил этилганлиги ҳақида ахборот берилди.

Хозирда «Умид» жамғармаси танловининг дарслари Чет тили, Ўзбекистон тарихи, Маънавият ва мутахассислик бўйича олиб борилмоқда. Бунда талабаларни қишки таътили давридан самарали фойдаланишни кўзлаб дарс жадваллари тузилган. Дарс жараёнига етакчи профессор-ўқитувчилар жалб этилган. Дастурлар эса янгиланиб, мукаммалаштирилган.

«Умид» жамғармасига олимпиадалар, илмий анжуманлар, амалийтда энг яхши натижаларга эришган талабаларни жалб этиш устувор йўналиш деб белгиланган. Университетда ректор, проректор, деканларнинг доимий назоратида бўлган иқтидорли талабалар рўйхати тайёрланди. Масалан, ректор рўйхатига тушиш учун талаба рейтинг балларининг 95%дан зиёдини олиши лозим, проректорлар рўйхатига тушиш учун эса 90—94% балларни, декан рўйхатига эса 85—89% балларни олган талабалар киритилади. Ушбу талабалардан Президент, Беруний ва бошқа стипендияларга номзодлар танлаб олинади.

«Умид» жамғармасидан талабалар 1997 йилдан хорижга жўнатила бошланган бўлса, бошқа жамғармалардан эса 1990 йилдан иқтидорли ёшлар Европа, АҚШ, Япония, Жанубий Корея, Малайзия ва шу каби кўплаб мамлакатларга жўнатила бошланди. Университет раҳбарияти ва кафедралар улар билан доимо узвий алоқада бўлиб келмоқдалар. Шу сабабли улар вазирликлар, компаниялар, банклар ва бошқа институтлар-

да мәхнат қылсаларда, улар фаол ўкув жараёнига жалб үтілған. Хорижда ўқиган ва малака оширганлар асосан янги фанларни ўқитмоқдалар. Магистрлик дипломига әга бўлган профессор-ўқитувчилар ҳозирда 40 тадан ошиқ. Бунда Европа Ҳамжамиятининг ТАСИС дастури доирасида ташкил этилган МВА дастури айниқса катта аҳамиятга әга бўлди.

Хориж университетларининг магистрлик дипломлари билан тақдирланган ёшлар асосан чет тилларида янги амалий фанларни «Халқаро Бизнес» ва «Халқаро Иқтисодий муносабатлар» факультетларда дарс ўтмоқдалар. Шунингдек, улар янги дастурлар, ўкув кўлланмалари яратишда фаол иштирок этмоқдалар.

«Устоз» Республика жамғармаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 30 декабрдаги 576 сонли қарорига биноан ташкил қилинган бўлиб, унинг фаолияти Республикамиздаги барча таълим муассасалари ва ўкув юртларида хусусан олий ўкув юртлари профессор-ўқитувчиларининг малакасини ошириш, қайта ўқитиши ва илфор чет мамлакатларининг таълим марказларида тажриба алмашишини таъминлашга, пировард натижада «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни самарали ба жарышга қаратилган.

Жамғарманинг дастурларини молиявий маблағ билан таъминлаш борасида Вазирлар Маҳкамаси кўрсатмасига биноан Республикамизнинг барча олий ўкув юртларига тўлов — шартнома асосида тушган маблағларнинг 10% миқдорини жамғарма ҳисоб рақамига ўтказиш мажбурияти юкланган. ТДИУ Республикадаги олий ўкув юртлари ичида биринчилардан бўлиб шу мажбуриятнинг 2000 йилга тўғри келадиган қисмини ортиғи билан, аниқроғи 8 миллион 900 минг миқдоридаги сўмни жамғарма ҳисоб рақамига ўтказиб берди.

«Устоз» жамғармасининг профессор-ўқитувчилари ни чет мамлакатларнинг илфор таълим марказларида қайта ўқитиши дастурлари икки босқичда амалга оширилиб, унинг биринчи босқичи чет мамлакат профессор-экспертлари иштирокида Республикамизнинг етакчи олий ўкув юртларида ўтказилмоқда. Шу босқичда барча грандни совриндорлари 1—2 ой давомида ҳар томонлама дастлабки тайёргарликдан ўтмоқда:

— Халқаро профессор-экспертлар иштирокида семинарлар ўтказиши;

— Хорижий таълим тизими хусусиятлари тўғрисида курслар, видео материаллар, ўқув-услубий материаллар, ўқув режалари билан таништириш;

— ТДИУнинг ўқув жараёнларини такомиллаштириш бўйича илфор тажрибаларни ўргатиш ва шу борада семинарлар давомида фикрлар алмашиш каби тадбирлар.

Жамғарманинг ана шу босқичдаги тадбирларининг ҳам асосий қисми ТДИУ моддий техник базасида, профессор-ўқитувчиларининг бевосита амалий ёрдамлари ва иштирокида ўтказилмоқда.

«Устоз» Республика жамғармаси томонидан 2000 йилда чет мамлакатларининг илфор таълим марказларига қайта ўқиши ва малака оширишга юборилган жами 67 нафар грант совриндорларининг 7 нафари ТДИУ профессор-ўқитувчилари (С. С. Фуломов — Германияда, Х. С. Лутфуллаев — Жанубий Кореяда, М. С. Қосимова, А. Қўчкоров — Германияда, А. Пардаев — Украина, Ҳиндистон, И. С. Саифназаров — Малайзияда, А. Шермуҳаммедов — Францияда). Университетимизнинг бир неча профессор-ўқитувчилари келгусида мўлжалланган дастурларда қатнашиши режалаштирилган.

#### *4. Иқтидорли талабаларни излаш, аниқлаш ва мақсадли тайёрлаш.*

Вазирликнинг 1998 йил 10 июлдаги 185-сонли «Иқтидорли талабалар излаш, аниқлаш ва уларни мақсадли тайёрлаш тўғрисида»ги буйругини бажариш мақсадида ТДИУ илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш ва иқтидорли ёшлар билан ишлаш бўлимининг 1999—2000 ўқув йилига мўлжалланган иш режаси ишлаб чиқилди. Режага асосан иқтидорли ёшлар билан янги ташкил қилинган «Фидоий ва иқтидорли ёш иқтисодчилар клуби» ва «Иқтидорли ёшлар билан ишлаш маркази» бевосита шуғулланади. Уларнинг фаолиятини ректорат ва университет Илмий Кенгаши назорат қиласи ва қўллаб-куvvatлайди.

«Фидоий ва иқтидорли ёш иқтисодчилар клуби»га қабул қилиш танлов асосида бўлади. Клуб ўз-ўзини бошқарувчи жамоат ташкилоти сифатида ривожланмоқда. Ҳар бир кафедра, факультет бўйича иқтидорли талабалар рўйхат тузилган, улар илмий кенгаш томонидан раҳбарларига бириктирилган, шахсий дастурлар асосида илмий раҳбарлари билан индивидуал ишлай-

шар. Ҳозирда ишни янгича ташкил этиш ўз маҳсулии бера бошлади. 2000 йил апрель ойида бўлиб ўтган Республика олимпиадаларининг иқтисодий йўналишлари бўйича асосий совриндорлари ТДИУ талабалари бўладилар.

Самарқандда бўлиб ўтган талабалар Республика ануманида (декабрь 2000 й.) ТДИУ талабалари энг яхши майорузалар билан чиқиб мақтов ёрлиқлари билан тақдирландилар.

Университетда иқтидорли талабалар билан ишлаш масаласи Университет Олимлар кенгашида танқидий асосда кўриб чиқилди. Жумладан Беруний мукофоти стипендияси 3 та ТДИУ талабалари сазовор бўлган бўлса, Президент стипендиясига 2 йилдан бери талабаларимиз ғолиб бўлиб чиқа олмадилар. Кафедралар, леканатлар танқидий хуносалар чиқариб янги танловга пухта тайёргарликни бошлаб юбордилар. Иқтидорли талабалар университет ректорлари стипендияларига, Банклар Ассоциацияси, хорижий мамлакатлар компанияларининг маҳсус грант стипендияларига сазовор бўлиб келмоқдалар. Хусусан, «Проктер энд Гембл», «Кока-Кола» шулар жумласидандир. Мақсадли стипендияларни берган компаниялар, вазирликлар уларни кейинчалик ишга таклиф этмоқдалар.

## *5. Ўқув-услубий мажмуалар ва университетнинг моддий техника базаси.*

Ўқув-услубий мажмуалар янги авлодини яратиш ва жорий этиш борасида университетда чет элда малака ошириб келган профессор-ўқитувчилар томонидан фанлар бўйича тўлиқ модуллар ишлаб чиқилган ва талабаларга машғулотлар ўтишдан олдин услубий материаллар тўлиқ ҳажмида тарқатиб берилади. Университет бўйича 10 дан зиёд ташкил этилган.

Интернет нуқталарида барча талабалар ўзларининг эҳтиёжлари асосида чет эл Интернет тизимига бевосита чиқишилари мумкин. Интернет тизимида университет учун 1 мегобайт ҳажмида маълумот киритиш учун жой ажратилган ва Ер куррасининг барча мамлакатлари ушбу тизим орқали университет тўғрисида батафсил маълумотлар олишлари мумкин. Интернет тизими мултимедия комплектлари асосида тўлдирилган компьютерлар тизимидан ташкил топган. Ушбу тизим орқали олинган маълумотлар принтерларда чоп этилиб, компьютерлар-

да бевосита таржима қилиниши мумкин. Университетнинг барча профессор-ўқитувчилари ва талабалари учун электрон почта доимо хизмат қиласи.

Университет ахборотлар марказида лазер дискетларга асосланган электрон кутубхона ҳам мавжуд. Университет буйича ташкил этилган ягона ахборот маркази профессор-ўқитувчилар тайёрлаган ўқув-услубий қўлланмаларни тезкор чоп этиб ўқув жараёнига тадбиқ этишга имконият беради.

Университетнинг моддий-техник ва ўқув-услубий ишлар базасини кенгайтириш борасида кўпгина ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 2000 йилда бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан ўқув хоналарини жиҳозлаш учун 14515,7 минг сўм, ўқув техникаларини сотиб олишга 21077,3 минг сўм, кутубхона учун иқтисодий, чет эл адабиётлари, даврий нашрлар ва турли ўқув-методик қўлланмалар сотиб олишга 10250,6 минг сўм сарф қилинди. 2000 йилда Республика бюджети томонидан ажратилган маблағлар ҳисобидан ҳам 1074,9 минг сўм ўқув ва иқтисодий адабиётлар сотиб олишга, 2447,0 минг сўм сўм, аудитория жиҳозлари ва ўқув қуроллари сотиб олишга сарфланди.

2000 йилда эса бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан университетнинг моддий-техника ва ўқув-услубий ишлар базасини кенгайтиришга 40897,5 минг сўм, жумладан кутубхона учун ўқув, чет эл адабиётлари, даврий нашрлар ва турли хил ўқув-услубий қўлланмалар сотиб олиш учун 10031,8 минг сўм; компьютерлар, кўпайтириш техникалари ва турли хил ўқув қуроллари сотиб олиш ва монтаж қилиш учун 18569,2 минг сўм; аудитория ва лаборатория жиҳозлари сотиб олиш учун эса 12296,5 минг сўм сарф қилинди.

2000 йилда Республика бюджети томонидан ажратилган маблағлар ҳисобидан кутубхона учун китоблар ва даврий нашрлар олишга 6586,0 минг сўм; ўқув техникалари ва турли хил жиҳозлар сотиб олиш учун эса 3279,0 минг сўм сарфланди.

### 3. ИЛМИЙ ЮКСАЛИШ ЙЎЛИДА

Бозор муносабатларининг жадал суръатлар билан ривожланиши, туб институционал ӯзгаришлар ва янги бошқарув ҳамда тижорат тармоқларининг келиб чиқиши миллий кадрларни тайёрлаш жараёни ва уни таш-

ким этишга сезиларли даражада ўз таъсирини кўрсатди. Бундай шароитнинг юзага келиши Тошкент Давлат иқтисодиёт университети стратегик мақсадларининг ҳам либр талабидан келиб чиқсан ҳолда ўзгартиришни тақозо этди, яъни ушбу ўкув масканини мамлакатдаги иқтисодий таълимни бериш бўйича асил ўкув-илмий-методик марказга айлантириш ва шу билан бирга иқтисодиёт соҳасида олиб бориладиган илмий изланишлар даражаси ва кадрлар тайёрлаш сифатининг умум эътироф этилиши ҳамда унинг обрусини ошириш.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури илмга муҳим ўринни ажратади. У бир томондан рақобатбардош юқори малакали кадрларнинг буюртмачиси ва истеъмолчиси бўлса, иккинчи томондан илмий ва илмий-педагогик кадрларни тайёрлашни таъминлашда илмий-изланиш инфраструктурасини яратади, таълим информацион тармоқларида фойдаланиш учун турли соҳадаги билимлар бўйича маълумотлар базасини шакллантиради, юртимиз фанининг жаҳон фанлари тизимига интеграциялашуви орқали, долзарб илмий ва технологик муммиятларни яхшилайди, аспирант ва талабаларнинг илмий-изланиш ишларига кўшилиши ҳамда яқиндан қатнашишида кўмаклашади. Таълим ва фан ўзаро узвий боғлангандир. Уларнинг яқиндан ўзаро ҳаракати кадрлар тайёрлашни таъминлаштиришда ва илм-фанни ривожлантиришда муҳим омил ҳисобланади.

Иқтисодиётни ислоҳ қилиш — маъмурий-буйруқ-бозлик тизимидан бозор муносабатларига ўтиш жараёни, ўтиш даври вазифаларини амалга ошириш ва миллатнинг равнақини таъминлашда педагог ва илмий изланувчининг ўрнини жиддий қайта кўриб чиқишни тақозо этди.

Мамлакатимизнинг барча умумий таълим тизими олдида тургани каби Тошкент Давлат иқтисодиёт университети олдида ҳам сўнгги ўн йиллик ичida аспирантура ва докторантурда орқали интеллектуал салоҳиятнинг нисбатан иқтидорли қисмини олийгоҳ ичидан ташлаш ва илмий ҳамда илмий-педагогик кадрларни тайёрлашнинг самарали механизмини ташкил этиш вазифаси туарар эди. Шу билан бирга илмий ва илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш тизими юқори малакали кадрларни тайёрлашнинг узлуксиз тизимининг та-

бий давоми бўлиши ва илфор хорижий тажрибага таяниши зарур.

Мазкур вазифани бажариш мақсадида 1994 йилда ТошДИУ аспирантура бўлими илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш ва иқтидорли ёшлар билан ишлаш бўлими этиб қайтадан ташкил этилди. Дастреб ушбу бўлимга иқтисод фанлари доктори Б. Т. Салимов, кейинчалик эса доц. М. С. Қосимов бошчилик қўйдилар.

Кейинги босқич, докторлар ва фан номзодларини тайёрлаш муҳим бўлган мутахассисликларнинг устувор йўналишларини жорий этиш эди. Ҳозирги вақтда университетда 8 та мутахассислик бўйича докторантураси ва 14 та мутахассислик бўйича аспирантураси мавжуд. Улар қаторига 11 та иқтисодий йўналиш бўйича, жумладан, иқтисодий назария, макроиқтисодиёт, микроиқтисодиёт, менежмент, маркетинг, жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар, эконометрика ва статистика, молия, пул муомаласи ва кредит, бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит, миллий иқтисодиёт ва меҳнат иқтисоди, худудий иқтисодиёт киради. Айтиш жоизки, қабул қилинган аспирантларнинг кўпчилиги қуйидаги устувор мутахассисликларга тўғри келади, яъни: макроиқтисодиёт, маркетинг, молия, пул муомаласи ва кредит, Халқаро иқтисодий муносабатлар. Ундан ташқари тарих, фалсафа ва ижтимоий психология бўйича ҳам мутахассислар тайёрланмоқда.

Мутахассисликлар номенклатурасини мукаммаллашиб бориши билан бир қаторда аспирант ва докторантлар микдорининг ўсиши ҳам кузатилди. Рақамларга мурожаат этадиган бўлсак, қуйидаги ҳолатни кўриш мумкин: агар 1990 йилда 112 та аспирант ва 4 та докторант бўлган бўлса, 2000 йилга келиб аспирантлар сони 205 тага ва докторантлар сони эса 7 тага етди, яъни, уларнинг умумий сони мувофиқ тарзда 83% ва 75% га кўпайган.

Университетда фан докторлари ва номзодларини нафақат миқдор, балки сифат жиҳатдан ҳам тайёрлашга катта эътибор берилмоқда. 70 йиллик фаолият давомида 90 та фан доктори тайёрланди, уларнинг 54 таси (ёки 60%) 1990—2000 йилларга тўғри келиши эътиборга лойиқ. Мазкур ўн йилликда докторлик диссертациясини ҳимоя қўлганлар орасида Р. Х. Алимов, Д. Қ. Аҳмедов, А. Ш. Бекмуродов, Қ. Алимов, Қ. Ҳ. Абдураҳмонов, М. С. Қосимова, Т. С. Маликов, Г. Г. Назарова,

3. Х. Тошматов, И. С. Саифназаров, Н. Х. Ҳакимов, А. Машарипов, А. Т. Шермуҳамедов, М. А. Насретдинова, В. Я. Швецов, Н. Юлдашев, Н. Махмудов, Б. Салимов, Б. Алиев, Э. Жабборов, Т. Иминов, А. Кўчкоров, Н. К. Юлдашев, Т. Жумақулов, Ю. М. Иткин, А. Файзиев, М. Вакиль, О. Жуманов, А. Сайдмуратов, Х. Раимов, А. Л. Денисова, В. Дидович, А. Сайдов, Э. Набиев, К. Мирзажонов, Ф. Камилова, Ҳ. Ҳамидов, Ш. Шараҳметов, А. Абдуваҳидов, Ш. Р. Ҳолмүминов, М. Тўлаҳожаева, А. Аюпов, Б. Ю. Ходиев, М. Тухватов, К. Усманов, В. С. Нехай, А. Рazzakov, Т. Тошмуротов, Ш. Назеров, Ҳ. Набиев, А. Абдуллаев, К. Сафаева, З. Афзалов, Н. Маматов кабилар ўз илмий ишлари билан иқтисодиёт, фалсафа, тарих, ҳуқуқшунослик, математика соҳаларига сезиларли ҳиссаларини қўшганлар.

70 йил мобайнида ушбу даргоҳда 478 та фан номзодлари тайёрланди, ундан 140 таси (ёки учдан бири) 1990—2000 йилларга тўғри келади.

Докторлар ва фан номзодларини тайёрлашда университет қошида диссертацияларни ҳимоя қилиш бўйича Maxsus Кенгашнинг мавжуд бўлиши жуда муҳим аҳамият касб этади. 1990 йилда 1994 йилга қадар қўйидаги мутахассисликлар бўйича 4 та Maxsus Кенгаш фаолият кўрсатди:

**08.00.01** — Сиёсий иқтисод.

**08.00.05** — Иқтисодиёт, режалаштириш ва халқ ҳўжалиги ва унинг тармоқларини бошқаришни ташкил этиш (ИТП).

**08.00.06** — Иқтисодиёт, режалаштириш ва моддий-техник таъминотни ташкил этиш.

**08.00.07** — Меҳнат иқтисоди.

**08.00.08** — Капитал қўйилмаларнинг самарадорлиги.

**08.00.11** — Статистика.

**08.00.13** — Иқтисодий-математик методлар.

1995 йили Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси (OAK) иқтисодий фанлар бўйича мутахассисликларнинг янги номенклатурасини тасдиқлади. Маълум даражадаги узилишдан сўнг Ўзбекистон Республикаси ОАКнинг 1997 йил 13 май, № 158 сонли қарори асосида ТошДИУ қошида докторлик диссертациясини ҳимоя қилиш, қўйидаги учта мутахассислик бўйича номзодлик ишларини ҳимоя қилиш ҳуқуқи би-

лан Махсус Кенгаш Д. 067.06.01 ўз иш фаолиятини бошлади:

**08.00.06** — Эконометрика ва статистика.

**08.00.11** — Хорижий мамлакатлар иқтисоди.

**08.00.13** — Маркетинг.

Кенгаш аъзоларининг кўпчилиги ва аспирантлар инглиз тилини мукаммал эгаллаганликлари изланувчиларга ўз ишларини нафақат давлат тилида, балки инглиз тилида ҳам ҳимоя қилиш имконини берди. Хусусан, аспирантлар С. Мирзалиева, М. Сериковлар ўз ишларини инглиз тилида ҳимоя қилиш учун тақдим этдилар.

Университет раҳбарияти педагогик тажрибани доимий ошириб боришга катта эътибор беради. Бунинг далили сифатида, университетда илфор хорижий тажрибага мослаштирилган мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг кенг дастури ишлаб чиқилган. Мутахассислар ва профессор-ўқитувчиларнинг хорижда малака ошириш дастури режалаштирилиб амалга оширилмоқда.

Хорижда тегишли йўналишдаги олий ўкув юртлари билан турли хил масалалар юзасидан, жумладан, кадрлар малакасини ошириш ва тайёрлаш, кадрларни ўқитишида ўзаро кўмаклашиш, илмий-тадқиқот ишлари, анжуманлар, (конференция)лар, семинарлар ўтказишида тўғридан-тўғри алоқаларни ўрнатиш жараёни жадал суръатлар билан ривожланмоқда.

1991 йилдан бошлаб ҳозирги кунга қадар 400 та профессор-ўқитувчилар турли хил дастурлар бўйича хорижий (АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция, Бельгия, Голландия, Австрия, Туркия, Япония, Корея, Малайзия ва б.) ўкув ва илмий марказларда сафарларда бўлдилар. Улар қаторида Ситуацион таҳлил ва тадбиқ этиш; Молиявий ва банк менежменти; Амалий макроиқтисодиёт, Макроиқтисодий таҳлил ва сиёсат, Корхоналарни ташкил этиш ва хусусийлаштириш методларини ўқитиши; Америкача менежмент ва маркетинг; Малайзияча менежмент; Мехмонхона хўжалиги бошқаруви; Қишлоқ хўжалигига таҳлил; Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари; Хусусий мулкни баҳолаш; Ижтимоий тармоқ лойиҳаси бўйича ва б. Ушбу кўрсатиб ўтилган дастурлар бўйича таълим олган барча профессор-ўқитувчилар тегишли сертификатларга эгадирлар.

Таҳсил олаётган ёшларнинг истеъодини аниқлаш улар ҳисобига интеллектуал ва илмий салоҳиятни ривожлантириш, илмий-педагогик кадрлар сафини тўлдириш мақсадида университет ректори томонидан тасдиқланган режа ва «Иқтидорли талабалар билан ишлаш низоми» асосида тегишли ишлар амалга оширилмоқда.

Иқтидорли талабаларни излаш, аниқлаш ва ишлаш механизми ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади:

— ўқув жараёнида аълочилар қаторидан иқтидорли ёшларни танлаш;

— иқтидорли ёшларга тегишли кафедралар томонидан етакчи профессорларни раҳбар этиб бириткириб қўйиш;

— иқтидорли талабаларнинг шахсий режа бўйича ишлаши;

— чет тилларни чукур ўрганиш, «TOEFL» тизими бўйича тест топшириғига тайёргарлик қуриш;

— замонавий компьютер дастурларини ўзлаштириш;

— иқтидорли ёшларни бизнес-мактабда ўқитиш;

— уларнинг илмий йўналишини аниқлаш ва тадқиқотчилик қобилияtlарини ривожлантириш ва Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника Давлат қўмитаси мавзуси бўйича жадал илмий-тадқиқот ишига ҳамда умумуниверситет хўжалик шартномалари мажмуа муаммосига 1 курсдан бошлаб жалб этиш;

— етакчи хорижий олимлар ва мутахассислар, қўшма корхона вакиллари иштирокида машғулотлар ва маҳсус семинарлар ўтказиш;

— иқтидорли талабаларнинг Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги раҳбарияти ва ректорат билан мунтазам равишда учрашувлари кабилар.

Мустақилликка эришганимиздан сўнгги йиллар давомида Ўзбекистонда бошланган чукур ислоҳотларнинг асил мазмун ва моҳияти юқори самарали бозор иқтисодиётини яратиш ва шакллантиришга қаратилди. Бу эса ўз навбатида Республикани ривожлантиришда ижтимоий-иктисодий муаммоларни муваффақиятли ечиш имконини бериб, аҳолига муносаб яшаш шароитларини таъминлаш гарови бўлиб хизмат қиласди. Воқеа ва ҳодисаларнинг бундай ривожланиши илм-фанда янги вазифаларни ечиш ва уни ривожлантиришдаги устувор йўналишларни ҳам аниқлаб олишни тақозо этади.

Миллий иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг дастлабки кунлариданоқ Ўзбекистон Республикаси бир қатор муреккаб иқтисодий муаммоларга дуч келди. Барча собиқ иттифоққа аъзо мамлакатларга хос бўлган марказлашган режалаштиришга асосланган ишлаб чиқаришнинг паст самарадорлиги, ўта даражада монополлашган бозор таркиби, сунъий ушлаб турилган инфляция каби хусусиятлар билан бирга, жаҳон бозорларида пахта ва олтин нархларининг пасайиши ва собиқ иттифоқ бюджетидан келадиган ажратмаларнинг йўқотилиши Ўзбекистон Республикаси учун ҳам муаммоларни янада муреккаблаштириб юборди.

Иқтисодий барқарорлик, иқтисодий мустақилликка эришиш ва барқарор хўжалик ривожланишига ўтиш зарурати ўз навбатида мавжуд иқтисодиёт таркиби, миллат менталитети ва энг муҳими аҳолининг демографик хусусиятини ҳисобга олган ҳолда бозор муносабатларига ўтишнинг миллий моделини шакллантиришни талаб этарди.

Шу боис университет олимлари ҳам даврнинг дол зарб илмий муаммоларини ечишга фаоллик билан киришдилар. Мазкур йиллар мобайнида университет олимлари қуидаги илмий-техник дастурларни ишлаб чиқиша иштирок этдилар:

- «Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш ва жаҳон хўжалик алоқалари тизимиға интеграциялашув бўйича Ўзбекистон Республикаси сиёсатининг илмий асослари»;
- «Янги ижтимоий-иқтисодий шароитларда юқори малакали кадрларни тайёрлаш ва таълимни ривожлантиришин ислоҳ қилиш муаммолари»;
- «Маъмурий-буйруқбоззлик, марказий режалаштириш тизимидан бозор иқтисодиёти асосларига ўтишнинг Ўзбек модели»;
- «Кучли демократик давлат қуришда иқтисодий эркинлаштириш муаммолари тадқиқоти»;
- «Ўзбекистон Республикасида фуқаролик жамияти ва демократик давлатни қуришни ҳисобга олган ҳолда ижтимоий-хукуқий муаммолар ва меҳнат муносабатларини ишлаб чиқиши»;
- «Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш ва эркинлаштиришнинг илмий асосларини ишлаб чиқиши».

Юқорида санаб ўтилган Давлат илмий-техник дас-

## РЕКТОРЛАР



И.У.Халиков. 1931-1934 йиллар.



С.С.Сейдузов.1934-1938 йиллар.



Э.А.Каракозов. 1945-1947 йиллар.



М.Т.Турсунов.1947-1952 йиллар.



M. M. Қориев. 1953—1974 йиллар.



М.А.Зоитов. 1986-1988 йиллар.



С.С.Фуломов. 1988-1998 йиллар.



P.X. Алимов. 1999 йилдан.

**ПРОРЕКТОРЛАР**



**Ш.Ш.Шодмонов**



Б.Ю.Ходиев



Н.М. Маҳмудов



Г.Н.Охунова



Г.Г.Назарова



К.А.Алимов

түшар доирасида С. С. Фуломов, Р. Х. Алимов, В. В. Ким, Д. К. Аҳмедов, Қ. Ҳ. Абдурахмонов, А. Ш. Бекмуродов, Ш. Н. Зайнутдинов, Т. Ш. Шодиев, И. С. Саифшаров, Г. Г. Назарова, А. Т. Шермуҳамедов, С. А. Берзинов, А. А. Мусолиевалар илмий раҳбарлиги остидаги ижодий жамоалар томонидан 36 та мавзу бажарилган.

Шунингдек, университет жамоасининг илмий тадқиқотлари ўтган ўн йилликнинг турли йилларида қўйилдаги умумуниверситет мажмуа дастурларини ишлаб чиқишга қаратилди:

- «Бозор муносабатлари шароитида Ўзбекистон халқ ҳўжалиги тармоқларининг самарали фаолияти муаммолари» (Илмий раҳбар — акад. В. В. Ким).
- «Бозор муносабатларига ўтиш даври назарияси ва амалиёти» (Илмий раҳбар — акад. В. В. Ким).
- «Яқин келажакда Ўзбекистон Республикасининг макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсишини таъминлаш» (Илмий раҳбар — проф. Д. Қ. Аҳмедов).
- «Иқтисодий муносабатларни эркинлаштириш шароитида Ўзбекистонда иқтисодий ўсишнинг барқарор юқори суръатларини таъминлаш» (Илмий раҳбар — проф. Д. Қ. Аҳмедов).

Мазкур мажмуа муаммоларнинг илмий тадқиқотларида, ўз хусусиятига кўра кафедраларнинг ўз мавзулари бўйича ишловчи умумтаълим кафедраларидан ташқари университетнинг деярли барча кафедралари машгул.

Барча мажмуа муаммолар ўз ичига иқтисодий фаннинг энг долзарб масалаларини қамраб олаётганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Хусусан, тадқиқот ишлари ҳозирда ҳам давом этаётган «Иқтисодий муносабатларни эркинлаштириш шароитида Ўзбекистонда иқтисодий ўсишнинг барқарор юқори суръатларини таъминлаш» муаммосида қўйидаги блоклар кўзда тутилган:

- Барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашнинг методик ва методологик аспектлари;
- Иқтисодий муносабатларни эркинлаштириш шароитида ҳўжалик юритишнинг турли хил шаклларининг фаолият кўрсатиши;
- Макроиқтисодиёт даражасида барқарор иқтисодий ривожланишнинг асосий омиллари;
- Иқтисодий муносабатларни эркинлаштириш ва ҳўжалик юритувчи субъектлари турли хил тармоқ ва таркибларининг ўзаро таъсири масалалари;

- Барқарор иқтисодий ривожланишни кадрлар билан таъминлаш;
- Барқарор иқтисодий ривожланишни ахборот билан таъминлаш;
- Барқарор иқтисодий ривожланишни сармоялар билан таъминлаш;
- Саноат ва озиқ-овқат маҳсулотлари ва хизмати бозорларининг барқарор фаолият кўрсатишининг маркетинг тадқиқотлари;
- Барқарор иқтисодий ўсишни хорижий мамлакатлар билан иқтисодий алоқаларни кенгайтириш асосида таъминлаш;
- Табиатдан рационал фойдаланиш ва атроф-муҳитни ҳимоялашнинг иқтисодий дастаклари;
- Барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашнинг молия-кредит дастаклари;
- Иқтисодий муносабатларни эркинлаштириш шароитида ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг назорати ва ҳисобини такомиллаштириш;
- Ўзбекистон Республикаси барқарор иқтисодий ривожланишининг ижтимоий жабҳалари.

Бюджет асосида амалга ошириладиган илмий фаолият билан бир қаторда университет олимлари ҳўжалик шартномалари асосида ҳам алоҳида ташкилотларнинг буюртмаси бўйича изланиш ва тадқиқотларни бажариб келмоқдалар.

Университетда олиб борилаётган илмий тадқиқот натижалари чоп этилган илмий ишлар, дарслик ва ўкув қўлланмаларида ўз аксини топмоқда. Хусусан, 1991 йилдан буён 154 та монография, 635 та дарслик ва ўкув қўлланмалар, 213 та брошюра, 1739 та мақола ва 30 та илмий ишлар түплами чоп этилган.

Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ва университет етакчи олимлари ҳамда мутахассис-амалиётчилар ташабbusи билан, ЎзРФА академиги С. С. Фуломов, профессор Д. К. Аҳмедов ва Т. Ш. Шодиевлар таҳрири остида тайёрланган «Ўтиш даврида Ўзбекистон иқтисодиётининг долзарб муаммолари» монографияси жуда катта қизиқиш уйғотмоқда. Ишда кўп босқичли иқтисодиёт, рақобат муҳити, молия-банк тизимини шакллантириш ва ривожлантириш, бозор муносабатларига ўтиш даврида иқтисодиётни бошқарув, ташқи иқтисодий фаолиятни жа-

шаштириш, аҳолини ижтимоий ҳимоялашни кучайтириш, агросаноат мажмуасини ислоҳ қилиш, бозор мунисабатларига ўтиши шароитида миллий иқтисодиёт фюлияти самараадорлигини ошириш каби асосий мақалалар баён этилган.

Шунингдек, академик С. С. Фуломовнинг Японияда чоп этилган «20-йиллардан бўён Ўзбекистоннинг иқтисодий ривожланиши ва иқтисодий ислоҳотлар истиқболи», «Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтиш ва ривожланишнинг тарихий босқичлари» ва «Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг асосий тамоиллари» каби ишлари, проф. Р. Х. Алимовнинг «Прогнозный анализ и управление развитием хлопкопромышленного комплекса на ЭВМ»; проф. Д. К. Аҳмедовнинг «Эффективность функционирования хлопководства Узбекистана», «Опыт экономических реформ в странах Северо-Восточной Азии и возможности его использования для Узбекистана»; проф. К. А. Алимовнинг «Создание новых информационно-компьютерных технологий и систем»; проф. И. С. Саифназаровнинг «Маънавиятимизнинг умрбоқий сарчашмалари»; проф. А. Ш. Бекмуродовнинг «Маркетинг основы современного бизнеса»; проф. Н. М. Махмудовнинг «Моделирование производственно-экономических процессов хлопко-перерабатывающих отраслей»; проф. Ш. Комиловнинг «Теоретические основы создания АСП»; проф. Ш. Р. Холмуминовнинг «Меҳнат бозори: шаклланиш ва бошқариш муаммолари», «Моделирование сельского рынка труда»; проф. М. С. Қосимованинг «Социальная сфера — вопросы теории и методологии»; проф. Ф. Комилованинг «Жизненный потенциал и потребительский рынок»; проф. А. А. Раззақовнинг «Жаҳон иқтисодиёти XX—XXI асрлар бўсағасида»; проф. М. М. Тўлахожаеванинг «Аудит финансового состояния предприятия», «Организация финансового контроля ва Республике Узбекистан» кабиларнинг ишлари алоҳида эътиборга лойиқdir.

Мазкур ўн йилликда, шунингдек, дарслик ва ўқув қўлланмаларини нафақат давлат тилида балки рус ва инглиз тилларида ҳам тайёрлаш ва чоп этишга катта эътибор берилди. Ҳусусан, шу давр мобайнида макроиқтисодиёт бўйича (муаллифлар А. Э. Ишмуҳамедов, Д. К. Аҳмедов, М. С. Қосимов, Л. И. Шибаршова, М. М. Ирматов ва бошқалар); микроиқтисодиёт бўйича (му-

аллифлар У. Махмадиев, К. С. Ҳамдамов, М. Ибрагимов, Г. Казимова ва бошқалар); эконометрика ва замонавий ахборот технологиялари бўйича (муаллифлар С. С. Фуломов, Т. Ш. Шодиев, Б. Ю. Ходиев, Б. Бегалов, А. А. Мусалиев, Ш. Хошимжонов, Н. И. Сычева, А. Абдуваҳидов ва бошқалар) бир қатор ўкув қўлланмалар тайёрланди. Бухгалтерия ва молия ҳисоби, хўжалик фаолиятинг таҳлили ва аудит бўйича бир қанча йирик дарслик ва ўкув қўлланмалар (муаллифлар И. А. Нурматов, С. В. Воҳидов, О. Бобоҷонов), А. Х. Шоалимов, С. Ш. Йўлдошев, Б. А. Хошимовларнинг ўкув қўлланмалари эса Вашингтонда Жаҳон Банки Институтида чоп этилган; турли хил тармоқларда менежмент бўйича (К. Ҳ. Абдураҳмонов, Ш. Н. Зайнутдинов, И. У. Муракаев, Э. Ҳ. Махмудов, Ш. Р. Ҳолмўминов ва бошқалар), «Инсон ресурсларининг менежменти» (Назарова Г. Г., Зиявутдинова А.) ўкув қўлланмаси инглиз тилида; маркетинг бўйича (Ж. Ж. Жалолов, М. С. Қосимова, А. А. Фаттахов, В. М. Воронкова, О. Аҳмедов, М. Ёдгоров ва бошқалар); молия-кредит муносабатлари, солиқ тизими бўйича (С. А. Бержанов, П. Ш. Сайдходжаев, И. Р. Таймуҳамедов, Югай Л. П., ва бошқалар) китоблари чоп этилган.

Шу билан бирга университет фаолиятида бизнинг профессор-ўқитувчиларимиз ўз ишларини факат республика миқёсида эмас, балки хорижда ҳам чоп этишларини таъкидлаш ўринли бўлади. 1991 йилдан ҳозирги кунга қадар 160 та иш хорижда чоп этилган, улар қаторидан 13 та монография, 19 та ўкув қўлланма, 7 та брошюра, 121 та мақола ўрин олган. Ундан ташқари бизнинг етакчи олимларимиз чет элда ўтказиладиган анжуман ва семинарларда ҳам фаол қатнашиб келмоқдалар. Улар иштирокида турли хил хорижий илмий ва ўкув марказларида 159 та маъруза қилинган.

Турли даражадаги анжуманлар, семинар ва йиғилишларни ташкил этиш ва ўтказиш борасида университет жуда катта ишларни амалга оширмоқда. Ўтган 70 йил давомида умумий ҳисобда 355 та анжуман ўтказилган ва бундай тадбирларнинг 216 таси охирги ўн йилликка тўғри келади, яъни аввалги фаолият йилларига қараганда бир ярим марта кўп. Шунингдек, «Ўзбекистонда менежментни ўқитиш» мавзуида 1 та Халқаро симпозиум, 73 та Халқаро семинар («Бозор, банк иши», «Молиявий бошқарув», «Банкротлик ва корхон

иши таркибини қайта қуриш», «Бизнесни режалаштириши ва хорижий сармояларни жалб этиш», «Утиши иқтифоидиларида ташқи иқтисодий сиёсат», «Марказий Осиё мамлакатлари учун макроиқтисодий ва молиявий сиёсат», «Ўрта Осиёда иқтисодий ўсишнинг стратегик истиқболларини яратиш» ва б.), 10 та Халқаро анжуман («Иқтисодий йўналиш бўйича мутахассисларни тайёрлашда таълимнинг Халқаро стандартларини қўллаш», «Бизнес-таълимнинг Халқаро тажрибаси ва унинг Ўзбекистондаги ривожи», «Ўзбекистон Республикаси банк тизимини мажмуя ривожлантириш», «Замонавий компьютер технологияларининг иқтисодиёт, фан ва таълим тизимида қўлланиши», «Миллий иқтисодиёт ислоҳ қилиш даврида маркетинг», «Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш муаммолари» ва бошқалар) шулар жумрасидандир. Халқаро анжуман ва семинарлар Жаҳон Банки Институти, Халқаро Валюта Фонди, Халқаро молия корпорацияси, ЕИ, ТАСИС, АҚШ Халқаро юридик институти, АҚШ Халқаро ривожланиш агентлиги каби Халқаро институт ва ташкилотлар, Нидерландия, Германия ҳукуматлари, АҚШ, Буюк Британия, Малайзия университетлари, Франция ва Бельгиядаги ўқув масканлари, Г. В. Плеханов номидаги Россия Иқтисодиёт Академияси, «Евроазия», «Ниппон», «Сорос» сингари Халқаро жамғармалар билан ҳамкорликда ўтказилган.

Университет профессор-ўқитувчилари томонидан олиб борилаётган илмий тадқиқотлар нафақат илмий-назарий, балки амалий характерга ҳам эга. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти қошидаги иқтисодий ислоҳотлар бўйича Йоралараро кенгаш, тармоқ, вазирликлари, концернлар, ассоциациялар ва бевосита корхоналарга ахборот хати кўринишида тақдим этилган кўпгина тавсия ва таклифлар маълум амалий аҳамиятга эга ва турли хил қонуний меъёрий ҳужжатлар, йўриқнома ва қарорлар ишлаб чиқишида инобатга олинган.

Университет фаолияти йиллари давомида 500 га яқин ахборот хатлари ҳар хил тегишли идораларга тақдим этилди ва бунинг ярмидан кўпи, яъни 290 таси 1991—2000 йилларга тўғри келади. Университет ўқитувчилари «Банклар ва банк фаолияти ҳақида», «Марказий банк ҳақида», «Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими ҳақида», «Реклама ҳақида»ги қонунларнинг

ишлиб чиқиш жараёнида фаол қатнашганлар. Шу билан бирга, бизнинг профессор-ўқитувчиларимизнинг «Ўзбекистон Республикасида почта ва телекоммуникациялар тизимини ривожлантириш концепцияси», «Қадрлар тайёрлаш миллий дастури», «2005 йилгача Ўзбекистон Республикаси туризмини ривожлантириш миллий дастури», «Корхонанинг молиявий ҳолати ва молиявий ҳисоботининг аниқдиги аудити методикаси»ни ишлиб чиқишидаги фикр-мулоҳазалар ва тавсиялар муҳим аҳамият касб этади.

Университет олимлари ўз илмий изланиш ва тадқиқотларини мантиқий якунига олиб боришга ҳаракат қилимоқдалар, яъни натижаларни ишлиб чиқариш ва ўқув жараёнига тадбиқ этишга эришмоқдалар. Сўнгти ўн йиллик ичида сезиларли иқтисодий самара келтирган 157 та илмий ишланмалар тадбиқ этилган. Хусусан, М. Болтабоев томонидан Ўзбекистон Республикасида ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотлар ва пахта толасини экспорт қилишда қўйиладиган талабларни ҳисобга олган ҳолда пахта заводлари фаолиятига маркетинг элементларини тадбиқ этиш бўйича қилган тавсияларининг тадбиқ қилиниши «Ўзпахтасаноатсотиши» АЖга 26,2 млн. сўм миқдорида иқтисодий фойда олиш имконини берди; аҳолининг бандлилик ҳолатини иқтисодий таҳлил қилиш, банд ишчилар ва иш берувчилар орасидаги ижтимоий-иктисодий муносабатларни ижтимоий баҳолаш, меҳнат бозорини шакллантиришда оптималь параметрларни аниқлаш бўйича таклифларнинг «Иқтисодиёт ва меҳнат социологияси» кафедрасида ишлиб чиқиб, меҳнат бандлилик ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш Тошкент шаҳар Бошқармасида тадбиқ қилиниши 10 млн. сўмлик иқтисодий таъсирни берди; Ш. Холмўминовнинг Самарқанд вилоятида меҳнат харажати, қишлоқ жойларида меҳнат бозорини шакллантириш ва ривожлантиришнинг тармоқлараро балансини тузиш методикасининг қўлланишидан келган иқтисодий фойда 2,0 млн. сўмдан кўпроқни ташкил этди. Кўпгина тадбиқ этилган ишлар катта ижтимоий аҳамиятга эга. Улар қаторида К. Ҳ. Абдураҳмонов раҳбарлиги остида ишлиб чиқилган ва Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги томонидан ишлатилаётган ногиронларни ҳимоялаш ва ижтимоий реабилитация қилиш бўйича мажмуа дастурини кўрсатиш мумкин.

Тошкент Давлат иқтисодиёт университети илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш ва илмий тадқиқотларни олиб бориш ишида Ўзбекистон Республикаси Фаннин пар ақадемияси тизимидағи илмий-тадқиқот институтлари, шунингдек, тармоқли ИТИ, ишлаб чиқариш бирлашмалари, концернлар акциядорлик жамиятлари, фирмалар ва бошқа ташкилотлар билан кенг интеграция ва кооперациясини амалга оширади.

Интеграция ва кооперация шакллари хилма-хиллар, жумладан:

- Турли хил дастурлар бўйича илмий тадқиқотларнинг биргаликда ўтказилиши, шунингдек, улар қаторида Давлат илмий-техник дастурлари.
- Илмий-амалий анжуман, семинар ва йиғилишларни ташкил этиш ва ўтказиш.
- Биргаликда илмий ишларни чоп этиш.
- Диссертацияларга раҳбарлик ва оппонентлик.
- Талаба, шунингдек профессор-ўқитувчилар таркиби, аспирантлар ва докторантларга маъруза, амалий, семинар машғулотларини ўтказиш учун олим ва мутахассисларни таклиф қилиш.
- Ижодий учрашувлар ва қўшма тақдимномалар ўтказиш;
- Университет ўқитувчиларини малака ошириш учун фирмалар, концернлар, илмий-тадқиқот, тадбиқот, консалтинг, аудиторлик корхона ва ташкилотлари ҳамда тегишли олий ўқув юртларига юбориш.
- ТошДИУ етакчи олимларининг турли хил аттестацион, эксперт комиссиялари ва диссертациялар ҳимоя қилиш бўйича Максус Кенгаш ишларида қатнашиши.
- Докторлик, номзодлик, магистрлик диссертациялари, илмий ҳисоботлар ва дастурларни тақриздан ўтказиш.

Давлат илмий-техник дастурларини ишлаб чиқишини ТДИУ Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлигининг Макроиқтисодий ва ижтимоий тадқиқотлар институти, ЎзР ФА Иқтисодиёт институти, ЎзР Президенти қошидаги Стратегик ва ҳудудлараро тадқиқотлар институти, ЎзР Давлат мулкини бошқариш қўмитасининг бозор иқтисодиётини чуқурлаштириш илмий-тадқиқот институти, ЎзР Молия вазирлиги молия ва нархлар институти, АСКДа бозор ислоҳотлари институти, ЎзР Марказий Банки Илмий Маркази, Мехнат, баандлилик ва аҳолини иж-

тимоий ҳимоялаш муаммоларини ўрганиш Республика илмий Маркази, ЎзР ФА Кибернетика институти билан ҳамкорликда амалга оширади.

Университетимиз етакчи олимлари бошқа олий ўкув юртлар ва ташкилотлар диссертацияларини ҳимоя қилиш бўйича Махсус Кенгашларининг аъзолариdir. Ҳусусан, ЎзР ФА ИИда — профессорлар Р. Х. Алимов, Д. Қ. Ахмедов, К. Ҳ. Абдураҳмонов, Ш. Н. Зайнутдинов, Э. Ҳ. Махмудов, Н. Ҳужаев, ДЖҚАда — профессорлар М. С. Қосимова, Ш. Н. Зайнутдинов, Ш. Ш. Шодманов, ЖИДУда — проф. Г. Г. Назарова, ТДТУда — проф. А. Т. Шермуҳамедов, ЎзР ФА академиги В. В. Ким ва проф. Н. Жўраевлар ЎзР ВМ қошидаги ОАКнинг эксперт комиссияси аъзолари ҳисобланади.

Университетнинг бир қатор олимлари чет эл университетларининг академиклари этиб сайланган. Академик С. С. Фуломов АҚШнинг Калифорния ва Нью-Йорк Фанлар Академияси академиги этиб сайланган, проф. Г. Н. Охунова, проф. К. Ҳ. Абдураҳмонов, Россия Федерацияси Гуманитар фанлар Академияси академиги, профессорлар Г. Г. Назарова ва Н. Ҳужаевлар — меҳнат ва бандилик Халқаро Академиясининг аъзолари, проф. А. М. Жуманов — Қозоғистон Республикаси Табиий фанлар Академиясининг академиги, проф. А. Т. Шермуҳамедов — АҚШ ФА «Америка фанини ривожлантириш» жамиятининг аъзоси.

Илмий тадқиқот олиб бориш жараёнида ТДИУ ўқитувчилари хорижлик шериклар билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келмоқдалар. Сўнгги йиллар давомида 20 га яқин қўшма лойиҳаларнинг амалга оширилганини айтиш мумкин. Жумладан, «Европа йўллар» лойиҳаси доирасида Германия IFO Инти тути билан биргаликда бозор иқтисодиёти бўйича дарслик тайёрланди, «Сасакава», «Ниппон» жамғармалари билан ҳамкорликда «Шарқий Осиё мамлакатлари иқтисодий ислоҳотлар тажрибаси ва уни Ўзбекистонда тадбиқ этиш», «Хорижий мамлакатларда маркетингни ривожлантириш», «Жанубий-Шарқий Осиё иқтисодий ривожланган мамлакатлари тажрибасини Ўзбекистонда қўллаш» каби лойиҳалар амалга оширилди. Япониянинг университетлари билан эса «Марказий Осиёда иқтисодий ислоҳотлар ва Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини қайтадан ташкил этиш», «Марказий Осиё аграр иқтисодиётдаги ижтимоий-иктисодий ўзгаришлар (Ўзбекистон мисо-

лида)», «Ўзбекистон хусусий секторини ривожлантиришда иқтисодий ислоҳотлар: дастлабки шарт-шароитлар, хусусиятлар ва методлар» мавзуларидағи лойиҳаларни алоҳида таъкидлаш мумкин. Шу билан бирга Г. В. Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт академияси олимлари билан биргаликда «Иқтисодиёт назарияси», «Иқтисодиёт ва меҳнат социологияси» ва бошқа шу каби дарсликлар босмадан чиқарилди.

Тошкент Давлат иқтисодиётуниверситети инновацион, илмий, треннинг фаолиятини тижорат асосида амалга оширувчи илмий-тадқиқот, консалтинг фирмалари, ўқув-илмий ишлаб чиқарувчи ўқитувчи марказлар, бизнес-мактаб, бизнес-инкубаторлар сингари янги иқтисодий таркибларни ривожлантириш соҳасида ҳам маълум тажрибага эга, Ҳозирги даврда бундай таркиблар сони 35 та, хусусан, улар Кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш, бизнес, иқтисодиёт институти, Қимматбаҳо қофозлар бозори мутахассислари ни қайта тайёрлаш маркази, Бирлашган Вена институти ҳудудий маркази (JVI), «Бирлашган банк иши» ўқув маркази, Бухгалтерия ҳисоби ва аудит ресурс маркази: ихтисослашган олий бизнес мактаби МБА, «Техномаркет» бизнес-инкубатори, Ихтисослашган олий бизнес-мактаб, «Келажак илми» Халқаро бизнес-мактаби, Иқтисодий мутахассисликлар магистратураси, «Иzlаниш МБФ» илмий-тадқиқот консалтинг фирмаси, «Фикр» илмий тадқиқот корхонаси, «Тадбиркор» бизнес маркази, Халқаро туризм бизнес мактаби, Ўзбек-Немис бизнес мактаби ва бошқалардир.

Санаб ўтилган барча таркибларда фаол илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда, жумладан, илмий ишлар, дарсликлар, илмий-методик қўлланмалар тайёрланиб чоп этилмоқда. Аңжуманлар ва семинарлар ўтказиш билан бирга алоҳида корхона ва ташкилотлар буюртмалари бўйича илмий ишланмалар олиб борилади. Масалан, «Иzlаниш МБФ» ИТКФ томонидан уруф етишириш хўжаликларини хусусийлаштириш, уларни акциядорлик жамиятларига айлантириш борасида тавсиялар ишлаб чиқилган, Сурхандарё вилоятида жойлашган «Сурхон-чигит» корпорациясига маркетинг ва менежмент тадқиқотлари ўtkазилган, «Фикр» ИТК Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг «Қўриқлаш» республика бирлашмаси буюртмаси бўйича «Ички ишлар органлари қошидаги идоралардан ташқари таркиблар-

да қўриқлашни ҳисобга олиш айрим масалалари бўйича йўриқнома ишлаб чиқиши лойиҳасини амалга ошириди. «ТехноМаркет» бизнес инкубатори турли хил Халқаро жамғармалар Евроазия, Сорос ва бошқа шу каби структуралардан грантлар олиш мақсадида лойиҳалар ишлаб чиқмоқда. Ҳусусан, «ТехноМаркет» бизнес инкубаторининг бевосита иштирокида «Ҳаракат-Ник» ООО, «Турон» вилоят кутубхонаси грантлар олинган.

Университет илмий салоҳиятини ривожлантиришда талабалар олиб бораётган илмий-тадқиқот ишлари, уларнинг Республика ва Халқаро илмий ва амалий анжуманлардаги иштироки алоҳида аҳамият касб этади. Шу сабабли университет олий ва ўрта маҳсус таълим Вазирлиги раҳбарлигига ректорат бу масалага алоҳида эътибор бериб келган ва келмоқда. Натижада талабалар таркибида аълочиларнинг ва иқтидорли талабаларнинг сони йилдан йилга кўпайиб бормоқда. Энг истеъододли талабалар «Умид» жамғармасининг якуний танловидан муваффақиятли ўтиб хорижий мамлакатларда таҳсил олмоқдалар. Фақат, охирги 5 йил мобайнида 177 талаба хорижий мамлакатларда ўқишга юборилди. Ўқишни тамомлагач, улардан 103 таси «Бакалавр» ва 21 таси «Магистр» илмий даражадаги дипломларни олишга мувофиқ бўлдилар.

Талабаларнинг илмий салоҳиятини кучайтиришда назарий ва амалий анжуманлар, олимпиадалар ва бошқа танловларнинг ўрни бекёёсdir.

Университетда иқтидорли талабалар ва ёш олимларнинг «Фидойи ва иқтидорли ёш иқтисодчилар» клуби ташкил этилган. Клуб аъзолари илмий ва консалтинг ишлари билан фаол шуғулланадилар.

Тошкент Давлат иқтисодиёт университетининг келгусида фанни ривожлантириш стратегияси «Кадрлар тайёрлаш миллий дастур»ида олий ўқув юртлар фани олдида қўйилган вазифа, Президентимиз И. А. Каримовнинг «Таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш ва кадрларни тайёрлаш, янги авлодни тарбиялаш ҳақида»ги Фармони ва Республика ҳукуматининг бошқа қарорларидан келиб чиқиб, университет йўналиши ва мавжуд илмий салоҳияти ва мазкур давр мобайнида унинг ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда мамлакат олдида яқин келажакда ечилиши керак бўлган долзарб иқтисодий муаммолар бўйича илмий тадқиқотларнинг самарадор-

лигини оширишга қаратилган. Шу билан бирга, халқаро алоқаларнинг ҳам кенг қамровда олиб борилиши кўзда тутилган. Мазкур мақсад доирасида мавжуд заҳиралар ва айрим кафедралар халқаро алоқалари ҳамда университет тижорат таркибларининг мониторинги ўтказилади. Ушбу масаладаги устувор вазифа сифатида университет айрим олимлари билан шахсий муносабатларни тегишли даражада ташкил этиш ва иқтисодий сиёсатни эркинлаштириш шароитида Республикасининг ижтимоий-иктисодий ривожлантириш муаммоларини тадқиқ қилиш бўйича қўшма илмий мактабларни яратиш; университет етакчи олимларининг Халқаро илмий форум ва симпозиумлар ҳамда ҳамкорликдаги тадқиқот лойиҳаларида иштирок этишини таъминлаш мақсадида салоҳиятли илмий ҳамкорлар ва воситаларни излаш каби муҳим омилларга қаратилган.

Фундаментал тадқиқотлар билан бир қаторда маълум идоралар, ташкилот ва корхоналар бујортмаси бўйича бажариладиган амалий ҳарактердаги илмий ишлар ҳажмини сезиларли даражада ошириш кўзда тутилмоқда. Шу билан бирга университет факултетлари, кафедралари қошида ташкил этилган турли хил таркиб ва университет кафедралари томонидан кўрсатиладиган илмий ва консалтинг хизматлари тажрибасини ҳам кенгайтириш режалаштирилган.

Илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш соҳасида эса 2005 йилда қадар ТДИУдаги фан докторлари сонини 100 тага ва фан номзодлари сонини 300 кишига етказиш кўзда тутилган.

#### **4. УНИВЕРСИТЕТДА МАҲНАВИЯТ, МАЪРИФАТ ВА МАДАНИЯТ**

Инсоният тарихи ҳар жиҳатдан мукаммал инсонни бунёдга келтиришга уриниш тарихидан ҳам иборатdir. Инсон ўзини танигандан бошлаб, ўз шахсини такомиллаштиришга ҳаракат қилган. Яшаб ўтган буюк алломаларимиз ҳаётда мўл-кўл моддий неъмат эгаси бўлиш, ундан истаганча истифода этиш билан бирга, инсон маънавий неъматлардан баҳраманд бўлмоги, бўлганда ҳам, моддий неъматлардан ҳам кўпроқ даражада озиқланмоги лозим, деган холосага келганлар. Шу тариқа ҳам жисмонан, ҳам маънавий уйғунликни ўзида мужассам эттан идеал инсон юзага келишини орзу

қылғанлар. Шарқда бу комил инсон таълимотида ўз ифодасини топган.

Заковатли аждодларимиз инсоннинг ўзини такомиллаштиrmай туриб, у юзага келтирган жамиятни идеал даражага күтариш мумкин эмас, деб ҳисоблаганлар. Бу борада инсоният яратган кўп асрлик адабиёт, педагогика, тарихий, фалсафий асарлар гувоҳдир. Бундай асарларнинг қайси бирини олманг, бевосита ёки билвосита комил инсон тўғрисидаги қарашларга, таълимотга дуч келасиз. Зотан, жамият аъзоларининг маънавий қиёфаси мазкур жамият тараққиёти даражасининг кўзгуцидир.

Президентимиз И. А. Каримов халқимизнинг яратган бой маънавий, маданий мероси, унинг бебаҳо аҳамияти ҳақида тўхтаб: «Ҳозир Ўзбекистон деб аталувчи худуд, яъни бизнинг Ватанимиз нафақат Шарқ, балки умумжаҳон цивилизацияси бешикларидан бири бўлганини, бутун жаҳон тан олмоқда... Диний ва дунёвий илмларнинг асослари мана шу заминда яратилган, сайдал топган... Бешафқат давр синовларидан омон қолган, энг қадимги тошёзувлар, битиклардан тортиб, бугун кутубхоналаримиз хазинасида сақланаётган 20 мингдан ортиқ қулёзма, уларда мужассамлашган тарих, адабиёт, санъат, сиёsat, ахлоқ, фалсафа, тиббиёт, математика, физика, кимё, астрономия, меъморчилик, деҳқончиликка оид ўнг минглаб асарлар бизнинг беқиёс маънавий бойлигимиз, ифтихоримиздир. Бунчалик катта меросга эга бўлган халқ дунёда кам топилади. Шунинг учун ҳам бу борада жаҳоннинг санокли мамлакатларигина биз билан беллаша олиши мумкин»<sup>1</sup>, деб дадил айта олган эдилар.

Аждодларимиз яратган бой маънавий ва маданий мерос, уларнинг қолдирган амалий тажриба, ахлоқий, илмий, диний ва руҳий қарашлари халқимизнинг моддий ҳамда маънавий бойликлари мажмуидир.

Республиканинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш муаммоларини тадқиқ қилиш бўйича қўшма илмий мактабларни яратиш; университет етакчи олимларининг Халқаро илмий форум ва симпозиумлар ҳамда ҳамкорликдаги тадқиқот лойиҳаларида иштирок этишини таъминлаш мақсадида салоҳиятли илмий ҳам-

<sup>1</sup> И. Каримов. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т., «Шарқ», 1998, 3—4 бетлар.

корлар ва воситаларни излаш каби муҳим омилларга қаратилган.

Фундаментал тадқиқотлар билан бир қаторда маълум идоралар, ташкилот ва корхоналар буюртмаси бўйича бажариладиган амалий характердаги илмий ишлар ҳажмини сезиларли даражада ошириш кўзда тутилмоқда. Шу билан бирга университет факультетлари, кафедралар қошида ташкил этилган турли хил таркиб ва университет кафедралари томонидан кўрсатиладиган илмий ва консалтинг хизматлари тажрибасини ҳам кенгайтириш режалаштирилган.

Ҳар бир давр ва авлод ўзига хос маънавий ва маданий мерос яратади. Маданий мерос кенг халқ оммаси ва айрим ижодкорлар мероси тарзида намоён бўлади. Масалан, халқ маданияти ва ижодига оид бойликлар давомида йиғилиб, ҳар бир авлод томонидан қайта ишланиб, тўлдирилиб, оммавий кўринишида яшаб келади. Маданий мерос муаллифи халқ оммасидир. Фаробий, ал-Хоразмий, Беруний каби алломаларимиз томонидан қолдирилган ижтимоий, илмий-тафаккурий мерос эса уларнинг иқтидори ва меҳнати маҳсулидир.

Ўзбек миллати тараққиётида миллий ўз-ўзини англаш жараёни чор империяси ўлкамизни босиб олгандан сўнгти озодлик курашларида, шўролар тузуми шароитида ўзлигимизни сақлаб қолиш учун бўлган ҳаракатларда намоён бўлиб келди. Мустақилликни кўлга киритганимиздан кейин миллий ўзлигимизни англаш икки йўналишда — собиқ шўролар даврида тоғталган урф-одатларни, қадр-қимматни, қадриятларни тиклаш ва маънавий меросларни ўзлаштиришга бўлган ҳаракатларда ва адолат, демократия ва ҳуқуқ устуворлигига асосланган жамият куриш билан боғлиқ бўлган ислочтоларни ўтказиш жараёнида юзага келган муаммоларни ҳал қилишдаги умуммиллий ҳаракатларда намоён бўлмоқда.

Миллий ўз-ўзини англаш у ёки бу миллатни ўзга миллатлардан ажralиб кетишига олиб келмайди, балки ўзлигини англаган миллатларнинг маърифатлашган ҳамкорликларини мустаҳкамланиб боришига хизмат қиласи. Шу сабабли ҳам мустақиллик шароитида ўзбек халқининг ўз-ўзини англашини ривожлантириш Давлат сиёсати даражасига кўтарилганлиги бежиз эмас, албатта.

Президентимиз бугунги кунда ўзликни англашнинг

ган вазифалардан келиб чиқиб, профессор-ұқытuvчи-лар ва талабалар ўртасида Республикаизда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиётининг долзарб муаммоларини мушоҳада қилишга қаратилган семинарлар, талабалар ўртасида турли мавзуларга бағишланган кўрик танловлар ўтказиб келмоқда.

Шакланаётган Миллий истиқлол тоғаси ва мафкураси жамият ривожланишидаги етакчи тамойилларни ўзида мужассам этиб, халқимизнинг азалий анъанарага, удумларига, руҳиятига, қадриятларига асосланиб, ёшларни келажакка бўлган ишонч туйгуларини тарбиялашда муҳим омил эканлиги инобатга олиниб, барча Олий ўкув юртларида, шу жумладан — бизнинг университетимизда ҳам «Миллий истиқлол тоғасини ўрганиш ва тарғиб қилиш Маркази (2000 йилдан)» фаолият кўрсата бошлади. Марказнинг асосий вазифаси ёшлар қалби ва тафаккурида «Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт» руҳини камолига етказиш, ана шу руҳ қалбida барқ урган ёшларни элим деб, юртим деб ёниб яшашга ўргатишди.

Университетда 1997 йилнинг 8 январидан буён «Санъат галереяси» 1998 йилдан эса «Университет тарихи музей»и фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг ташкил этилиши ҳам олий билимгоҳда маънавий-маърифий ишларнинг янада фаоллашувига сабаб бўлмоқда. Бу санъат, тарих, маданият масканлари талабалар маънавиятини юксалтиришга, гўзалликка ва ўз университетларига меҳр-муҳаббатини оширишга хизмат қилмоқда. «Санъат галереяси»да классик асарлар ва ёш рассомларнинг янги асарлари, ҳатто университет талабаларини ижод наъмуналарини намойиш этиб бориш йўлга кўйилган. «Санъат галереяси», «Университет ва тарих музейи»га қатъий жадвал асосида талабалар ташрифи ўюшиб келинмоқда.

Университетда «Маънавий-маърифий тарбиявий ишларни ташкил этиш бўйича мажмуа дастур ва тадбирлар режаси», «Талабалар уйларида олиб борила-диган маънавий-маърифий ишлар режаси», Президент томонидан эълон қилинган йилларга бағищланган тадбирлар режаси ишлаб чиқилган. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» талаблари асосида баркамол авлодни тарбиялашнинг стратегик мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, 1998—2005 йилларга мўлжалланган истиқболдаги бир қатор режалар ишлаб чи-

қылган. Уларда кундалик, жорий ва истиқболдаги кенг қамровли тадбирлар ўз аксини топган бўлиб, тадбирларнинг босқичма-босқич амалга оширилиши таъминланмоқда.

Масалан, 1997 йилда «Инсон манфаатлари йили» дастури ишлаб чиқилди ва амалга ошириш бўйича бир қатор тадбирлар амалга оширилди. Профессор-ўқитувчилар, ходимлар ва талабалар ҳар байрамларда моддий ёрдам олмоқдалар, тақдирланмоқдалар, ҳамда уларга йўл чипталари, дори-дармонлар учун пул мукофотлари бериб келинмоқда. Масалан, 1997 йилда Маянавий-маърифий соҳалар харажатлари — 6,187,4 минг сўмни ташкил этган бўлса, 1998 йилда эса бу харажатлар 8.752,0 минг сўмга етди. Бундай харажатлар ҳажми йилдан йилга ошиб бормоқда.

Бундан ташқари 1997 йил сентябридан эътиборан университет профессор-ўқитувчиларига рейтинг асосида қўшимча ҳақ тўлаш ҳам йўлга қўйилган. Масалан: биргина 1998 йилда рейтинг натижалари бўйича 52 кишига 100%, 45 кишига 75%, 95 кишига 50%, 122 кишига 25%, жами 317 профессор-ўқитувчи ва ходимларга қўшимча ҳақ тўланган, ойлик маошларга қўшимчалар ва йил давомида берилган мукофотлар учун 7934,6 минг сўм, моддий рағбатлантириш учун 7380,0 минг сўм маблағ ажратилган.

Университетда Республикализ Президентининг Давлат маслаҳатчиси В. А. Голышев, Президент девонини масъул ходими Т. К. Иминов, Чилонзор туман ҳокими мувовини М. А. Обидова, Марказий банк бошқарувчи раисининг мувовини А. Х. Эрданаев, «Ўзтадбиркорбанк» раиси М. А. Собиров, «Туронбанк» раиси А. Т. Зияев, «ДЭУ» вице-Президенти Чан Хи Чу ва бошқа вазирликлар, банклар, мутасадди ташкилотлар вакиллари иштирокида 1997 йилнинг 9 апрелида «Ҳомийлар кенгаши» тузилиб, бугунги кунда ушбу кенгаш ўз фаолиятини давом эттироқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Оила манфаатларини таъминлаш борасида 1998 йилда амалга ошириладиган тадбирлар Давлат дастури тўғрисида»ги (1998 йил 27 январь 45-сонли) қарорини бажариш юзасидан университетда ишлаб чиқилган тадбирларга мувофиқ «Ораста» клуби ташкил қилинган. Клуб раҳбари «Хукуқшунослик» кафедраси профессор-ўқитувчилари М. Сайдалиева ва С. Қосимбековалар та-

шаббуси билан «Соғлом авлод»га бағишилаб, бир неча кўрик-танловлар ўтказилди.

Университетда маънавий-маърифий-тарбиявий ишларни янада такомиллаштириш ва уларнинг самарадор-литини ошириш бўйича ишлаб чиқилган Дастурга биноан халқимиз байрамлари, турли спорт мусобақалари ва бошқа бир қатор тантаналарнинг барчасида профессор-ўқитувчилар, ходимлар ва талабаларнинг фаол иштироки таъминланмоқда. Бундай тадбирлар орқали жамоа аъзоларида юртимиз мустақиллиги, истиқлол берган имкониятлар, миллий анъана ва қадриятларнинг янгидан қадр топаётганилиги, мамлакатимизда қисқа давр ичида иқтисодий, ижтимоий-сиёсий соҳада эришилган ютуқлар билан фуурланиш, ҳар томонлама етук ва фаол булиш ҳиссини уйғотишга ҳаракат қилинмоқда. Университет миқёсида ҳар ўқув йили давомида 40 дан ошиқ турли мавзуларда тадбирлар ўтказилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, университет ректорати ва жамоат ташкилотлари томонидан «Профессор-ўқитувчилар, ходимлар ва талабалар ўргасида олиб бориладиган маънавий-маърифий ишларнинг мужассам дастури» ҳам ишлаб чиқилган.

Университет ректорати талабалар дунёқарашини шакллантириш, уларнинг ижтимоий-иқтисодий, геосиёсий муаммолар бўйича билимларини янада кенгайтириш борасида ҳам доимий изланишлар олиб бормоқда. Бу борада ижтимоий-гуманитар фанларни замон талабларига мос ҳолда ўқитиш, бу фанлар ўқувини янада такомиллаштириш ишларига кенг аҳамият берилган. Ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитишни такомиллаштириш масалалари ҳар ўқув йилида бир неча марта университет илмий, услубий ва маънавий-маърифий кенгашлари йиғилишларида муҳокама қилинган. «Маънавий-маърифий ишлар кенгашши»нинг ҳар бир йиғилишининг бир-икки масаласи ижтимоий-гуманитар таълим масалаларига бағишлиданади.

Талабаларнинг маънавий, маърифий ва маданий билимларни мукаммал эгаллашларида 1997—98 ўқув йилида Президент И. А. Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида» асарининг 50 соатлик ҳажмда ва «Буюк келажак сари» асарининг 24 соатлик ҳажмда барча гурӯҳларда тўлиқ ўқитилганлиги ва бу курслар бўйича имтиҳонлар қабул қилинганлиги муҳим аҳамият касб этди.

Университетда миллий урф-одатлар, маросимлар, анъаналар, удумларнинг ёшлар тарбиясидаги ўрни ва аҳамиятига бағишенгандар турли оммабоп рисолалар, мақолалар чоп этиш, оммавий ахборот воситаларида чиқишилар кенг ташкил этилган. Жумладан, 1998—1999 йилда «Маънавият — буюк келажак пойдевори», «Ватанпарварликнинг миллий ва умуминсоний жиҳатлари», «Ижтимоий тараққиёт ва давримизнинг жаҳоншумул муаммолари», «Маънавиятимиз сарчашмалари», «Ёшларнинг маънавий тарбияси», «Талабалар маънавий-маърифий ишларининг мужассам дастури» каби илмий, ўқув-услубий қўлланма ва йўлланмалар ҳамда кўплаб илмий мақолалар чоп этилди. Жами 4 йилда университет профессор-ўқитувчилари томонидан маънавий-маърифий ишларга оид 70 дан ортиқ 220 босма табоқдан кўп ҳажмдаги илмий, ўқув-услубий ишлар чоп этилган.

Кейинги йилларда талабалар учун Президентимиз томонидан ёзилган асарлар ҳамда Республикализ тараққиётига хавф туғдираётган муаммолар бўйича қуидаги курслар ўқуви ташкил этилган:

1. «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» 50 (32 соат маъруза, 18 соат семинар) соат.

2. Президентимиз И. Каримовнинг «Туркистон» газетаси мухбири саволларига берган «Ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қўрмоқдамиз» номли жавоблари. (4 соат: 2 соат маъруза, 2 соат семинар).

3. «Мағкурамиз халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин» (4 соат).

4. «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» (4 соат)

5. «Ўзбекистон буюк келажак сари», 24 соат (14 соат маъруза ва 10 соат семинар).

6. «Баркамол авлод орзуси» (4 соат).

7. «Талабалар орасида гиёҳвандликка қарши кураш» 10 соат (6 соат маъруза ва 4 соат семинар).

8. «Диний экстремизм ва фундаментализмнинг ижтимоий моҳияти» номли маҳсус курс 10 (6 соат маъруза, 4 соат семинар) соат.

9.. «Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз» (12 соат 8 ва 4 соат).

10. «Иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислоҳотларни чукурлаштириш — энг муҳим вазифамиз» (6 соат).

11. 2000—2001 ўқув йилидан бошлаб «Миллий ис-

тиқолғояси: асосий түшунча ва тамойиллар» фанини бакалавриат босқичининг 4-курсида 52 соат, магистратура босқичининг 2-курсида 64 соат, сиртқи бўлимларда эса 18 соат ҳажмда ўқитиш амалга оширила бошлиди.

Шунингдек, аспирант ва тадқиқотчилар учун эса «Фалсафа» миллий истиқолғояси ва фан методологияси курси сифатида номзодлик имтиҳон топширилиши белгилаб қўйилган.

Бундан ташқари мустақиллик йилларида талабаларга «Маънавият ва маърифат асослари» курсининг ўқитилаётганлиги ҳам уларнинг маънавий жиҳатдан юксак кадрлар бўлиб етишишига хизмат қилмоқда.

Талабаларнинг маънавий-ахлоқий тарбиялашда, уларнинг умуммаданий савиясини юксалтиришда университет кўп нусхали «Иқтисодчи» (Бош муҳаррир – С. Ризаев) газетасининг хизмати катта бўлмоқда. Мазкур газета ҳар ойда 2000 нусха (2001 январидан 2500 нусхада) нашр этилиб, унинг маърифатидан барча профессор-ўқитувчилар, ходимлар ва талабалар баҳраманд бўлмоқдалар.

Мазкур кўп нусхали газетада мутахассислик ва ижтимоий гуманитар фанлар юзасидан Республикаизда бўлаётган янтиликлар, Республикаиз иқтисодиётидаги ютуқлар ва муаммолар, кадрлар тайёрлаш миллий дастуридаги вазифалар ва уларни амалга ошириш жараёнлари, бозор иқтисодиётининг муаммолари, бу борадаги изланишлар, ечимлар билан биргаликда талабаларнинг таълим-тарбия олиш жараёни, ундаги ютуқлар ва муаммолар, талабалар ҳаёти, университет ректорати ва жамоат ташкилотлари олиб бораётган илмий ва амалий ишларнинг барчаси кенг ёритиб борилмоқда.

Университет профессор-ўқитувчилари ва талабалари эса газетанинг доимий мухбирлариdir.

Университет ўкув биноларининг ва барча ётоқхоналарининг радиолаштирилгани ҳам, унда кундалик ахборотларнинг, маънавий-ахлоқий мавзудаги эшиитиришларнинг бериб борилиши ҳам талабалар билими ва тарбиясига ижобий таъсир этмоқда.

Айниқса, ёшлар онгода Миллий гоя ва мафкуруни шакллантириш, она-Ватан ҳамда халқимизга меҳр-муҳаббат, садоқат ва ҳурмат туйгуларини тарбиялашга эътибор кучайтирилмоқда.

Кейинги 4 йил ичида Республика из аҳли буюк ажоддларимиз, улуф сиймоларимиздан Амир Темурнинг 600 йиллиги, ал-Фарғонийнинг 1200 йиллиги, Имом ал-Бухорийнинг 1285 йиллиги, Огаҳий таваллудининг 190 йиллиги, Жалолиддин Мангубердининг 800 йиллиги ва бошқа юбилейларини кенг нишонладилар. Университет жамоаси ҳам ҳар бир буюк сиймо юбилейларини нишонлаш бўйича тадбирлар режаси ишлаб чиқиб, ушбу режалар асосида илмий-амалий анжуманлар, учрашувлар, сұхбатлар, бадиий кўринишлар ташкил этдилар. Университет профессори М. Мусаев томонидан барча гуруҳларда ал-Фарғоний ҳаёти ва фаолиятига бағишилаб «профессорлик ўкуви» ўтказилди.

Университетда 1998 йилдан эътиборан «Иқтидорли ва фидойи ёш иқтисодчилар клуби» фаолият кўрсатмоқда. Бу клуб аъзоларидан Республика «Камолот» жамғармаси ва ЎзТВ «Ёшлар канали» ҳамкорлигида ташкил этилган «Қызлар даврасида» кўрсатувида университетнинг 3 курс ПН-33 гуруҳ талабаси Камила Абдулаева фаол иштирок этиб, Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси «Фахрий ёрлиги» билан тақдирланди.

Университетда «Йилнинг энг яхши ўқитувчиси», «Йилнинг энг яхши мураббийси», «Йилнинг энг яхши раҳбари» кўрик танлови Низоми ишлаб чиқилиб, ректорнинг 1998 йил 25 июнь 162 сонли буйруғига асосан танлов голиблари тақдирланди. Бундай танловлар ҳар йили ўтказилмоқда.

Университет талabalari орасида 1997—98 ўқув йилида «Ватан зиёси» деб номланган кўрик-танлов ўтказилган. Ушбу танлов дастлаб гуруҳлараро, факультетлараро тарзда ва сўнгра университет миқёсида булиб ўтган. Ушбу танловнинг Низомига кўра талabalар бу танловда ўзларининг танланган касбига меҳри-муҳаббатини, фанлардан олаётган билимларини намойиш этибгина қолмай, ўзларининг санъат соҳасидаги жиҳатларини ҳам намойиш этдилар. Бу танлов Низомидаги шартлар ва танлов якунига кўра эълон қилинган ҳужжатлар мазкур тадбирнинг қанчалик кенг қамровли тарзда ўтганини кўрсатиб турибди.

Республика миқёсида ўтказилаётган «Ўзбекистон — Ватаним маним» номли кўрик-танловида Университетимиз талabalari қатнашиб 1998 йилда Наманганд шаҳрида 3 ўринни, 1999 йилда Самарқанд шаҳрида 2 ўрин-

ни эгалладилар. «Ниҳол» талабалар театрида университетимиз 1999 йилда «Наврӯзнинг туғилиши» номли спектакл билан қатнашиб энг яхши ўринларни эгалладилар. Телевидения орқали 20 минутлик кўрсатув бўлиб ўтди. 2000 йилдаги «Ниҳол» талабалар театри танловида «Абдулла Қодирийни эслаб» номли театрлашган комедия билан иштирок этиб яхши натижаларга эришилди.

Университетда ҳар йили умумхалқ «Наврӯз» байрами ишлаб чиқилган «Низом» асосида кенг нишонланади. Бу байрамда университетнинг барча профессор-ўқитувчилари, ходимлари ва талабалари тўлиқ қатнашадилар. Байрамни нишонлаш жарабёнида «Миллий кийимлар», «Миллий таомлар», «Наврӯзга бағишлиган деворий газеталар» кўрик-танловлари ва спорт мусобақаларининг ўtkазилиши, факультетлар жамоаларининг миллий урф-одатларимиз, миллий анъаналаримизни акс эттирувчи саҳна кўринишлари тайёрлаб, намойиш этишлари ибратли бўлмоқда.

Ҳозирги кунда Университет «Миллий истиқлол фоясини ўрганиш ва тарғиб қилиш» маркази қошидаги «ЁФДУ» ёш мағкурачилар клубининг иқтидорли ёшлари Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 10 йиллиги ва Университет ташкил топганининг 70 йиллиги олдидан «Истиқлол ёғдуси» илмий-фантастик спектакл устида ишламоқдалар.

Университет Маънавият ва маърифат бўлимининг жамоат ташкилотлари ҳамда нодавлат уюшмалари билан ҳамкорлиги яхши самара бермоқда.

Бирлашган касаба уюшма қўмитаси ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 10 йиллиги ва Университет ташкил топганининг 70 йиллигига бағищлаб «Йқтисодчи талаба таланти — мустақил юрт равнақи» факультетлараро санъат кўрик-танловининг юксак савиядга ўтгани Университет жамоаси ижтимоий-маънавий ҳаётида муҳим воқеа бўлди.

2001 йилнинг май ойида мустақиллигимизнинг 10 йиллиги, Университетимизнинг 70 йиллигига бағишлини ўтқазилаётган Университет факультетлари ўтрасидаги «Йилнинг энг фаол факультети» кўрик-танлови ҳам Олий ўқув юртларида ўқув, ўқув-услубий, илмий, маънавий-маърифий ишлар-сифат ва самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда. Университетда мана

шундай маданий, маънавий-маърифий тадбирлар Низомларини ишлаб чиқиб, уларни кенг қамровли тарзда ўтказишида «Ўзбекистон тарихи» кафедраси профессори К. Эргашев ректорат ва жамоат ташкилотлариға яқиндан ёрдам бермоқда.

Университет талабалар уйларида олиб борилаётган маънавий-маърифий ишлар йилдан-йилга такомиллашиб бормоқда. Бу ишлар ишлаб чиқилган ва тасдиқланган режа асосида амалга оширилмоқда.

Университеттинг барча талабалар уйларида Республикализнинг кўзга кўринган давлат ва фан арбоблари, ҳукуқ-тарғибот органлари ходимлари билан суҳбатлар уюштириш орқали талабаларда қонунга хурмат, ўқув интизомига тўлиқ амал қилишларини, мулкка муносабат, умуман ҳозирги ислоҳотлар жараёнида ижтимоий ҳайётнинг барча жабҳаларидаги бир қатор муаммо-масалалар моҳиятини тўлиқ тушуниб етишишларини таъминлашга қаратилган тадбирлар амалга оширилмоқда.

Талабалар уйларида ўтказилаётган барча тадбирлар талабаларнинг миллий қадриятлар, урф-одатлар, маънавий-маърифий жиҳатдан янада кўпроқ билимга эга бўлишлари, ўзликларини англашлари, Ватан, эл-юрт тақдиди учун даҳлдор эканликларини тўлиқ ҳис этишларига хизмат қилмоқда ва шу орқали уларнинг комил инсон, етук мутахассис бўлиб етишишларига қўмаклашмоқда.

Университет ректорати ташаббуси билан ташкил этилиб, ҳафтанинг ҳар жума кунлари ўтказилаётган «Жума оқшоми» маънавий-маърифий тадбирлари талабаларнинг бўш вақтларидан унумли фойдаланишларида самарали йўналиш бўлиб хизмат қилмоқда.

Сўнги 5 йил мобайнида 250 га яқин мавзуларда тадбирлар ўтказилган. Ушбу тадбирларнинг барчаси мустақиллигимиз ва унинг равнақи, жаҳон мамлакатлари ўртасидаги мавқеи келажаги буюк давлатимиз тараққиётида ёшларнинг ўрни мавзуларга бағишлангандир.

Талабалар уйларида Республикамиз мустақиллигини акс эттирувчи кўргазмали стендлар тайёрланган.

Талабалар ётоқхоналаридаги «Маънавият ва маърифат» хоналари юмшоқ мебель, кресло, стуллар, гилам, телевизорлар билан жиҳозланган. Талабалар учун зарур ўқув адабиётлари, маънавиятга оид китоблар, «Фидокор», «Туркистон», «Ишонч», «Халқ сўзи», «Ўзбекистон овози», «Правда востока», «Народное слово»

газеталари, «Мулоқот», «Фан ва турмуш», «Хўжалик ва ҳуқук», «Тафаккур», «Гулистан», «Ёшлик», «Ёш куч» ва бошқа журналлар билан таъминланган.

Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган «Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида»ги Қонунга ва Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 16 июнь 304-сон Қарорига ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги 1996 йил 19 март 104-рақамли қарорини амалга ошириш бўйича Университетда лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосида иш юритишни жорий этишининг 1996—2005 йилларга мўлжалланган кўп босқичли тадбирларни амалга ошириш борасидаги ишлар янада жонлантирилмоқда.

Махсус кафедралар профессор-ўқитувчиларининг маънавий-маърифий ишлардаги фаолликларини янада жонлантиришга эътибор қаратилмоқда.

Маҳаллалар, талабаларнинг ота-оналари билан алоқаларини янада кучайтириш борасида ҳам ишлар олиб борилмоқда. Хусусий хонадонларда яшовчи талабалар турмуш тарзи ва фаолиятига кўпроқ эътибор қаратилган.

Университет миқёсида ўтказилаётган «Мулоқот соатлари» ижобий натижалар берадётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

Шунингдек, профессор-ўқитувчилар билан талабалар ўртасидаги муносабатларни янада яхшилаш мақсадида, азалий анъаналаримизнинг тарбиявий томонларини инобатта олиб, «устоз ва шогирдлик» тизимини шакллантиридик.

Умуман, университет жамоаси талаба ёшларнинг ҳар томонлама етук, давр талабларига тўла жавоб берадиган юқори малакали мутахассислар, маънавий-маданий, ахлоқий-руҳий ва жисмонан баркамол, Ватанга, эл-юрга садоқатли кишилар бўлиб этишишларида ўз фаолиятларини тўғри ташкил қилганлар. Бу борадаги ишларни янада такомиллаштирилиши ва самарали ташкил этилиши эса мустақиллигимиз талабидир.

Бизнинг мақсадимиз келажаги буюк, Мустақил Ўзбекистон учун хизмат қиласиган ва замон талабларига жавоб берадиган соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашга ўз юрти истиқболи учун қайгурадиган билимли, малакали иқтисодчи кадрларни тайёрлашга қаратилгандир.

## **II б о б. Замон билан ҳамнафас таълим**

### **1. МАГИСТРАТУРА – ЯНГИ ТАЪЛИМ ТУРИ**

Республикамизнинг барча соҳаларида бўлгани каби таълим тизимида ҳам катта ўзгаришлар, ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бу ўзгаришларнинг бош мақсади кадрлар тайёрлашнинг сифатини ошириш, уларнинг даражасини халқаро андозалар талабларига мослаштиришdir. Шу мақсаддарни амалга ошириш ва Республика иқтисодиётiga юқори малакали, ўз соҳасини профессионал даражада биладиган мутахассисларни етказиб бериш мақсадида ва ҳозирги замон таълим тизими ва бозор субъектларининг мутахассисларга бўлган талабидан келиб чиқиб, 1996 йилда Тошкент Давлат иқтисодиёт университети таркибида университет ректорининг 1996 йил 6 сентябрдаги 238-сонли буйруғи билан сиртқи шаклида «MBA» дастури асосида иқтисодий мутахассисликлар магистратураси ташкил этилди.

Магистратура — аник мутахассислик бўйича фундаментал ва амалий билим берадиган, бакалаврлик негизида камидан икки йил давом этадиган олий таълимидir. «Магистр» даражасини берадиган давлат малака аттестацияси магистрлик дастурининг интиҳосидir. Магистрларга давлат томонидан тасдиқланган намунадаги, касб-хунар фаолияти билан шуғулланиш ҳукуқини берадиган диплом топширилади.

1996 йил 28 сентябрда ТДИУ «Иқтисодий мутахассислар магистратураси ҳақида»ги низоми тасдиқланди. Иқтисодий мутахассисликлар магистратураси фаолияти вазирликлар, муассасалар, концернлар, ассоциациялар, корпорациялар, бирлашмалар, фирмалар, компаниялар ҳамда турли хилдаги мулкчилик шаклидаги қўшма ва чет эл корхоналари учун бошқарув мутахассислари шунингдек, таълим мажмуаси ва илмий-тадқиқотлар билан шуғулланувчи муассасалар учун илмий ва илмий-педагогик мутахассислар тайёрлашга қаратилгандир.

Магистрлар тайёрлаш жараёни қуйидагиларни кўзда

тутади: йўналишлар ва мутахассисликлар бўйича мутахассислик фанларини чукур ўргатиш, компьютер техникаларидан фойдаланилган ҳолда илмий тадқиқотлар олиб боришни ташкил этиш, чет тиллардан бири бўйича билимларни такомиллаштириш, назарий билимларни амалиётда қўллай олиш кўнинмасини олиш ва уни такомиллаштириш, педагогика, амалий психология, иқтисодий фанларни ўқитиши услубиёти каби фанларни ўргатади. Уларнинг амалиётини вазирликларда, илфор компанияларда, концернларда, фирмаларда, илмий-тадқиқот институтларида, олий ўқув юртларида ва чет эллардаги нуфузли ташкилотларда ўтказилишини таъминлайди.

Магистрларни тайёрлаш қабул қилинган Давлат андозалари ҳамда олий ўқув юрти томонидан тузилган ўқув режалари асосида амалга оширилади.

ТДИУидаги Магистратурада 1996—1997 ўқув йилида «Банк иши», «Молия ва кредит», «Солиқ ва солиқча тортиш», «Халқаро бизнес», «Халқаро туризм», «Божхона иши», «Маркетинг», «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» каби мутахассисликлар бўйича тингловчилар қабул қилинди.

Иқтисодий мутахассисликлар магистратураси ўзининг 1996—2000 йиллардаги фаолияти давомида тўлиқ ўз-ӯзини таъминлаш ва ўз-ӯзини молиялаштириш шароитида фаолият юритди, яъни қабул қилинган тингловчиларнинг ҳаммаси шартнома асосида билим олишди. Бунинг натижасида эса бу даврда магистратура ўзининг моддий-техник базасини анча мустаҳкамлаб олди ва мустаҳкамламоқда.

Магистратурада ҳозирги кунда ўқув бўлими, иқтисод ва бухгалтерия бўлими, компьютер ва полиграфия бўлими мавжуд бўлиб, унда 21 киши магистратура декани, иқтисод фанлари доктори, проф. Ў. Ю. Рашидов бошчилигига меҳнат қўймоқдалар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999—2000 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси Олий таълим муассасаларига қабул тўғрисидаги 2 июнь 1999 йилдаги 282-сонли қарорига мувофиқ икки йиллик дастур асосида магистратуранинг кундузги бўлими ташкил қилинди. Ушбу жараён фаолиятини ташкил қилишда университетимиз профессор-ўқитувчилари фаол қатнашдилар, яъни улар 34 та мутахассислик бўйича ўқув режаларига эга бўлган давлат андозалари ишлаб чи-

қиб, улар олий таълим тизимидағи Муаммолар институтига тақдим этилди ва мутасадди юқори ташкилотларда тасдиқланди.

1999—2000 ўкув йилида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта-максус таълим вазирлиги томонидан белгиланган режа асосида 24 та мутахассислик бўйича 275 та магистр қабул қилинди. Магистратурага қабул қилиш ёзма иш бажариш асосида амалга оширилиб, «Демократик жамият қуришнинг назарий ва амалий асослари» ҳамда мутахассислик фанларидан имтиҳон топширилади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори ва Олий таълим вазирлиги қўрсатмаси билан қабул қилинганларнинг 40 фоизи давлат бюджети ҳисобидан ва қолган 60 фоизи шартнома асосида ўқитилмоқда. Қабул қилинган 275 та магистрлар қўйидаги мутахассисликлар, яъни: «Божхона иши», «Халқаро бизнес», «Иқтисодчи-педагог», «Давлат, маҳаллий иқтисодиёт», «Статистика», «Халқаро туризм», «Менежмент», «Савдо менежменти (савдода)», «Менежмент (ишлаб чиқаришда)», «Кредит», «ТИФда бухгалтерия ҳисоби», «Аудит», «ТИФ да маркетинг», «Солиқ ва солиққа тортиш», «Давлат молиясини бошқариш», «Бизнесни бошқариш», «Халқаро иқтисодиёт ва халқаро иқтисодий муносабатлар», «Меҳнат социологияси ва иқтисодиёт», «Халқаро валюта-кредит муносабатлари», «Давлат ташкилотларида суфурта иши», «Иқтисодий кибернетика», «Иқтисодий назария», «Товарлар ва хизматлар маркетинги», «Иқтисодиётда ахборотлар тизими» «Маркетинг», «Ишлаб чиқариш воситалари тижорати ва маркетинги» мутахассисликлари бўйича таҳсил олмоқда.

Давлат андозаларидаги ўкув режаси бўйича магистрлар 2 йил ўкув жараёнида 104 ҳафта шуғулланиб, улар назарий ва амалий билимлар олиб, илмий-педагогик ва мутахассислик бўйича лицей ва колледжларда, олий ўкув юртларида шунингдек, илғор корхона, ташкилотларда, вазирликлар ҳамда илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаларда амалиёт ўтайдилар. Ўқиш жараёнининг биринчи семестридан кейин магистрларга диссертация мавзуси берилиб, илмий раҳбар тайинланади ва 1,5 йил давомида улар магистрлик диссертациясини ёзib, ҳимоя қилишлари шарт.

Магистрлик диссертацияси якуний иш бўлиб, у магистрнинг ўқиш жараёнида олган мутахассислик фан-

ларидан, ижтимоий гуманитар ҳамда амалиётдан олган билимлари асосида мустақил бажарган, илмий наутижага эга бўлган ишидир. Диссертация маҳсус Низом кўрсатмаларига риоя қилинган ҳолда тайёrlанади.

Ўкув жараёни наутижаси бўйича магистрлар чет тили ва ахборотлар технологияси фанларидан Давлат аттестация комиссиясига имтиҳон топшириб ва магистрлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилгандаридан сўнг магистрларга давлат томонидан тасдиқланган намунадаги, касб ҳунар фаолияти билан шуғулланиш хуқуқини берадиган диплом топширилади.

## 2. МАҲСУС ТАЪЛИМ

Маҳсус факультет (декани иқтисод фанлари номзоди, доц. Б. М. Калонов) университетнинг бошқа факультетлари ва хусусан собиқ кечки факультетидан (шу факультет замирида ташкил этилган) қуйидагилар билан фарқ қиласди:

1) Факультет мутахассисларга бўлган талаб ва таклиф қонуни ва бозор иқтисодиётининг долзарб муаммолари асосида шаклланган энг янги, илгор ва ноёб ихтисосликлар бўйича талабалар қабул қилинади. Булар жумласига «Маркетинг ва ташқи иқтисодий фаолият», «Халқаро иқтисодий муносабатлар», «Банк иши» каби мутахассисликлар киради. Уларнинг гуруҳлари талабаларнинг аризалари асосида ташкил этилади. Бу эса кафедралар орасида ўз мутахассисликлари обрўси учун янада яхшироқ билим бериш мусобақасини ва ҳалол рақобат курашини амалга оширишга замин яратади.

2) Факультетга фақат олий маълумотли кишилар иккинчи мутахассисликка қабул қилинадилар. Бу эса ўз навбатида улар учун тузиладиган ўкув режалар, дастурлар ва профессор-ўқитувчилар малакасига алоҳида, ўзига хос ва юқори талаб қўяди. Бунда умумтаълим ва умуммалакавий фанларнинг миқдори ва ўқитиш соатларининг қисқариши ҳисобига, ўзлари танлаган мутахассисликлари бўйича бериладиган маҳсус фанлар ва уларни ўқитиш соатлари бир мунча кўпайтирилади.

3) Ўқиши жараёни талабаларнинг кундалик фаолиятларини ҳисобга олган ҳолда шанба ва дам олиш кунларида ташкил этилади. Ўқиши узайтирилган, алоҳида ўзига хос тартибда 10—12 соат давомида, узайтирил-

ган ҳордик чиқариш вақтларини ўз ичига олган ҳолда амалга оширилади.

4) Талабаларнинг талаб ва таклифларини эътиборга олиб факультет раҳбарияти, кафедралар билан келишилган ҳолда дарс жадвалидан ташқари бошқа муддатларда ҳам ўқиши ва маслаҳат жараёнларини ташкил этади. Булар ҳаммаси профессор-ўқитувчилар томонидан ҳеч қандай **ҳақ** олинмай амалга оширилади.

5) Талабаларнинг имтиҳон сессиялари ҳам уларнинг амалий иш фаолиятларини хусусиятларини (иш вақтида хизмат сафарлари ва ҳ.к.) эътиборга олиб, ташкил этилади ва алоҳида хусусий жадваллар асосида сессияни топширишга қаршилик қилинмайди ва имконият яратилади.

6) Махсус факультет талабалари учун университет кутубхонаси ва овқатланиш шахобчаларида алоҳида хизмат кўрсатиш жойлари ва бурчаклари ташкил этилган. Бу талабаларга ўз ўқишиларини муваффақиятли давом эттириш ва вақтларидан унумли фойдаланиш имконини яратади.

Шуни таъкидлаш жоизки, 1964 йилдаёқ ҳалқ ҳўжалиги тармоқлари учун малакали кадрларни етказиб бериш билан шуғулланувчи кечки факультет Тошкент Ҳалқ ҳўжалиги институти таркибида ташкил этилган эди. Факультет йиллар ўтган сайнин ўз бағрига янада кўпроқ талабаларни қабул қилиш билан тобора кенгайиб ва ривожланиб борди. 70 йилларнинг охири ва 80-йилларнинг бошига келиб, кечки факультетда таҳсил олаётган талабалар сони қарийб 2000 кишини ташкил этар ва 12 ихтисослик бўйича мутахассислар тайёрлаш йўлга қўйилган эди.

Кейинги даврда иқтисодиётдаги қайта қуришлар ва Олий таълим соҳасидаги ислоҳотлар, ўзгаришлар оқибатида бу факультетнинг талабалар сони бирмунча камайди. 1994 йилга келиб, факультет энг охирги талабалар гуруҳига оқ йўл тилаб, ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг ҳалқ ҳўжалиги олдида турган вазифалар ҳамда бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиққан ҳолда қайта йўналтиришни лозим топди. Давлат эҳтиёжлари ва манфаатларидан келиб чиққан ҳолда факультет биринчи ихтисоси бўйича тўлиқ олий маълумотга эга бўлган шахсларга қайта таълим бериш билан шуғуллана бошлади.

1994—95 ўқув йилларида иккинчи ихтисослик бўйича

таълим олиш истагини билдирган мутахассислар талабаликка қабул қилина бошланди. Дастребаки йили уларнинг сони 80 кишини ташкил этди. Бу йўналишдаги ўқишига қабул «Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки», «Марказий банк», «Пахта банк», «Асака банк», «Саноат қурилиш банки» сингари банклар ҳамда халқ хўжалигининг бошқа соҳалари ва тармоқлари эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилди.

Мазкур факультет деканати «Халқаро иқтисодий муносабатлар», «Ташқи иқтисодий фаолият», «Банк иши» каби йўналишлар бўйича таълимни йўлга қўйиши билан биргаликда бу жараёнга бевосита ўзи бошчилик қилмоқда.

Халқаро иқтисодий муносабатлар соҳасидаги мутахассисларни тайёрлаш «Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар» кафедраси зиммасига юклатилган. Кафедра 1993 йилда ташкил этилган бўлиб, унга иқтидорли олима, иқтисод фанлари доктори, проф. Г. Г. Назарова раҳбарлик қилмоқда. Кафедрада бир профессор, 4 та доцент ва 5 та ассистент ўқитувчилар фаолият кўрсатиб келмоқдалар. Улардан ташқари кафедрада 8 та аспирант ва стажер-изланувчилар илмий иш олиб бормоқдалар. Кафедрада замонавий фанлар бўйича маъруза ва амалий машғулотлар олиб борилмоқда. Улар жумласига: «Халқаро савдо назарияси», «Халқаро иқтисодий ривожланиш назарияси», «Халқаро ривожланиш ва халқ хўжалик таркибини мукаммаллаштириш», «Дипломатик ва консулий хизмати» ва бошқалар киради.

Кафедра бир қанча ташкилот, вазирлик, чет эл фирмалари ва қўшма корхоналар билан ҳамкорликда иш олиб бормоқда ва битирувчи талабалар уларда амалиёт ўтмоқдалар. Кафедрада ўқув-методик ишлар яхши йўлга қўйилган, фақатгина кейинги уч йил давомида профессор Г. Г. Назарова, доцентлар Р. Н. Каримова, Э. М. Ханова томонидан 30 б.т.дан ортиқ илмий ўқув-методик ишлар чоп этилди.

«Халқаро валюта-кредит муносабатлари» кафедраси «Банк иши» мутахассисларини тайёрлашга масъул бўлиб, у Республика Банк мутахассислари таълими тизимида муҳим ўринни эгаллаб келмоқда. Кафедра мудири профессор С. А. Бержонов ва кафедра аъзолари ТДИУ талабалари орасида кенг миқёсда тадқиқот, ўқув ва ахборот берувчи йўналишлар бўйича

иш олиб бормоқдалар. Матбуот ва телевидениеда чиқишилар уюштироқдалар. Кафедра Узбекистон Республикасидаги етакчи банклар билан ташкилий ва илмий алоқаларни кенг йўлга қўйиш билан бирга халқаро майдонга чиқиб, фаолият кўрсатилмоқда. Кафедра таркибида 40 нафарга яқин кишидан иборат профессор-ўқитувчилар жамоаси мавжуд бўлиб, уларнинг 6 нафарини фан докторлари, профессорлар ва иқтисод фанлари номзодлари, доцентлар ташкил этадилар. Кафедра қошида магистратура, олий тоифадаги илмий кадрлар тайёрлашни таъминлай оладиган аспирантура, доктарантурা мавжудлигини ҳам таъкидлаб ўтиш лозим.

Ташқи иқтисодий фаолият мутахассисликларини тайёрлашга «Маркетинг ва ташқи иқтисодий фаолият» ва «Ташқи иқтисодий фаолиятда бухгалтерия ҳисоби ва аудит» кафедралари жавобгардирлар.

«Маркетинг ва ташқи иқтисодий фаолият» кафедраси маркетинг соҳасидаги билимлар ва тамойилларни талабалар, тадбиркорлар, сармоядорларга етказишини ўз фаолиятининг бош йўналишлардан бири ҳисоблайди. Кафедра мудири иқтисод фанлари доктори, профессор Ж. Ж. Жалолов ва кафедранинг аъзолари бозор иқтисодиётiga ўтиш давридаги маркетинг ва ташқи иқтисодий фаолият мутахассисларини шакллантирувчи фанларининг асосий йўналишлар бўйича илм сирларини муваффақиятли тарзда ўз талабалирига сингдириш ва тадқиқ этишни таъминлаяптилар. Фақатгина кейинги беш йил ичидаги кафедра томонидан маркетинг ва ташқи иқтисодий фаолият тадқиқотлари муаммоларига бағишлиган дарслик, ўкув қўлланма, монография ва бошқа ўттиз етти номдаги 115 б.т.га яқин ишлар чоп этилди. Кафедра аъзоларининг аксарият қисми шу жумладан: аспирант ва докторантлари АҚШ, Германия, Англия, Франция, Япония, Туркия, Россия, Малайзия каби мамлакатларда ўз малакаларини ошириб келдилар. Уларнинг маъруза ва суҳбатлари чет эллик тингловчилар томонидан ҳам катта қизиқиши билан кутиб олинди.

«Ташқи иқтисодий фаолиятда бухгалтерия ҳисоби ва аудит» кафедрасининг факультет фаолиятида салмоқли хизмат кўрсатаётганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. 14 кишидан иборат кафедра жамоаси профессор Н. Ж. Жўраев раҳбарлигига ташқи иқтисодий фаолиятда бухгалтерия

ҳисоби ва аудит муаммоларини халқаро андозалар бўйича таълим тизимиға монанд равишда такомиллаштиришга муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар. Кафедра қошида консалтинг маркази фаолият кўрсатмоқда, унинг ишида нафақат олимлар, профессор-ўқитувчилар, балки талабалар ҳам фаол иштирок этмоқдалар.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, кафедранинг 50%га яқин профессор-ўқитувчилари АҚШда таълим олган ва стажировкадан ўтган малакали мутахассислардан иборат. Улар кейинги 5 йилда 50 б.т.дан ортиқ илмий, ўкув-услубий ишлар чоп этдилар.

Ҳозирги кунга келиб, факультет университет таркибида ўзининг муносиб ўрнини топди, десак мубоблаға бўлмайди. Факультетда таълим олаётган талабалар саноат, курилиш, транспорт банк ва бошқа тизимлардаги бозор иқтисодиёти соҳасидаги ишларни таълим билан бирга узвий боғлиқ ҳолда олиб бораётган мутахассислардан иборат. Олий маълумотга эга бўлишлари билан биргалиқда улар орасида фан номзодлари, доцентлар, докторантлар ҳам борлиги диққатга сазовор.

Талабаларнинг аксарияти раҳбар звено ходимлари ҳалқ хўжалиги тармоқлари тизимидағи бош мутахассислар, етакчи маркетологлар, бўлим ва бошқармаларнинг бошлиқлариридир.

Бундан ташқари факультетда бир қатор вазирликлар, идоралар, корхоналар, фирмаларнинг ходимлари ҳам таълим олмоқдалар. Халқаро алоқаларнинг кенгайиши, турли хил шартномаларнинг тузилиши, мутахассислар билан алмашиш амалиёти ўзининг ижобий сармаларини бермоқда. Бугунги кунга келиб, 60 га яқин талабалар хорижий мамлакатларда бўлиб, ўз билим ва малакаларини ошириб қайтдилар. Ўз навбатида бу жараён факультетнинг Республика миздаги бир қатор иқтисодий тузилмалар билан алоқасининг янада мустаҳкамланишига хизмат қилмоқда.

Факультетнинг бош вазифаси — юқори малакали кадрлар тайёрлашдан иборат. Бу вазифани факультетга бириктирилган кафедраларнинг етакчи профессорлари ва доцентлари мұваффакият билан амалга оширмоқдалар. Ҳозирги кунда факультетда 40 га яқин энг етакчи профессор-ўқитувчилар сабоқ бермоқдалар. Бу профессор-ўқитувчиларнинг 64 фойзга яқини катта тажрибага эга бўлган ва кўп йиллар фаолият кўрсатиб келаётган олимлардир.

**ФАКУЛЬТЕТ ДЕКАНЛАРИ**



С.М.Қосимова



Ү. Ю. Рашидов



А. Т. Шермуҳаммедов



Ш.Р.Холмүминов



К.К. Жуманийзов



А.А.Фаттоҳов



И.А Нурматов



М. М. Ирматов



Б. З. Калонов



X.M. Xакимов



М.Юсупов

**КАФЕДРА МУДИРЛАРИ**



К.Абиркулов



К.Х.Абдурахмонов



М.Тұлахұжаева



Н.Жұраев



Ж.Жуманов

Ўқув режаларини такомиллаштиришга жиддий эътибор берилмоқда, замонавий талабларга жавоб берувчи мутахассисларни тайёрлаш вазифаси қўйилмоқда. Улар шу кун сиёсатини ўрганмоқдалар, хусусийлаштириш муаммоларини ҳал этиш йўлларини ахтаряптилар, молия ва қимматбаҳо қозозлар бозорида фаолият кўрсатиш малакаларига эга бўлмоқдалар; банк иши ва уни юритиш; валюта-кредит муносабатларини мувофиқлаштириш; ҳалқаро маркетинг каби курслар ўқитилишига жиддий эътибор берилмоқда.

Ўқув режаларининг жаҳон андозаларига мос келиши ТДИУ нинг жаҳон тизимиға интеграциялашуви-нинг муҳим омилидир. Эндиликда ўқув режалари Америка ва Европанинг етакчи университетларида қўлланилаётган ўқув режаларидан фарқ қилмайди. Бу эса ўз навбатида дипломларни конвертация қилиш учун замин яратмоқда.

Мазқур ўқув тизимининг яна бир ижобий хусусияти шундаки, бу йўсиндаги талabalарга 2 та хорижий тилларни ўрганишга ҳам алоҳида эътиборо берилмоқда.

Кейинги йиллар мобайнида факультетнинг ташки алоқалари янада кенгайди. Хусусан, Жаҳон банки, Сармоялар жамғармалар, Биржалар, Банк валюта тизим, Тижорат тузилмалари билан яқин ҳамкорлик йўлга қўйилди. Ана шу муносабатлар самараси сифатида факультет талabalари юқорида зикр этилган ташкилотлар йўлланмаси билан чет элларга бориб, бевосита ўз ҳамкорлари олдида маърузалар ўқимоқдалар. Факультетда ўтказилаётган машғулотларга бевосита амалиёт билан шуғулланувчи етакчи мутахассислар ҳам жалб этилмоқда. Факультет битирувчilarи битирув ишларини ёзиш билан ўқув жараёнини ниҳоясига етказадилар. Бу эса пировард натижада амалий, илмий, услубий алоқаларни мустаҳкамлашда хизмат қилмоқда. Шунингдек, хорижий тилларда битирув ишларини ҳимоя қилиш амалиёти ҳам кенг қўлланилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси замонавий иқтисодиёт-нинг ўтиш даврига хос бўлган муаммолари жаҳон андозалари талабларига жавоб бера оладиган иқтисодчи мутахассислар тайёрлашни жадаллаштириш вазифасини қўйилмоқда. Факультет кафедралари аҳолининг кенг қатламларига иқтисодий билимларни етказиш ва бу

жараёнда фаол иштирок этишни ўзларининг мұхим вазифаларидан бири деб ҳисоблайдилар.

Ҳозирги замон бозор тизими шакланаётган, бозор иқтисодиёти талаблари асосида ишлашга ўтилаётган бир шароитда факультет мутахассисларига бўлган талаб тобора ортиб боражаклиги ҳеч кимга сир эмас. Келгусида факультет ўзгараётган талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиқсан ҳолда мутахассислар тайёрлаш билан биргаликда «Халқаро бизнес», «Менежмент», «Божхона иши», «Солиқлар ва солиқса тортиш» каби янги ихтиноссликлар бўйича ҳам таълимни йўлга қўйиш режаларини тузмоқда.

### **3. СИРТҚИ ТАЪЛИМ: КЕЧА, БУГУН ВА ИСТИҚБОЛДА**

Университетимиз сиртқи факультети ўз фаолиятини 1955 йилдан бошлаб, собиқ Бутуниттифоқ сиртқи Молия-иқтисодиёт институтининг Тошкент филиали таркибида, 1966 йилдан то шу кунгача эса Тошкент Давлат иқтисодиёт университети таркибида олиб бормоқда. Шу давр ичida факультетни доцентлар М. В. Козин, О. Ф. Модина, Ф. М. Беккулбеков ва профессор З. Й. Йўлдошевлар бошқардилар. Сўнгти йилларда университетда сиртқи таълимни ривожланиши ҳамда талabalар сонининг ортиши натижасида сиртқи факультет 1987 йилдан иккига умумиқтисодиёт ва ҳисоб-иқтисод мутахассисликларига бўлинди. Уларни профессорлар А. Ш. Назаров ва Э. Н. Набиев бошқардилар. Ҳозирги пайтда эса факультетларга доцент М. А. Юсупов ва проф. Х. М. Ҳакимовлар раҳбарлик қўлмоқдалар.

Факультет ташкил топган дастлабки йилларда унда фақат икки мутахассислик бўйича иқтисодчилар тайёрланар эди. Ҳозирги кунга келиб эса улар университетнинг энг йирик факультетларидан бўлиб, мустақил мамлакатимиз миллий иқтисодиётининг кўпгина тармоқлари учун ишлаб чиқаришдан ажralмаган ҳолда ўн беш йўналиш ва 30 га яқин мутахассислик бўйича юқори малакали иқтисодчи кадрлар тайёрламоқда. Факультет ташкил топган кундан ҳозирги пайтгача уни 30 мингдан ортиқ малакали олий маълумотли иқтисодчилар тутатиб чиқди. Улар ҳозирда мамлакатимиз миллий иқтисодиётининг барча тармоқларида, бошқа ҳамдўстлик ва хорижий мамлакатларда самарали меҳ-

нат қилмоқдалар. Ҳозирги кунга келиб умумиқтисодиёт сиртқи факультетини йилига тугатиб чиқувчи талабаларнинг сони 200 кишидан ортиб кетди. Факультетда саккиз йўналиш ва ўн олти мутахассислик бўйича 1000 га яқин талаба билим олмоқда.

Умумиқтисодиёт мутахассислари сиртқи факультети ўз фаолиятини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Президенти, Олий Мажлис, Вазирлар Маҳкамасининг ҳамда Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг олий таълим муассасаларининг иш фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қабул қилинган қарорларига асосланмоқда ва шунингдек, университет ректори ҳамда Илмий Кенгаши қарорлари асосида олиб бормоқда.

Умумиқтисодиёт мутахассислари сиртқи факультети ҳозирги кунда қўйидаги йўналишлар бўйича ишлаб чиқаришдан ажralмаган ҳолда юқори малакали кадрларни «Иқтисодиёт», «Маркетинг», «Менежмент», «Касбий-педагогик тайёргарлик», «Халқаро иқтисодий муносабатлар», «Гашқи иқтисодий фаолият», «Халқаро бизнес», «Халқаро туризм», «Туризм маркетинги», «Туризм менежменти», «Туризм сервиси» йўналишлари бўйича тайёрламоқда.

Сиртқи ҳисоб-иқтисод факультети эса Бухгалтерия ҳисоби ва аудит, Молия ва кредит, Солиқлар ва солиққа тортиш, Иқтисодиётда ахборотлар тизими, Статистика, Банк иши, Божхона иши йўналишлари ҳамда мутахассислари бўйича юқори малакали бакалаврлар тайёрламоқда.

Шуни такидламоқ лозимки, «Туризм маркетинги», «Туризм Менежменти» ва «Туризм сервиси» йўналишлари бўйича мутахассислар тайёрлаш илк бор Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан 1999—2000 ўқув йилидан бошлаб тайёрланмоқда.

Булардан ташқари, қисқа дастур бўйича «Иқтисодиёт», «Менежмент», «Маркетинг», «Халқаро бизнес», «Халқаро иқтисодий муносабатлар», «Гашқи иқтисодий фаолият», «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит», «Банк иши», «Молия ва кредит», «Солиқлар ва солиққа тортиш» ва «Божхона иши» йўналишлари бўйича шартнома асосида ҳам малакали мутахассислар тайёрланмоқда.

Факультетларнинг 1—5 курс талабалари бакалав-

риат даражасини олиш учун, барча таълим йўналишлари бўйича Давлат таълим стандартлари асосида ишлаб чиқилган беш йиллик ўқув режалари асосида ўқитилмоқда.

Сиртқи факультетлар деканати ўқув жараёнини ташкил этишда ва уни бошқаришда Узбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ига бевосита амал қилган ҳолда олиб бормоқда.

Хозирги замон талабларига жавоб берадиган кенг қиррадаги иқтисодий билимларга эга бўлган турли йўналишларда бакалавр иқтисодчи мутахассислар тайёрлашга жуда катта эътибор берилмоқда.

Сиртқи факультетлар ўқув жараёнларини муваффақиятли ўтказиш учун етарли моддий-техника базасига эга. Барча ўқув хоналар жиҳозланиб, таъмирлаш ишлари амалга оширилган. Талабаларни факультетлар ўқув жараёнлари ва ҳаёти билан танишириш мақсадида, йирик кўргазма тахтаси ташкил этилган ва у ердан улар ўzlари учун керакли бўлган барча ахборотларни олишлари мумкин.

Факультетлардаги ўқув жараёнлари ўз ичига куйидаги йўналишларни олмоқда: яъни ўқув-рейтинг сессиялари, сессиялар орасида талабалар билан ишлаш ҳамда кафедралар томонидан якка тартибдаги, гуруҳ ва мавзу маслаҳатларини ташкил этиш.

Факультетлардаги барча ўқув-рейтинг сессиялари университет ректорининг ўқув ва услубий ишлари бўйича муовини тасдиқлаган қатъий жадвал асосида ўтказилмоқда. Барча курсларнинг ўқув-рейтинг сессиялари икки тур муддатда ўтказилмоқда.

Сиртқи ўқув шаклида мутахассисларни тайёрлашдаги ўзига хос хусусиятларни эътиборга олиб (талабаларнинг 70 фоиз ўқув вақти мустақил ишларга тўғри келади), ҳар ўқув йили давомида деканатлар талабаларнинг сессиялараро мустақил ишларини ташкил этишга ёрдам беришга катта аҳамият бермоқда. Деканатлар университетнинг мутахассислик ҳамда бошқа кафедралари билан биргаликда талабаларни сессиялараро мустақил ишларини ташкил этиш режасини тузиб, унинг бажарилиши устидан доимий назорат ўрнатган.

Бозор иқтисодиётiga ўтиш шароитида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда юқори малакали мутахассисликлар тайёрлашнинг аҳамияти янада ортиб бор-

мокда, чунки у қулай ва самарали ўкув шаклларидан биридир.

Факультетларда ўкув режалари ва ўқитилаётган фанлар дастурлари бутунлай янгиланди. Мутлақ янги фанлар ҳам ўқитилмоқда. Жумладан, «Инвестициялар», «Солиқлар ва солиққа тортиш», «Персонални бошқариш», «Молия менежменти», «Бошқарув ҳисоби», «Молиявий ҳисоб», «Бошқарув таҳлили», «Молиявий таҳлил», «Монетар сиёsat, давлат бож ва тариф сиёсати», «Халқаро шартномалар», «Маркетинг», «Менежмент», «Божхона иши» кабилар.

Ҳисоблаш техникаси ва мутахассислик фанлар бўйича компьютерлаштирилган машғулотлар университетнинг ҳисоблаш маркази лабораторияларида ўтказилмоқда.

Факультетлар ўкув жараёнларини амалга оширишда университетнинг 44 кафедраларининг 360 дан ортиқ профессор-ўқитувчилари ва шу жумладан, икки академик, 54 та профессор, фан докторлари, 180 доцент-фан номзодлари ва бошқа тажрибали профессор-ўқитувчилар қатнашиб келмоқдалар. Бундан ташқари янги замон талабларига мос иқтисодчи кадрларни тайёрлашга Республика Фанлар академияси илмгоҳларининг, Солиқ қўмитаси, вазирликлар, йирик корхона ва ташкилотларнинг етакчи мутахассислари факультет талабаларига дарс бериш учун жалб этилмоқда. Бу эса маъруза ва амалий машғулотларнинг савиясини ошириб, ўкув жараёнларида фан ва илгор амалиёт ютуқларидан фойдаланиш имкониятларини яратмоқда.

Сиртқи факультетларда ўкув фаолиятини ташкил этиш ва уни такомиллаштириш катта аҳамиятга эга. Ўкув жараёнлари бевосита ўкув дастурлари ва ўкув соатлари таҳсимоти режалари асосида ўтказилмоқда. Тошкент шаҳарида ва Тошкент вилоятида яшовчи талабалар учун сессиялараро вақтларда ҳафтада икки кун қатнаб ўқийдиган доимий машғулотлар ташкил этилган. Бу эса талабалар ўз вақтида фанларни ўзлаштиришларида катта кулагилклар яратиб, сессия пайтигача рейтинг натижаларини аниқлашга имконият яратади. Бундан ташқари факультетда ўкув дарслари олиб бораётган кафедралар профессор-ўқитувчилари кўмагида сессиялар орасида ўкув-маслаҳат кунлари белгиланиб, маъруза, амалий, якка ҳолдаги ва гуруҳ маслаҳатлари уюштирилмоқда. Бу чора-тадбирлар факультет-

да ўқув жараёнлари сессиясининг юқори даражада ўтказилишига олиб келмоқда.

Факультетларда таълим олаётган барча мутахассисликлар бўйича талабаларнинг 90% дан кўпроқ қисми амалиётда ўзлари танлаган ихтиоссликлари бўйича ишламоқдалар.

Хозирги даврда факультетларда ўқув жараёнини амалга ошираётган барча мутахассис тайёрловчи кафедралар талабалар ишлайдиган Республика Вазирликлари, идоралар ва корхоналар билан амалий ҳамкорликни шартномалар асосида йўлга қўймоқдалар. Корхона ва ташкилотларнинг буюртмаси бўйича курс иши, битирув малакавий иши ва хўжалик шартномалари асосида илмий-текшириш ишларини бажариш ташкилотлар амалиётида қўлланилмоқда. Бу ишларга мутахассислик тайёрловчи кафедралар кўплаб талабаларни жалб этмоқдалар.

Талабаларнинг бевосита Давлат тилида билим олишларини етарли даражада таъминлаш учун факультетга қарашли барча кафедралар профессор-ўқитувчилари турли тармоқларда ишлайдиган ходимлар, корхона ва ташкилотлар етакчи мутахассислари билан ҳамкорликда ўқув-услубий қўлланмаларни (дарсликлар, услубий қўлланмалар, ўқув курслари дастурлари, курс ва битирув малакавий ишлари мавзулари ва режалари, маъруза матнлари, амалий ва семинар машғулотлари ўтказиш учун масалалар ва бошқалар)ни ўзбек тилида тайёрлашни тезкорлик билан амалга оширмоқдалар.

Хозирги даврда сиртқи факультетлар Мустақил Давлатлар Ҳамдустлиги иқтисодий олий ўқув юртлари сиртқи факультетлари билан ўқув, илмий ҳамда услубий ўналишлар бўйича дўстлик алоқалари олиб бормоқда.

Мустақил Узбекистон Республикаси олиб бораётган иқтисодий ислоҳотларга мос равишда факультет фаолиятини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш, келажакда халқ хўжалигининг турли тармоқлари учун ишлаб чиқаришдан ажralмаган ҳолда малакали иқтисодчи кадрлар етказиб беришда университетнинг асосий ўқув масканига айланади ва ўқитишиш кадрлар тайёрлаш ишлари жаҳон андозалари даражасига етказилади. Чет элларда малака ошириб қайтган ўқитувчи-профессорлар машғулотлар ўтказадилар. Айрим талабалар чет эл олий ўқув юртларида 1—2 йил ўқиб келмоқдалар.

Сиртқи факультетларнинг талабалари университет кутубхона фондидан самарали фойдаланмоқдалар. Университет кутубхонасида Республикаизда чоп этилган адабиётлар билан биргаликда МДҲ ва чет эллардан олиб келинган энг сүнгги адабиётлар мавжуддир. Университет кутубхонаси иқтисодий адабиётлар бўйича мамлакатимиздаги энг бой кутубхона ҳисобланади. Кутубхона залларида талабаларнинг ишлаши учун барча қулайликлар мавжуд.

Сиртқи таълим талабаларининг сессияга келган вақтларида университетдаги фан, спорт, ҳаваскорлик ва бошқа тўгаракларида иштирок этишлари учун ҳам барча шароитлар мавжуд.

Мустақил ишларни олиб бориш учун керакли бўлган барча услубий курсатмалар кафедралар томонидан ишлаб чиқилган.

Сиртқи факультетлар биносининг умумий фойдали майдони 4600 кв. м. шу жумладан, ўқув-аудитория майдони 1800 кв.м. ни ташкил этади. Факультетда 18 та аудитория хоналари мавжуд.

Мутахассисликлар бўйича кўзда тутилган «Информацион технология», «Информатика», «Ҳисоблаш техникаси» ва «Алгоритмлаш асослари ва инструментлар воситалари» фанлари бўйича амалиёт компьютер хоналарида ўtkaziladi.

УИМ сиртқи факультети қошида эса 1996 йил февраль ойидан бошлаб, «Тадбиркор» бизнес маркази иш юритиб келмоқда. Ҳозирги кунга келиб, бизнес маркази «Сиртқи таълим» номи билан аталиб, уни факультет декани, доцент М. Юсупов бошқариб келмоқда.

Бизнес марказининг ходимлари шу давр ичida мамлакатимиз вилоят ва туманларида бўлиб, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш масалаларига ўз ҳиссанни қўшиб келмоқдалар. Тушган маблағнинг асосий қисми профессор-ўқитувчиларни моддий рағбатлантиришга ҳамда факультет моддий-техника базасини ривожлантиришга йўналтирилмоқда.

Университетимиз сиртқи факультетлари ҳозирги кунга келиб Мустақил Давлатлар Ҳамдустлигига аъзо бўлган барча давлатларнинг иқтисодиёт олий ўқув юртлари сиртқи факультетлари ва АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция, Туркия ҳамда бошқа хорижий давлатлардаги олий ўқув юртлари билан ўқув, илмий

ҳамда услубий йўналишлар бўйича дўстлик алоқалари-ни олиб бормоқда.

Сиртдан ўқитиши келажакда деярли юз фоиз шартнома асосида амалга оширилади. Ўқув режалари такомиллаштирилиб, бир ўқув йили давомида ўқитиладиган соатлар миқдори икки юз қирқ соатгача қисқартирилади ва ўқитиладиган фанлар сони 6—8 тагача келтирилади.

Сиртқи факультетларимизнинг истиқболи янада порлоқдир. Келгусида барча мутахассисликлар учун жаҳон андозаларига мос келувчи хорижий мамлакатларнинг сиртдан ўқитиши илфор усулларидан фойдаланиши, «Масофали услубда» машғулотлар ўтиш ташкил этилиши йўлга кўйилмоқда.

#### 4. ЎҚУВ МАСЛАҲАТ ПУНКТЛАРИ ТАЖРИБАСИДАН

Иқтисодиёт университети тарихига назар ташлар экансиз, биз иқтисодчилар тайёрлаш ишлари фақатги на марказдагина, бош олийгоҳ томонидан амалга оширилиб қолмасдан, балки вилоятларда ҳам муваффақиятли амалга оширилганининг гувоҳи бўласиз.

Тошкент Халқ хўжалик институти (хозирда Иқтисодиёт университети)нинг Андижон, Қарши, Жиззах, Самарқанд, Хива, Кўқон каби шаҳарларда филиаллари мавжуд бўлиб, уларда ишлаб чиқаришдан ажralган ва ажralмаган ҳолда маҳаллий йигит-қизлар иқтисодий илmlарни ўрганар эдилар. Ўқиш, ўқитишишлари Тошкентдаги олийгоҳнинг кўзга кўринган малакали профессор-ўқитувчилари жалб қилинар эди. Мазкур филиалларда махсус фанлар бўйича кафедралар ташкил этилиб, уларда педагогик, методик ишлар билан бир қаторда илмий ишлар ҳам муваффақиятли амалга оширилар эди.

Бугунги кунда Республиkaning кўзга кўринган иқтисодчи ва тарихчи олимларидан Тоҳир Эминов, Рустам Шамсутдинов, Хотам Раимовлар ўз илмий фаолиятларини айнан ўша Халқ хўжалиги институтининг филиаллари даргоҳида бошлаган эдилар.

Вақт, давр ўтиши билан ушбу филиаллар Бош университет таркибиغا қўшилиб кетишиди. Фақат Андижон филиали бундан истисно бўлиб, у 1992 йилда мустақил олий ўқув юртига айлантирилди. Филиаллар ўрнига Кўқон, Самарқанд, Қарши шаҳарларида сиртдан

Уйиндан талабаларга жойларда амалий-методик ёрдам үзрасиши мақсадида ўкув маслаҳат пунктлари ташкил этилди.

Мамлакатимизнинг миллий мустақил тараққиёт шунига кириши, иқтисодий ислоҳотларни кенг миқёсга амалга оширила бошлаши замонавий иқтисодий билимларга эга бўлган мутахассисларга талабни кескин ошириди. Муҳтарам Президентимиз И. А. Каримов қайта қайта таъкидлаганлариdek, жойларда юқори малакали кадрларни тайёрлаш ва уларни иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ишига жалб этиш бугунги кундаги долзарб вазифалардан биридир. Президентимиз кўрсатмаларига амал қилган ҳолда ҳамда давр талабига жавобан Тошкент Давлат иқтисодиётуниверситети раҳбарияти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг рухсатига, шунингдек Республика Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 204-сонли (24.07.98 й.) ва 794-сонли (6.08.1999 й.) буйруғига амал қилган ҳолда жойларда иккинчи мутахассислик бўйича иқтисодчилар тайёрлаш ишини ташкил этишга киришиди. Айнан шу мақсадда Қарши, Урганч, Термиз, Кўқон, Самарқанд, Жиззах, Тўрткўл ва Нукус шаҳарларида Тошкент Давлат иқтисодиётуниверситетининг ўкув-маслаҳат пунктлари ташкил этилди ва уларда иккинчи мутахассислик бўйича сиртқи бўлим 2-курсига шартнома асосида талабалар қабул қилина бошланди. Ўкув-маслаҳат пунктларининг сиртқи таълим жараёни ташкил этилди. Ўз навбатида иқтисодиётуниверситети раҳбарияти ва жамоаси, янги ташкил этилган ўкув-маслаҳат пунктларига ҳар томонлама ёрдам қўлини чўзди.

Авваламбор, ўкув-маслаҳат пунктлари учун яхши куляй шароитларга эга бўлган бинолар излаб топилди ва улар Тошкент Давлат иқтисодиётуниверситети кўмагида зарурий асбоб-ускуналар билан жиҳозлантирилди.

Иқтисодиётуниверситети ҳисобидан ўкув-маслаҳат пунктлари учун замонавий компьютерлар ажратилди. Ўкув-маслаҳат пунктларининг барчасида кутубхоналар ташкил этилиб уларга иқтисодиётуниверситети кутубхонасидан замонавий иқтисодий адабиётлар берилди. Иқтисодиётуниверситети раҳбарияти ва жамоасининг баракали кўмаги натижасида ўкув-маслаҳат пунктларининг барчасида ўкув машғулотларини олиб бориш учун қуляй шароит вужудга келтирилди.

Иқтисодиётуниверситетининг ўкув бўлими ўкув-

маслаҳат пунктлари учун маҳсус ўқув режасини ишлаб чиқди. Ушбу режага мувоғиқ (ҳозирги давр шароитини ҳисобга олган ҳолда) ўқитиладиган фанлар тизими қайта ишлаб чиқилди ва иккинчи мутахассисликда ўқийдиган талабалар учун ўқиш муддати 4 йил 3 ойдан 2 йилу 8 ойга қисқартирилди.

Ўқув-маслаҳат пунктларини ўқув ишларга амалий ёрдам қилиш сиртқи бўлим ҳисоб-иқтисод ва умумиқтисод факултетлари зиммаларига юклатилди.

Ўқув-маслаҳат пунктларида иккинчи мутахассисликка шартнома асосида талабалар қабули кириш сұхбатлари асосида амалга оширилди.

Кириш сұхбатларини Иқтисодиёт университети ректорининг буйруғига асосан ташкил этилган маҳсус комиссия амалга оширади. Кириш сұхбатларидан мұваффақиятли ўтган абитуриентлар университет ҳисобига шартнома асосида ректорнинг буйруғи билан талабалар сафига ўтказиладилар.

Тошкент Давлат иқтисодиёт университети Илмий Кенгаши жойлардаги шарт-шароитларни, шунингдек, ўтиш давридаги иқтисодий қийинчилікларни ҳисобга олган ҳолда ўзининг маҳсус қарори билан (1998 йил апрел) 2-мутахассислик бўйича иқтисодиёт университети 2-курсга қабул қилинган талабаларга 2,3 курс ўқув машғулотларини ўз вилоятларидаги ўқув-маслаҳат пунктларида олиб борилишига рухсат этилди ва бу хайрли ишга университетдан етук профессор-ўқитувчилар жалб этилдилар.

Мустақиллик йилларида Республикаизда кўп соҳалар бўйича банклар ташкил этилиб, уларнинг иш ҳажми ва фаолияти анча кенгайди. Табиийки, банк ходимларига эҳтиёжи ҳам анча ошди. Шунинг учун ҳам Тошкент Давлат иқтисодиёт университетининг 8 та ўқув-маслаҳат пунктларининг деярли барчасида банк иши мутахассислиги бўйича иккинчи мутахассисликка талабалар қабул қилинди ва шу соҳа бўйича халқ ҳўжалиги учун етук мутахассислар тайёрлаш иши йўлга қўйилди. Вилоятлардаги банкларда банк ходимларига бўлган эҳтиёж иқтисодиёт университети ўқув-маслаҳат пунктларида қайта тайёрланган иккинчи мутахассислик кадрлари ҳисобига қондирила бошланди. Биргина иқтисодиёт университетининг Урганч ўқув-маслаҳат пунктида 2-мутахассислик бўйича ўқишга қабул қилинган талабалардан 21 кишининг 1999—2000 ўқув

Шишида иқтисодиёт университетининг сиртқи бўлими-ни муваффақиятли тутагиб банк иши мутахассиси дипломини олишлари ва вилоятдаги банкларда фаолият кўрсататганликлари фикримизнинг далилидир.

Мамлакатимиз иқтисодий тараққиётида солиқ сиёсатининг қай даражада ўтказилиши муҳим ўрин эгалайди. Президентимиз И. А. Каримов ҳам ўз чиқишлирида ва асарларида солиқ сиёсатини тўғри ташкил этиш, уни ташкил этишда давлатимиз ва халқимиз манфаатидан келиб чиқиши зарурлигини қайта-қайта таъкидламоқдалар. Юртбошимизнинг оқилона кўрсатмаларига амал қилган ҳолда иқтисодиёт университети раҳбарияти ва жамоаси, уни тўғри амалга ошириш илмидан хабардор бўлган солиқчилар тайёрлаш ишига, маҳаллий шарт-шароитларни ва талабни ҳисобга олган ҳолда ёндошиб, барча ўқув-маслаҳат пунктларида иккинчи мутахассислик бўйича солиқ ва солиққа тортиш ихтисоси бўйича ҳам талабалар қабулини ташкил этдилар ва шу мутахассислик бўйича кадрлар тайёрлаш иши йўлга кўйила бошланди.

Шунингдек, барча ўқув-маслаҳат марказларида маҳаллий халқ хўжалигининг талаб ва заруриятларини эътиборга олган ҳолда мутахассисликлар бўйича талабалар қабул қилиш йўлга кўйилди ва давр талабига жавоб бера оладиган даражада ўқув жараёни амалга оширилди. Эътиборингизга Тошкент Давлат иқтисодиёт университети ўқув-маслаҳат пунктларида иккинчи мутахассислик бўйича кадрлар тайёрлаш ҳақидаги маълумотларни ҳавола этамиз.

### З-жадвал.

#### Ўқув маслаҳат пунктларининг жойлашуви ва мутахассисликлари<sup>1</sup>.

№	ЎМПларнинг номи	Мутахассисликлар	Очилган йили
1.	Урганч ЎМП	Банк иши Бухгалтерия ҳисоби ва аудит Солиқ ва с. т. Молия ва кредит	1996
2.	Тўрткўл ЎМП	a) Банк иши б) Бухгалтерия ҳисоби в) Солиқ ва с. т. г) Иқтисод	1996

3.	Термиз ЎМП	а) Банк иши б) Солиқ ва с. т. в) Молия ва кредит	1997
4.	Құқон ЎМП	а) Менежмент б) Банк иши	1996
5.	Қарши ЎМП	а) Бухгалтерия ҳисоби б) Солиқ ва с. т. в) Банк иши г) Молия ва кредит	1996
6.	Самарқанд ЎМП	а) Банк иши б) Молия	1999
7.	Жиззах ЎМП	а) Молия	1999
8.	Нукус ЎМП	а) Ташқи иқт. фаолият б) Банк иши в) Бухгалтерия ҳисоби ва аудит	2000

*'Маълумотлар ТДИУ ўқув бўлимидан олинган.*

ЎМПлар кўринадики, Тошкент Давлат иқтисодиёт университети мамлакатимизнинг барча вилоятлари халқ ҳўжалиги учун етук малакали иқтисодчилар тайёрлашида катта ўрин тутади.

Тошкент Давлат иқтисодиёт университетининг ўқув-маслаҳат пунктларида талабаларнинг ихтисослик таълим билан бир қаторда маънавий тарбиясига ҳам жиддий эътибор берилмоқда. Президентимиз И. А. Каримовнинг ёшларнинг маънавий тарбияси нақадар катта аҳамиятга эга эканлиги тўғрисидаги кўрсатмаларига амал қилинган ҳолда талабаларда юксак маънавиятларни шакллантириш юзасидан анча ишлар қилинмоқда. Бизга маълумки, ёшларимизда юксак маънавиятни шакллантиришда ўтмиш аждодларимиз тарихини ўрганиш муҳим ўрин тутади. Урганч ўқув-маслаҳат пунктида талабалар доирасида буюк саркарда Жалолиддин Мангубердининг 800 йиллигига бағишилаб ўtkazilgan талабаларнинг илмий анжумани (1999 йил апрел) фикримизнинг далилидир.

Шунингдек, бутунги кунда айнан шу Урганч ўқув-маслаҳат марказида Зардуштийликнинг муқаддас китоби «Авесто»нинг 2800 йиллигига бағишилган талабаларнинг илмий-амалий анжуманига қизғин тайёр гарлик олиб борилмоқда.

Ўқув-маслаҳат марказларида илмий-амалий анжу-

манлар билан бир қаторда ҳар хил йўналишдаги ҳалқ-аро семинарлар ҳам ўтказилмоқда.

Термиз ўқув-маслаҳат марказида Англиялик бир гуруҳ иқтисадчи олимлар томонидан ташкил этилган олий ва ўрта маҳсус билим юртлари иқтисадчи ўқитувчилари иштирокидаги семинарнинг ўтказилиши иқти-содиёт университети ўқув-маслаҳат марказларининг фақатгина ўқув-маслаҳатгина бўлиб қолмасдан балки маъ-лум даражада илмий масканлардан бири эканлигидан ҳам далолат беради.

Ўқув-маслаҳат марказларида услубий ишлар ҳам йўлга қўйилган. Ўқув машгулотларининг юқори савия-да ўтказилиши учун зарур бўлган профессор-ўқитувчи-лар ўртасида ўзаро дарсларга кириш, маъруза матнла-рини муҳокама этиш, бутун ўқув йили жараёнида рей-тинг тизимига амал қилиш яхши йўлга қўйилган.

Айнан Термиз ўқув-маслаҳат марказида профессор-ўқитувчилар ҳар бир ўқув йили мобайнида 2 та маъру-за матнини муҳокамага қўйиши ва 5 марта бошқа про-фессор-ўқитувчиларнинг дарсларига кириши ва ушбу дарснинг муҳокамасида фаол иштирок этишлари асо-сий қоида сифатида қабул қилинган.

Бугунги кунда ёшларимизни Ватанимизга, Прези-дентимизга садоқат руҳида тарбиялаш муҳим аҳамият-га эгадир. Чунки, айнан бугунги кунда бир гуруҳ ва-танфурушлар, чет элдаги ҳамтовоқлари билан ҳамкор-ликда мамлакатимизда амалга ошаётган демократик жараёнларга тўсқинлик қилишга ва Ўзбекистонда Ис-лом фундаментализми тузумини ўрнатишга уринмоқ-далар. Айнан шу мақсадда ёшларимизнинг онгини за-ҳарлашга интилмоқдалар. Шунинг учун ҳам Презиden-тимиз асарларини ўзига гоявий курол қилиб олган иқти-содиёт университети Маъnaviyat маркази университет талabalарини Ватанимизга ва Президентимизга садо-қат руҳида тарбиялашга катта аҳамият бермоқдалар. Бу соҳада университетда, Илмий Кенгаш томонидан иш-лаб чиқилган маҳсус дастур мавжуд бўлиб, универси-тетнинг барча ўқув-маслаҳат марказлари ҳам бу дас-турга амал қилмоқдалар.

Тарбиявий ишларни фақатгина талabalар орасида ўтказиш билан чегараланмасдан, балки бу эзгу ишни омма орасида ҳам амалга оширмоқдалар. Бу соҳада ра-дио, телевидение, матбуотдан унумли фойдаланмоқ-далар.

Университетнинг Урганч ўқув-маслаҳат маркази бу соҳада алоҳида ўрин тутади. Мазкур ўқув-маслаҳат марказида йиллик дастур бўлиб, йил жараёнида бу дастурга қатъий амал қилинади. Дастурни амалга оширишда барча воситалардан фойдаланилади.

Хоразм вилояти ҳокимлиги қошидаги вилоят маънавият марказининг ташаббуси билан вилоят аҳолиси ўртасида олиб борилган оммавий-сиёсий ишларда ТДИУнинг Урганч ўқув-маслаҳат маркази профессор-ўқитувчиларининг фаол иштирок этишлари мазкур ўқув-маслаҳат марказида тарбиявий ишларнинг яхши ўйлга қўйилганидан дарак беради.

Бугунги кунда юқорида номлари кўрсатилган ўқув-маслаҳат марказлари давр талабига жавоб берадиган, замонавий иқтисодий билимлар билан қуролланмоқда. Муҳими шундаки, улар ишлаб чиқаришдан ажратилмаган ҳолда ўз жойларида Тошкент Давлат иқтисодиёт университети профессор-ўқитувчиларининг самарали меҳнатлари натижасида иккинчи мутахассисликни — иқтисодчи ихтисосини эгалламоқдалар.

## **III б о б. Хорижий мамлакатлар билан алоқалар ва мутахассислар малакасини ошириш**

### **1. МУТАХАССИСЛАРНИ ХОРИЖДА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ**

Бозор муносабатларини жадал ривожланиши, институционал ўзгаришлар, янги бошқарув ва тижорат тузилмаларининг пайдо бўлиши, мамлакатимизнинг жаҳон майдонига, Халқаро ҳамжамиятнинг teng ҳуқуқли аъзоси сифатида чиқишга интилиши, Республика кадрлар салоҳиятининг мустаҳкамланиши келгусида Ўзбекистон интеллектуал капиталининг тўлдирилишини талаб этади.

Миллий малакали кадрларни тайёрлаш муаммоси кўп қиррали бўлиб, у ички ўзгаришлар талаби билан боғлиқ бўлган кадрларни тайёрлаш жараёни ва жаҳон меҳнат бозоридаги рақобат ва глобал ўзгаришларга ўз вақтида жавоб бера оладиган, етарли даражадаги мослашувчан кадрлар билан таъминлаш тизимининг ривожланиши учун зарурий шароитларни яратиш жараёнларини боғлашни талаб этади. Шунингдек, давлат олдида турган асосий вазифалардан бири бу, демократик ва бозор ўзгаришлари талабларига максимал мослашган, рақобат, бозор талабига мувофиқ келувчи юқори малакали профессионал кадрларни тайёрлашдир.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, миллий кадрларни тайёрлашнинг замонавий жараёни — бу, узлуксизлик ва кўпбосқичилик хусусиятига эга ягона бўлган бир бутун тизим эканлигидир. У ўз аксини 1997 йил 29 августда Олий Мажлиснинг IX сессиясида қабул қилинган «Кадрлар тайёрлашнинг миллий дастури» ва «Таълим тўғрисида»ги қонунларда топди. Бу қонунлар келгусида таълимнинг ривожланиши ва бозор иқтисодиёти талабларига жавоб бера оладиган кадрларни тайёрлашнинг ҳуқуқий асоси ҳисобланади.

Илмий ва илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш мұхим ақамият касб этиб, улар кадрлар тайёрлаш жараёнининг узлуксиз мұкаммаллашиши ва янгиланишини таъминлайдилар. Шунингдек, илмий ва илмий-педагогик кадрлар үн минглаб мутахассисларни үқитиш ва шакллантиришда уларнинг сифат ва даражаларини аниқлаб берувчи асосий омил ва марказий бүғин ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг Олий Мажлиснинг IX сессиясида «Кадрларни тайёрлашнинг миллій дастури» масалалари буйича сўзлаган нутқида қуйидаги вазифалар аниқлаштириб олинди:

- бюджетдан ташқари маблағларни жалб этишни реал механизмларини ишлаб чиқиш ва амалиётга тadbиқ этиш, жумладан, узлуксиз таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимиға хорижий инвестицияларни жалб этиш;
- кадрлар тайёрлаш соҳасида ўзаро манфаатли Халқаро ҳамкорликни ривожлантириш;
- хорижий ҳамда Халқаро таълим ва илмий ташкилотлар билан ҳамкорликни ривожлантириш ва кенгайтириш;
- Олий таълим муассасаларига профессор-үқитувчи кадрларни, жумладан, етакчи хорижий ўқув ва илмий марказларда ҳам тайёрлаш;
- Халқаро илмий ҳамжамиятта Ватанимиз фанининг илмий ютуғи ва олимлар билан алмашишни ривожлантириш, жумладан, кадрларни тайёрлаш ва таълим соҳаларини мұкаммаллаштириш мақсадида интеграциялашувини фаоллаштириш.

Тошкент Давлат иқтисодиёт университетининг Халқаро ташкилотлар билан биринчи алоқалари — танишув, изланиш характеристига эга эди. Ҳозирги пайтда улар, умуман, янги йўналиш олганлар, жумладан, ижтимоий-иктисодий ва таълим соҳасига тегишли кечикириб бўлмайдиган муаммоларни ҳал қилишни кўзда тутувчи ва шу соҳадаги энг янги, илфор чет эл тажрибасини ўрганиш ва Ватанимизни ўзга мамлакатларда таништириш каби масалаларни ҳам ҳал қилишга қаратилмоқда. Улар жумласига, иқтисодий маълумотлилигини таъминлаш, таълим соҳасини компьютерлаштириш, таълим мазмунини янгилаш, унинг сифатини ошириш, унинг келажак глобал цивилизациясига интеграциялашуви, таълим соҳаси андозаларини ишлаб чи-

қиши, ўкув муассасаларини аккредитация қилиш ва сертификатлаш муаммолари ва бошқалар киради.

Тошкент Давлат иқтисодиёт университети қўйилган мақсадларга эришиш учун Халқаро таълим муассасалари билан муносабатларни мукаммаллаштириди, шунингдек, Республика ҳудудида фаолият олиб бораётган элчихона ва Халқаро жамғармалар билан бўлаётган муносабатларга жиддий эътибор қаратди.

1991 йилда Халқаро дастурларни мувофиқлаштириш мақсадида, хорижий ўкув муассасалари ва илмий марказлар билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш, миллий кадрларни тайёрлашда ривожланаштаган мамлакатларга ёрдам кўрсатиш, хорижда таълимни ташкил қилишда хорижий ва техника ҳамда илгор тажриба ютуқларини ўрганишда ҳамкорлик қилиш, ўзбек тили ва мамлакатимизнинг ютуқларини хорижда тарғиб қилиш, Халқаро илмий форумларда ТДИУнинг мутахассис ва олимларининг қатнашувини фаоллаштириш учун ТДИУда маҳсус Халқаро алоқалар бўлими ташкил этилган.

Айни пайтда университет дунёning ривожланган мамлакатларидаги етакчи университет ва илмий марказлар билан Халқаро алоқаларни ўрнатиш ва олиб боришида бир қатор мувваффақиятларга эришди.

Энг илгор Халқаро тажрибаларга асосланган ҳолда мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш борасида кенг кўламли дастур ишлаб чиқилди. Хорижий олий ўкув юртлари билан тўғридан-тўғри алоқалар ўрнатиш жараёни ривожланмоқда. Асосан, бу алоқалар кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш масалалари бўйичадир. Шунингдек, кадрларни ўқитишида ўзаро ҳамкорлик, илмий-тадқиқот ишларни, анжуман ва симпозиумларни ўтказиш ҳам ушбу вазифалар доирасида ҳисобланади.

1991 йилдан 2000 йилгача университетда 50 дан ортиқ хорижлик талabalар таҳсил олишиди. Бу даврда 500 дан кўпроқ хорижлик профессор-ўқитувчилар ишладилар. Ҳозирги даврда университетда дунёning 6 та мамлакати Латвия, Туркия, Иордания, Жанубий Корея, Хитой, Покистондан талаба ва аспирантлар таҳсил олмоқдалар.

1990 йилда Республикада биринчилар қаторида АҚШ университетлари консорциуми билан ҳамкорлик тўғрисида шартнома тузилди. Бу шартнома америкалик профессорлар иштирок этадиган Чимёндаги бизнес макта-

бини ташкил этишни кўзда тутар эди. Ушбу шартномага мувофиқ «Иқтисодчи» оромгоҳида 1991 йил июль-августда ёзги бизнес мактаби ўтказилди. Бу ерда талабалар дам олишни ўқиш билан биргаликда олиб боришиди. Мактабни ташкил этишнинг бошлангич мақсади талабаларнинг тил бўйича тайёргарлигини оширишдир. Бу жараён америкалик профессорлар билан маърузалар пайтида, машгулотдан ташқари ҳолатларда ҳамда норасмий вазиятларда (турли хил бевосита учрашувлар орқали) амалга оширилар эди. Америкалик профессорлар талабаларга маркетинг, менежмент, бухгалтерия ҳисоби ва бошқа фанлардан маърузалар ўқишиди. Бизнес мактабида Тошкент Давлат иқтисодиёт университети ҳамда Тошкент шаҳрининг бошқа олий ўқув юртлари талабалари қатнашилар. Бизнес мактаби ишининг якунида америкалик профессорлар университет талабалари билан сұхбат уюштирилар. Натижада инглиз тили ва иқтисодиётни биладиган 15 та энг яхши талабалар танлаб олинди. Ҳамма бизнес мактаби қатнашчилари уларга келгусида хориждаги коллеж ҳамда университетларда таҳсил олиш ҳуқуқини берувчи профессорлар тавсияномалари ва сертификатларига эга бўлдилар. Танлаб олинган талабалар АҚШ нинг Арканзас штати Аркадельфия шаҳридаги Оачита университетига таҳсил олиш учун таклиф этилдилар. Бу талабаларнинг Америкада ўқиши ва яшashi учун Тошкент Давлат иқтисодиёт университети ҳисобидан 150000 Америка доллари ҳажмида маблағ ажратилди. Худди шу йили Ўзбекистоннинг турли олий ўқув юртларидан 10 та талаба давлатларо келишувга мувофиқ АҚШ нинг етакчи университет ва коллежларига бир йил муддатга жўнатилди. Ана шу жўнатилган талабаларнинг 5 нафари бизнинг ТДИУ талабалари эди. Уларнинг таҳсил олиши учун Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов таклифига кўра 100000 Америка доллари ажратилди.

Кейинчалик бу талабалар Американинг бир қатор олий ўқув юртларини муваффақиятли тамомладилар ҳамда шунга мувофиқ бакалаврлик ва магистрлик дипломларини олишиди (BBA, MBA). АҚШда бир йиллик ўқиш натижалари бўйича сертификат олган талабалар уйларига қайтишди ва университетда таҳсилни давом эттирилар. Уларнинг режалари эътиборга олинди.

1992—1993 ўқув йилида 12 та энг иқтидорли талабалар АҚШнинг Бельмонт университети ва Бейлор

университетига ҳамда 4 та талаба Оачита университетига жўнатилди. Ушбу талабларни молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият Миллӣй банки, Ташқи иқтисодий фаолият вазирлиги ва «Ўзбексавдо» концерни билан тузилган шартномалар орқали амалга оширилди. Шартномага мувофиқ, ТДИУ да таҳсилни якунлагандан сўнг, талабалар юқорида номи зикр этилган ташкилотларда ишлаб беришлари керак бўлади. Шундай қилиб, келгусидаги ишга жойлашиш масаласи ҳал қилинарди.

1992 йили бир талаба Будапешт Ташқи савдо институтига ўқишга (давлатларо дастур бўйича) жўнаб кетди ва 1997 йили магистрлик даражасига эга бўлиб (MBA), қайтиб келди. Талабаларнинг хорижда таълим олиш имконияти, биринчидан, талабаларни мустақил ва ўз устида жиддий ишлаш учун унадади. Иккинчидан, қолган талабаларни қўзиқтириди ва руҳлантириди ҳамда уларни қатъийроқ ўқишга интилиш пайдо қилди. Уларда янги билим ва малакаларни ўзлаштириши учун қизиқиши ҳосил қилди.

1993—1994 ўқув йилида университетнинг хорижий олий ўқув юртлар билан алоқалари янада кенгайди. ТДИУнинг 12 та талабаси АҚШнинг Техас штатидаги Хардин-Симон университетига юборилди. Уларнинг ўқиш ва яшashi учун Навоий тоғ-кон комбинати шартнома асосида маблаг ажратди. 10 та талаба TOEFL тестларидан муваффақиятли ўтдилар. Бу синовлар АКСЕЛС томонидан ташкил этилиб, АҚШ Конгресси томонидан молиялаштирилган. Талабалар АҚШнинг энг яхши университетларига, яъни Кентукки, Монтана, Саффол, Нью-Йорк, Оклахома ва Абелин университетларига ва Невада коллежига юборилдилар.

Шу йилнинг ўзида АҚШнинг Марказий Мичиган университетига 3 талаба ва Англиянинг Ноттингем Трент университетига 8 та талаба таҳсил олиш учун юборилди. Уларни Ўзбекистон Республикаси Марказий банки молиялаштириди. Уларнинг кўпчилиги тегишли бакалавр ва магистрлик даражаларига эга бўлдилар ва университетимизда ўқишини якунлаб, Марказий банк тизимида ишламоқдалар ва у ерда етакчи мутахассис мавқеига эга бўлиб қолмоқдалар.

1993—1994 ўқув йилида Брест Олий мактаби (Франция) билан ҳамкорлик тўгрисида шартнома имзоланди. У ерга 1 йил муддатга 3 та талаба ўқишга юборилди.

Бу жараёнда Франция элчихонаси ва Француз маданий маркази фаол қатнашдилар.

1994 йилда АКСЕЛС дастури бўйича талабаларнинг хорижга чиқиши кўпайди ва улар сони 14 тага етди. Талабалар асосан АҚШ нинг етакчи бўлган Оклахома, Нью-Джерси, Висконсин, Пейс, Калифорния, Бостон, Невада университетларига юборилдилар.

Улар ўқиши тамомлаб университеттага қайтдилар ва ҳозирда УзБАТ, Кока-кола, Артур Андерсен ва бошқа кўшум корхоналарда бўлим мудирлари ва бош мутахассис сифатида фаолият курсатмоқдалар.

Шу йили яна 3 та талаба АҚШ нинг Марказий Мичиган университетига ва 1 талаба Оклахома университетига ўқиш учун жўнаб кетдилар. Уларга Навоий тоф-металлургия комбинати шартнома асосида ҳомийлик қилди.

1994—1995 йилда Британия Кенгашининг Москва шаҳридаги ваколатхонаси MBA дастурида қатнашиш учун менежмент ва маркетинг курслари бўйича танлов эълон қилди. Магистрлик MBA дастури бўйича 3 та талаба Халл Университетига танловдан муваффақиятли ўтдилар. Лондон Бизнес мактабига 3 ойлик курсларга 3 та ва Ноттингем Трент Университетига 2 та талаба қабул қилиндилар. Уларнинг ўқиши ва яшashi учун Буюк Британия давлати томонидан маблаф ажратилди.

Худди шу йилнинг ўзида 5 та талаба «Туризм ва меҳмонхона хўжалиги» мутахассислиги бўйича Малайзиянинг Мала университетига юборилди ва улар Малайзия университетида таҳсил олиб қайтдилар.

Бир талаба Қоҳира университетига бир йиллик дастур бўйича ўқиш учун юборилди ва уни тамомлагач, Ташқи ишлар вазирлигига қабул қилинди.

Бу дастурларнинг барчаси биринчи навбатда, мазкур мамлакатларнинг тилини ўрганиш ва жиддий ўзлаштириш, тегишли ташкилот ва ўкув муассасаларида иқтисодиёт фанларини ва амалиётини ўрганиш бақалаврлик (BVA) ва магистрлик (MBA) даражаларига эга бўлишни назарда тутади.

1995 йилда бир талаба Ҳиндистон элчихонаси томонидан ташкил этилган тест синовларидан муваффақиятли ўтди ва Дехли университетига «Халқаро иқтисодий муносабатлар» мутахассислиги бўйича бир йилга ўқиш учун юборилди.

1995 йили ТДИУ Марказий Мичиган университети

Билан мустаҳкам алоқаларни ўрнатиб, яна 4 та талабаппи «Халқаро валюта-кредит муносабатлари» мутахасислиги бўйича ўқишига юборди. Уларнинг АҚШда яшашни ва ўқиши учун бир қатор ҳиссадорлик жамиятларидан маблаг ажратилди.

АКСЕЛС дастури тобора кўпроқ талабаларни жалбуга борди ва 1995 йил АҚШнинг Эмори, Монтана Стейт ва Оклахома университетларига 8 та талаба ўқиш учун жўнаб кетдилар. Улар бакалавр (ВВА) даражасига эга бўлдилар.

Университетимиз номига турли хил мамлакат университетларидан, яъни АҚШ, Франция ва Германия каби давлатлар олий ўқув юртларидан талабаларимизнинг яхши хулқи, одоби, ўқув дастурини муваффақиятли тамомлаганлиги, тил бўйича юқори тайёргарликнинг ўтганлиги тўғрисидаги хатлар ва факслар келиши давом этмоқда.

Бу олий ўқув юртлари ўзлари бизнинг талабаларга ўқишини давом эттиришга имконият бериш кераклиги ҳақида хоҳиш билдиримоқдалар. Улар ўзлари ёки бошқа фонdlардан маблаг топишлари мумкин. Бундан ташқари талабалар ўқишини меҳнат фаолияти билан биргаликда олиб боришлари мумкин.

1996—1997 йил натижалари бўйича хорижда яна 20 киши таҳсил олиб қайтдилар. Улардан 12 таси АҚШда, қолганлари Европадаги олий ўқув юртларида эди. «Умид» фондининг ташкил этилиши ТДИУ талабаларига янада кенг имконият эшикларини очиб берди. «Умид» йўналиши бўйича танловда 1997—1998 йилда 200 та талаба қатнашди. Улардан бакалаврлик (ВВА) ва магистрлик (МВА) дастури бўйича 23 та талаба тестлардан муваффақиятли ўтдилар. Талабаларнинг 18 таси АҚШга, 4 таси — Буюк Британияга ва 1 таси Германияга юборилди.

1997 йилда бўлган 1998—1999 ўқув йили учун навбатдаги танловга 500 тадан кўпроқ талаба иштирок этди. Улардан 53 нафар талаба ўтди.

Иштирок этувчилар сонининг кескин ошиб бораётганлиги университет томонидан бир қатор тадбирларни ўtkазишга олиб келди.

1998 йилги 1999—2000 ўқув йили учун танловда 650 дан ортиқ талаба қатнашди.

Университетда «Умид» жамғармаси қатнашчилари расмий равища ўтказилган тестларга қадар TOFEL

тестлари бўйича олдиндан синаб кўрилади. Бундан ташқари, Ўзбекистон тарихидан ўзига хос иқтисодий йўналишлар бўйича асосий тестларга тайёрлаш мақсадида маърузалар ўтказилади.

ТДИУнинг ва «Проктер энд Гембл» компанияси ўртасидаги имзоланган келищувга асосан университет компания учун мутахассис тайёрлаш бўйича ёрдам кўрсатади, компания эса ўз навбатида Халқаро бизнес, Халқаро маркетинг, молия бўйича маъруза ва амалиёт машғулотларини ўтказишда ўз мутахассислари орқали ёрдам кўрсатади. Шунингдек, энг иқтидорли талабаларни стипендия-грантлар билан таъминлашни ҳам улар зиммаларига олишган.

1998 йили «Халқаро бизнес» факультетининг 6 та талабаси компания стипендияларини олишга муваффақ бўлишди. Бу стипендиялар ҳар бир талаба учун 30000 сўм миқдорида 10 ой давомида бериб борилди. 1999 йили яна уч талаба шундай стипендия ола бошлидилар. 1999 йили Англиядаги Борнмаусс университетига молия мутахассислиги бўйича бакалавр даражасини олиш учун 1 та талаба юборилди.

1991—98 йилги натижаларга кўра хорижда 500 тадан ортиқ талаба таҳсил олиб қайтишди. Улардан 300 таси АҚШ нинг етакчи университетларида, қолганлари Европа мамлакатларида ўқиши мувваффақиятли якунладилар. Айни пайтда улардан 100 таси магистрлик дипломини (MBA) ва бакалаврлик (BVA) дипломларига эга бўлдилар. 1 та талаба Сингапурдаги жанубий-шарқий Осиё фанлари институтида аспирантурани якунлади.

Бозор иқтисодиёти ривожланган хорижий мамлакатларда талабаларимизнинг таҳсил олишини ташкил қилиш қўйидаги асосий мақсадларга Эришиш имконини берди:

- АҚШ ва Европанинг ривожланган мамлакатлари олий таълим тизими билан чуқур ва яхшилаб танишиш;
- бу мамлакатлардаги ўқитиши услублари ва энг юқори технологияларини ўзлаштириш;
- бозор иқтисодиёти соҳаси мутахассисларини тайёрлашнинг ижобий тажрибаларини бевосита олиш;
- талабаларнинг хорижда таълим олишга интилишидаги руҳий тўсиқни йўқ қилиш;
- бу мамлакат маданияти ва анъаналари билан чукурроқ танишиш;

- бу мамлакатлардаги бошқа ўкув юртлари билан ҳам янада яқынроқ, мустақкам алоқаларни ұрнатиши;
- Республикамиз олий таълим тизимини хорижда тан олиш йўлидаги биринчи қадамни қўйиши.

Талабаларни хориждаги олий ўкув юртларига юбориш билан биргаликда, улар билан кадрлар малакасини ошириш ва кадрларни қайта тайёрлаш бўйича тўғридан-тўғри алоқаларни ұрнатиши жараёни ҳам фаол ривожланиб бормоқда. Шунингдек, илмий-тадқиқот ишларини, анжуман ва симпозиумларни ҳам ана шу алоқалар асосида ўтказиш кўзда тутилган.

Университет профессор-ўқитувчилар таркибининг малакасини ошириш ва илмий жиҳатдан янада мукаммаллаштириш учун Халқаро ташкилотлар, жамғармалар ва элчихоналар билан яқин алоқаларни фаол ұрнатишини давом эттиromoқда.

Бу дастурларнинг мақсади ТДИУда ўкув режасини мукаммаллаштириш, университетлар билан иқтисодий фанлар бўйича биргаликда дастурлар яратиш бўйича алоқаларни кенгайтиришдан иборатdir.

Бу мақсадларга эришишда хорижга илмий сафар құлувчилар ўзларининг режа асосларини тузиб оладилар. Бу режа асосларида улар сафар мақсадини, университетга ва олий ўкув юртлари учун бу сафарларнинг фойдалилиги ва зарурлигини кўрсатиб борадилар.

Улар қайтиб келгандаридан сўнг сафарда нима қилган бўлсалар, шу ҳақда аниқ ифодаланган ҳисобот берадилар. Улар олган натижалардан ўкув жараёнини мукаммаллаштиришда қандай фойдаланиш мумкинлигини ҳам қайд қиласидар.

Университет ўз кадрлари малакасини ошириш бўйича биргаликда ўтказиладиган дастур ва турли хил лойиҳалар орқали жалб қилинадиган хорижий университетлар мутахассисларини жалб қилиш йўли билан ҳам фаолият олиб бормоқда.

1991 йилда Туркияning бир қатор етакчи университетлари билан шартномалар имзоланди. Бунга кўра Туркияning Мармара, Отатурк ва Анқара университетлари билан биргаликда талабалар ва профессор-ўқитувчилар таркиби учун алмашиниш дастурларини яратиш ҳам келишилиб олинган. Ана шу мақсадда 15 та профессор Анқарага 2 ойга семинарга қатнашиш учун жўнатилди. Ташириф чоғида улар томонидан Туркия газета ва журналларига мақолалар тайёрланди.

Кадрларни қайта тайёрлаш жараёнида Joint Banking and Finance (JBF) ва Joint Vienna Institute (JVI), Тошкент Давлат иқтисодиёт университети билан Жаҳон Банкининг иқтисодий тараққиёт институти қўшма тренинг дастурлари мұхим ўрин эгаллади.

ТДИУ Жаҳон Банкининг иқтисодий тараққиёт институти билан яқин алоқаларни ўрнатди ва 1993 йил унинг ёрдами ва ҳамкорлигига ТДИУда Бирлашган Вена Институти (JVI) нинг ҳудудий Маркази ташкил этилди. Бундан мақсад бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтаётган Марказий ва Шарқий Европа мамлакатларига, Осиё ва МДҲ давлатларига давлат ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлашдан иборатдир.

1996 йилда JVI бозор иқтисодиёти ва молиявий таҳлил бўйича курслар таклиф этди (10 ҳафта). «Ўтиш иқтисодиётида ташки иқтисодий сиёсат» бўйича қисқа муддатли дастур ҳам таклиф этилди (2 ҳафталик). Мазкур курслар дастурига куйидаги фанлар: макроиктисодиёт, микроиктисодиёт, эконометрика, бухгалтерия ҳисоби ва молиявий таҳлил, инглиз тили ва компьютер сабоқлари киритилган. Профессор-ўқитувчилар, асосан, ТДИУнинг профессор-ўқитувчиларидан иборат бўлиб, улар икки босқичли тайёрлов курсларидан ўтишган. Биринчи босқич — Тошкентда, иккинчиси эса — Вашингтонда бўлиб ўтган. Ҳаммаси бўлиб 25 та ўқитувчи мазкур курсларда тайёргарлик кўришган.

1994—1996 йилларнинг ўзида JVIда узоқ муддатли ўқув дастури бўйича 180 та киши ўқитилди, улардан 81 таси Ўзбекистон учун тайёрланди. Жумладан, 1994 йили 96 та, 1995 йили 41 та, 1996 йили 43 та. Қисқа муддатли дастур бўйича 353 киши, улардан 1994 йили 80 та, 1995 йили 123 та, 1996 йили 150 та киши ўқитилди.

Бу мутахассисларни қайта тайёрлаш учун Жаҳон Банкининг иқтисодий тараққиёт институти 30007,2 минг АҚШ доллари ҳажмида маблаг ажратди.

1994 йилда Жаҳон банкининг иқтисодий тараққиёт институти (ИТИ) ТДИУда Ўзбекистон ва Марказий Осиё Республикалари тижорат банклари ходимларини малакасини ошириш ва ўқитиш учун «Бирлашган банк иши ва молия» (JBF) ўқув марказини ташкил этди. Ушбу дастур бўйича 1994—1996 йилларда ҳаммаси бўлиб, 877 киши ўқитилди, жумладан 1994 йили 280 та, 1995 йили 297 та, 1996

йили 300 та киши ўқитилди. Ана шу давр ичиде «JBF» да ва у билан бирга ташкил этилган семинарларда 2 та республикадан 300 та банк ходимлари ўқитилди (Ўзбекистон ва Қозоғистон). Марказий Осиё учун бу даврда 240 киши тайёрланди. 1994 йили Жаҳон Банкининг И.Т.И.Н. JBF семинарларини ўтказиш учун 2104,8 минг АҚШ доллари миқдорида маблаг ажратди. Жаҳон банкининг иқтисодий тараққиёт институти (JVI ёки ИТИ) дастурлари турли хил йўналишларни қамраб олдилар ва МДХ, шунингдек, АҚШ ва Европа давлатлари доирасида ҳам ўтказилди. Масалан, Венада (Австрия, 1995 й. май) корхоналарни бошқариш бўйича ўтказилган семинар корхоналарни хусусийлаштириш ва корхона тузилмаларини ўзgartириш бўйича дастурлар ёрдамида амалга оширилди. Бу семинар қуйидаги мақсадларни кўзлаган эди: корхона менежментида ташкилий ва бошқариш қобилиятларини кучайтириш; корхона тузилмаларини ўзgartириш ва хусусийлаштириш; корхона учун бизнес-режа тузиш; молиявий таҳлилни ташкил этиш ва тайёрлаш ва бошқалар.

Жаҳон Банкининг иқтисодий тараққиёт институти JVI ва JBE учун мўлжалланган иншоотларни жиҳозлаш ва таъмир этиш учун маблаф ажратди. Йккала ўқув маркази ҳам энг янги компьютер ва оргтехника билан (38 та компьютер, 9 та лазерли принтер, 4 та ксерокс), теле ва видео аппаратуралар билан, магнитофонлар, проекторлар экранлар билан, ўқитилаётган дастурлар бўйича инглиз ва рус тилидаги адабиётлар билан (4000 дан ортиқ) таъминланган. Ҳаммаси бўлиб бу мақсадлар учун 167,5 минг АҚШ доллари сарф этилди. Шуни айтиб ўтиш лозимки жиҳозлаш ва таъмир этиш учун маблаф ажратди. Йккала ўқув маркази ҳам энг янги компьютер, оргтехника ва адабиётлар Жаҳон Банкъи И.Т.И.нинг дастурларини яқунланиши билан ўқув жараёнида фойдаланиш учун университет мулки сифатида қолдирилади.

JBE ва JVI да дарслик ва ўқув кўлланмалар тайёрлаш бўйича кўпгина ишлар амалга оширилди. JBF профессор-ўқитувчилари томонидан қуйидаги дарсликлар тайёрланди: «Ўзбекистон Республикасида Халқаро андозалар асосида бухгалтерия ҳисобини ривожлантириш», «Бухгалтерия асослари», «Бухгалтерия ҳисобини чуқурлаштирилган модули». Буларнинг ҳажми 67,5 б.т.ни

ташкил этди. Бу дарсликларнинг барчаси Вашингтонда Жаҳон Банки И.Т.И.да чоп этилди.

JVI муаллифлар жамоаси қўйидаги дарслик ва ўқунг кўлланмаларни тайёрладилар: «Микроиктисодиёт», микро ва макроиктисодиётдан маъруза матнлари, «Макроиктисодий (тенденцияларни) ўзгаришиларни иқтисодий таҳдил қилиш усуллари» ва бошқалар.

1995 йилда ТАСИС дастури доирасида Ноттингем Трент университети билан биргаликда профессор ўқитувчилар таркибининг замонавий бухгалтерия ҳисоби бўйича малакасини ошириш мақсадида бухгалтерларни қайта тайёрлаш ресурс маркази ташкил этилди. Унинг асосий фаолияти менежерларни, бухгалтерларни тайёрлаш; жаҳон андозаларига мувофиқ равишда бош бухгалтерлар малакасини ошириш, қисқа муддатли бухгалтерия курсларини ташкил этиш.

1994 йилда АҚШ қишлоқ хўжалиги Академияси дастури бўйича бошқарув соҳасидан 20 киши ўқитилди; банк ва молия бошқаруви бўйича (АҚШ, Вашингтон) — 18; бозор иқтисодиёти бўйича (АҚШ, Вашингтон) — 6; EUROCFS, ТАСИС дастури бўйича (Франция, Англия, Германия) — 7; Мехмонхона хўжалиги бўйича (Хиндистон) — 2; Халқаро менежмент (Хиндистон) бўйича — 5; Халқаро андозадаги бухгалтерия ҳисоби бўйича (АҚШ) — 1; бозор иқтисодиёти ва хусусийлаштириш бўйича (Австрия) — 4.

1995 йили ТАСИС (Англия, Бельгия, Франция) дастури бўйича 21 киши, TEMPUS-TACIC (Германия) дастури бўйича 3 киши, корхоналарни хусусийлаштириш ва структурали қайта қуриш бўйича (АҚШ, Австрия) — 2; Самарали банк бошқаруви бўйича (АҚШ) — 17 киши ўқитилди. Шу йилнинг ўзида Мичиган давлат университетига 2 та профессор 3 ойлик сафарда бўлиб қайтишди. Сафар чоғида улар ўз маъruzalарини ўқидилар ва ўз илмий лойиҳалари устида ишладилар.

1995 йил Германияда 6 киши илмий сафарда бўлиб қайтдилар. Сафардан сўнг улар бозор иқтисодиёти бўйича дарслик яратдилар. 1995—1996 йиллар мобайнинда университетнинг 30 та профессор-ўқитувчилари ТАСИС ЕИ дастурини «Ўзбекистонда менежментга ўқитиши» лойиҳасига мувофиқ Франция ва Бельгия университетларида магистрлик (MBA) дастури бўйича ўқидилар ва тегишли магистрлик даражаларига эга бўлдилар. Бу дастур маъруза ва амалий машгулотлар,

компьютерларда университет профессор-ұқытувчилари томонидан лойиҳаларни тайёрлашдан бошланган булиб, у Европада (MBA) магистрлик дипломини ҳимоя қилиш билан якунланди. Худди шу профессор-ұқытувчилар (MBA) магистрлик дастури бүйича инглиз ва рус тилларида маъруза үқишига жалб этилғандар.

АҚШнинг қишлоқ хўжалиги департаменти йўналишидаги профессорлар гурухи АҚШ га маъруза ва амалий машғулотларда қатнашиш учун ҳамда АҚШ да фермер хўжалигини ташкил этиш тажрибаларини ўрганиш учун юборилди.

1996 йили Жаҳон Банкини И.Т.И. билан биргаликда 22 та семинар ўтказилди. 6 та үқитувчи АҚШ да АЙРЕКС ва АКСЕЛС йўналишлари бўйича сафарда булиб қайтдилар. АҚШ да ўтказилган молиявий ва банк менежменти семинарида 7 киши, Австрияда амалий макроиқтисодиёт бўйича — 2 киши, хусусийлаштириш бўйича Австрияда — 4, ДААД дастури бўйича — 2 киши, Япония ва Италияда 1 кишидан, бозор тадқиқотлари Марказида (Италия) — 20 киши қатнашли.

1997 йили ТАСИС дастури бўйича Англиянинг Ноттингем Трент университетига (НТУ) 17 та университетимиз үқитувчилари малака ошириш ва НТУ нинг ўқув режаси билан танишиш учун жўнаб кетдилар. Бу университет билан турли иқтисодий йўналишлар бўйича кадрларни тайёрлаш, профессор-ұқитувчилар малакасини ошириш борасида энг яқин ва мустаҳкам алоқалар вужудга келди. Курсларни тамомлагач, профессор-ұқитувчилар томонидан дарслик ва ўқув қўлланмалари чоп этилди. Улар тегишли сертификатларга эга бўлдилар.

1997 йили май-июнъ ойида 18 кишидан иборат профессорлар гурухи Нью Пальцдаги Нью-Йорк университетида ўтказилган «Америка менежменти ва маркетинг» семинарида қатнашиш учун сафарда бўлдилар. Семинарда американлик ва ўзбек профессорлари маркетинг ва менежмент бўйича үқитиш технологиялари ва тажрибаларини алмашдилар.

Бундан ташқари, улар үқитиш услублари, үқиши натижаларини баҳолаш тизими, иқтисодчиларни тайёрлаш масалалари бўйича ҳам фикр алмашдилар ва тегишли сертификатлар олишди.

Бизнинг профессорларимиз Американинг олий таълим тузилмасини ўргандилар, ўқув режалари тайёрла-

дилар, университеттега қабул масалаларини янги нұқтаи назардан күриб чиқдилар, шунингдек улар хорижий университетлардаги илмий-тадқиқот фаолиятлари билан танишдилар.

Нью Пальц билан имзоланған шартномага мувофиқ биргаликда ташкил этилған 2+2 Твиннинг дастури, шунингдек, 4-охирги курсга қабул қилиш бүйіча Дерби, Плимбуз, Эдинбург каби Буюк Британия университетлари билан трансфер дастурлари түзилди. Дерби университетети билан яна Френчайзинг дастури ҳам түзилди. (Бу дастурға мувофиқ университеттеда олинган билим ва баҳоларнинг, малакавий якуний аттестация ва диплом ҳамда унвон берилишининг тұла тан олиниши ва Тошкент шахрида 4 йил үқиши, диплом ва унвон эса Дерби Университетники).

«Иқтисодий информатика ва АВС» кафедраси профессорларининг 2 нафари Турцияда бўлиб ўтган Халқаро семинарларда, 1 нафари Италияда, 1 нафари АҚШда, 1 нафари Германияда ўтказилган Халқаро семинарларда иштирок этдилар. Натижалар мақола ва ҳисоботларда ўз аксини топди.

1998 йил январ ойида 20 та ўқитувчи Малайзиянинг Седая коллекида бўлиб ўтган «Менежмент ва маркетинг» семинарида қатнашдилар. Бу коллеж хусусий бўлиб, семинарда қатнашганлар сертификатга эга бўлдилар. Бу сафарнинг аҳамиятини профессорлар ўзларининг ҳисоботларида тұла ёритиб берганлар. Ушбу сафар «2+2» Твиннинг дастури бүйіча кадрларни тайёрлашнинг энг янги тажрибалари билан «трансфер» ва биргаликда тузиладиган дастурлар билан ҳам танишишни мақсад қилиб олган. Шунингдек, профессор-ўқитувчилар таркибини қайта тайёрлаш ҳам ана шу сафар мақсадларига киради. Улар Малайзия таълим тизими тұғрисида тасаввурға эга бўлдилар ва Малайзия тарихи ва маданиятини ўргандилар, баъзи иқтисодиёт тармоқларидағи иқтисодий ривожланиш жараёнлари билан танишдилар. Шу билан биргаликда уларнинг ривожланишида инвестицияларнинг муҳимлиги ҳам ўрганилди.

1998 йили университеттинг 2 та профессор-ўқитувчилари Салесиано С. Гиорио Институти таклифига кўра Италиядаги анжуманды сафарда бўлдилар. Улар «Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотлар самарадорлиги» ва «Ўзбекистонда хусусийлаштириш: унинг асосий бос-

қичлари» мавзуларига оид анжуман учун нутқ матнларини тайёрладилар.

Япония университетлари, жумладан, Тохоку, Хитотсубаши университетлари билан тұғридан-тұғри ва яқын алоқаларни үрнатиш бўйича ҳам фаолият олиб борилмоқда.

1998 йили университет икки профессори Япониянинг Тохоку университетида малака ошириш курсларида қатнашдилар. Бу университет тадқиқотлар Марказидаги бир йўналиш Марказий Осиёдаги мустақил давлатларда рўй берәётган жараёнларни ўрганишдан иборат экан. Уларнинг тадқиқот мавзулари «Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш» ва «Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигининг ривожланиши ва ижтимоий-иктисодий трансформация» деб номланар эди. Бизнинг профессорлар инвестиция фондларидағи япон эксперт ва олимларига Ўзбекистон Республикасининг бозор иктисодиётiga қишлоқ хўжалиги ислоҳотлари ва моделлари билан бирга утаётган ўзига хос хусусиятига эга бўлган ўтиш шароити билан таништирдилар. Бундан ташқари, улар Республика «Устоз» жамғармаси билан тажриба алмашиниш дастурларини яратиш тұғрисида таклиф бердилар.

Тохоку университети билан ҳамкорликда инглиз тилида З та монография Япония тадқиқотлар Маркази нашриётида чоп этилди.

Тошкент Давлат иктисодиёт университетининг «Жаҳон иктисодиёти ва Халқаро ижтимоий ривожланиш» кафедраси профессори Б. А. Исломов Хитотсубаши университетида маъруза ўқимоқда ва иккала университет ўртасидаги алоқаларнинг мустаҳкамланишига улкан ҳисса кўшмоқда.

Университетимиз Германиянинг Нюрнберг университети ва Ансбах Олий мактаби билан ўқитиш учун талабаларни алмашиш тұғрисида, ишлаб чиқариш амалиётини уташ ҳамда профессор-ўқитувчилар билан алмашиш борасида, ўкув қўлланмалари нашр қилиш бўйича шартномалар имзоланди.

«Чет тиллар» кафедраси билан Япониянинг Тошкентдаги элчихонаси ҳамкорликда JEC (Japanese Education Cooperation)га ТДИУ ва япон тилини ўрганиш Марказини ташкил этиш ва уни энг янги техникалар билан жиҳозлаш (70000\$) бўйича грант олиш лойиҳасига ариза берилди. 1999 йили 1 нафар профес-

сор ва икки аспирант АҚШнинг Вашингтон университетига б ойлик сафарга юборилди. Икки профессор Д.Аҳмедов ва М. Ирматов Истанбулда Жаҳон Банки И.Т.И.И томонидан «Иқтисодий ўсиш ва фойдани тақсимлаш» мавзусида ташкил этилган семинарда қатнашдилар. Келгусида профессор-ўқитувчилар малакасини ошириш ишларини мукаммаллаштириш мақсадида ТДИУ Жаҳон банкининг иқтисодий тараққиёт институти, Халқаро молия корпорацияси, ТАСИС, Халқаро юридик институти, АҚШ қишлоқ хўжалиги департаменти (КОХРАН дастури), АҚШ Халқаро ривожланиш агентлиги, АҚШ шимоли-ғарбий университетининг Келлог менежмент мактаби, Германия элчихонаси, Сорос фонди ва бошқа халқаро университет ва ташкилотлар билан биргаликда кўплаб халқаро анжуман ва семинарлар ўтказди.

Ўзбекистон Республикасида иқтисодий таълимни ривожлантириш концепциясини яратишда хорижий мамлакатлар олий таълим тизими билим ва тажрибалари кенг фойдаланилди. Университетимиз Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ўз навбатида олий таълим тизимини мукаммаллаштириш бўйича таклиф ва тавсияномалар тақдим этди.

Кўпчилик таклиф ва тавсияномалар маъруза матни шаклида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги иқтисодий ислоҳотлар бўйича идоралараро кенгашга, тармоқ вазирликлари, концернлар, асоциациялар ва бевосита корхоналарга ҳам тақдим этилди. Булар маълум бир амалий аҳамиятга эга бўлиб, турли хил қонунчилик актлари, кўрсатмалари, қарор ва бошқаларни ишлаб чиқишида эътиборга олинди.

1991—2000 йиллар ичida турли хил органларга 200 дан ортиқ таклиф матнлари тайёрланди ва тақдим этилди. Масалан, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида» ва «Марказий Банк ҳақида»ги қонунларни ишлаб чиқишида университет профессор-ўқитувчиларининг 28 та таклифи қабул қилинди. Бундан ташқари хорижда профессор-ўқитувчиларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг энг зарурий натижаси университетда ўкув жараёнини ташкил этишида самарали технология ва услублардан кенг фойдаланилаётганлигини ҳисобга олиш керак.

Бир қатор халқаро анжуман ва симпозиумларнинг

Ўтказилиши университетда кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ишига ижобий таъсир қўрсатди. Бизнинг профессорлар таклиф, мақола ва анжуман матнларини тайёрлашда фаол қатнашиб, АҚШ, Европа ва Осиёдаги етакчи университет профессорлари билими ва тажрибалари билан алмашиниш мумкин бўлган бевосита учрашувлар имкониятига эга бўлдилар.

Куйида уларнинг баъзи бирларига илова келтирилган:

- Тошкент Давлат иқтисодиёт университети Льювен (Франция) университети билан биргаликда ТАСИС дастурида «2000 йилда Ўзбекистонда менежментга ўқитиши» мавзусида халқаро симпозиум.
- Жаҳон Банкининг (ЖБ) иқтисодий тараққиёт институти билан биргаликда ТДИУ «Бозор шароитида банк иши» мавзусида 3 та Халқаро семинар Ж.Б.И.Т.И. ва Нидерландия Давлати билан бирга «Молиявий менежмент» мавзусида семинар.
- АҚШнинг Халқаро юридик институти ҳамда АҚШнинг халқаро ривожланиш агентлиги билан ТДИУ музокаралар үтказди ва савдо келишувларини амалга оширди.
- Жаҳон Банки билан 2 та «Банкротлик ва корхоналарни структурали қайта қуриш» ва «хорижий инвестицияларни жалб этиш ва бизнес режалаштириш» мавзуларида халқаро семинар үтказилди.
- Ж.Б.И.Т.И. билан «банк томонидан кредитлаш ва менежмент, компьютер ёрдамида моделлаштириш» мавзусида халқаро семинар.
- АҚШ шимоли-ғарбий университетининг Келлог менежмент мактаби билан «Бизнес-режалаштириш» мавзусидаги халқаро семинар.
- Льювен (Франция) университети билан ТАСИС дастури доирасида «Иқтисодий йўналишлар бўйича мутахассислар тайёрлашда халқаро таълим андозаларини кўллаш» мавзусида халқаро анжуман.
- Ж. Б. И. Т. И. билан биргаликда «Ўтиш иқтисодиётida ташқи иқтисодий сиёsat» ва «Банк тизимини ривожлантириш» мавзуларида халқаро семинар.
- ТАСИС билан бирга «Бизнес-таълимнинг халқаро тажрибаси ва уни Ўзбекистонда ривожланиши» мавзусида халқаро анжуман.
- ТАСИС билан бирга «Халқаро даражада бозорни сегментлаш» мавзусида халқаро семинар.

• Ж.Б.И.Т.И. билан бирга «Молиявий ва банк менежменти» мавзусида Андижонда 4 та, Тошкентда 1 та, Тўрткўлда 1 та, Олма Отада 3 та халқаро семинар.

• Ж.Б.И.Т.И. билан бирга «Бозор иқтисодиётига ва молиявий таҳлилга кириш курси» мавзусида 2 та халқаро семинар, яна бири Тошкент, Фарғона, Урганч ва Самарқандда «Ўтиш иқтисодиётида ташқи иқтисодий сиёсат» мавзуидаги семинар.

• Халқаро валюта фонди билан биргалиқда «Марказий Осиё мамлакатлари учун макроиктисодиёт ва молиявий сиёсат» мавзуидаги семинар.

• Ж.Б.И.Т.И. ва халқаро валюта фонди билан «Ўзбекистон Республикасида банк тизимини мажмуа ривожлантириш» мавзусидаги халқаро анжуман.

• «Халқаро андозалардаги бухгалтерия ҳисобига кириш» мавзусида 3 та халқаро семинар.

• Германиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси ва ИФО институти (Германия) билан бирга «Менежмент ва жамият» мавзусида халқаро семинар.

• Ж.Б.И.Т.И. билан бирга «Оқилона банк менежментининг асосий тамойиллари» мавзусида Халқаро семинар.

ТДИУ турли жамғарма ва ташкилотлардан грантлар олиш учун танловларда фаол қатнашмоқда.

1995 йилда 85089 АҚШ доллари ҳажмида 7 та грант кўлга киритилди. Эконометрика бўйича бир ўқув қўлланмани тайёрлаш учун — 9485 АҚШ доллари, бир монография — 3000 АҚШ доллари, иқтисодий масалалар бўйича семинарлар ўtkазиш ва ташкил этиш, ўрта ва кичик бизнесда солиққа тортиш ва бухгалтерия ҳисоби учун 6665 АҚШ доллари, қолган 4 та грант янги адабиёт, оргтехника ва техник воситалар сотиб олиш учун олинган.

1995 йили PERDCA университетга 7 номланишдаги иқтисодий адабиётларни берди: 1435 таси 5544 АҚШ доллари ҳажмида. 1998 йили 6,07 минг АҚШ доллари ҳажмидаги адабиётлар ҳам PERDCA томонидан тақдим этилди.

1996 йили Халқаро Бизнес мактаби моддий-техник таъминотини ташкил этиш ва жиҳозлашга йўналтирилган 19960 АҚШ доллари ҳажмидаги Евроосиё фонди гранти учун лойиҳа давом этар эди. Шу йили ТДИУ Евроосиё фондининг 3 гранти бўйича 2723,7 АҚШ дол-



Ш.Н.Зайниддинов



А.Э.Ишмуҳаммедов

В.М.Каримова



Ф.К.Комиллова



Ш.М.Комилов



Х.Набиев





Б.Отанайёзов



А.Раззоков



Х.Раймов



Б.Салимов



И.Саинназаров



Ж.Жалолов



Н.Хұжасов



Т.Ш.Шодиев



Н.К.Юлдашев



С.О.Бержонов



Х.Боев



С.В.Вохидов

И. Ибрагимхужаев



Х. Ибодуллаева



Б.А.Исломов



А.А.Истомин





Д.М.Ли



Э.М.Махмудов

З.Махмудова




П.Нуруллаев



F.Рафиков



T. Сагдуллаев





лари ҳажмида маблаг олишга эришди. Жумладан «Марьифат» Миллий маркази 1987,7 АҚШ доллари ҳажмида маблагга эга бўлди ва «Бухгалтерия ҳисобида, солиқта тортишда ва хўжалик хукуқида янгилик» дастури бўйича амалий-маслаҳат семинарларини Фарғона ва Нукусда ўтказди.

23250 АҚШ доллари ҳажмидаги маблаг адабиёт сотиб олиш учун, 2000 АҚШ доллари эконометрика бўйича ўқув қўлланмани якунлаш ва чоп этишга сарф этилди.

Университетнинг 2 ўқитувчи ФРЕХ грантига эга бўлдилар. Улар АҚШдан сафардан қайтганларидан сўнг, «Иқтисодчилар учун масалаларда математика» номли ўқув қўлланмани чоп этдилар.

Шу йилнинг ўзида ТДИУ кутубхонаси Евроосиё фонди грантини олишга эришди. Бу грантга Москвадан иқтисодий соҳа бўйича китоблар сотиб олинди. Грант 3000 АҚШ доллари ҳажмида эди.

Худди шу фонддан 2824 нусхада рус тилидаги китоблар олинди.

Кутубхонани чет эл бўлими Нью-Йорк, Вашингтон, Лондон, Гамбург, Истанбул, Анқара университетларидан бир қанча иқтисодий адабиётлар олинди.

АҚШ нинг ахборот агентлиги орқали Америка давлатидан иқтисодиёт, сиёsat, мамлакатшунослик, тарих ва бошқа фанлар муаммолари бўйича китоблар мажмуаси олинди.

САБРЕ Фонди чет эл адабиёти фондига 2 комплект (ҳар бири 22 тадан) World Book — Жаҳон энциклопедиясини тақдим этди.

Университетнинг малака ошириш институти Евроосиё фондидан орттехника (Кенон — 1 нусха кўчириш техникаси), 5 комплект компьютер, видеоаппаратура (3 та телевизор, 1 та видеокамера, 1 та видеомагнитофон) олди. Барча бу нарсалар 20343 АҚШ доллари ҳажмидаги маблагдан иборат.

1997 йили PERDCA фонди 40 нусхадаги ўқув адабиётини тақдим этди. Шу йили СОРОС фондидан 47 номланишдаги 1179 дона китоб олинди.

1998 йилда олинган грантлар:

«Келажак» халқаро бизнес мактаби «СОРОС» фондини 25000 АҚШ доллари ҳажмидаги грантга эга бўлди. Бу грант ёш профессор-ўқитувчиларга ёзги мактаб лойиҳасини амалга ошириш учун олинди.

«Бизнес таълимини ривожлантириш стратегияси ва жаҳон тармоғига интеграциялашув» номли семинарни ўтказиш учун «Евроосиё» фондидан 10000 АҚШ доллари ҳажмидаги грант олинди. Ушбу семинарда АҚШ, Покистон, МДҲ мамлакатларидан 6 таси қатнашдилар.

1998 йили PERDCA ТДИУга 6,07 минг АҚШ доллар ҳажмида 238 номланишдаги инглиз, француз ва немис тилида ёзилган иқтисодий адабиётларни топширди. Яна 300 та китоб ҳам берилди. Китобларнинг 300 тасидан 255 таси рус тилида ва қолган 25 таси инглиз тилидадир.

Малака ошириш институти ТАСИСдан «Ўзбекистонда меҳнат бозорининг ишлаш жараёнини мукаммалаштириш ва кадрларни қайта тайёрлаш» лойиҳаси учун орттехника ва жиҳозлар олди (компьютерлар, лазерли принтер, модем, нусха кӯчириш машинаси, проектор, кондиционер, телевизор, видеотехника, параболик антенна).

1999 йилда университетга қуйидаги грантлар олинган эди:

— АҚШнинг Ахборот Агентлигидан Нью-Йорк Давлат университети билан Нью-Пальца биргалиқдаги 2+2 твиннинг дастурини ташкил этиш бўйича. (Бу дастур 500000 АҚШ доллари ҳажмида).

— АҚШнинг Ахборот Агентлигидан Мэриленд университети билан (500000 АҚШ доллари ҳажмида) бизнес соҳаси бўйича ТДИУ ва Тошкент Давлат аграр университети профессор-ўқитувчилар (24 киши) таркибининг малакасини ошириш лойиҳаси бўйича. Улар бизнес соҳасидан ташқари қишлоқ хўжалиги ва ахборот технологиялар бўйича ҳам малакаларини оширидилар. АҚШ, Мэриленддан 8 та профессор ташриф буюриши кўзда тутилган эди.

— Европа ҳамжамиятидан ТЕМПУС дастурига мувофиқ IROSAS ихчам лойиҳаси Халқаро алоқалар бўлими сифатида Италияning Милан политехника университети, FSACF LA Cambre, Бельгия (300000 АҚШ доллари) билан бирга бўлимни энг замонавий алоқа техникалари билан жиҳозлаш бўйича, шунингдек, Интернетга уланиш ҳам. Шу билан биргаликда, Халқаро фаолиятни олиб бориш ва Европа олий ўқув юртларида бўлим ходимларининг малакасини ошириш борасида тажриба алмашиш ҳам ана шу лойиҳага киритилган.

— Европа ҳамжамиятидан ТЕМПУС дастурига мұвоғиқ МАТАДОР Европа «Тадбиркорларга менежментни ўргатиши» күшма лойиҳаси бўйича, Хернинг Бизнес Колледжи (Дания) ва Тадбиркорлар ва товар ишлаб чиқарувчилар палатаси (Ўзбекистон) билан биргаликдаги лойиҳаси бўйича 1200000 ЭҚЮ ажратилган. Лойиҳа Дания, Италия ва Ўзбекистондан 12 та иштирокчилар Трейнингини назарда тутади.

— Лойиҳада ўтиш иқтисодиётида кичик ва ўрта бизнес соҳасидаги, маркетинг ва экспорт, бухгалтерия ҳисоби ва молия бўйича материалларни ишлаб чиқиши ҳам назардан четда қолдирмайди.

— ТДИУ менежерларни тайёрлаш Бавария Маркази (Шарқ-Фарб ОВЦ Бавария) билан биргаликда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш соҳасида университет профессор-ўқитувчиларининг малакасини ошириш борасида лойиҳани бошлаб юборди. Бу лойиҳа Бавария иқтисодиёти ва давлат дотациялари билан молиялаштирилади.

1999 йили ТДИУ ихтисослашган олий бизнес мактаби сифатида Англияning Ноттингем Трент университети билан биргаликда «Экологик менежмент» лойиҳаси бўйича 55000 АҚШ доллари ҳажмида грант олишга эришди.

ЛСА (Япония) билан истиқболдаги ҳамкорлик учун ТДИУ талабаларига япон тилини ўргатишни хоҳловчиларни таклиф этади.

ЖЕС билан «Чет тиллар» кафедраси биргаликда ва Японияning Тошкентдаги элчихонаси ҳамкорлигига ТДИУда 70000 АҚШ доллари ҳажмидаги энг замонавий техникалар билан жиҳозланган япон тилини ўрганиш Марказини ташкил қилиш учун грант олишга буюртманома бердилар.

Университетда профессорлар билим ва тажрибаларини көнгайтиришда АҚШ, Европа ва Осиёнинг етакчи олий ўқув юртларидан профессорларни таклиф этиш билан бир қаторда, турли хил иқтисодий фанлар, жумладан, банк иши, менежмент, микро ва макроиқтисодиёт ва молия бўйича малака ошириш курслари ташкил этилмоқда.

Нью-Йорк Давлат университети томонидан Нью Пальцда Твиннинг дастурларини амалга ошириш ва узоқ муддатли ҳамкорлик доирасидаги малака ошириш марказини ташкил этиш ишлари давом этмоқда.

Тошкент Давлат иқтисодиёт университети профессор-үқитувчилар таркиби Нью Палыцдаги Нью-Йорк университетини ўқув режалари асосида Твиннинг дастурлари учун ўқув режалари ишлаб чиқилмоқда.

1991—1999 йилларда университет томонидан АҚШ-нинг етакчи университетлари билан ҳамкорлик тұғрисида шартномалар имзоланды. Жумладан, Марказий Мичиган университети, Эмори университети, Дубук, Иллинойс, Нью-Йорк Давлат университетлари билан Нью Палыцда Твиннинг дастурлари, малака ошириш марказини ташкил этиш бўйича ва узоқ муддатли ҳамкорлик бўйича эса Ноттингем Трент Университети, Ридинг университети, Анебах, Нюньберг университетлари, Олий Бремен мактаби (Германия) билан; Брест Олий мактаби, Турск университети (Франция), Тохоку ва Токошооку, Хитотсубаши ва Токио университетлари (Япония), шунингдек, Шотландиянинг Эдинбург университети билан «Фрэнчайзинг» дастури бўйича кадрларни тайёрлаш шартномалари имзолаган. Шу билан бир қаторда Жанубий Кореянинг Соган, Малайзиянинг Седая ва Мара университетлари ва Туркиянинг бир қатор етакчи университетлари билан ҳам шартномалар тузилган.

Шундай қилиб, ТДИУда 1991 йилдан бўён хорижга 1000дан ортиқ киши юборилган ва 500 дан ортиқ хорижий университет профессор-үқитувчилари университетимизда машғулот олиб бориш учун таклиф этилган.

Айни пайтда университет Халқаро фаолиятни янада мукаммалаштироқда ва фаол давом эттироқда. Буни турли хил Халқаро ташкилотларга юборилган буортманомалар ҳам тасдиқлайди.

1999 йилда берилган буортманомалар:

— ЮНЕСКО билан Исроил Халқаро Маркази (МАШАВ) ҳамкорлиқда ўтказаётган дастурга берилган, танлов қуйидаги йұналишдаги ўқув курсларида ўтказилади:

- таълим;
- иқтисодий ва молиявий режалаштириш;
- туризм;
- норасмий секторнинг ривожланишида аёлларнинг ўрни;
- агротехнология;
- агробиология;

- тадбиркорликда аёлларнинг ўрни.
- Жаҳон Банкининг иқтисодий тараққиёт институти дастурига берилган, профессорларнинг семинарда қатнашишлари учун қўйидаги йўналишлар бўйича тандлов эълон қилинган:
- иқтисодий ўсиш ва қашшоқликни қисқартиришнинг янги муаммолари;
- макроиқтисодиёт менежменти: сиёсатнинг ҳозирги муаммолари ва янги усуллари;
- глобал интеграция ва савдо;
- давлатларо фискалъ муносабатлар ва маҳаллий молиявий менежмент;
- сармоя олувчанлигидаги ўзгаришлар ва молиявий инқизоз;
- глобал оламда меҳнат
- Венгриянинг Марказий — Европа университети билан якка тартибдаги ва гуруҳ тартибдаги лойиҳалар учун буюртманомалар берилган. Стипендиялар СОРОС фонди томонидан таъминланади.

Шундай қилиб, ТДИУ хорижий мамлакатларнинг олий ўқув юртлари, таълим муассасалари билан ҳамкорликда юқори малакали кадрлар тайёрлаш, малака ошириш борасида Республикамизда ўрганишга лойиқ бўлган алоҳида тажриба ва мавқега эгадир.

## **2. ХОРИЖИЙ ШЕРИКЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЎТКАЗИШ**

Тошкент Давлат иқтисодиёт университети жаҳоннинг етакчи университетлари ва илмий марказлари билан Халқаро илмий алоқаларни ўрнатиш, амалга ошириш ва қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратмоқда.

Университетда энг илғор Халқаро илмий изланишлар тажрибаларига мўлжалланган мутахассис ва профессор-ўқитувчиларни илмий жиҳатдан тайёрлаш, қайта тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш бўйича ҳам кенг қўламли дастур ишлаб чиқилган. Турли хил Халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда илмий изланишлар, анжуманлар, семинарлар ўтказиш учун тӯғридан-тӯғри алоқалар ўрнатиш жараёни фаол ривожланиб бормоқда. Университетда хорижий шериклар билан ҳамкорликда тайёрланган монография, мақола, дарслик, аналитик ва илмий (маъруза) нутқ матнлари, ҳисоботлар шаклидаги илмий тадқиқотларга катта эътибор қаратилмоқда.

ТДИУда илмий изланишлар борасида Халқаро ҳамкорлик күйидаги йұналишлар бүйіча амалга оширилмоқда:

- Ҳамкорлиқдаги илмий-тадқиқот лойиҳаларини үтказиш.
  - Ҳамкорлиқдаги илмий-тадқиқот форумларини үтказиш.
  - Илмий алмашинишлар.
  - Индивидуал грантларни олиш.
  - Илмий сафар ва стажировкалар.
  - Ҳамкорлиқдаги тадқиқот гурұхларини ташкил этиш.
  - Грантларга эга бўлиш учун конкурсларда қатнашиш имконини берувчи консорциумларни ташкил этиш.
  - Хорижий нашриётлардаги нашрлар.
- Ҳамкорлиқдаги тадқиқотлар бүйіча университетнинг ҳамкорларини күйидаги гурӯхларга бўлиш мумкин:
- Халқаро ташкилотлар (Жаҳон Банкининг иқтисодий тараққиёт Институти, Халқаро молиявий корпорация, Жаҳон Банки, ПРООН).
  - Хорижий университетлар ва илмий марказлар.
  - Халқаро ва хорижий фонdlар (Евроосиё, Айрекс, Сасакава, Ниппон, Сорос, Акселс, Машав, Марказий Осиё-Америка тадбиркорликни қўллаб қувватлаш фонди).
  - Нодавлат ташкилотлар.
  - Хорижий компания, корпорация ва фирмалар (қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликларини молиялаштириш бүйіча Япон корпорацияси, «Софреко» француз фирмаси, «Петкис Бута» (Германия) инжиниринг-курилиш компанияси, «Емкат» (Греция), «Проктер энд Гэмбл» ва бошқалар.

— Хорижий олимлар билан индивидуал алоқалар.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, ректорат ва университет профессор-ұқытуvчилари Халқаро хорижий ташкилотлар, ўқув ва илмий марказлари билан илмий соҳаларда ҳам шартнома, шартномаларни тузиш ва тайёрлашда улкан ишларни амалга ошироқдалар.

Тошкент Давлат иқтисодиёт университети АҚШнинг 24 та университетлари билан, Буюк Британиянинг — 4, Германиянинг — 4, Малайзиянинг — 6, Канаданинг — 2 та университетлари билан шартномаларга эга. Шу-

нингдек, Миср, Туркия, Сингапур, Голландия билан ҳам шартномалар тузилган. Университет Менежментни ривожлантириш (САМАН) Марказий-Осиё фонди, Россиянинг бизнес-таълим ассоциацияси (РАВЕ), Марказий ва Шарқий Европа мамлакатлари менежментни ривожлантириш ассоциацияси (СЕЕМАН) аъзоси ҳисобланади. 5 йил ичидаги 343 та университет ўқитувчи ва аспирантлари турли хил дастурлар бўйича хорижда ўқиб қайтдилар. Жумладан, бозор иқтисодиёти; вазиятга кўра таҳдил қилиш ва тадбиқ этиш; молиявий ва банк менежменти; амалий макроиқтисодиёт; макроиқтисодий таҳдил ва иқтисодий сиёсат; менежмент ва маркетинг; корхонани ташкил этиш ва хусусийлаштириш услублари бўйича ўқитиш йўналишларидир. 1994—2000 йилларда ТДИУ хорижий шериклар билан ҳамкорликда 24 та илмий-тадқиқот ишларини бажардилар.

1995 йилда ТДИУ профессор-уқитувчилари Анқара (Туркия) университети билан биргаликда «Туркиянинг бозор иқтисодиёти» монографиясини чоп этдилар, Ўзбекистон Республикаси ФАНИНГ академиги В.В. Ким ва проф. Д. Аҳмедов Жаҳон Банки ва Суэц канали (Suez and University) университети билан ҳамкорликдаги «Пахтачиликни ривожлантиришнинг истиқболлари» лойиҳасида қатнашдилар.

1996 йилда Мюнхен шаҳри FFO институти билан «Европага йўллар» лойиҳаси бошланди. Лойиҳа ҳомийлигига мувофиқ ҳозирда бозор иқтисодиёти бўйича ўзбек тилида дарслик тайёрланмоқда.

Бу йиллар ичидаги ПРООН (PrUNO) учун 8 та маъруза (таклиф ва тадбирлар матни) тайёрлаб берилди:

- «Ўтиш иқтисодиёти тилидаги мамлакатларда қишлоқ меҳнат бозорини шакллантириш ва ривожлантириш муаммолари» (проф. К.Х. Абдураҳманов).
- «Ўзбекистонда меҳнат бозори» (1991—1995 йиллар) (доц. Д. Исамеддинова).
- «Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг даромад ва харажатлари» (1991—1995 йиллар) (доц. Д. Исамеддинова).
- «Ўзбекистонда туризмнинг барқарор ривожланиши» (проф. Т. Тошмуротов).
- «Тижорат банкларининг ҳозирги ҳолати ва уларни яхшилашга йўналтирилган сиёсат» (доц. К. Жўраевва).

- «Ўзбекистон Республикаси молия тизимининг вуждга келиши ва ривожланиши» (доц. К. Жўраева).
- «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети» (Ф. Салихова, катта ўқитувчи).
- «Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини структурали қайта қуришга валюта таъсири» (доц. М. Ф. Ибрагимова).

Евроосиё (Eurasia Foundation) фондидан олинган грантлар ҳисобидан «Ўзбекистон меҳнат ресурсларидан рационал фойдаланиш» монографияси (проф. Н. Хўжаев) ва «Эконометрика» (проф. Т. Ш. Шодиев) ўкув қўлланмаси чоп этилди.

Доц. Р. Масагутова Айрекс фонди (Frex Foundation) ва АҚШ Ахборот Агентлиги (United States information Agency) ёрдамида Сиэтл университетида илмий сафарда бўлиб қайтди. Бу сафар натижалари «Иқтисодчилар учун мўлжалланган масалаларда математика» номли Республикада ягона чоп этилган ўкув қўлланмасида ўз аксини топди.

Университетнинг етакчи профессор-ўқитувчилар гурухи Пахта лойиҳасида қатнашдилар. Жаҳон Банки хорижий ҳамкор сифатида лойиҳада иштирок этди.

Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликларини молиялаштирувчи Япон корпорацияси (FCFFFA) «Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини молиялаштириш ҳолати тўғрисидаги ҳисобот»ни тайёрлаш ташаббускори ҳисобланади.

ТДИУ Япониянинг бир қатор университетлари билан яқин илмий алоқаларни қўллаб-қувватламоқда. Тохоку (Tohoku University) университетида 2 та монография тайёрланди ва чоп этилди: «Марказий Осиё аграр иқтисодиётида ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар» (Ўзбекистон мисолида) (доц. М. Қосимов); «Марказий Осиёда иқтисодий ислоҳотлар ва Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини қайта ташкил этиш» (доц. К. Исломов); Хоккайдо университетида (Hokkido University) — «Ўзбекистон хусусий секторининг ривожланишида иқтисодий ислоҳотлар: имкониятлар, аҳамияти, усуллари, (акад. С. Гуломов, доц. Б. Исломов).

Сасакова фонди (Sasakova Peace Foundation) билан ҳамкорликда 3 та лойиҳа амалда бажарилди — «Ўзбекистонда жануби-шарқий Осиёнинг иқтисодий ривожланган мамлакатлари тажрибаларидан фойдаланиш», «Шимоли-шарқий Осиё мамлакатларининг иқтисодий

ислоҳотлар борасидаги тажрибаси ва ундан Ўзбекистон учун фойдаланиш», «Малайзия тажрибасини ўрганиш Марказий-Осиё ўқув лойиҳаси» (акад. С. Фуломов., поф. Д. Аҳмедов).

1999 йилда Г. В. Плеханов номидаги Россия Иқтисодий академияси билан ҳамкорликда «Экономическая теория» ва «Персонални бошқариш» дарсликлари нашр қилинди (ТДИУ томонидан гуруҳ раҳбари К. Абдураҳмонов). Шуниси эътиборга моликки, ўтказилган тадқиқотлар ҳам назарий ҳам амалий хусусиятга эгадир. Дарслик ва монография материаллари ўқув жараёнида тадқиқот натижаларидан олинган холоса ва тавсияномалар миллий иқтисодиётни қайта тузилиш, аграросаноат мажмуини ислоҳ қилишда фойдаланмоқда.

Университетда, шунингдек, ҳамкорликда конференция, тренинг семинарлар ўтказилмоқда. Бундан ташқари илмий ишлар хорижий нашриётларда чоп этилмоқда.

Охирги 5 йил ичида ТДИУ 66 та турли хилдаги илмий анжуман ва тренинг семинарларини ўтказди. Хорижий ҳамкорлар сифатда Жаҳон Банкининг иқтисодий тараққиёт институти, Халқаро молиявий корпорацияси, «Ноу-Хау» Британия фонди, АҚШнинг Халқаро ривожланиш агентлиги, Буюк Британия, Франция, Германия, Бельгия, Нидерландиянинг етакчи университетлари, ТАСИС, ЕИ, АҚШ коллежлари, АҚШнинг Халқаро юридик университети, АҚШ, Германия, Франция, Истроил элчихоналари ва бошқа ташкилотлар иштирок этдилар.

Университет профессор-ўқитувчилари, шунингдек, хорижда ўтказилган илмий анжуманларда ҳам фаол қатнашмоқдалар. Бу давр ичида Ўзбекистондан ташқарида 100 дан ортиқ илмий маъruzалар ва маълумотлар тайёрланди, шулардан 68 таси узоқ хорижда тайёрланган. Хорижий нашриётларда 6 та монография, 11 та ўқув кўлланма ва 100 га яқин мақола чоп этилган. Мазкур ишлар АҚШ, Белгия, Буюк Британия, Франция, Жанубий Корея, Швейцария, Австрия, Малайзия, Япония, Туркия, Россия, Латвия ва бошқа мамлакатларда бажарилган.

Университет раҳбарияти чет эл инвестицияларини жалб қилиш борасида улкан ишларни амалга ошироғмоқда. 1993 йилда Жаҳон Банкининг иқтисодий тараққиёт институти билан ҳамкорлиги ва ёрдамида ТДИУ-

да Бирлашган Вена институтининг (JVI) худудий Маркази ташкил этилди. Бу Марказни ташкил этишдан мақсад марказий ва шарқий Европада, Осиё ва МДХ мамлакатлари учун давлат ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлашдан иборатдир. Аввал бу мамлакатлар иқтисодиёти марказлашган режалаштиришга таянар эди, ҳозирда эса улар бозор муносабатлари тизимиға ўтмоқдалар. Ўтган ана шу йиллар ичида 748 киши ўқитилди. Улардан 282 таси узоқ муддатли дастур бўйича ўқидилар.

1994 йил ЖБ ИТИ ТДИУда «Бирлашган банк иши ва молия» (JBF) ўкув марказини ташкил этди. Бу марказда Ўзбекистон ва бошқа Марказий Осиё республикаларининг тижорат банклари ходимлари малакасини ошириш ва ўқитиш назарда тутилган. Бу дастур бўйича 1000 га яқин мутахассис ўқитилди.

ЖБ ИТИ университет профессор-ўқитувчиларини ўқитиш ва иккала марказни янги иқтисодий адабиётлар ҳамда замонавий жиҳозлар билан таъминлаш учун 6,0 млн. АҚШ доллари маблағ ажратди. Маблагнинг бир қисми ўтиш жараёнлари муаммолари бўйича илмий тадқиқот ишларини ўtkазишга, илмий адабиёт сотиб олишга ва марказларни тадқиқот базаларини мустаҳкамлашга сарф этилган.

«Ноу-Хау» Британия Фонди бухгалтерия ҳисоби ва аудит бўйича ресурс Марказини ташкил этишга ўзининг улкан ҳиссасини қўшди.

Университет талабаларини хорижда ўқитиш учун FREX, ACCEL АҚШ доллари ва бошқа Халқаро фонд ҳамда ташкилотлардан 2,0 млн. АҚШ долларига яқин маблағ миқдоридаги грантлар олинган.

Университетнинг чет эл адабиётлари бўлими Халқаро китоб алмашиш бўйича Нью-Йорк, Вашингтон, Лондон, Гамбург, Стамбул, Анқара университетлари, Япония билан ҳамкорлик Халқаро Америка Давлатидан иқтисодиёт, сиёsat, мамлакатшунослик, тарих, сиёsatшунослик ва бошқа фанлар муаммоларига бағишиланган китоблар тўплами ҳам олинган. Кутубхона чет эл адабиётлари бўлими фондига САБРЕ фонди 2 комплект (ҳар бири 22 та рақам бўйича) Word Book — Жаҳон энциклопедиясини, PERDCA фонди 10.0 минг АҚШ доллари миқдорида маблағ миқдоридаги 40 комплект, СОРОС фонди 47 номланишдаги 1179 та китобни топширди.

Университетда профессор-ўқитувчилар таркибининг электрон алоқа воситалари ва Интернет тармоғидан фойдаланишини таъминлаш бўйича дастур ишлаб чиқилган. ПЭПЦА (PERDCA) дастури ҳомийлигидаги лойиҳаси воситасида 80 та ўқитувчи 200 та талаба электрон почтадан фойдаланиш имкониятига эга бўлдилар. Деярли барча ҳамкорликда ташкил этилган марказлар Интернет тизимидан фойдаланиш имкониятига оғадир. Бу тадбирлар бизнинг олимларни хорижий олимлар билан шахсий алоқаларининг кенгайишига олиб келади. Шунингдек, жаҳон ахборот тизимлари маълумотлар базасидан фойдаланиш имконияти туғилади. Ана шунинг ўзи ўтказилаётган илмий тадқиқот ишларини аниқлигини ва самарадорлигини оширади.

Университет қўйидаги фонд ва ташкилотларга турили илмий тадбирлар, ишлар ва тадқиқотлар ўтказиш учун грантлар олиш учун 1999 йилда буюрманомалар берди ва улардан ижобий натижаларни олди:

- Иқтисодий назария ва маркетингни ўқитиш услублари бўйича семинар ўтказиш учун СОРОС фондидан 20,0 минг АҚШ доллари.
- Евроосиё фондидан бозор иқтисодиёти тематикиси бўйича 3 та семинар ўтказиш учун — 100,0 минг АҚШ доллари.
- Япония Ниппон фондидан ҳамкорликда илмий тадқиқот ишларини ўтказиш учун 2 та грант ҳар бири 30,0 минг АҚШ доллари.
- АҚШ Ахборот Агентлигидан Нью Пальцдаги Нью-Йорк Давлат университети билан бирга 2+2 ҳамкорликдаги твиннинг дастурини яратиш учун — 500,0 минг АҚШ доллари.
- Европа ҳамжамиятидан ТЕМПУС дастури доирасида IROTAS ихчам лойиҳаси бўйича Халқаро алоқалар бўлими сифатида Милан политехника университети, Италия, FRACE LA Cambre Бельгия билан ҳамкорликда замонавий техника, алоқа тизими билан жиҳозлаш, шунингдек Интернет тармоғига улаш, Халқаро фаолият олиб бориш тажрибалари билан алмасиши, бўлим ходимларининг малакасини ошириш учун — 300,0 минг АҚШ доллари.

- Европа ҳамжамиятидан ТЕМПУС дастури доирасидаги МАТАДОР «Тадбиркорларни менежментга ўқитиш» Европа ҳамкорликдаги лойиҳаси бўйича — 12000 минг ЭКЮ.

• Ноттингем Трент Университетидан «Экологик менежмент» лойиҳасини тадбиқ этиш учун — 55,0 минг АҚШ доллары.

• «Машав» Истроил фондидан, маркетинг ва менежмент бўйича маъруза ўқиш учун 2 та профессор сафарини молиялаштириш учун маблағ ажратилди.

Профессор-ўқитувчи ва талабаларнинг Халқаро дастур ва лойиҳаларда иштирок этишлари олинган замонавий таълим технологиялари ва ахборотлардан ўқув жараёнида фойдаланиш, ўқув, илмий ва услубий материалларни тайёрлаш, профессор-ўқитувчилар таркибининг профессионаллик даражасини ошириш, илмий тадқиқот, Халқаро аудитория университети, хорижий нашриётлардаги чоп этилаётган профессор-ўқитувчилар илмий ишларининг натижалари ва ахборотлар билан алмашиш имкониятини беради. Чет эл инвестицияларини жалб қилиш университет моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, жумладан кутубхона фондини бойитиш, компьютерлар билан замонавий алоқа воситалари ҳамда бошқа орттехника воситалари билан таъминлаш имконини беради. Буларнинг ҳаммаси университетнинг илмий салоҳиятини мустаҳкамлаш, ўтказилаётган илмий тадқиқот ишларини сифатини оширишга ёрдам беради, бу эса ўз навбатида миллий иқтисодиёт учун мутахассисларни тайёрлаш даражасига ўз ижобий таъсирини кўрсатади.

### 3. МАҲОРАТ ВА ЮКСАЛИШ МАКТАБИ

Мустақиллик йилларида университет ҳаётининг ҳамма соҳаларида тубдан бурилиш ясалмоқда. Республикализ Президенти Ислом Каримовнинг хайриҳоҳлиги ва ташаббуси билан ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялаш давлат ишининг устувор сиёсатларидан бири мақомига қўтарилиди. Бу ишни юқори савияда амалга ошириш профессор-ўқитувчиларнинг илмий, маънавий ва маданий юксаклик даражалари билан белгиланади. Шундай экан, тарбиячиларнинг ўзлари замон билан ҳамнафас бўлишлари, доимо ўз малакаларини ошириб боришлари лозим.

Бунинг учун Республикамизда қулай шарт-шароитлар ва имкониятлар мавжуд. Тармоқ вазирликлари ўз ходимларининг малака савиясини ошириш мақсадида

махсус малака ошириш институтлари ташкил этган. Кўпгина соҳаларда малака ошириш бўйича консалтинг марказлари, лабораториялари, гурӯхлари ва бошқалар ишлаб турибди. Президентимизнинг саъй-ҳаракатлари билан кўплаб ёшлар ва мутахассислар ўз билимларини ошириш учун чет элларга юборилмоқдалар.

ТДИУ қошидаги малака ошириш институти эса ана шулар жумласидандир. Бу институтнинг асосий мақсади шу соҳа фаолияти мутахассисларининг касбий билимлари ва кўнижмаларини янгилаш ҳамда чукурлаштиришга қаратилган. Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш таълим муассасаларидағи ўқиши натижаларига кўра давлат томонидан тасдиқланган намунаидаги гувоҳнома ёки сертификат топширилади.

Институт Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йилнинг 3 декабрдаги 567-рақамли Қарори ва Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 1992 йилнинг 20 декабрдаги 302 рақамли буйруғи билан профессор-ўқитувчилар ва иқтисодиёт соҳаси ходимлари малакасини ошириш институти сифатида ташкил этилган, кейинчалик 1994 йилнинг 5 январидаги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 99-01-44 рақамли буйруғига мувофиқ ТДИУ қошидаги Иқтисодиёт, бизнес ва мутахассислар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институти номи билан аталадиган бўлди.

Институтнинг асосий вазифаси таълимнинг янгиояларини ва усусларини вужудга келтириш ва бу билимларни кенг педагоглар ва профессор-ўқитувчилар қатламига етказиш ва бозор тафаккури малакаси имкониятларини яратиш ҳамда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни амалга ошириш, мутахассисларда миллийояни шакллантириш ҳисобланади.

Узлуксиз таълим тизимида кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлашнинг асосий вазифалари қуидагилар ҳисобланади:

- профессор-ўқитувчиларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш жараёнини ҳаётга тадбик этиш учун янгиояларни, усусларини, педагогик малакаларни ва ахборот технологиясини вужудга келтириш;

- юқори ва ўрта бўғин корхона раҳбарлари, халқхўжалиги мутахассислари ҳамда олий ва ўрта махсус

таълими профессор-ўқитувчиларининг иқтисодий билимларини мунтазам ошириб бориш;

— бозор иқтисодиёти муаммолари бўйича олий ўкув юртлари техникумлар, коллежлар, бизнес-мактаблар, солиқ ва божхона хизмати ходимлари учун ўкув режалари ва дастурларни ишлаб чиқиш;

— вазирликлар, муассасалар, бирлашмалар ва давлат сектори корхоналари раҳбарлари ва мутахассислари учун бозор иқтисодиёти, асослари, менежмент, маркетинг, бухгалтерия ҳисоби, аудитдан чуқурлаштирилган билим беришни ташкил этиш;

— Ўзбекистон Республикаси кичик ва ўрта бизнес раҳбарлари ва мутахассислари, солиқ ва божхона хизмати ходимларининг малакасини оширишда иштирок этиш;

— Жаҳон банкини иқтисодий ривожлантириш институти ўкув-услубий материаллари ва профессор-ўқитувчилар таркиби, ТАСИС дастури, «Евразия» жамгармаси, солиқ, божхона, молия, бозор фонди ва бошқа Халқаро институтларни жалб этиш билан бозор иқтисодиёти, компьютер технологияси ва ташки иқтисодий фаолият бўйича ўрта бўғин бошқарув раҳбарларини қайта тайёрлаш;

— проректорлар, деканлар, кафедра мудирлари ва олий ўкув юртлари, ўрта ва умумтаълим ўкув юртлари профессор-ўқитувчиларининг олий педагогик маҳорат асослари, технологик ахборот таълими, компьютер саводхонлиги бўйича малакасини ошириш;

— илмий-услубий ишланмалар ва ўкув кўлланмалии тайёрлаш ва нашр этиш, вилоятларда қисқа муддатли семинарлар ташкил этиш;

— молия-иқтисодиёт институтлари, солиқ ва божхизмати қўмиталари, давлат бошқарув органлари ходимлари кичик ва ўрта бизнес вакилларининг иккинчи ихтинослик бўйича ўқишларини ташкил этиш;

— шартнома асосида ташкилот ва муассасалар буюртмасига кўра қисқа муддатли Халқаро ва Республика семинарларини ташкил этиш.

Институт ТАСИС дастури бўйича 120 млн. АҚШ долларли грант ютган ва шу туфайли 35 етакчи профессорлари 1998 йили Италияга бориб малакасини ошириб келишган.

Ундан ташқари институт Евроосиё грантини ютиб 37 минг АҚШ дол. олинди ва улар 24 мингги институт

жихозларига сарф этилди, 6 минг доллариға адабиётлар сотиб олинди, 7 минг дол. Республикада кичик ва ўрта бизнес бўйича ўтказилган семинарларга сарфланди.

Кишиги таътил вақтида Тошкент шаҳар олий ўқув юртлари бўйича ҳар йили семинарлар ўтказилади. Институтда профессор-ўқитувчиларни институт ректори проф. Г. Н. Охунова бошчилигига иккита илмий тўплами чоп этилди. Г. Н. Охунова, Т. Ш. Шодиев, А. Т. Шермуҳамедов каби профессорлари ЮНЕСКО ташкил этган илмий анжумандада қатнашдилар.

Институт педагоглар, халқ хўжалиги мутахассисларининг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш муаммоларига мажмуа ёндашувини амалга оширади. Шу мақсадда бу ишга иқтисодий таълим соҳасидаги тажрибалар — бизнес ўқиш, Халқаро лидерлар томонидан тан олинган илфор технология ва замонавий ўқув дастурлари жалб этилади. Бу борадаги устувор йўналишлар:

— АҚШ, Германия, Япония, Франция, Англия каби мамлакатларнинг пешқадам иқтисодий марказларида қайта тайёргарликдан, стажировкадан ўтган Республикамизнинг энг яхши профессор-ўқитувчилари ўқув жараёнига жалб этилади;

— Марказнинг бор куч-ғайратини минтақаларга, асосий хўжалик обьектларига бориб, сайёр семинарлар ўтказишга қаратиш ва вилоятлардаги ўқув-маслаҳат масканларининг имкониятларини ишга солиш;

— мамлакатимизнинг етакчи иқтисодиёт муассасалари (Молий вазирлиги, Божхона хизмати қўмитаси, Марказий банк, Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Давлат мулк қўмитаси) ва бошқа бошқарув органлари билан яқиндан алоқа боғлаш.

Институтнинг ўқув ва таълим фаолияти Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иктисодий сиёсати талабларини ҳисобга олган ҳолда Тошкент Давлат иқтисодиёт университетининг ўз бўлинмалари ва кафедралари томонидан ишлаб чиқилган ўқув режалари ва дастурлари, «Кадрлар тайёrlашнинг миллий дастури», шунингдек бозор иқтисодиёти соҳасидаги Халқаро таълим стандартлари асосида барпо этилади.

Ўқув режаларининг тузилиши, мазмуни ва устуворлиги тингловчиларнинг мақсадлари, характеристири ва ихтиносслиги, шунингдек, уларнинг маълумоти ва касбий малака савияси билан боғлиқ.

Үқув, таълимий ва касб-хунар дастурлари буюртма-чининг талабига, шунингдек, тегишли тоифадаги тингловчиларнинг тайёрлаш хусусиятини ҳисобга олган ҳолда Давлат таълим стандартига биноан институт томонидан мустақил равишда ишлаб чиқилади.

Тингловчиларни ўқитиши соҳани ва минтақавий хусусиятларни ҳисобга олган маҳсус ва факультатив курслар заминида ўтказилади. Малака ошириш табақалаштирилган ҳолда гуруҳларга бўлинниб ўюштирилади:

**Биринчи гуруҳ** — жадаллашган гуруҳ, бунда аксарият тажрибали мутахассислар бўлиб бир ой мобайнида ўқийдилар. Бу гуруҳда тингловчилар ҳафтада бир кун маъруза эшитадилар, қолган кунлари бошқа турдаги таълим билан машғул бўладилар: етакчи олимларнинг видеофильмлари намойиш қилинади, Халқаро тажриба ўрганилади (хорижий тилларда). Ўқиши жараёнида бу гуруҳ тингловчилари икки асосий вазифани ҳал этишлари лозим:

— маъруза дарсларини ўқиши, маслаҳат ўтказиш, консалтинг хизматларини бажариш;

— интернет ўқувидан фойдаланиш.

**Ўқиши** назорат қилиш шакллари:

- профессор ва доцентларга — видеофильмга олиш учун бир маъруза матнини тайёрлаш;

- мутахассисга — бизнес-режанинг бир бўлимини ёзиш.

**Иккинчи гуруҳ** — ўртача малакага эга бўлган педагоглар бир ой муддат ўқийдилар. Маъруза дарслари ихтисослик бўйича ҳафтасига уч кун ўтказилади, қолган кунлари етакчи профессорларнинг маъruzalарини тингловчилаш, маслаҳат гуруҳларига қатнашиш, тингловчиларнинг синов дарсларини ўтказиш, турли компанияларга бориб, уларнинг фаолиятидаги ютуқ ва камчиликларни аниқлаш, амалий инглиз тилини ўрганиш, тест ишларини ўрганиш билан банд бўладилар. Ўқув жараёнини назорат қилиш битириш, тест ишлари ёзиш синов маъruzalари орқали амалга оширилади.

**Учинчи гуруҳ** — яқинда ўқитувчиликни бошлаганлар учун бўлиб, ўқиши муддати бир-икки ой. Маъруза дарслари ҳафтада тўрт кун (таксминан бир кунда икки пар), қолган кунлари етакчи профессорлар дарсларига қатнашиш билан ўтади, фирма ва компаниялар фаолиятлари билан танишув. Ўқиши жараёнини назорат

қилиш шакли тингловчилар томонидан реферат (бити-рув иши) ёзиш ва профессор-ўқитувчилар учун маъруза матнини тайёрлаш ҳисобланади.

**Тўртинчи гурӯҳ** — ўрта мактаблар, коллежлар, педагогик университетлар ўқитувчилари бўлиб, ўқиш муддати бир ой. Ўқиш турт блок бўйича олиб борилади: бозор иқтисодиёти, маркетинг, менежмент ва бизнес (ҳар бир блок бир ҳафтадан). Ўқиш битирув ишининг ҳимояси билан якунланади.

**Бешинч гурӯҳ** — проректорлар, факультет деканлари маҳсус ўкув режаси бўйича бир ҳафта мобайнида ўқийдилар.

**Олтинч гурӯҳ** — кафедра мудирлари бўлиб, икки ҳафта мобайнида ўқийдилар.

Қайта тайёргарлик ва малака оширишдан ўтган ва тўлиқ курсини муваффақиятли бажарган барча тингловчиларга ўқиш муддатига қараб белгиланган тартибда хужжат берилади, маълумотномалар (бир-икки ҳафталик ўқиш), сертификатлар (бир-икки ойлик ўқиш).

Шу билан бирга сертификат олганларга:

- уч йил муддатга малака оширишдан ўтганлик;
- қўшимча иш ҳақи олиш (таълимга хизмати синг-ган профессор ва доцентларга), хуқуқи берилади.

Малака оширишда корхона, муассаса, якка тартибдаги шахсларнинг эҳтиёжини ўрганиш мухим аҳамиятга эга. Бу иш институтда маҳсус ташкил қилинган маркетинг бўлимига юқлатилган.

Бу бўлим бозор талабидан келиб чиқиб, ташкилотлар, муассасалар ва аҳолининг мутахассисларни қайта тайёрлаш хизматига бўлган эҳтиёжини қондиришни амалга оширади.

**Бўлимнинг асосий вазифалари:**

— реклама, ноширлик фаолияти ишланмаларини ташкил этиш ва уни ўтказишни институт ва унинг фаолият кўрсатадиган жабҳалари ҳақида проспект букламиа рекламаларни чиқариш;

— малака оширишга эҳтиёжи бўлган педагогларни аниқлаш, малака ошириш шакли ва муддатларини белгилаш;

— малака ошириш институтидаги педагогик фаолиятга танлов асосида жалб этиш учун Республика лекторлари, йирик олимлар ва мутахассисларни рейтинг асосида ўрганиш;

— малака ошириш институти кафедраларининг янги ўкув режалар, дастурлар, слайдлар, компьютер дарслари ва ўкув-методик материалларига бўлган эҳтиёжи ни ўрганиш;

— ташкилотлар, муассасалар ва аҳолининг истиқболда педагоглар ва мутахассислар малакасини оширишга бўлган эҳтиёжини олдиндан айтиб бериш.

Институтда ўқитишиш ишларини Ўзбекистон Республикасининг етакчи олимлари ва мутахассислари олиб борадилар. Институт ўқитувчиларининг аксарият қисми АҚШ, Германия, Англия, Япония каби мамлакатларнинг илфор ўкув юртларида қайта тайёргарликдан ва стажировкадан ўтиб келганлардир.

Ўқитувчилик ишига олий мактабларнинг тажрибали олимлари ва ходимлари билан бир қаторда Ўзбекистоннинг вазирликлар ва муассасаларининг етакчи мутахассислари — амалий иш пешвозлари, шунингдек, хорижий мамлакат олимлари ва мутахассислари жалб этилади. Профессор-ўқитувчиларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш ўриндошлик йўли билан ёки соатбай тарзда бўлади.

Институтни маблағ билан таъминлаш манбаи Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисидаги» қонунининг 32-моддасига мувофиқ амалга оширилади. Узлуксиз иқтисодий таълим ишини маблағ билан таъминлашнинг ташкилий-иқтисодий механизми бозор иқтисодиёти тараққиёти билан боғлиқ меҳнат бозори ривожини, ривожланган мамлакатлар тажрибасидан фойдаланган ҳолда таълим берадиган ўкув юрти билан давлат ўртасидаги иқтисодий муносабатларнинг ўзгаришларини ҳисобга олиши лозим.


Янги бозор шароитида таълимни маблағ билан таъминлаш инвестициялаш тамойилида:

- давлат бюджети;
- шартнома асосида кадрларга буюртма берган корхоналар ва муассасалар маблағи;
- бир қисм тингловчиларнинг маблағи;
- хусусий маблағ таъминоти;
- банклар кредити;
- тижорат ва ташқи иқтисодий фаолият даромадлари;
- хайрия жамғармалари, ҳомийлар, мулкчилик шакли, турли субъектлар, хусусий шахслар эҳсонлари ва бошқалар ҳисобидан амалга оширилади.

Хорижий мамлакатлар билан иқтисодий алоқалар-нинг кенгайиб бориши, жаҳон иқтисодий ҳамжамиятидаги интеграция Ўзбекистонда иқтисодий таълим ва унинг барча соҳаларини қамраб олди ва фаоллаштириди. Бу Тошкент Давлат иқтисодиёт университетининг мамлака ошириш институти фаолиятига ҳам таъсир этди (I-чизма). Бу бошқа мамлакатлардаги билимни оширадиган тизим билан идентификациялашни, уларнинг таълим соҳасидаги кўп йиллик тажрибаларидан фойдаланишни тақозо қиласди.

I-чизма.

#### Институтнинг ҳамкорлик ва ижодий алоқалари тузилмаси.



## IV б о б. Истиқбол сари

### 1. ИҚТИСОДИЁТ ГИМНАЗИЯСИ – ИҚТИСОДИЙ ТАЪЛИМНИНГ БОШЛАНФИЧ МАСКАНИ

Ҳар бир мамлакат, қолаверса оила, ўз келажагини ёшларда кўради. Билимли, ўкувли, соғлом ва камолотга етган авлод оила ва давлат пойдеворидир. Илмли ёшлар – Ватан қаноти. Ҳур диёримизни дунёга таниладиган, уни буюк давлатга айлантирадиган ҳам ёшлардир. Шунинг учун ҳам ёшлар тарбиясига бўлган эътибор давлатимизнинг, шахсан Президентимизнинг «Ўзбекистон болалари, ёшлари – менинг болаларим, биз уларни ҳеч кимга бермаймиз, ўзимиз тарбия қиласиз», деган сўзлари ҳар бир юртдошимизнинг қалбидан чукур ўрин олди.

«Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»га асосан мамлакат таълим тизими замонавий талабларга мослаб ислоҳ қилиниб, янги ўкув шакллари, янгича ёндашувлар, услублар жорий қилинмоқда. Таълим тизимида гимназиялар, академик лицейлар, касб-хунар колледжлари, у ёки бу фанга йўналтирилган синфлар, бизнес мактаблари, институт ва университетлар фаолият кўрсатмоқда. Бу илм даргоҳидаги ёшлар ўз фаолиятларини жаҳон андозалари талабларидан келиб чиқиб ташкил қиласилар, ҳаётларининг мазмунли бўлишига ҳаракат қиласилар. Зоро, бугун таълим-тарбия олаётган баркамол авлод эртанги фаровон ҳаёт қурувчиси демакдир.

Ўзбекистон Республикаси узлуксиз таълим тизими Миллий моделини амалга оширишни таъминлаш мақсадида Тошкент Давлат иқтисодиётуниверситети қошида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 1997 йил 18 август 213-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Халқ таълим вазирлигининг 1997 йил 18 августдаги 168-сонли «Олий ўкув юртлари қошида лицей ва гимназиялар очиш ҳақида»ги қўшма буйруғи асосида Иқтисодиёт гимназияси очилган. Шу билан бирга ТДИУ қошида Академик лицей, Иқтисо-

диёт коллеки, Олий бизнес мактаби ҳам ёшларимизга билим бермоқда.

Гимназия ўқувчилари бошқа ўкув масканлари: Дипломатия институти, Миллий университет, ТДТУ қошидаги гимназиялар ўқувчилари билан алоқалар боғланлар.

Профессор-ўқитувчилар ўкув ва тарбиявий муаммолар бўйича Республика Таълим маркази, Педагогика университети, Жаҳон тиллари университети, Миллий университетларнинг мос кафедралари ва Т. Н. Қори-Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий тадқиқот институти билан мустаҳкам илмий, илмий-методик соҳаларида биргаликда режалар тузиниб уларни ўкув жараёнига тадбиқ этмоқдалар, янги ўкув дарслеклари, кўлланмалар яратмоқдалар. Математикадан 6,7-синфлар учун чоп қилинган дарслеклар бошқа тилларга (рус, туркман, қорақалпоқ, тоҷик, қозоқ, қирғиз) таржима қилинган.

Иқтисодиёт гимназияси университет қошидаги академик лицей учун ўқувчилар тайёрлайди. Гимназия фаолияти университет ҳамда Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг доимо дикқат марказида турибди.

Гимназиянинг Иқтисодиёт университети қошида ташкил этилишидан асосий мақсад:

- I. Университетнинг бой имкониятлари, кутубхонаси, ҳисоблаш техникаси, спорт майдонлари, тамаддиҳоналар ва малакали профессор-ўқитувчиларидан самарали фойдаланиш;
- II. Узлуксиз таълимни таъминлаш борасида ўрта босқич (5—9 синфлар)да фанларни чуқурлаштирилган тарзда ўқитиб, ўқувчиларнинг Иқтисодиёт лицейига ўтишларини тайёрлаш;
- III. Ўқувчиларнинг талабалар, профессор-ўқитувчилар орасидаги муҳитда тарбияланиши улар маънавиятининг юқори даражада бўлишини амалий тарзда таъминлайди.

Гимназияда 10 дан ортиқ фан номзоди, доцентлар фаолият кўрсатишмоқда. Улар ичида Республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи, халқ таълими аълочилари, олий тоифали педагоглар бор.

Гимназияда математика, инглиз тили ва информатика фанлари чуқурлаштирилган дастур асосида ўқитилади. Ўқитиши жараёнида ўқувчиларнинг математикани амалиётга, иқтисодиётга тадбиқ этишларига ўрин бе-

рилган. «Иқтисодиёт асослари» ўқув фани гимназияда инглиз тилида ўтилади. Математиканинг айрим бобларини инглиз тилида ўтиш режалаштирилган. Таълим жараёнига янги педагогик технологияни киритиш, машғулотларни ранг-баранг, жўшқин, юқори савиядага ўтказиш учун ҳам саъй ҳаракатлар қилинмоқда.

Ўқувчиларда миллий фуур, истиқдол мафкурасини шакллантириш, уларни эркин, мустақил фикрловчи шахс қилиб тарбиялаш борасида сезиларли натижаларга эришилди.

ИНСОН ўқувчилари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий Марказ директори А. Сайдов, ОМБУДСМАН бўйича Олий Мажлис вакили С. Ш. Рашидова билан Олий Мажлис биносида бўлиб ўтган учрашув ва суҳбатлар ўқувчи ва муаллимларда чукур таассурот қолдирди.

Гимназия ўқувчиларининг олимлар, дин арбоблари, шоирлар, санъаткорлар билан учрашувлари, бевосита мулоқотлари ўз ижобий самарасини беради, албатта.

Ўқувчи ёшларнинг ақлан ва жисмонан соғлом ҳамда маънавий жиҳатдан етук инсон бўлиб етишишларида тўғри ташкил этилган таълим ва тарбия муҳитининг ўрни бекёёс эканлиги равшан. Гимназияда ана шундай муҳит яратилган.

Муаллимлар танлов асосида, директор хузурида тузилган маҳсус ҳайъат тавсияси билан ишга олинадилар. Улар гимназия, лицейларда дарс бериш хуқуқини берувчи тайёрлов курсларидан ўтишган. Деярли барча муаллимлар дарсликлар, ўқув кўлланмалар, илмий-методик мақолалар, ишланмалар ва тавсиялар муаллифларидир.

Хорижий мамлакатлардаги мос ўқув жараёни билан яқиндан танишиш мақсадида муаллимларимизнинг Англия, Малайзияга илмий-педагогик хизмат сафарлари самарали ўтди. Олинган тажриба гимназияда замонавий компьютер хонаси ўқув жараёнига тадбиқ этилди. Шу билан бирга, ўқувчиларимиз университетнинг ҳам компьютер синкларидан унумли фойдаланишади.

Гимназия ўқувчиларини согломлаштириш, спортта жалб қилиш борасида ҳам сезиларли натижаларга эгамиз. Анъанавий футбол, тенис мусобақалари кўпчилик муаллимларга ҳам манзур бўлди. Гимназиянинг 10

га яқин үқувчиси спортнинг гимнастика, шарқона кураш усуллари бүйича нуфузли танловлар, мусобақаларда совриндор үринларни эгаллаганлар.

Гимназияда ҳозирда 6, 7, 8, 9 синфлар мавжуд бўлиб, уларда 550 үқувчи билим олмоқда. Математика, инглиз тили дарсларида синфлар гуруҳларга бўлиб ўқитиляпти. Үқувчилар учун уюштирилган қўшимча дарслар яхши натижалар бермоқда.

Гимназия маъмурияти ота-оналар қўмитаси билан доимо ҳамкорликда ишлайди. Зеро, ўспирин ёшларнинг тарбиясида ўзига хослик бор. Истеъодли, иқтидорли ёшлар, одатдаги тенгкурларидан, ўз психологияси, масалага ёндошиш билан фарқ қиласди. Табиийки, гимназиянинг ҳам ўз муаммолари, олдига қўйган талайгина режалари бор. Муаммонинг энг муҳими гимназия үқув корпусини кенгайтириш, синф хоналарини замонавий үқув анжомлари, синф тахталари, ўқитишнинг техник воситалари билан таъминлашдир.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни амалга оширишда Республика учун мутлоқ янги типда очилаётган гимназия фаолияти алоҳида аҳамият касб этади. Буни бизнинг үқув масканимиз мисолида яққол кўришимиз мумкин.

Гимназияда мунтазам равишда маҳсус йиғилишлар ўтказиб турилади. Уларда профессор-ўқитувчилар ва ота-оналар ҳам қатнашиб, үқувчиларга фойдали маслаҳатлар, йўл-йўриқлар бериб борадилар.

Гимназияда үқувчиларнинг ижодий фаолиятини ошириш мақсадида турли тўгараклар, шу жумладан, бадиий-ижодий тўгарак ташкил этилиши кўзда тутилмоқда.

Ўқувчиларнинг бир хил шаклда киритишлирага, қатъий тартиб-интизомга риоя қилишлирага ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Шу мақсадда ўқитувчи ва ўқувчилардан иборат навбатчилар гуруҳи маъмурият кўрсатмаси асосида фаолият кўрсатмоқда.

Гимназияда үқувчиларнинг ўз-ўзини бошқариш асосида ташаббускорлик сифатларини ҳосил этишга аҳамият берилмоқда.

Президентимизнинг «Фарзандларимиз биздан ҳам қўра ақлли, доно, мард, жасур ва албатта, баҳтили бўлишлари шарт!», деган даъвати Иқтисодиёт университети қошидаги Гимназия фаолиятининг асосий шиорига айланган.

## **2. АКАДЕМИК ИҚТИСОДИЙ ЛИЦЕЙ – МУСТАҚИЛЛИК МЕВАСИ**

Президентимиз И. А. Каримовнинг Олий Мажлис минбаридан туриб сўзлаган «Баркамол авлод – Ўзбекистон келажагининг пойдевори» нутқи ва ушбу сессияда қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миљий дастури»ни ҳаётга тадбиқ этиш бўйича қабул қилинган қарорларни амалга ошириш борасида барча олий ўқув юртлари қатори ТДИУ қошидаги Чилонзор академик лицейи жамоаси олдига ҳам жаҳон андозаларига жавоб берадиган, барча олий ўқув юртлари талабига мос, етук, ривожланган иқтисодиётни тўла тушуна оладиган ва уни тўлиқ ҳис этадиган, қобилиятли, билимли, илм-фан сирларини мукаммал биладиган, ўз олдига қўйилган мақсадга эриша оладиган талабаларни тайёрлаш вазифаси қўйилди.

Мустақил Республика из Ҳалқ таълими тизимида лицейларга кенг ўрин берилиши, биринчидан, давр талаби бўлса, иккинчидан эса ижтимоий ҳаёт тарзи сифатида содир этилмоқда.

Республикамиз таълим раҳбарияти иқтидорли талабаларни танлаб ўқитиш зарурияти аллақачон этилган лигини исботлаб берди. Бу эса Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш, қисқа вақт ичидаги бошқа мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқиб, уларнинг ижобий тажрибасига таяниб, маънавиятимизни келажак авлодларимизга етказадиган етук кадрлар тайёрлашга ёрдам беради. Аммо ҳар томонлама давр талабига жавоб берадиган бундай ёшлар, асосан лицейларда таълим олиб, тарбияланиши лозимлигини Президентимиз И. А. Каримов 2000 йилнинг 23 январидаги олий ўқув юрти раҳбариятлари билан бўлган учрашувларида очиқ-ойдин таъкидлаб ўтдилар. Шу мақсадда Республика Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ҳамда Ҳалқ таълими вазирлиги қўшма мажлисида 1992 йил 26 ноябрдаги 42-сонли қарори ва ТДИУ ректорининг шахсан ташаббуси билан таъсис этилган ушбу академик лицейнинг маҳсус иқтисослашган ихтисодий ўналишдаги таълим масканига айланишида барча профессор-ўқитувчиларининг муносаб улушни борлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Иқтисодиёт университети қошида ташкил топган –

иктисодиёт лицейи фаолияти ёшлар таълими соҳасида янги туб бурилиш ясашда ўрнак бўлмоқда.

Умуман 1999—2000 ўкув йилида Республикаиздаги мавжуд барча олий ўкув юртларида таълим олаётган талабаларининг 70% дан ортигини лицейлар битирувчилари ташкил этган. Бу кўрсатгич бизнинг лицейда 1998—1999 ўкув йилида 92%ни, 1999—2000 ўкув йилида эса 94,2% ни ташкил этди.

Мазкур лицейда Тошкент Давлат иқтисодиёт университети ва бошқа ўкув масканларидан 26 та профессор ва ўқитувчилар ўриндошлиқ асосида ишлайдилар. Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг таркибий қисми бўлган узлуксиз таълим тизимига киритилган янги академик лицейга ўтиш учун барча омиллар мавжудлиги ва бугун эса бу йўлда ҳеч қандай иккиланиш бўлиши мумкин эмаслиги тўла-тўкис исбот этилди.

Республикада Академик лицейларнинг ўқувчилари ни қизиқиши ва уларнинг қобилиятлари кенг қамровли ихтисослашган ўқитишни талаб этади. Академик лицейларда бўлажак талабалар ўзлари мустақил танлаган йўналиши бўйича билимларини оширадилар, конкрет фанлар асосида чуқур мукаммал билимга эга бўладилар.

Бугунги кунда лицейда ҳаммаси бўлиб 70 та профессор ва ўқитувчилар бўлиб, булардан 26 таси ўриндошлиқ асосида фаолият кўрсатади. 6 та фан доктори, 18 та фан номзодлари, 6 та халқ маорифи аълочиси, 46 та олий тоифали, 29 та биринчи тоифали профессор-ўқитувчилар жамоаси — 660 нафар талабаларга сабоқ бермоқдалар. Улар 16 синфга тақсимланган бўлиб, 6 та кафедра ўкув ва таълим тизимига бевосита ёрдам беради. 6 та инглиз тили хоналари, 2 та компьютер хонаси мавжуд. 2-курсда 299 та талабалар ўқишмоқда. Бу йил 1-курсга 100 та талаба қабул қилинди.

Лицейни ҳар томонлама юксалтириш ва ривожлантириш, давр талабига жавоб берадиган, уни академик лицей номига мос ва хос бўлиши учун яна нималарга кўпроқ эътибор берилиши ҳозирги шароитда бош масала қилиб қўйилмоқда.

Биринчидан, ўкув режалари ва ўкув дарс турлари ни тубдан қайта режалаштириш, мукаммал суръатда таҳдил этилиб, уни мумкин қадар янгилашдан иборат.

Иккинчидан, айниқса, лицейлар учун миллий дастур талабларига тўлиқ жавоб берадиган дарслерлар ва ўкув қўлланмалари, методик кўрсатмалар, шунингдек,

ўқув техник жиҳозлар ҳамда энг муҳими компьютерлашган синфлар бўлиши шартдир.

Учинчидан, лицейларда дарс берадиган юқори малакали истеъдодли иқтисодчи профессор-ўқитувчиларни, шунингдек хорижий тилларни мукаммал биладиган педагогларни жалб этиш вақти айни муддаодир. Малакали педагог кадрлар танлаш, ўқиш жараёнига жалб этиш ниҳоятда керак ва зарур.

Тўртинчидан, Ўзбекистон Республикасининг келажагини белгиловчи иқтисодчи кадрлар тайёрлашда назария билан амалиётни биргаликда қўшиб олиб бориш, бунинг учун талабаларга амалиётни ўзлаштиришда алоҳида аҳамият бериш керак.

Бешинчидан, талабаларни давлат корхоналари, хусусий корхоналар, фирмалар, чет эл давлатлари билан ҳамкорликда иш олиб бораётган кўпгина қўшма корхоналар фаолияти билан узлуксиз таништириш ва қисқа муддатли амалиётларни ташкил этиш, ўша мамлакатлар ўқув машғулоти билан боғлиқ экскурсиялар уюштириш мақсаддага мувофиқдир.

Академик лицей жамоаси З асосий масалага алоҳида эътибор бериб келишмоқда:

1. Давр талабига жавоб берадиган академик лицейга ўтиш учун барча чора ва тадбирларни кўриш.

2. Таълим ва илмли, иқтидорли ёшларга сабоқ берадиган профессор ва ўқитувчиларимиз малакасини давр талабига мослаб тайёрлаш ва уни жаҳон андозасига кўтариш.

3. Академик лицей талабаларини чет эл андозаларига мос келадиган ўқув дастурлари, ўқув режаларини амалиёт билан боғлайдиган даражада тайёрлаш.

Академик лицейда ўқув ишлари Олий ва ўрта таълими вазирлиги ҳамда Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланган ўқув режаси асосида олиб борилади. Бу ўқув режасига кўра математика (ҳафтасига 8 соат), чет тиллари (ҳафтасига 8 соат), она тили (ҳафтасига 4 соат) каби фанларга соатлар умумтаълим мактабларига нисбатан кўпроқ ажратилган. Шунингдек, қўшимча равишда лицейда маҳсус курслардан: «Менежмент асослари», «Иқтисодий билим асослари», «Маркетинг», «Бухгалтерия ҳисоби асослари», «Давлат хукуки асослари», «Муомала маданияти» ҳам ўқитилмоқда.

Академик лицей профессор-ўқитувчилари дарс бе-

риш жараёнида ўкув дарслекларидан ташқари құшим-ча хорижий ва бошқа адабиётлардан ҳам фойдаланишади. Дарс жараёнлари телевизор дастуридаги 10 га яқин ўкув машгүлолтлари плёнкага ёзіб борилған.

Талабаларга тажрибали, билимдон, ўз касбининг устаси ҳисобланған малакали профессор-ұқытуvчилар таълим бермоқда. Чет тили ұқытуvчиларидан Д. Йұлдошева, Е. Бокиева, М. Ким, математика ұқытуvчилари: профессор Зуфаров, К. Норбоева, доцент Ортиқов, доцент В. Ким, Х. Жумаев, она тили ва адабиёти ұқытуvчилари Р. Мусаев, Х. Абдувоҳидова, М. Раҳимова физика ұқытуvчилари Б. Маматқұлов, К. Алиевалар замон талаби асосида дарс үтмоқдалар.

Академик лицейда талабаларнинг мустақил ишлашларига алоҳида эътибор берилади. Мисол учун, лицейда ҳар бир синфда буюк алломаларимиз таваллуди муносабати билан мустақил ишлар талабалар томонидан бажарилади. Биргина Имом ал-Бухорийнинг 1225 йиллиги, Аҳмад ал-Фарғонийнинг 1200 йиллиги муносабати билан 1200 та рефератлар ёзилған ва голиблар аниқланған. Президентимиз асарларини чукур ва доимо ўрганиш ташкил этилган. «Миллий мафкура», «Конституция асосий қомусимиз» каби мавзуларда ёзма реферат ва назорат диктантлари олинади.

Фанлар бўйича ўкув дастурлари кафедра мудирлари томонидан тасдиқланиб, лицей илмий педагогик кенгашида кўриб чиқилған ҳамда ижобий баҳоланған. Дастур академик лицей ва касб-хунар коллежларининг янгидан тузилиши муносабати билан Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан қўллаб-куватланған ва тасдиқланған.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг топшириғига биноан академик лицейлар учун «Кичик бизнес-академия» доирасида «Бизнес ҳисобчи», «Амалий иқтисодиёт», «Менежер» «Божхона иши» мутахассисларини тайёрлаш учун ўкув дастури ва режалар тўплами тайёрланиб 1998 ўкув йилида чоп этилди.

Бу хайрли ишга Иқтисодиёт университетининг профессорларидан X. С. Лутфуллаев, Н. Х. Хўжаев, А. А. Фаттохов, Н. Маҳмудовлар бош-қош бўлдилар. Улар томонидан ўз мутахассисларни бўйича дастур ишлаб чиқилиб, Олий ва ўрта таълим вазирлиги томонидан барча академик лицейларга етказиб берилди.

Лицейда чет эл ўқув усууларининг амалда қўлланиши яхши йўлга қўйилган. Талабаларни чет элга юбориши анъанага айланиб бормоқда ва унинг ижобий томонлари лицейда оммалаштириляпти, яъни хориждан олиб келингган дарслерни оммалаштиришадиган. Н. Йўлдошева, Х. Боқиева, Н. Раҳматова ва бошқалар ўз дарсларида чет эл ўқув методларидан самарали фойдаланмоқдалар. Америка Кўшма Штатлари ҳамда Англия мамлакатлари лицейлари ва коллежлари билан мунтазам илмий алоқалар ўрнатилган, ҳар йили 2—3 гуруҳдан иборат лицей ўқувчилари хорижий сафарга юборилмоқда. Бундан ташқари Америкадан ташриф буюрган Барбара Браун лицей талабаларига (бир неча учрашувларда) маърузалар уюштириди. Шунингдек, Х. Жумаевнинг «Университетга кирувчилар учун математикадан қўлланма»си ўзбек ва рус тилларида чоп этилган. Кўпгина ўқитувчиларнинг ўқув-қўлланмалари ва «Тест тўпламлари» нашр этилган.

Лицей кафедраларида ҳар ойда бир марта услуг бирлашма йигилиши ўтказилади. Профессор-ўқитувчилар томонидан тайёрланган маъзуза ва мавзулар муҳокама этилади. Кафедраларда очиқ дарслар режа асосида ўтказилиб, уларга ўқув-методик маслаҳатлар берилади.

Лицейда илмий-тадқиқот ишлари ҳам ўқув ишлари, ўқув услугбий, тарбиявий-маърифий ҳамда ташкилий ишлар билан бир қаторда кенг миқёсда олиб борилмоқда. Профессор X. Тўраевнинг мустақиллигимизнинг 7 йиллигига бағищланган «Истиқбол иқбол чироғи» (17 босма табоқ), «Тафаккур» журналининг 4 сонида «Мозий бағридаги санъат», Халқаро «Заратут — 1998 йил» илмий анжуманида «Зараутсойнинг тарихий обидалари», маърифат ҳамда маънавиятга оид ўнлаб мақолалари, шунингдек С. Усмонов, Н. Ўтапов, М. Асқарова, Р. Мусаев, К. Норбоева, Д. М. Лилар республика матбуотида ўз мақолалари билан чиқишлар қилишди. В. Ким эса физика-математика фанлари номзодини олиш учун 2000 йилнинг июль ойида математика институти илмий кенгашида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қильди. Лицейда илмий-тадқиқот ишларига кенг миқёсда эътибор берилмоқда. Кўплаб ёш педагоглар, ёш иқтисадчилар илм-фаннинг муҳим соҳаларида ўз ўринлашрини топмоқда.

Лицей ўз кутубхонасига эга. Ундаги китобларнинг умумий фонди 12638 дан иборат. Шулардан: дарсликлар — 9120 та, бадиий адабиётлар — 987, методикага доир китоблар — 438, ўзбек тилидаги асарлар — 245 та. Вақти матбуот нашрларидан 27 тасига обуна бўлинган. Шулардан 14 таси рўзномалар, 12 таси эса журнallардир. Лицей хориждан кўплаб адабиётлар ва рўзномалар билан доимий суръатда тъминланган.

Маънавий-маърифий ишлар бўйича тадбирлар режаси тузилган. Кўпгина тадбирлар Университет маънавият-маърифат маркази билан узвий боғланиб хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Лицей маъмурий биноси, барча йўлаклар, синф хоналар, ўқув-методик бирлашма хоналари давр талабига мос равишда жиҳозланган. Айниқса, Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий тараққиёти, Президентимиз И. А. Каримов асарларидан келтирилган ҳикматли сўзлар, мамлакатимизнинг иқтисодий йўналишига оид кўпгина маълумотлар, кўргазмалар ўз аксини топган. Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи ва унга мос равишда ўрнатилган Давлат герби ҳар бир ёш авлодимизга шу мамлакатга бўлган ватанпарварлик туйғусини янада оширади.

Маънавият ва маърифат соатларида халқимизнинг таникли ёзувчилари Тоҳир Малик, Ўсмон Азимов, Эркин Аъзамов, Азим Суюн, Наим Каримов, Ҳамид Зиёев ва бошқа олимлар, мутахассислар, хусусан, ТДИУ профессор-ўқитувчилари таклиф этилиб, уларнинг маърузалари, дил суҳбати, талabalар билан савол-жавоблари мароқли ўтказилмоқда. Шунингдек, гуруҳ раҳбарлари томонидан маънавият соатларида ва ўқув бўлими томонидан уюштирилган маҳсус дарсларда Президентимизнинг асралари моҳияти ва аҳамиятини кенгроқ тушунтириш мақсадида суҳбатлар, диктантлар, баён ва рефератлар бажариш ишлари ҳам амалга оширилмоқда.

Асосий фанлар (математика, она тили ва адабиёти, чет тили, тарих) бўйича тўгараклар ташкил этилиб, улар талabalарга билимларини пухта ва чуқурроқ ўрганишга, ўз дунёқарашларини кенг мулоҳаза қилишларига, баркамол инсон бўлиб етишишига ёрдам бермоқда.

Айниқса, тўгараклардаги профессор-ўқитувчилар меҳнатининг самараси, лицей талabalарининг тест си-

новларидан юқори балларни эгаллашлари, «Акселс» дастурида қатнашуви, бевосита шаҳар, Республика олимпиадаларида иштирок этиб, фахрли ўринларини эгаллашларида ўз аксини топмоқда.

Талаба ёшларни жисмонан соғлом қилиб тарбиялаш мақсадида уларни спорт турларига кенг жалб этиш ишлари ҳам яхши йўлга қўйилган. ТДИУ 1-курс талабалари ўртасида ўтказилган очик чемпионатда (спорт турлари «Баскетбол» ва «Футбол»да) академик лицей талабалари иштирок этиб 1-уринни эгаллашди. Шунингдек, Н. Тұрабоев — 85 кг вазнли ўсмиirlар ўртасида XV-спартакиадасида I-урин, А. Аҳмаджонов — 60 кг вазнлилар ўртасида ўтказилган Республика оммавий спорт ўринлари мусобақасининг II-босқичида миллий кураш бўйича I-урин, Ш. Шералиев 65 — кг вазнли ўспириналар ўртасида ўтказилган Республика оммавий спорт ўйинлари мусобақасининг II- босқичида I-урин, А. Шоатов — 76 кг вазнли ўспириналар ўртасида ўтказилган Республика оммавий спорт мусобақасининг II-босқичида I-урин. Шербакова А. — тенниси бўйича ўтказилган Республика оммавий спорт ўйинлари мусобақасининг II- босқичида I-урин, Алихўжаев С. — шаҳар ёш ўсмиirlар ўртасида бокс бўйича, I-уринни эгаллашди.

Миллий қадриятларимизни эъзозлашга, урф-одатларимиз, анъаналаримиз, умуман, халқимизнинг бой тарихи, ўтмиши билан танишиш мақсадида қадимиш шаҳарлар ҳисобланган Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарларига ва уларнинг музейларига ҳамда барча гуруҳлар «Ўзбекистон халқлари тарихи» музейига, Соҳибқирон Амир Темур музейларига саёҳатлар уюштирилган.

Талаба-ёшлар ТДИУ музейига ҳам ташриф буюришиб, университетимизнинг ўтмиши ва ҳозирги фаолияти билан танишмоқдалар. Ушбу музейда лицей учун ажратилган бўлим улар учун катта бир туйғу уйғотмоқда. «Талабалар ва мураббийлар куни», «Тил байрами», «Билим-ринг» (лицей «Қувноқлар ва зуқколар» командаси) каби ўтказилган тадбирларнинг Ўзбекистон телевиденияси орқали намойиш этилганлиги таҳсинга сазовор.

### **3. БИЗНЕС МАКТАБЛАРИ – ЯНГИ ТИПДАГИ ТАЪЛИМ МАСКАНИ**

Таълим тизимида рўй бераётган ислоҳотлар натижаси ўлароқ, бу тизимда янги типдаги таълим муассасалари гимназиялар, академик лицейлар, касб-хунар коллежлари ҳамда бизнес-мактаблари вужудга келмоқда.

Республикамиз Олий ўкув юртлари тасарруфидаги бизнес-мактабларни таълим тизимининг илк қалдирғочлари деса бўлади. Чунки, мамлакатимиз Президенти ва хукумати кичик, ўрта ва хусусий бизнеснинг Республикализ иқтисодиётидаги ўрнига алоҳида эътибор билан қараб, уни ривожлантиришни иқтисодий ислоҳотларнинг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланадиган бўлиб бу бизнес тузилмалари учун малакали мутахассис-кадрлар тайёрлаш вазифаси илк бор бизнес-мактаблари зиммасига юклатилган эди. Республикализ Президенти И. А. Каримов Олий Мажлиснинг IX сессиясида сўзлаган маъruzасида бизнес мактабларига жиддий муносабатда бўлиб, жойларда бизнес мактаби, бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиққан ҳолда янги мутахассислик, (фермер, солиқ ва божхона ходими, аудит ва ҳоказо)ларнинг киритилиши эътиборга лойиқлигини таъкидлаган эди.

Бизнес-мактаблари Республикализ таълим тизимида эндиғина шаклланиб келаётган янги типдаги таълим муассасаси сифатида бир қатор долзарб вазифаларни ечишга ўз ҳиссаларини кўшмоқда.

Президент И. А. Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 29 июлдаги маъruzасида кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорлик учун мутахассислар тайёрлаш соҳасида белтилаган вазифаларни амалга оширишда бизнес-мактаблар муҳим аҳамиятга эга эканлиги алоҳида таъкидланди. Улар кичик ва ўрта бизнес соҳасида фаол тадбиркорлик ўқуви ва кўнилмаларига эга. Бозор иқтисодиёти шароитида бизнес билан шугулланиш учун зарур бўлган билим ва малакани эгаллаган ўрта бўғин мутахассислари ҳамда администратор-менежерлари тайёрлаш ишларини амалга оширади.

Республикамизда бизнес ва тадбиркорлик фаолиятини ҳар томонлама жонлантиришга жиддий эътибор берилаётган ҳозирги шароитда, бу соҳада муваффақиятли фаолият олиб борадиган малакали мутахассис кадр-

лар етишмаслиги яққол күзга ташланмоқда. Бизнес мактаблари бу муаммони бир қадар бұлса ҳам ечишга ёрдам беради.

Маълумотларга қараганда, Республикаизда ҳар йили тұлиқ үрта мактабни таҳминан 250 мингга яқин үқувчилар битиради. Шуларнинг 20—25 минги, яни 10 фоизга яқин Олий үқув юртларига кириши мүмкін. Қолган 90 фоизи эса Президентимиз И. Каримов таъкидлаганларидек «...на аниқ ихтисос, на бир әртанғи ҳаётта керак бұладиган малака ва на бир касб-хунарни әгаллай олмаяпты». Бизнес-мактаблари ёшларнинг бир қысмими амалий тадбиркорлик ва бизнесни бошқариш күнікмаларини үрганишга жалб қилиш орқали ижтимоий ҳимоя функциясини ҳам амалга оширади. Айниқса, оиласый ахволи ночор ва кам таъминланған қишлоқ ёшларининг давлат бюджети ҳисобидан үқитилиши Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётiga үтиш та-мойилларига мос тушади.

Бизнес мактабларининг олий үқув юртлари қошида ташкил этилиши тайёрланаётган мутахассислар сифаты ва билим даражасига ижобий таъсир күрсатади. Үқув ишларига жалб этиладиган педагогик кадрлар савияси, үқув жараёнида замонавий кутубхона фондидан ва бошқа моддий-таъминот жиҳатидан бизнес мактаблари күлчилік үрта маҳсус үқув юртларидан устун туради. Чунки, улар олий үқув юртларida түпланған күчли педагогик салоҳият ва моддий техник базадан фойдаланиш имконига эга.

Тошкент Давлат иқтисодиёт университетининг ихтисослашган олий бизнес мактабида кичик, үрта ва ҳусусий бизнес бошқаруви йұналишида үрта бүғин мутахассислари тайёрловчи бизнес мактаби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 29 июлдаги 296-сонли қарори ҳамда Олий ва үрта маҳсус таълим вазирлигининг 1997 йил 23 июлдаги 193-сонли «Олий үқув юртлари тасарруфидаги бизнес мактаблари тармоғини кенгайтириш тұғрисида»ги буйруғига мувофиқ ташкил этилған.

Ихтисослашган олий бизнес мактаби Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йилдаги 439-сонли қарори билан тасдиқланған «Бизнес мактаби тұғрисидаги Низом»ига ҳамда Олий ва үрта маҳсус таълим вазирлигининг 1999 йилдаги 248-сонли буйруғи билан тасдиқланған «Вазирлік тасарруфидаги бизнес мактабларининг фаоли-

ят кўрсатиш тартиб-қоидалари»га асосланади. Хусусан:

- тугалланган ўрта маълумотга эга ёшлар сафидан кичик ва ўрта бизнесни, менежмент, маркетинг, молияни бошқариш, бухгалтерия ҳисоби ва аудит асосларини, амалий тадбиркорлик учун зарур бўлган билимлар ва кўнікмаларни етарли ҳажмда эгаллаган ташкилотчиларни тайёрлаш; жисмоний ва юридик шахслар талабномалари асосида бизнес бошқарувига оид турли хил маслаҳат хизматларини кўрсатиш;
- тўлов-шартнома асосида турли қисқа муддатли курслар ташкил этиш каби вазифаларни ҳал этишни ўз олдига мақсад қилиб қуяди.

Ҳозирги кунда ихтисослашган олий бизнес мактабида қуйидаги таълим йўналишлари бўйича мутахассислар тайёрланмоқда (4-жадвал).

4-жадвал.

**Ихтисослашган олий бизнес мактабида талабаларнинг соҳалар бўйича тақсимланиши**

№	Мутахассислар	Жами талабалар сони	Кундузги	Сиртқи
1	Молияни бошқариш	90	90	—
2	Бухгалтерия ҳисоби ва аудит	183	11	72
3	Бизнесни бошқариш	34	34	—
4	Банк иши	80	47	33
5	Солиқ ва солиққа тортиш	76	42	34
6	Туризм менежменти	8	8	—
	Жами	471	332	139

Ихтисослашган олий бизнес мактаби талабаларга билим бериш савиясини кўтариш мақсадида Тошкент Давлат иқтисодиёт университетининг юқори малакали профессор-ўқитувчилари билан ҳамкорликда иш олиб боради. Хусусан, ҳозирда ТДИУнинг 6 профессори, 20 дан ортиқ доценти ва 40 га яқин катта ўқитувчи ва профессор-ўқитувчилари ихтисослашган Олий бизнес мактабида ўриндошлиқ асосида дарс беришади.

Бизнес-мактабида талабаларни миллий истиқлол мағкурасида тарбиялаш, мустақил Ўзбекистонимиз

равнақи учун кайгурадиган жонкуяр ҳамда билимли мутахассислар тайёрлаш борасида ишлар амалга оширилмоқда.

Бизнес-мактабида «Маънавият ва маърифат» хонаси ҳамда «Маънавият бурчаги» ташкил этилган. ТДИУ талабалар ётоқхонасида ҳам бизнес мактабининг «Маънавият ва маърифат» хонаси ишлаб турибди. Унда янги рангли телевизор, иккита юмшоқ диван, стол-стуллар ҳамда турли плакатлар бизнес-мактаб ҳисобидан сотиб олиниб, талабалар ихтиёрига берилган.

Ихтисослашган олий бизнес мактабининг талабалари ўқийдиган бинонинг 4-қавати Президент фармонлари, давлатимиз мустақиллигининг рамзий белгилари, Ўзбекистоннинг буюк келажагидан дарак берувчи стендлар, буюк сиймолар портретлари ва таълим-тарбияга оид турли ҳикматли сўзлар билан безатилган.

Талабаларни матбуот янгиликларидан ўз вақтида хабардор қилиб бориш мақсадида «Халқ сўзи», «Ўзбекистон овози» каби бир қатор газеталарга мунтазам обуна ташкил этилган.

Бизнес мактабида «Наврӯз» умумхалқ байрами, Мустақиллик байрами ҳамда бошқа байрамлар юқори савияда ўтказилмоқда.

Ихтисослашган олий бизнес мактаби ТДИУ худудидаги алоҳида 4 қаватли бинога жойлашган бўлиб, бинонинг 2-қавати тўлиқ таъмирдан чиқарилган.

Ихтисослашган олий бизнес мактаби замонавий моддий базага эга бўлиб, буни куйидагиларда кўриш мумкин:

1. Pentium FF русумли 14 та ва FBM — 486 русумли 10 жами 24 дона компьютердан иборат 2 та компьютер хонаси.

2. XEROX ва Canon 1215 русумли 2 та ксерокс.

3. 900 дан зиёд китоб фондидан иборат замонавий кутубхона ва ўқув зали.

Булардан ташқари Ихтисослашган олий бизнес мактаби талабалари ТДИУнинг моддий-техник базасидан ҳам фойдаланиш имконига эга.

Ихтисослашган олий бизнес мактаби келгусида бизнес-таълим соҳасида энг илфор ўқув маскани сифатидаги мавқеини ҳар томонлама ривожлантиришига ҳарарат қишлоқда.

Бизнес мактаблари ичida Республикаизда бирин-

чи бўлиб ташкил этилган Тошкент Давлат иқтисодиёт университети қошидаги «Келажак илми» Халқаро бизнес мактаби алоҳида аҳамият касб этади. Бу мактаб том маънода юртимиз мустақиллигининг тенгдошидир. Яъни 1991 йил ёз ойларида Университетимизда АҚШ-нинг Арканзас штатидан келган бир қанча профессорлари ҳамкорлигида мактабимиз пойдевори қурилди. Халқаро бизнес мактаби ўзбек талабаларининг илмий дарражасини жаҳон андозаларига тұла жавоб бериши учун, тұғридан-тұғри жаҳоннинг энг кучли олий ўкув юртларининг ўкув дастурлари асосида янгича ташкил қилинди. АҚШ профессорлари билан биргаликда янги ўкув режалари асосида бизнес мактабда дарсларни инглиз тилида үтишни ташкил қилишди. Бундан кўзланган асосий мақсад, биринчидан, ривожланган давлатларнинг эришаётган ютуқларидан бевосита инглиз тили орқали ўз вақтида фойдалана олиш, иккинчидан, олган билимларини амалга тадбиқ этиб, мамлакатимиз тараққиётининг асосий омилларидан бири бўлган чет эл инвестицияларини юртимизга олиб кириш учун малакали мутахассис бўлиб етишиб чиқаришдир. Шу ўтган 10 йил давомида мактабимиз турли босқичларни бошиб ўтди.

1991—1995 йилларда мактабнинг асосий вазифаси талабаларга инглиз тилини ўргатиб, уларни чет эл олий ўкув юртларига ўқишига тайёрлаш бўлган. Шу қисқа вақт ичида бизнес мактабининг 300 га яқин талабалари ўқишларини давом эттириш учун чет эл фондлари эълон қилган мусобақаларда голиб чиқиб, хорижий ўкув юртларига юборилганлар. Ўқишларини муваффақиятли тамомлаб келган 200 дан ортиқ мутахассислар ҳозирги кунда Республикализнинг турли давлат идораларида хизмат қилиб келмоқдалар. Бу эса Республикализнинг таҳминан 3 млн. АҚШ доллари миқдорида маблағини тежаб қолган. Хўш, қандай қилиб? АҚШ Университетларида ўқиши учун ҳар бир талаба йилига ўртача 15000 доллар тўлайди. Бизнинг талабалар эса, чет эл фондларидан гранд олганлар ва давлат бюджетидан ҳеч қандай маблағ олмаганлар. Давлатимиз эса ҳеч қандай сарф-харажатсиз юқори малакали мутахассисларга эга бўлган.

1995 йилдан 1997 йилгача мактаб қошида Европа Ҳамжамияти ТАСИС дастури асосида (бозор иқтисодиёт шароитида) фаолият кўрсатди. Биринчи босқичда

менежер ёрдамчиси ва икки йиллик «Бухгалтерия» курслари ташкил қилинди. Ўша вақтда американлик профессорлар билан ҳамкорликда Халқаро бизнес мактабида «Бизнес администрэйшн» дастурини ташкил қилиш учун ҳам тайёргарлик ишлари олиб борилди. Бунинг учун Америкадан мингдан ортиқ дарслклар, олий ўкув юртларининг дастурлари, ўкув режалари ва техникавий ўкув қуроллари келтирилди. Натижада, 1997 йил АҚШ ўкув режалари ва дастурлари асосида Ўзбекистоннинг давлат тизими, солиқ тизими, банк тизими, бошқариш усуллари ва бошқа ўзига хос бўлган томонларини ҳисобга олган ҳолда университет қошида замонавий мутахассислар тайёрлайдиган янгича мактаб ўз фаолиятини бошлади ва ҳозирги кунгача муваффақият билан давом этиб келмоқда. Дарслар чет эллик мутахассислар томонидан фақат инглиз тилида олиб борилади.

Мактабнинг асосий мақсади — пул ишлаш эмас, балки иқтидорли ўшларни танлаб, уларга энг замонавий билимларни бериб, юртимиз учун етук мутахассислар тайёрлаш. Бунинг учун мактабимизда ҳамма шароитлар етарли. Барча ўкув хоналари замонавий мебеллар ва ўкув анжомлари билан жиҳозланган, жумладан, Интернетга боғланган 2 та компьютер хонаси, аудио-видео техникалари, проекторлар ва инглиз тилидаги минглаб китобларга эга бўлган кутубхона ўкувчилар ихтиёридадир. Дарслар инглиз тилида олиб борилиши туфайли ҳар йили чет элдан 10—12 та мутахассис таклиф этилади. Мактабни бошқариш эса университет раҳбариятининг бевосита ёрдами асосида амалга оширилмоқда.

Маълумки XXI аср ақл-идрок асридир. Қайси давлат ўз ўшларига кўпроқ эътибор берса, ўша давлатнинг ривожланиши шубҳасиздир. Дошишмандлар «Бир миллатнинг келажагини кўрмоқчи бўлсанг, унинг бугунги ўшларига бок», деб бежиз айтмаганлар. Тараққиётнинг пойдевори эса илм устига қурилади.

Ҳозирда шаҳримиздаги ҳеч бир чет эл корхонаси йўқки, бизнинг битирувчиларимиз ишлаётган бўлмаса! Уларнинг кўплари бўлим бошлиқлари ёки корхона раҳбарларидир.

Мактабнинг молиявий ривожланишида чет эл инвестицияларининг ҳиссаси кўпдир. 1995—2000 йиллар мобайнида мактаб фаолиятини кенгайтириш учун 60

минг АҚШ доллари сарфланди. Бу харажатлар хорижий сармоядорлар томонидан қопланди.

Бизнес мактабда ўқиш анча қийин, лекин дарслар жуда қизиқарли ўтади. Чунки аксарият фанларни Arthur Andersen, KPMG, UzBAT, ABN AMRO Bank, Миллий Банк ва бошқа йирик корхона-ташкilotларининг раҳбарлари олиб бормоқдалар.

1997 йил АҚШ элчисининг биринчи ўринbosари жаноб Лингбрехтнинг шахсан ўзи мактабимизда бир семестр дарс берган. Ҳозирги кунда эса Кембридж университети профессори Черис Томас хоним «Ишлабчиқаришни бошқариш»нинг сир-асрорларини талабаларимизга ўргатмоқда.

Ўқиш жараёни Америка таълим дастури ва ўқув режалари асосида олиб борилғанлиги туфайли кириш имтиҳонлари ҳам Америка стандартлари асосида олиб борилади. Яъни, абитуриентлар мактабимизга кириш учун инглиз тилидан TOEFL асосида имтиҳон ва математикадан тест топширадилар. Тестлардан муваффақиятли ўтганлар иккинчи босқич, яъни шу фанларнинг ўзидан оғзаки имтиҳонга қўйиладилар. Агар абитетуриент TOEFLдан 550 бал (макс. 667), математикадан 450 бал (макс. 500) ҳамда оғзаки имтиҳонларда «аъло» баҳо олсалар, биринчи семестрда бепул ўқишилари мумкин. Якуний имтиҳонларни аъло баҳога (АҚ) тонширган талабалар мактаб тўловларининг 50%дан озод қилинади.

Талабалар ўқиш даврида икки марта бўладиган касб-амалиётларини асосан чет эл корхоналари ёки қўшма корхоналарда ўтадилар. 1999 йил Республика-миз тарихида биринчи бўлиб олтита талабамиз Американинг AT\$T компаниясида касб-амалиётларини ўтаб қайтдилар. Талабалар фақатгина йўл харажатларини тўлаган бўлсалар, уларнинг АҚШдаги барча харажатларини ўша компания ўз зиммасига олди. Амалиёт даврида талабалар компания ходимлари учун ташкил қилинган ўқув курсларида улар билан баробар қатнашиб, ўз мутахассисликлари бўйича сертификат ҳам олиб келишган.

Бизнес мактаби ўқув дастурлари бўйича талабалар амалиётларини тўртингчи семестрдан кейин ўтайдилар. Бу йил ёзги амалиётга юборган 28 та талабамиздан бештасини ABN AMRO Bank, KPMG, DAEWOO Bank ва Ўзбекистон—Америка Ишбилармонлар Фонди каби

корхоналар ишга таклиф қилғанлар. 4-курс талабала-римизнинг саксон фоизи турли компанияларда ишламоқдалар.

Талабаларимизни ишга таклиф қилаётган корхоналар орасида жиддий рақобат сезилмоқда, яъни талабалар ўқиш давридаёқ бир неча компаниялар томонидан ишга таклиф қилинмоқдалар.

Шу йилнинг январ ойида 3-курснинг биринчи ярим йиллигини тамомлаган талабамиз Юлдуз Имомхонова тўғридан-тўғри АҚШнинг Шимолий Каролина университетига қабул қилинди. Хатто, АҚШдаги бაъзи университетларнинг ҳам рейтинг балларини тан олмаган бу университет, Юлдуз Имомхоновага ҳеч қандай имтиҳонларсиз 3-курснинг иккинчи ярим йиллигидан ўқишини давом эттиришга рухсат берди. Бу эса мактабимиздаги ўқув жараёни, давомат ва ўзлаштириш кўрсаткичи қай даражада эканлигига далолатdir.

Апрель ойида эса Американинг SIFE ташкилоти томонидан ўтказилган Халқаро талабалар лойиҳалари мусобақасининг Тошкентда ўтказилган регионал босқичида иштирок этган мактабимиз жамоаси барча олий ўқув юртлари жамоалари устидан ғолиб чиқди. Натижада, мактабимиз жамоаси 21—23 май кунлари АҚШнинг Миссури штати Канзас шаҳрида ўтказилган Халқаро мусобақада қатнашиб, Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилдилар. Турли мамлакатлардан ташриф буюрган 24 та жамоа орасида фахрли учинчи ўринни эгалладилар.

## V б о б. Халқ ғамида

### 1. КАСАБА УЮШМАСИ ЖАМОАМИЗ ХИЗМАТИДА

Ўзбекистон Республикасининг мустақиллигига эришуви ва яъни ҳуқуқий, демократик, инсонпарвар жамият куриш йўлида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Абдуганиевич Каримов томонидан ишлаб чиқилган концепцияси асосида олиб борилаётган ишлар мамлакатимиздаги барча давлат ва нодавлат, жамоат ташкилотлари фаолиятини янгича йўналиш, янгича мазмунда иш олиб боришларини тақозо этмоқда. Жумладан, 4500 дан ортиқ касаба уюшмаси аъзосини бирлаштирган Тошкент Давлат иқтисодиёт университетининг Бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси профессор-ўқитувчиларни, ходимларни ва талабаларни ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ҳимоялаш борасида катта фаолият қўрсатмоқда.

Республикамиз ҳаётининг барча иқтисодий, сиёсий, маънавий-маърифий, таълим соҳаларида туб ислоҳотлар бўлганидек, ТДИУнинг ҳаётида ҳам сезиларли ўзгаришлар амалга оширилишида университетимиз Бирлашган касаба уюшмаси қўмитасининг ҳам сезиларли ҳиссаси бор.

Касаба ташкилоти аҳолини бирлаштирувчи, ҳар бир аъзосининг ижтимоий манфаатларини муҳофаза қилувчи жамоат ташкилоти бўлиб, аввало, касаба уюшмаси аъзоларининг моддий, ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-куватлаш, уларга оғир пайтларига далда бўлиш учун бор имкониятларини ишга солиб тўлиқ фойдаланишга ҳарарат қилиб келади. Бирлашган касаба уюшмамиз узоқ ва шарафли тарихга эга бўлиб, унинг раиси лавозимида К. И. Куркина, Ф. Г. Сатаев, М. К. Александров, Б. У. Қосимов, С. Х. Абдулатипов, О. Ў. Бобожонов, О. Баҳодиров, Қ. Алимовлар, ҳозирда эса Азамат Назаров фоллиқ қўрсатиб келмоқда.

Университет Бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси юқоридаги умумий талабалардан келиб чиққан ва ўзиға хос хусусиятларини назарда тутган ҳолда профес-

сор-ўқитувчилар, ходимлар, талабалар ҳақида ҳар тарафлама фамхўрлик кўрсатиш, меҳнат ва дам олишни таъминлаш, уларнинг саломатлиги, ижтимоий ва маънавий аҳволидан мунтазам равищда хабардор бўлиб туриш каби муҳим вазифаларни амалга ошироқда.

Иқтисодиёт, сиёsat ва маънавиятда инсоннинг устуворлиги қарор топмоқда. Аммо шуни эътироф этиш керакки, ҳозирда бу масала ҳаракат учун дастур, шиор бўлибгина қолмасдан, уларни турмушга тадбиқ этиш барча жамият аъзоларининг, ижтимоий ташкилотларнинг, биринчи навбатда Бирлашган касаба уюшмалирининг иши бўлмоғи керак.

Бирлашган касаба уюшмалари асосий ижтимоий ташкилот сифатида одамларнинг моддий ва ижтимоий манфаатларини, маънавий манфаатларини ҳимоя этиш, уларнинг умумтаълим ва касбга доир даражаларини ошириш устида фамхўрлик қилиш, ёш авлодга таълим ва тарбия беришдек улкан масъулиятли вазифаларни ўз зиммасига олган.

«Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунининг «Таълим жараёнларини қатнашчиларини ижтимоий ҳимоя қилиш» деб номланган учинчи бўлими худди шу истиқболли вазифалардан келиб чиққан.

TDIU бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси қўйидагиларни ўзининг яқин орадаги фаолиятининг марказида турган вазифаси деб билади:

- Университетда меҳнат фаолиятини олиб бораётган барча профессор-ўқитувчилари, ходимлар, талабаларнинг ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ бўлганларини аниқлаш ва уларга моддий ёрдам кўрсатиш режаларини тузиб, ёрдам кўрсатишни ташкил этиш;

- овқатланиш шахобчаларида профессор-ўқитувчиларга, ходимларга ва талабаларга хизмат кўрсатиш турларини кўпайтириш ва фаолиятини яхшилаш;

- тайёрланаётган овқатларнинг сифатини яхшилаш, унинг ассортиментини кенгайтириш, нархини арzonлаштириш соҳасида чоралар кўриш. Университет ўкув хоналари яқинда ташкиллаштирилган тезкор шахобчаларининг иш фаолиятини тартибга солиш билан бир қаторда, унинг санитария ҳолати устидан назоратни амалга ошириш;

- меҳнати билан хурмат топган ва дам олишга кетган меҳнат ветеранларини, айниқса, ижтимоий ёрдамга муҳтоҷ қатламларни алоҳида рўйхатга олиб, уларга

мунтазам ёрдам кўрсатиш; университет қошида ўтказиладиган турли байрамлар, меҳнат ветеранларнинг юбилейлари ва бошқа маросимларга таклиф этишини мунтазам анъанага айлантириш;

— Университетда профессор-ўқитувчиларининг, ходимларининг юбилейлари, ҳар хил тадбирлар ташкил этиш;

— жумладан, оммавий спорт мусобақаларини ўтказиш учун ижтимоий ҳимоя фондидан доимий равища рағбатлантиришни ташкил этиш.

— ижтимоий ҳимоя қилиш фонди ҳисобидан университет хотин-қизлари (талаба қизлар) ўртасида ҳалқаро хотин-қизлар байрами — 8 март муносабати билан ўқиши, турмуш, дам олиш шароитларига, ширин таомлар тайёрлаш санъатига бағишилаб, кўрик танлов ўтказиш;

— ўз ходимларининг ҳуқуқ ва манфаатларини қаттиқ ҳимоя қилиш, намунавий ва маданий турмуш хизматини кўрсатиш масалалари юзасидан қонун ва фармойишларни қатъий бажариш кабилар.

— Университет касаба уюшмаси қўмитаси ректорат билан ҳамкорликда жамоамизни ижтимоий ҳимоя қилишнинг турли усусларини ҳаётга тадбиқ этмоқда, янги қирраларини кашф этмоқда. Масалан, рейтинг бўйича қўшимча ҳақ тўлаш — бу нафақат ижтимоий ҳимоянинг бир тури, балки меҳнатга ҳақ тўлаш ва уни рағбатлантиришнинг ҳам илғор усулидир. Рейтинг бўйича қўшимча меҳнатга ҳақ тўлаш университетимизда 1997 йилдан йўлга қўйилди ва унинг миқдори кейинги йилларда деярли 15 баробар ўсади.

Умуман ижтимоий ҳимоя учун ажратилган маблағ ва харажатлар охирги йилларда тез ўсиб бормоқда (5-жадвал).

#### 5-жадвал

##### Ижтимоий ҳимоя учун қилинган харажатлар (минг сўм)

	1997	1998	1999	2000	1997— 2000 %
1. Рейтинг бўйича қўшимча ҳақ тўлаш	1744,6	7934,6	13516,0	23012,4	131,9
2. Байрамларда берилган ёрдамлар	8855,2	12942,4	30523,4	62419,1	704,8

<b>Жумладан:</b>					
2.1. Профессор-ўқитувчилар ва ходимларга	6506,2	9975,6	20191,6	44461,7	683,3
2.2. Талабаларга	2349,0	2966,8	10331,8	17957,4	764,4
3. Ош ва бошқа дастурхон тузатишлар.	420,0	538,0	824,0	1470,8	350,1
4. Йул чипталар учун.	2720,6	3228,3	4769,8	7651,2	281,2
5. Тўй, вафот эттнларга ва юбилей муносабатлари билан берилган ёрдам.	944,7	956,2	1663,0	2868,0	303,5
6. Ёзги дам олишни ташкил қилиш учун сарфланган маблаг.	1346,0	1670,0	2340,0	3048,0	226,4
7. Тарихий кунлар ва зиёрат қилиш учун.	102,0	170,6	230,0	527,4	517,0
8. Турли хил спорт мусобақ, концертларга ва бошқа.	151,7	208,6	370,5	964,1	635,5
<b>Жами:</b>	<b>14.695,4</b>	<b>27.648,7</b>	<b>54.236,7</b>	<b>101961,0</b>	<b>693,8</b>

Жадвалдан кўринадики, ўқитувчи ва ходимларга байрамлар муносабатлари билан берилган ёрдам 1997—2000 йилларда деярли 7 баробар, талабаларга берилган ёрдам эса 7,7 баробарга яқин кўпайган.

Касаба уюшмаси қўмитаси томонидан ходимларимизнинг соғликларини тиклаш ва дам олишларини ташкил этиш борасида ҳам кўпгина ишлар амалга оширилмоқда. Масалан, 2000 йилда Республика санаторияларига 102 йўлланма берилди. Университет спорт-соғломлаштириш оромгоҳида 1760 та профессор-ўқитувчилар, ходимлар ва талабалар дам олишиди.

Ходимларимизнинг ёзги меҳнат таътили даврида «Юсуфхон» спорт-соғломлаштириш масканида дам олишлари мунтазам ташкил этиб бормоқда. Тошкент шаҳар таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси қўмитаси томонидан берилган дотация ҳисобидан йўлланмалар имтиёзли берилди.

Ходимларимиз фарзандларига дам олишлари учун, асосан, «Лочин» оромгоҳига йўлланмалар берилди. Шу

мақсадда 165809 сүм пул сарфланган. Фарзандларини мактабгача тарбия муассасаларига жойлаштиришни сұраб ариза ёзған барча ходимларимизга амалий ёрдам берилди. Шунингдек ходимларимиз фарзандларига имконият даражасыда янги йил арча байрами совфала-ри ва томоша чипталари берилмоқда.

Университетимизнинг бошқа олий ўқув юртлари орасыда обрұли ва намунали бўлишида фахрийларимизнинг ҳам ҳиссалари жуда катта. Шунинг учун ҳам университет раҳбарияти ва Бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси фахрийларни доимо ўз эътиборида тутиб келмоқда. Олий масканда ўтказиладиган бирорта тадбир уларнинг иштирокисиз бўлмайди. Уларнинг ҳолидан доимо баҳоли қудрат хабар олинниб, «Хайрия фонди»дан тегишли ёрдамлар бериб борилади. Айни пайтда 16 нафар уруш ортида меҳнат қилган фахрийларимиз бизлар билан биргаликда ёшлар таълими ва тарбияси йўлида сидқидилдан меҳнат қилиб келмоқдалар.

Бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси учрашувларда, юбилей кунларининг нишонланишида, уларнинг ташкил этилиши маъмуриятга яқиндан ёрдам бериб келмоқда. Бу тадбирларга биргина касаба уюшмаси фондидан 1млн. 224 минг 660 сүм сарфланган. Бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси спорт тадбирларини ҳам мунтазам юқори савияда ўтказишда ва мусобақа ғолибларини ҳар йили моддий рагбатлантириб боришда университет раҳбарияти ва ёшларнинг «Камолот» жамғармаси билан ҳамкорликда ёрдам кўрсатиб келмоқда.

Бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси жисмоний тарбияни таълимнинг ажralmas бир бўлаги сифатида қарайди. Ўқув жараёнида жисмоний тарбия ўқитувчилари ва йўриқчилари олдига қуйидаги вазифаларни ечиш талаб қилинади:

— талабаларда она-Ватанни ҳимоя қилишда юксак маънавий, руҳий ва жисмоний-соғлом сифатларни тарбиялаш;

— талабаларнинг соғлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш, таълим олиш жараёнида юқори иш қобилиятини таъминлаш, уларнинг организмларини тұғри такомиллаштириш ва ҳар томонлама ривожлантириш;

— талабаларга жисмоний тарбиянинг назарияси асосларыда замонавий машғулотлар услубларини ташкил қилиш, жамоатчи йўриқчи, мураббий ва спорт ҳакамларини тайёрлашда уларга асосий билимлар бе-

риш вазифалари кабиларни амалга оширишда ТДИУнинг «Жисмоний тарбия ва спорт» кафедраси алоҳида ўрин тутади.

Университетимиз спорт жамоаси талабаларнинг шаҳар спартакиадасида ва спорт ҳафталигидағи натижаларига ўзини ижобий таъсирини кўрсатди. Дзюдо, самбо, эркин кураш, баскетбол ва боксдан, стол тенниси ва шахматдан учинчи ўринни эгаллади.

Илфор спортчиларнинг муваффақиятларини кенг ташвиқот қилиш ишлари этиборга сазовор. Футбол бўйича Миржалол Қосимов, Шуҳрат Мақсадовлар хизмат кўрсатган спорт устаси унвонларига университетимизнинг «Информатика» факультетида ўқиб юрган вақтларида сазовор бўлдилар. Бонкоқда бўлиб ўтган Осиё ўйинларида синхрон сузиш бўйича Марина Абрашкина, Юнон-Рум кураши бўйича режалаштириш факультети талабаси Баҳодир Мардонов Халқаро тоифадаги спорт устаси деган унвонга, З. Маматкулов ва А. Синауридзелар спорт устаси унвонига сазовор бўлиб, Республика терма жамоаси аъзолигига сазовор бўлдилар.

## **2. ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ -- ДОЛЗАРБ МАСАЛА**

Республикамизнинг келажакдаги ижтимоий-иктисодий ривожланиши тадбиркорликнинг халқ хўжалиги ҳамма жабҳаларида юқори муносабатларга айланиши билан узвий боғлиқdir.

Жаҳондаги ривожланган мамлакатлар тажрибаси шундан далолат берадики, ҳатто АҚШдек қудратли давлат ҳам иккинчи жаҳон уруши тугаши билан иқтисодиётни ривожлантириш борасидаги муҳим тадбирларидан бири — техник кадрларни қайтадан тадбиркорликка ўқитиш сиёсатини ишлаб чиқиб, ҳаётга жорий этди ва натижада дунёда ҳар томонлама ривожланган давлатга айланди.

Мамлакатимизда ҳам Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов ташаббуси билан кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш сиёсати олиб борилмоқда. Ўзбекистонга хориж инвестициялари кириб келди, янги иш жойлари ташкил этилди, замонавий технологияларга эга бўлмоқдамиз.

Республикамизнинг иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш амалга оширилаётган ҳозирги шароитда содир

бўлаётган туб иқтисодий ислоҳотлар, олий таълим тизимидағи олий ўқув юртларга ўз фаолиятини бозор иқтисодиёти талабларига хос такомиллаштиришга ва иқтисодий томондан барқарор бўлишга имкон яратиб бермоқда. Университетимиз ҳам ушбу йўналишда фаолият курсатиб, бюджетдан ташқари маблаг топиш, профессор-уқитувчиларни, талабаларни ва ходимларни ижтимоий муҳофаза қилиш, жамоа аъзоларини кўшимча иш билан таъминлаш борасида маълум ишларни амалга оширмоқда. Масалан, 2000 йил бюджетдан ташқари умумий маблаг тушумнинг миқдори 142377,1 минг сўмни ташкил этди. Ушбу маблагнинг 93427,3 минг сўми пуллик шартнома асосида мутахассислар тайёрлаш бўйича тушумлардан иборат.

Бюджетдан ташқари маблагнинг қолган қисми 48949,8 минг сўмни ташкил этди. Университетда фаолият курсатаётган ҳар хил курслардан (тилларни ўргатиш бўйича, бухгалтер ва ЭҲМ операторларини тайёрлаш ва ҳоказо) тушган маблаг 4301,9 минг сўмдан иборат. Ҳомийликдан тушган маблаг 560,0 минг сўмни, университет ҳудудидаги бўш ер ва биноларни ижарага бериш натижасида олинган тушум 419,3 минг сўмни ташкил этди.

Университетимизда Бизнес марказлари, магистратура ва кўп босқичли маҳсус олий бизнес мактаблари фаолият курсатмоқда. Ушбу мактаб ва магистратура фаолияти натижасида 25914,6 минг сўм маблаг туширилди, депозит счёtlардан 17004,4 минг сўм дивиденд олинди.

Университет қошидаги Вена институтнинг бирлаштирилган регионал маркази, Жаҳон Банкининг бирлаштирилган Банк-молия мактаби, Ресурс мактаби, «Техномаркет» бизнес-инкубатори, «Келажак ҳалқаро бизнес мактаби», Қимматли қофозлар бозор бўйича мутахассислар тайёрловчи Миллий марказ ва бошқа шунга ўхшаш илмий-техникавий мактаблар фаолият курсатмоқда. Ушбу мактаблар ўзлари жойлашган биноларни таъмирлашга, компьютер ва нусха кўчириш жиҳозларини олишга, университет ходимларини кўшимча иш жойлари билан таъминлашга, янги адабиётларни сотиб олишда катта ёрдам бермоқдалар. Келажакда ушбу мактабларнинг ҳамма жиҳозлари университет балансига ўтказилади. Университет ҳудудида фаолият курсатаётган очиқ турдаги акциядорлик тижорат банки

«Хиф-банк» университетда таълим олаётган иқтидорли талабаларни банк соҳасида чуқурроқ билим олишларига ўз ҳиссаларини қўшмоқда.

Чет эл инвестициялари жалб қилиш ҳисобига ҳамда ҳомийлар томонидан тушган маблағ куйидагилардир: «Британия кенгashi» — 960,7 минг сўм, «Сорос» фонди — 1717,6 минг сўм, «Периа» фонди — 667,1 минг сўм, «Евроазия» фонди — 268,3 минг сўм, «Банклар ассоциацияси» — 5640,7 минг сўм, Марказий Банк — 519,7 минг сўм, Давлат мулк қўмитаси — 248,0 минг сўм, Миллий Банк 300,0 минг сўм, «Кока-кола компанияси» — 100,0 минг сўм, «Проктер энд Гембл» компанияси — 130,0 минг сўм, Хусусий тадбиркорлар ва кичик корхоналар — 832,7 минг сўм, «Совпластитал» — 100,0 минг сўм, «Ўзпахтасаноат ассоциацияси» — 500,0 минг сўм, «Пахтабанк» 100,0 минг сўм, «Халқ банки» — 100,0 минг сўм, «Электрокимёсаноат» — 50,0 минг сўм.

Университетимизни ободонлаштириш ҳамда тоза сақлаш ҳар бир ходимнинг асосий вазифаларидан биридир. Шу сабабли университетимизда кейинги йилларда 14 қаватли маъмурий бинонинг икки олди томони кўкаламзорлаштирилди, университет ҳудудида кичик футбол майдони, 2 та волейбол, 1 та баскетбол, тенис корди ва стандарт типидаги сув ҳавзаси куриб битказилди ва фойдаланишга топширилди, 60 та автомобилга мўлжалланган авто улов тўхташ жойи ҳам қуриб битказилди ва фойдаланишга топширилди.

Олий ўкув юртидаги бинодарни капитал таъмирлаш ҳамда ҳозирги замон талабларига жавоб бера оладиган янги корпуслар бунёд қилиш ва уларда ҳозирги замон техник восита ва технологияларни жорий этиш борасида университетимизда кейинги йиллар мобайнида 2-корпус биносининг фасад томонлари тўлиқ таъмирланди. Шу бинодаги «Халқаро бизнес» факультети деканати ва 3-қаватдаги ўкув аудитория, 1-қаватдаги «Маркетинг ва ташқи иқтисодий фаолият» кафедраси хоналари тўлиқ таъмирланди. 3-корпусда жойлашган «Бизнес инкубатор» ўкув услубий маркази, 3-қаватдаги «Саноатда бухгалтерия ҳисоби» кафедраси тўлиқ таъмирланди. 4-корпусдаги маъруза залларининг 2400 м<sup>2</sup> том қисми тўлиқ таъмирланди ҳамда магистратура учун 10 та ўкув аудиториялар фойдаланишга топширилди. 5-корпус биносида физкультура кафедраси ҳамда «Ту-

ризм сервиси» кафедраси учун ажратилган хона таъмирланди. 7-корпус биносининг 1-қавати, «Халқаро туризм» факультети учун реконструкция қилиниб, 7 та хона фойдаланишга топширилди.

Университет 14 қаватли маъмурий биносини фасад қисми таъмирлаш ишлари титул жадвалга киритилиб, маблағ ажратилди ва ишлар ниҳоясига етказилмоқда.

Олий ўқув юртларини техник, дастурий ва дидактич ўқув воситалар, зарур жиҳозлар билан таъминлаш борасида университетимизда ўқув илмий ахборотлар технологияси маркази хизмат қилмоқда. Ўқув жараёнини етарли даражада ўтказиш учун синфлар керакли парта, үриндик, доскалар ва бошқа анжомлар билан тўлиқ жиҳозланган.

Ўқув жараёнини компьютерлаштириш борасида «Электрон почта», Интернет билан боғланиш қурилмалари 12 та хонада ўрнатилган, 114 та компьютер билан жиҳозланган 12 та синф, 2 та видео, 1 та аудио зал, 11 та компьютердан иборат кутубхона тизими ишламоқда.

Университетда Халқаро «Internet» ахборот тармоғига: магистратурада — 10 та компьютер 1 та алоқа канали орқали, ўқув жараёнида ректор — 1 та компьютер, проректорлар — 4 та компьютер, Халқаро бўлим — 1 та компьютер, кутубхона — 11 та компьютер 1 та алоқа канали орқали уланганлар.

Бундан ташқари бизнес мактабда электрон почта хизматидан кутубхона, бизнес мактаби, Халқаро банк ва Вена иқтисодий ривожлантириш институтининг Тошкент худудий маркази фойдаланмоқда.

Университетимизда ўқув жараёнини янада яхшилаш учун моддий техник базасини «Электрон почта», нусха кӯчириш, нусха узатиш ҳамда «Интернет» билан боғланиш хоналари сонини, ўқув техник воситалар билан жиҳозланған хоналар сонини кўпайтириш ва дастурий таъминотни кенгайтириш келажакда асосий максад қилиб қўйилган.

Университетда тадбиркорликни асосий омили бўлган «Маркетинг» бўлими хизмат кўрсатмоқда. Маркетинг фаолиятини ривожлантириш мақсадида 1999—2005 йиллар учун дастур ишлаб чиқилган ва ундан қўйидаги тадбирлар амалга оширилиши мақсад қилиб қўйилган:

— Ўзбекистон Республикасидаги Вазирликлар, корхоналар, ташкилотлар ва жисмоний шахсларни иқти-

содчи кадрларга бұлған талабини үрганиб чиқиши (бакалавр, магистратура) ва буюртмалар портфели тузиш учун улар билан давлат грант ва пуллик түлов бүйича шартномалар тузиш ва халқ хұжалигининг тармоқлари учун қандай янги мутахассисликтер кераклигини аниқлаб бориш ва келажакда шу мутахассисликтер бүйича олий маълумотли мутахассисларни тайёрлашни амалга ошириш.

— Иқтисодчи кадрларни малакасини ошириш бүйича талабаларни аниқлаш ва шулар асосида таклифлар ишлаб чиқиши. Бу борада амалга оширилдиган тадбирларни амалга оширишда Университет қошидаги иқтисодчи кадрларни қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш институти билан ҳамкорлықда иш олиб бориш.

— Вазирликлар, корхоналар, ташкилотлар ва жисмоний шахслардан олинган буюртмалар асосида ҳар йили абитуриентлар қабул қилиш режасини ишлаб чиқиши.

— Республикамиз халқ хұжалигининг қайси тармоқларыда Университетимиз ёш кадрларига бұлған талабларни үрганиб чиқиши ва уларни олий маълумотли иқтисодчи мутахассислар билан таъминлаб бориш.

— Битирувчи ёш иқтисодчиларни мутахассисликтар бүйича сонини аниқлаш ва уларни реклама қилиш бүйича тайёргарлик күриш, ким ошди савдосини ташкил қилиш.

— Иқтисодчи кадрларни тайёрлаш сифатини маркетинг услугида таҳлил қилиб бориш ва уни яхшилаш бүйича тавсияномалар ишлаб чиқиши ва ҳ. к.

Олий таълим тизимида маркетинг ривожлантириш ўюли билан таълим хизматларининг рақобатли бозор тизимини яратища, корхона ва ташкилотларни малакали иқтисодчи кадрларга бұлған талаблари үрганилиб шу асосда ҳар йили тайёрланаётган мутахассислар сони режалаштириб борилмоқда.

Бундан ташқары буюртмачилар талаблари асосида қанақа мутахассисларга әхтиёж борлиги үрганилиб, келажакда шу янги мутахассисликтерни очиши ва кадрлар тайёрлаб бериш устида ишлар олиб борилмоқда. Университетимизнинг таълим йұналишлари бүйича корхоналар ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга бұлған әхтиёжи үрганилиб, шулар асосида қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бүйича курслар ташкил этилиб келинмоқда. Бозор талабларидан

келиб чиққан ҳолда университетимизда иқтисодчи мутахассисларини назарий ва амалий тайёрлашнинг таҳлилини ўтказиш ва мутахассислар тайёрлашнинг сифатини ошириб бориш устида изланишлар олиб борилмоқда.

Шу билан биргалиқда иқтисодиётнинг устивор йўналишлари учун тайёрланадиган мутахассисларининг сифатини ошириш муаммоларини ечишда Республика фондлари билан алоқалар ўрнатилиб, Халқаро фондларнинг дастури ва лойиҳаларида иштирок этилиб келинмоқда.

Бозор талабидан келиб чиққан ҳолда таълим борасида қўшимча таълим хизматига бўлган эҳтиёжни ўрганиб чиқиб, ҳар хил қисқа муддатли пуллик ўқув курсларини ташкил этилди.

Бу борада университетимиз қошида иқтисод, бизнес мутахассисларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш олийгоҳи фаолият қўрсатаётган бўлиб, унда турли хил мутахассисликлар бўйича курслар фаолият кўрсатмоқда.

Ушбу олийгоҳда Республикамизда олий ўқув юртлари ректор мувовинлари, деканлари, кафедра мудирлари, профессор-ўқитувчилари ҳамда академик лицейлар ва коллежлар профессор-ўқитувчиларининг малакаси ошириш бўйича программалар мавжуд. Бундан ташқари 11 мутахассислик бўйича, менежерлар, ЭҲМ операторлари курслари ўқитилади.

Ихтисослашган олий бизнес мактабида эса 7 мутахассисликлар бўйича курслар мавжуд. Буларга «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит», «Солиқ ва солиқча тортиш», «Туризм менежменти», «Бизнесни бошқариш», «Молия», «Банк иши» ҳамда «Бизнесда хўжалик ҳуқуқи» бўйича курслар киради.

Университетимиз жамоаси тадбиркорлик ва кичик бизнес масалаларига алоҳида эътибор бериши, ташқаридан маблағлар олиб келишга ҳамма имкониятларини жалб этиш ва хўжалик ҳисобидаги илмий-амалий ишларни янада кенгайтириши лозим.

### 3. ФИДОИЙ РАҲБАРЛАР

Инсоният пайдо бўлган кундан бошлаб ижтимоий ривожланиш инсонлар ичida энг фидоийлари ҳисобига бўлиб келди. Ҳамма шу жамият аъзоси бўлганлиги

билинг барчанинг ўрни ҳар бирининг ақл-идрохи, фикрлаш қобилияти, ўз касби-корига меҳри, муҳаббати билан ажralиб туради. Худди шундай ҳолат таълим тизимида ҳам мавжуд бўлиб кўпчилик профессор-уқитувчилар таълим йўналишларида ўзига хос натижага эришган ва айнан шу йўналишларнинг дарфаси сифатида танилган.

Университетимиз ҳозирги даражасига келишига кўплаб фидоий инсонлар имкон доирасида ўз ҳиссаларини қўшганлар ва қўшмоқдалар. Бундай инсонлар ўз касбининг ҳақиқий фидоийлари бўлиши билан бирга ўз умрини, ҳаётини ёшларга билим беришдек фахрли, мashaққатли ишга бағишлаганлар.

Шундай ажойиб тантана кунларида ҳар бир инсонга, унинг қилган ишига холисона баҳо бериш, қилган ишларини эслаг олиш ҳам жамоа учун фахрли, савоб ишлардан ҳисобланади. Шу билан бирга 70 йил давомида ишлаб келган барча инсонларни, олиму-фузалоларни ушбу китобга киритиши ва улар қилган ишларини шарҳлаш имкони йўқ. Мабодо айрим олим ва муррабийлар ушбу саҳифамиздан тушиб қолсалар биз олдиндан узримизни билдирамиз.

Олий ўқув юртини бошқарган раҳбар шахслар ўзларининг беғараз меҳнатлари, фидоий ҳаётлари, меҳридарё хислатлари билан институт, кейинчалик университет фаолиятида чуқур из қолдирганлар. Биз эсламоқчи бўлган кўплаб инсонлар ичидан Хайритдин Муродович Муродов узоқ вақт ўқув ишлари бўйича проректор, Юрий Евгеньевич Шенгер илмий ишлар проректори, Тоҳир Қосимович Қосимов, Собир Қосимович Қосимов факультет деканлари; Куёш Пўлатович Отамирзаев, Сайдкарим Қодирхонов, Саидаҳмад Гуломович Гуломов, Гильмулдин Фахретдинович Габзалиев, Павел Васильевич Калякин, Олим Мўминович Аминов, Наим Жабборович Жабборов каби кафедра мудирлари ҳозирги фаолият юритаётган профессор-уқитувчилар қалбida хурмат қозонгандар. Бу раҳбар ходимлар ўзларининг камтаринликлари, меҳрибонликлари, илмий салоҳиятлари, ақл-заковатлари, инсоний фазилатлари, ёзиб қолдирган илмий асарлари, яратган мактаблари, матонатлари, бетакрор илмий маслаҳатлари ва бошқа кўплаб хислатлари билан ёшларда абадий миннадорчилик туйғуларини уйғотганлар. Умрини, ҳаётини таълимга, ёшларга тарбия беришга бағишила-

ган бундай фидоий инсонлар ўзларидан кейин бутун умри мобайнида тұплаган китобларини шу үкүв даргоҳига топширишни васият қылғанлар. Шундай инсонлардан бири Саидахмад Гуломович Гуломовдир. У шахсий кутубхонасидаги 3700 та китобни вафотидан кейин университеттегі ҳадя қилишни васият қылған.

Хозирги кунда университет ҳәтида шундай инсонлар борки, улар олий даргоҳнинг шон-шуҳратини оширишда катта меҳнат қылмоқдалар. Уларнинг меҳнати тұла қадрланиши, улар ёзаётган ва ёзған дарслик ва үкүв құлланмалар, илмий рисола ва мақолалар орқали намоён бўлади.

Олий үкүв даргоҳниниг шон-шуҳрати, ривожи ва равнақи, ўрни, салоҳияти бевосита раҳбарнинг оқиллиги, тадбиркорлиги, инсонпарварлиги, меҳнати, бошқариш услуби билан бевосита боғлиқдир.

Университетимизга раҳбарлик қылған ректорлар бу илм даргоҳининг ривожланишига ўзларининг муносиб ҳиссаларини құшдилар ва құшмоқдалар.

Олий үкүв юртига раҳбарлик қылған ректорларни икки давр, собиқ совет даври ва истиқдол даврига бўлиб қарашни, ҳар бир даврнинг ўзига хос хусусиятлардан келиб чиққан ҳолда ёритишни лозим. топдик.

Собиқ совет даврида олий үкүв юртига ректорлик қылған олимлар М. Турсунов, М. Қориев, И. Искандаров, М. Шарифхўжаевлар ўзларининг бутун имконияти, ақл-заковати, тадбиркорлигини ишга согланлар.

Шуни таъқидлаш лозимки, собиқ совет даврида ҳар бир соғ фикр қораланғанлиги, миллийликка тажовузнинг ўта мустаҳкамлигини, ёшлар тарбиясига умумий услуг ўрнатилғанлигини, ижтимоий фанларнинг ўзбек тилида таржимаси асосида үқитилиши ва мутахассислик фанларидан рус тилида дарс бериш йўлга қўйилғанлигини, илмий изланишлар натижаси ягона белгиланған таркибда бўлишини ва бошқа кўплаб қоидалар раҳбарлик фаолиятини чегаралаб келган.

Юқоридан ҳар қандай кўрсатманинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш эса ҳар қандай ташабbusга ўғов бўлған. Бунга қарамай ўша даврда раҳбарлик қылған ректорларимиз олий үкүв юртида кўп янгиликлар киритдилар. Айниқса, инсоний, миллий, маданий қадр-қимматлар ўз ўрнига қўйилди. Ёшлиар тарбияси уларнинг хулқ-атвори улуг боболаримиз буюк аждодларимиз руҳида бўлиши билан бирга миллий урф-одатла-

римизнинг янада мустаҳкамланишига эришилди. Миллий фидоийларни етиштириш ва улар имкониятларидан унумли фойдаланиш йўлга кўйилди. Олий ўқув юрти моддий-техника базаси мустаҳкамланди, янги мутахассисликлар очилди, ўқув жараёни янада мукаммаллашуви таъминланди.

Айниқса, 1953—1974 йилларда ректорлик вазифасида ишлаган Муҳаммаджон Муродович Қориев томонидан амалга оширилган ишлар эътиборга моликдир. У киши бошчилигига янги қурилган учта ўқув биноси ва иккита ётоқхона мутахассисликлар ва шу асосда талабалар сонини кескин кўпайишига олиб келди. Шу даврда янгича таълим тизими барпо этилишига асос солинди. М. Қориевни билган профессор-ўқитувчилар кўплаб шогирд ва талабалар бекёс миннатдор эканлигига ишончимиз комил. Бу улуф зотнинг охирати обод бўлсин.

Иқтисод фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси Мурод Шарифхўжаевич Шарифхўжаевнинг ректорлик фаолияти айни қизил империянинг халқ ҳужалигининг барча жабҳаларида мустаҳкам қудратга эга бўлган даврига тўғри келди. Олий ўқув юртида тарбия сиёсатини кенг тарғибот қилиш, ўқув жараёнини бевосита кўрсатмалар асосида ташкил қилиш, адабиётларнинг аксарият қисми рус тилида бўлганлиги сабабли дарслар ҳам рус тилида олиб борилиши каби кўплаб масалалар ректордан катта ташаббус талаб қиласди. Вазминлик, ҳар бир ҳолатни чуқур таҳлил қилиш каби хислатларга эга бўлган олим шу вазиятда кўп ишларни амалга ошириб ҳамкаслари, шогирлари ва талабалар орасида ҳурматга сазовор бўлди. Ҳозирги кунда М. Ш. Шарифхўжаев Тошкент Молия институти ректори лавозимида ишламоқда.

Олий ўқув юртига раҳбарликнинг иккинчи даврда истиқлолга эришилган даврга тўғри келади. Бу давр мустақиллик даврига мос ҳолатларни танлаш ва уларни қайта кўриб чиқиш, мутлоқ янгиларини яратиш лозим эди. Масъулият эса ниҳоятда улкан бўлиб, бу даврда нафақат таълим тизимнинг ривожи, балки умуман мамлакат келажаги, унинг илмий салоҳияти, жаҳондаги ўрни, қолаверса, ўзбек миллатининг илмий тарихи ва жаҳон тарихида илмга қўшган ҳиссаларини бойитиш, ёшларга истиқлол фояларини сингдириб бо-

риш, халқымиз учун заарли бүлган фояларга қарши маңнавият асосларини тұғри танлаш ва ривожлантириб борищ, ёшларнинг истиқдолғоғы асосида тұғри йўл танлашлари учун имкониятлар, шароитлар яратиб бериш, янги ўзига хос жараёнини ташкил қилиш ва унинг ўқув-услубий таъминотини йўлга қўйиш, истиқдолғоғи фояларининг фидоий профессор-ўқитувчиларни танлаш ва уларнинг янги авлодни тайёрлаш, кутубхоналар ва қироатхоналар ишини ташкил қилиш моддий-техника базани мустаҳкамлаш ва бошқа ўз ечими ни кутган вазифа ва муаммоларни нафақат тұғри ҳал қилиш, балки давлатимиз равнақи учун йўналтириш лозим эди.

Шундай даврда ўз қилаётган ишига содик, танланган йўлининг самара беришига иншонган раҳбаргина олий ўқув юртининг ривожланишига ҳисса қўшиши мумкин эди. Бундай мураккаб ва масъулиятли даврда, яъни 1988 йилда академик Саидаҳор Саидаҳмедович Фуломов кўпчилик номзодлар ичидан ректор этиб сайланди.

Собиқ совет даврида амалга оширилаётган, бироқ Ўзбекистон учун ҳеч қандай наф бермайдиган ҳар турли ислоҳотлар даврида тұғри миллий барқарорлик йўлини танлаш, шу йўлда барча тўсиқларни енгish учун астойдил меҳнат қилишга бел боғлаган С. С. Фуломов энг оғир даврда раҳбарлик лавозимига ўтди.

Бу даврда ёшлар орасида турли оқимлар олиб бораётган ташвиқот ишларига қарама-қарши оқил, миллый урф-одатларга асосланган тарбиявий ишларни йўлга қўйиш ва ривожлантириш йўларини танлаш лозим бўлди. Талабалар орасида рус тилида ўқитишга қарши гуруҳлар пайдо бўлганда, «Давлат тили тұғрисида» қонун қабул қилинганда унинг баъзи баndlари бўйича эътиrozлар чиққанда раҳбарнинг матонати ва ақл-заковати катта аҳамиятга эга эканлиги яққол намоён бўлди.

Олий ўқув юрти раҳбари номи билан боғлиқ воқеалардан бири Тошкент Халқ хўжалик институтига 1991 йил 6 июндан бошлаб университет мақоми берилиши, шунингдек Тошкент Молия ва Андижон Муҳандислик-иқтисодиёт институтларининг ажраб чиқиши, академик лицейнинг ишга тушиши, мамлакатимизда илк бор магистратура таълим босқичининг очилиши, талабаларнинг биринчи чет элга чиқишлиари учун Прези-

дент томонидан 100 минг АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратилиши, қимматга тушаётган кечки ўкув жараёнига барҳам бериш, профессор-ўқитувчилар ва талабаларнинг дам олишлари учун Чорвоқда бунёд этилган сиҳаттоҳ, кўплаб янги факультет, кафедра ва мутахассисликларнинг очилишидир.

Серқирра билим эгаси ва инсоний муносабатлар соҳиби учун амалга оширилган ишлар ҳозирги оддий кундалик фаолият ҳисоблангани билан ҳар бир даврнинг ўзига хос шарт-шароитлари катта ташкилотчилик меҳнатини талаб қилган. Мустақиллик даври муҳитини яхши ҳис қилган ҳар бир соғдил, ижобий ишларни холисона баҳолайдиган инсон ҳозирги эришган даражанинг илдизи шу ўтган даврларда мустаҳкамланиб борганлигини тан олади.

Мустақиллик даврида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Охирги 6 йилда «Алгоритм» даҳасида 9 қаватли 240 ўринли профессор-ўқитувчиларга, аспирантларга мўлжалланган ётоқхона, 10 йил курилиши тўхтатиб қўйилган маъмурий кутубхона, маданият маркази бинолари, академик лицей ва университетнинг еттинчи ўкув бинолари курилиб ишга туширилди. Ҳозирги кунда бу муҳташам биноларда замонавий ўкув жараёнлари амалга оширилмоқда. Ётоқхонада эса аспирантлар, ёш ўқитувчилар, талабалар яшашлари учун шарт-шароитлар яратилган.

Университет ҳаётида чет эл инвестицияларини жалб этишга алоҳида эътибор берилган. Шу даврда қарийб 10 млн. АҚШ доллари миқдорида маблағлар IBF, JVI фонdlари орқали олинди ва улар магистратура таълим босқичини молиялашга, бухгалтерия маркази очилишига, кутубхонани жихозлашга, бизнес мактабларни ривожлантиришга сарфланди. Бу ҳаракатлар ўз мевасини берди. Ҳозирги кунда «Келажак илми», «Олий бизнес» бизнес мактаблари, жуда катта кутубхонада «Интернет» тармоғи ишлаб турибди. Кутубхона фонда маъруза матнлари билан тўлдирилган.

Ўтган даврда университетнинг ривожи ва кенгайишида ибратли ишлар амалга оширилди. «Халқаро иқтисодий муносабатлар», «Халқаро Бизнес», «Халқаро туризм» факультетларининг очилиши ҳамда «Халқаро валюта-кредит муносабатлари», «Маркетинг», «Божхона иши», «Менежмент», «Аудит», «Суфурта иши ва Қимматли қофозлар», «Халқаро туризм» ва бошқа кўплаб

кафедралар барпо этилиши мاشаққатли, лекин давлатимиз аҳамияттаги молик ишларни йўлга қўйиш раҳбардан матонат ва фидоийликни талаб этди. Академик С. С. Фуломовнинг бу хайрли меҳнат натижалари шу кунларда ўз нишонасини бермоқда. Янги очилган йўналишлар бўйича ўқишини битирган бакалавр ва магистрлар давлатимиз ривожига ўз ҳиссаларини кўшмоқдалар.

Шу даврда очилган, университет ҳузурида фаолият кўрсатаётган «Иқтисодиёт, бизнес, мутахассислар малякасини ошириш институти» (директор проф. Г. Н. Охунова) Республикаизда иқтисодчи-педагоглар, иқтисодиёт соҳалари мутахассислари малакасини оширишда тинмай изланишлар олиб бормоқда. Мазкур институтнинг барпо этилиши ва унинг ҳозирги фаолиятида узоқни кўра билиш қобилияти насиб этган раҳбарнинг ўрни борлиги яққол кўзга ташланади.

Раҳбарнинг узоқни кўзлаб, очиқ кўнгил ва улкан ниятлар билан фаолият юргизиши ўзига хос хислатдир. 1997 йилда очилган университет қошидаги гимназияда (директори Ф. Усмонов) иқтисодиёт йўналишида ёш авлодни тарбиялашдек фахрли ва хайрли иш келажакда давлатимиз иқтисодини муқаммал биладиган кадрлар етиштиришда ўз ифодасини топади. Гимназияда ўқиётган ёшларга таълим бериш учун Тошкент Давлат иқтисодиёт университети профессор-ўқитувчилари жалб этилган.

Мустақилликка эришиш деган иборада жуда кенг маъно ётади. Таълим соҳасида бозор муносабатлари шароитида мутахассис тайёрлашнинг бош мезони ҳисобланган профессор-ўқитувчилар тайёрлаш билан боғлиқ улкан вазифаларни бажаришни тақозо этади. Ҳаммага аёнки педагоглар, илмий даражали олимларни тайёрлаш бир тизимдан иккинчи тизимга ўтиш даврида ниҳоятда мушкул ва узок муддат талаб қиласиган жараёндир. Раҳбарнинг бу йўналишда ҳаракатлари ўз самарасини берди. Қисқа муддатда 9 мутахассислик бўйича очилган Ихтисослаштирилган кенгашда бозор муносабатлари илмини ўзида мужассамлаштирилган 40 докторлик ва 150 яқин номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинди. Илмий кенгаш раисининг бевосита фаолияти даврида университет профессор-ўқитувчилари Р. Алимов, Т. Шодиев, Д. Ахмедов, Г. Назарова, К. Алимов, Ҳ. Раимов, З. Тошматов, Ш. Холмўминов, Б. Ходиев,

А. Бекмурадов, М. Қосимовалар докторлик диссертацияларини ҳимоя қилдилар ва ҳозирги кунда раҳбарлик лавозимларида меҳнат қилмоқдалар.

Ихтисослаштирилган кенгаш раиси С. С. Гуломовнинг бевосита раҳбарлигидаги 6 докторлик ва 23 номзодлик дессертациялари ҳимоя қилинди ва улардан А. Бекмурадов Халқаро иқтисодиёт ва дипломатия университети проректори, С. Умаров «Ўзбекинвест» миллий суғурта компанияси раиси, А. Эрданаев «Турон» тижорат акционерлик банк бошқаруви раиси, И. Ўринбоев, «Фаллабанк» раиси. Шунинг билан бирга ихтисослаштирилган кенгашда ўз диссертацияларини ҳимоя қилган С. Рахимов «Асака» банки бошқаруви раиси, М. Нормуродов Ўзбекистон Республикаси Молия вазири, Т. Жўраев Ўзбекистон Республикаси Молия вазири ўринбосари, М. Рахмонов «Кимё саноати» концерни раисининг ўринбосари, О. Боқиев «Туркистон» банки бошқаруви раиси лавозимларида фаолият кўрсатмоқдалар.

Илмий ишлар кўламининг давомийлигини таъминлаш мақсадида университетда «Иқтисод ва таълим» ойномасининг нашр этилиши катта воқеа бўлди. Ойнома муҳаррири сифатида ректор ёш ўқитувчилар, шогирдтадқиқотчилар, аспирантлар, докторантлар, катта илмий ходимлар учун кўп имкониятлар яратиб берди. Ҳозирги кунда бу ойнома ўзининг кўплаб муаллифлари ва ўқувчиларига эга.

Академик С. С. Гуломов бошлаган хайрли ишлар сирасига ўқув жараёни ва унинг ўқув-услубий таъминоти, таълим чегараларини янада кенгайтириш, янги замон талабларига мос кадрлар тайёрлаш, чет эл инвестицияларини таълим тизимиға жалб этиш, хориж нуфузли олий ўқув юртлари ва атоқли олимлари билан мустаҳкам алоқалар ўрнатиш, шу асосда илмий анжуманлар ўтказиш, қўшма факультет ва кафедралар очиш, таълабалар ва профессор-ўқитувчиларни чет элларга юбориши, дарслик ва ўқув қўлланмалар ёзиш, таржима қилиш ва уларни чет эллардан келтириш, илмий-педагогик салоҳиятни кутариш кабиларни киритиш мумкин. Булар профессор-ўқитувчининг қалбида фуур, ифтихор, миннатдорчилик туйғуларини уйғотиши табиий. Куйидаги рақамлар бу инсоннинг нақадар ўз ишига фидоийлигидан далолат беради. Масалан, 1992—2000 йилларда шахсан ўзи кутубхонага 7700 нусхадаги 6740

номдаги адабиётларни тақдим этди. Шулардан тахминан 40 фоизи Россиядан олинган бўлса қолган қисми бошқа хорижий мамлакатлардан келтирилган.

Университет раҳбарининг сайти ҳаракатлари билан чет элдаги нуфузли, олий ўқув юртлари билан мустаҳкам алоқалар ўрнатилган. Ҳозирги кунда университет қошида Вена институтининг ҳудудий марказида давлат хизматчиларини инглиз тилида макроиктисодиёт, микроиктисодиёт, менежмент, маркетинг, молия, кредит йўналишлари бўйича тайёрлаш йўлга қўйилган. Шу билан бирга университетда турли ҳалқаро ташкилотлари марказларининг барпо этилиши ҳам шу инсоннинг номи билан боғлиқ. Ҳалқаро қайта қуриш ва ривожланиш банкининг иқтисодий ривожланиш институти, Ҳалқаро молия корпорацияси, Британия кенгашининг ресурс маркази, ТАСИС, Норвегия билан барпо этилган Бизнес-режа маркази шулар жумласидандир.

Шу даврда Тошкент давлат иқтисодиётуниверситети профессор-ўқитувчиларининг қарийб учдан икки қисми чет элда бўлиб ўз билимларини кенгайтириб келдилар. Ихтисослаштирилган докторлик ва номзодлик диссертациялари ҳимоясини қабул қиласиган иммий кенгашларнинг фаолияти кўрсатиш ҳам бевосита ректор ташаббуси ва сайти ҳаракатлари эвазига бўлди. Бундай улкан ишларни йўлга қўйган, ўз жамоасига содик, кўзлаган мақсадига эришмагунча тиниб-тинчимайдиган академик С. С. Гуломовга катта ишонч билдирилиб у 1998 йил июл ойидан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазири этиб тайинланди. Фидоийлик ва ўз ишига садоқат билан ёндошишга ўрганиб қолган С. С. Гуломов вазирликда ҳам жуда катта ўзгаришларга бошқош бўлмоқда. Ҳозирги кунда ўзбек ва рус тилларида маъруза матнлари олий ўқув юртларида ўқитида-диган барча фанлардан тайёрланди. Дарслик ва ўқув кўлланмалар ёзиш бўйича бевосита муаллифлар билан шартномалар тузилди ва 2003 йилларга бориб адабиётлар билан тўла таъминлаш режаси ижроси назорати амалга оширилмоқда. Факультет деканлари ва кафедра мудирлари ўз лавозимига тайинланишидан олдин таълим тизими, унинг муаммолари ва ечимлари, бозор шароитида ёшлар тарбияси кабилар юзасидан уларнинг ташаббускорлиги, тадбиркорлигини баҳолаш қоидалари барпо этилди. Малака оши-

риш тизими ва услубий асослари яратилди ва бу механизм ишлай бошлади.

Чет эл олий ўкув юртлари, Халқаро фондлар ва дастурлар АКСЕЛС, ТАСИС, ТЕМПУС ва башқалар билан алоқаларни мустаҳкамлашда алоҳида ўрнак кўрсатди. Ҳар бир сафарга борган давлатида Ўзбекистон Республикасининг таълим тизимидағи улкан ўзгариш ва амалга оширилаётган ишлар кенг тарғибот қилиб келмоқда.

«Умид» жамғармаси ва «Устоз» фонди орқали олий ўкув юртларида ўрнатилаётган ўкув, илмий-амалий алоқалар бевосита акад. С. С. Фуломовнинг номи билан боғлиқдир. Академик Саидаҳорп Саидаҳмедович Фуломовдек раҳбар инсонларнинг меҳнати, фидоийлиги унинг сафдошларини, бирга меҳнат қилаётган ходимларни, Тошкент Давлат иқтисодиёт университети профессор-ўқитувчиларини Ватанимиз равнақи йўлида тинмай меҳнат қилишга ундейди.

## ХУЛОСА

Ҳар қандай мамлакат келажагини чуқур илмли, билимдон юксак маънавий ва маданиятли мутахассис кадрлар белгилаб беради. Бу буюк тарихий ўтмишга эга бўлган, мустамлакачилик йилларида миллний иқтисодиёти инқирозга юз тутган, ҳозирги бозор иқтисодиётiga ўтишнинг мураккаб ва сермашаққат дамларини бошидан кечираётган, ўз обру-эътиборини жаҳонда тезроқ тиклаши зарур бўлган, бизнинг ёш, мустақил Республикамиз учун алоҳида аҳамият касб этади.

Дарҳақиқат, Президентимиз И. А. Каримов айтганларидек, бозорнинг ўзгарувчан шароитларида меҳнат қилишга лаёқатли, маҳаллий юқори малакали кадрларисиз Ўзбекистоннинг мустақиллигини тасаввур қилиш қийин.

Табиийки, Президентимиз ва Республикамиз ҳукумати бу ўринда муҳим тадбирларни амалга ошириб келмоқда. «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллний дастури»нинг қабул қилиниши шулар жумласидандир.

Ўзбекистон Республикаси узлуксиз таълим тизими миллний моделини амалга оширишда Тошкент Давлат иқтисодиёт университети алоҳида ўрин эгаллайди.

Бизнинг кадрларимиз миллний иқтисодиётнинг барча соҳаларида муваффақият билан меҳнат қилиб келмоқдалар.

Бозор иқтисодиётига ўтиш кадрлар олдига ниҳоятда юксак вазифалар қўяди, уларнинг масъулиятини оширади. Шу куннинг иқтисодчиси барча билан тил топа оладиган — дипломат, чет тилларни пухта эгаллаган — тилчи, келажакни яхши ҳис қила оладиган — башоратчи, кишиларнинг руҳий ҳолатини сеза олувчи — психолог, барча қонунлардан хабардор — юрист, маҳсулотларни юқори сифатли чиқариш устида бош қотира оладиган — технолог, муҳандис, нархлар «ўйинида» қатнаша оладиган ишбилармон-тижоратчи каби қобилиятларга эга бўлишлари лозим. Шунинг учун бизнинг мутахассисларимизга бўлган талаб жуда катта ва

улар миллий иқтисодиётимизнинг барча тармоқ ва соҳаларида: банклар, биржалар, брокерлик ва аудиторлик идоралари, солиқ тизими, вазирликлар ва ҳоказоларда муваффақиятли ишламоқдалар.

Республикамизнинг мустақил бўлиши чет эллар билан алоқаларнинг кенгайтирилишига имкон бермоқда. Бу эса ўз навбатида хорижий мамлакатларда ваколатхоналар ва улар қошида маҳсус иқтисодиёт билан шугууланувчи бўлимлар очилишига олиб келмоқда. Бизнинг бу мутахассисларимиз хорижда Республикамизнинг жонкуяр вакиллари сифатида Ўзбекистон номига шуҳрат келтиришларига аминмиз.

Мутахассисларимиз Трансмилий корпорациялар, Халқаро иқтисодий ташкилотлар, ҳамкорликдаги корхоналар, хусусий, давлат ташкилотлари ва бошқа мутасасаларида самарали меҳнат қилмоқдалар.

Университетимизда талабаларга ўргатилаётган замонавий фанлар, энг илгор фан ва техник ютуқларига асосланади. Талабаларга бозор иқтисодиёти, Халқаро иқтисодиёт, хорижий мамлакатларнинг илгор тажрибаси ҳақида илм берибгина қолинмасдан дипломатия этикаси, ҳамкорликдаги корхоналар, чет элларга маҳсулот сотиш, банк, солиқ, тизими, божхона, биржа, Халқаро иқтисодий муносабатлар кабиларнинг сирлари ҳам ўргатилмоқда. Бунда энг янги технологиялар, дастурлар ва замонавий компьютерлардан фойдаланмоқдамиз.

Кейинги йилларда ТДИУда ўкув жараёнини компьютерлаштириш бўйича ҳам бир қанча ишлар қилинди. Ҳамма иқтисодий мутахассисликларнинг режасига компьютерларда олиб бориладиган «Информатика», «Интернетга кириш», «Компьютер графикаси», «Иқтисодий математика моделлари ва усуллари», «Ахборотлар технологияси» каби фанлар киритилган. Ўкув машфулотлари замонавий компьютер воситалари билан жиҳозланган тармоқли ўкув синфларида ҳамда аудио ва видео хоналарида ўтказилмоқда.

Бир қатор ахборотлаштирилган тизимлар ва масалалар мажмуаси: «Талабалар контингенти», «Стипендия», «Кадрлар», «Ойлик маош», «Кутубхона», «Ўкув юкламасини ҳисоблаш» ва ҳ.к. фойдаланилмоқда. Университетнинг ҳамма бўлинмалари замонавий компьютер техникаси билан таъминланган. Аниқ инфраструктура яратилган, унинг қаторига маҳсус ахборотлар технологияси ўкув-илмий маркази ҳам киради.

Бу ишларни муваффакиятли амалга ошириш ва яна-да юксалтириш учун университетимиз етук билимли мутахассисларга эга, улар орасида 229 та фан доктори ва номзодлари фаолият кўрсатмоқдалар. Бу умумий профессор-ўқитувчиларнинг 46,9% ташкил этади. Шуниси қувончилики, университетда фан докторларининг миқдори ўсиб бормоқда. Масалан, 1990 йилда улар профессор-ўқитувчилар таркибида 3,9% ташкил этган бўлса, 2000 йилда бу кўрсатгич 9,4%ни ташқил этди. Яқин келажакда 120 га яқин фан доктори ва номзоди тайёрлаш кўзда тутилмоқда. Улар 5700 га яқин талабага билим бериш, Ватан фидоийлари этиб тарбиялаш билан бир вақтда иқтисодиёт илмини Республикаизда юксакликка кўтаришга муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Университет профессор-ўқитувчиларининг 1990—2000 йилларда 460 га яқин номланишдаги монография, дарслик, ўқув-методик қўлланмалари ва бошқа чоп этилган илмий ишлари уларнинг нақадар катта илмий салоҳиятга эга эканлигидан далолат беради. Бу ишларнинг барчаси шу куннинг энг долзарб муаммолига бағишиланган.

Университетимиз жамоаси ишлаб чиқарувчилар билан ҳам доимий алоқа ўрнатган. Кўпгина вазирликлар, йирик корхоналар билан ҳамкорлик ҳақида шартномалар тузилган. Профессор-ўқитувчиларимиз ва талабаларимиз Республика вазирликлари, банк, солиқ идоралари, божхона, биржалар ва қўшма корхоналарда амалий тажриба алмасиб турадилар. Университетда 30 дан ортиқ, ишлаб чиқариш, илмий-тадқиқот ва нашриётчилик фирмалари фаолият кўрсатиб келмоқда. Унда турли хил ишлаб чиқариш буюртмалари бажарилмоқда. Масалан: Марказий банк, Давлат солиқ қўмитаси фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича тадқиқотлар ўтказилди. «Ўзбексельмаш» учун қишлоқ хўжалиги машиналарининг, «Ўзбекқоракўл маҳсулоти» ассоциацияси учун эса қоракўл маҳсулотлари ишлаб чиқариш саноатининг бозори таҳлил қилинди. Бу ишлар натижасини ишлаб чиқарищда жорий этиш шартли иқтисодий самарадорлиги 268 млн. сўмдан ортади.

Университетимиз жаҳоннинг энг машхур илм даргоҳлари билан ўзаро тенг хуқуқли, дўстона муносабатлар ўрнатган. Университетда 1990—2000 йиллар давомида 300 дан ортиқ хорижлик талаба таҳсил олди ва 500 га яқин хорижлик профессорлар ўқув машғулотла-

ри олиб бордилар ва илмий анжуманларда иштирок этдилар. Шу йилларда хорижда университетнинг бир қанча профессор-ўқитувчилари ўз малакаларини оширидилар. Уларнинг 19 монографиялари чоп этилди. Бу монографиялар асосан АҚШ, Япония, Бельгия, Германия каби мамлакатларда нашрдан чиқди. Бу йиллар давомида университет олимлари томонидан хорижий шериклар билан ҳамкорликда 20 дан ортиқ илмий лойиха амалга оширилди. Улар жумласига, Жаҳон банкининг иқтисодий ривожланиш институти, «НИП-ПОН», «САСАКАВА», «СОРОС», «Евроосиё», «АК-СЕЛС» ва бошқа фонdlар билан ҳамкорликда бажарилган ишлар киради.

Илмий тадқиқот натижалари бўйича ушбу давр ичida юқори ташкilotларга 269 та таклиф ва тадбир матнлари тақдим этилди. Ҳудди шу даврда университет олимлари томонидан тайёрланган 157 илмий ишлар тадбиқ этилганди. 2000 йилда университет томонидан бажарилган илмий-тадқиқот ишлар 6 та мавзу бўйича 2.561.1 минг сўмни ташкил этди.

Университет ўзининг хорижий алоқаларидан фойдаланиб, чет эл инвестицияларини жалб қилишга эришди. Масалан, 1990—2000 йилларда грантлар шаклида жалб қилинган инвестициялар 15,4 млн. АҚШ доллари ва 128 минг Евро ҳажмида қайд этилган. Ушбу грантлар профессор-ўқитувчиларни ўқитишга, илмий-тадқиқот дастурларини бажаришга, Давлат муассасаси ходимлари ва мутахассисларини бозор иқтисодиёти асослари, маркетинг, менежмент, банк иши ва бошқалар бўйича ўқитишга йўналтирилди. Шунингдек, қобилиятли талаба ёшларни хорижий университетларда ўқитишга ҳам ана шу маблағлардан жалб этилди. Умуман, хорижда 100 дан ортиқ талабаларимиз илм олиб қайтдилар.

Шундай қилиб, университетимиз жамоаси доимий изланишда, ўсишда. Аммо бизнинг фаолиятимизда ҳам айрим муаммолар мавжуд. Иқтисодчилар тайёрлашнинг умумий тизими ҳозирги кун талабларига тўла жавоб берса олмаяпти.

Замонавий талабларга жавоб берадиган таълим беришнинг моддий-техника базаси етарли даражада ривожланмаган.

Бу муаммоларни ҳал қилиш фақат университетимиз доираси билангина чегараланиб қолмасдан умум-

таълим тизими, Республикаизда кадрлар тайёрлаш масалалари билан ҳам узвий боғлиқдир. Шу кундаги узлуксиз, таълим тизимимиз — моделимиз бизнинг фикримизча мукаммал даражадаги меъёрий хужжатларга эга эмас, анчагина ортиқча бўғин ва ноўрин, кераксиз бошқарув аппаратини ҳам ўз ичига олади.

Маълумки, бозор иқтисодиётининг муҳим мезони ва омилларидан бири мулкчилик хилма-хиллитига эришишдир. Бу маънода ҳиссадорлик жамиятлари, айрим илфор шахслар тажрибаси ва технологиясига асосланган хусусий ўкув юртларининг очилиши ҳам таълим тизимида юқори сифатли кадрлар тайёрлаш учун маълум маънода асос яратади.

Хуллас, олий таълим тизимида монополизмга чек қўйиш вақти етиб келди деб ҳисоблаймиз. Бу борада Президентимиз ҳам бир неча бор таъкидлаган эдилар. Уларни замон талаби, эркинлик ҳақидаги чуқур мулоҳазалари мезонидан келиб чиқиб олий таълим соҳасида талабалар сони, уларнинг ўқишига ҳақ тўлаш миқдори, олинадиган мутахассислик ва билим тури, барчаси талаб ва таклиф қонуни асосида ташкил этилмоғи лозим.

Олий таълим соҳаси ва шу жумладан Тошкент Давлат иқтисодиёт университетини мукаммаллаштиришнинг асосий йўли бу борада янада кенгроқ эркинликка эришишдир. Буни кенг маънода англамоқ лозим. У ўз ичига касб ва фанларни, уларга билим берувчи профессор-ўқитувчиларни танлаш каби масалаларни олади.

Университетимиз фаолиятини яхшилашда унинг бошқариш, моддий-техника базасини янада мукаммаллаштириш алоҳида аҳамиятга эга. Махсус лаборатория ва хоналар кенгайишини ташкил этиш, ўкув-услубий ва илмий жараёнларда қайта ЭҲМ тизимидан фойдаланиш янада яхши натижалар бериши мумкин.

Яқин келажакда ТДИУ Халқаро университетлар асосициясининг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлишига эришмоқчи. Халқаро алоқаларимизни янада кенгайтириш, олий тоифали иқтисодчилар тайёрлаш сифатини янада ошириш бизнинг муқаддас ниятимиздир.

# ИҚТІСОДЧИЛАР МАСКАНИ

«Шарқ» нашриёт-матбаа  
акциядорлик компанияси  
Бош таҳририяти  
Тошкент — 2001

Мұхаррир *A. Бобониёзов*  
Рассом *K. Акчулаков*  
Бадий мұхаррир *Ф. Башарова*  
Техник мұхаррир *Д. Габдрахмонова*  
Мусаҳых *Ж. Тоирова.*

Теришга берилди 12.07.2001. Босишга рухсат этилди 11.09.2001.  
Бичими  $84 \times 108^{1/32}$ .  
Таймс гарнитураси. Офсет босма. Шартлы босма табоги 10,18.  
Нашриёт ҳисоб табоги 10,8. Адади 2000 нұсха. Буюртма № 2243.  
Баҳоси келишув асосида

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик  
компанияси босмахонаси.  
700083, Тошкент шаҳри, Буюк Турун күчаси, 41.

